

37
М 99

Н.А. МУМИНОВ

МАЪНАВИЯТ – МУСТАҚИЛЛИК ПОЙДЕВОРИ



ТОШКЕНТ

37
M 99

Н.А. МҮМИНОВ

**МАЊНАВИЯТ – МУСТАҚИЛЛИК
ПОЙДЕВОРИ**

ГРНГ 02. 51. 45

2012.9.5.4

Toshkent Axborot Texnologiyalar Universiteti

323761

Axborot Resurs Markazi

ТОШКЕНТ – 2014

43353

УЎК: 37.017.92 /575/1
КБК 66.3 (5Ў)
М-99

М-99 Н.А. Мўминов. Маънавият – мустақиллик
пойдевори. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014,
320 бет + 12 расм.

ISBN 978–9943–975–00–2

Ушбу китобда мустақиллик шарофати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан бунёд этилган маънавият сабоқларига оид айрим фикрлар, мушоҳадалар, мулоҳазалар баён этилган.

Китоб оммабоп тарзда ёзилган бўлиб, ўрта мактаб, касб-хунар коллежлари, академик лицей ўкувчилари, олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган.

УЎК: 37.017.92
КБК 66.3 (5Ў)

Масъул мухаррир:
М.Қуронов – педагогика фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:
Д.Шарипова – педагогика фанлари доктори, профессор;
Ш.Э.Қурбонов – педагогика фанлари доктори, профессор;
О.Атамираев – география фанлари доктори, профессор.

Ҳомийлар:
«Қудрат», «Тиббиёт дунёси», «Вертексагро» масъулияти чекланган жамиятлари ва «Telekom innovations» қўшма корхонаси.

*Тошкент педагогика коллежи педагогика Кенгашининг
2014 йил 29 августдаги қарори билан нашр этилди.*

ISBN 978–9943–975–00–2

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.

*Ушбу китобни муштинар онамиз Умринисо
Миробид қизи, заҳматкаш отамиз Мир Абдулло
Мир Мўмин ўғилларининг ўчмас хотираларига
багишлайман.*

**I. ПРЕЗИДЕНТ И.КАРИМОВНИНГ
«ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ» АСАРИ
ҲАММАМИЗ УЧУН ДАСТУРУЛАМАЛДИР**

*«Дипломга эга бўлиши бу-ҳали том маънодаги
зиёли дегани эмас. Зиёли одам ўз тафаккури,
савияси, пок юраги, ички маданияти билан
мутлақо бўлакча инсон бўлади».*

И.А.Каримов

Мустақиллик – бу аввало, соф ғоявий-сиёсий, мафкуравий цивилизация.

Маънавият, маърифат ва мафкура жамиятнинг тараққиёт талаблари ва эҳтиёжларига руҳий уйғун бўлса ҳалқни, миллатни камолотга бошлайди, манфаатларига зид келгудек бўлса, ҳалокатга етаклайди, маънавий-ғоявий манқуртликка олиб келади. Маданий-маънавий жаҳатдан қашшоқ бўлган мамлакат буюқ, порлоқ истиқболга эга бўла олмайди. Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тараққиёт тақдирини маънавий-маърифий, ғоявий, сиёсий-хукукий жиҳатдан етук ва баркамол кишилар ҳал қилади, «Ҳалқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш –Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир», –дейди юртбошимиз Ислом Каримов.

Жамият ва инсон эҳтиёжлари шунчалик хилма-хил ва мураккабки, улар орасидан энг муҳимларини ажратиб кўрсатишининг ўзи мушкул. Инсон яшashi, бола-чақасини боқиши учун баркарор даромад манбаига эга бўлиши лозим. Оч одамнинг кулогига кўшик ҳам, панд-насиҳат ҳам кирмайди, гўзаллик ҳам, санъат асари ҳам кўзига кўринмайди. Шу сабабдан, китобда ҳаққоний эътироф этилгандек, «аввал иқтисод», деган тамойил инсон ва жамият ҳаётида ҳамиша долзарб бўлиб келган. Айни пайтда инсон факат қорнини ўйласа, нафс қулига айланади, эзгулик ва ёвузликнинг фарқига бормай қолади, ундаги ҳайвоний майллар инсонийликдан устун келади. Шу боис маънавият, маънавий юксалиш ҳам ўта долзарб масала.

Лекин башарият тарихи шуни кўрсатадики, моддий ва маънавий эҳтиёжлар ҳамма замонларда ҳам бир хилда мутаносиб ривожлантирилмаган. Натижада жамият бир томонлама тараққий этиб, охир-окибатда кўплаб чигал муаммолар гирдобида колиб кетган.

Мустакилликка эришган илк кунларимиздан бошлаб юртимизда жамиятнинг моддий ва маънавий жихатдан уйғун ривожланишига, ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада буюк аждодларимиз бошлаб берган анъаналар замон талаблари асосида давом эттирилмоқда ва моддий-иктисодий омиллар билан устувор аҳамият касб этмоқда.

Табиийки, «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида бу йўлда эришилган бой ва ибратли тажриба умумлаштирилган, шу асосда муҳим назарий хуносалар чиқарилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг манфаатлари учун» деган даъват шунчаки шиор эмас, балки янгиланиш жарабёнининг, бунёдкорлик ишларимизнинг реал ифодасига айланиб бормоқда.

Юртимизда истиқлонинг дастлабки кунлариданоқ моддий ва маънавий ҳаётни ўзаро уйғун ривожлантириш шунчаки илмий-назарий эмас, балки стратегик вазифа сифатида белгилаб олинди.

Шу муносабат билан китобда «япон мўъжизаси» ва «корейс мўъжизаси»нинг маъно-моҳияти таҳлил этилиб, моддий ва маънавий қадриятларни уйғун ривожлантиришнинг ўзига хос фалсафаси, амалий масалалари кенг миқёсда очиб берилган.

Муаллиф азалий қадриятларимиз ҳақида фикр юритар экан, меҳр-окибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шавқат, қадр-киммат каби тушунчаларни бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг ўзи мушкул эканини таъкидлайди.

Шу маънода, қуйидаги фикрлар дикқатга сазовор: «Дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмокчи, унинг бойликларини эгалламокчи бўлса, аввалимбор, уни куролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади» (11-бет). Шундан сўнг «маънавий таҳдид» тушунчасининг мазмун ва моҳияти очиб берилади. «Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан катъи назар, – деб ёзади муаллиф, – ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши каратилган, унинг руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мағкуравий, гоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман» (13,14 бетлар).

Китобда тарих такозоси билан бир пайтлар чуқур инқирозга тушиб қолган халқлар биринчи галда маънавият негизида юксалгани Япония ва Жанубий Корея халқлари мисолида кўрсатилади. Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-кудрат манбаи экани, бу ҳаётда маънавиятсиз ҳеч қачон одамийлик ва меҳр-окибат, баҳт ва саодат бўлмаслиги эътироф этилиб, «маънавиятни тушуниш, англаш учун аввал, инсонни тушуниш, англаш керак», деган теран мазмунли хулоса чикарилади.

Ҳаммамизга маълум, «таълим-тарбия» деган ибора мавжуд. Ушбу иборадан шундай хулоса чикадики, таълим билан тарбия бир вактнинг ўзида олиб борилиши лозим.

Чунки инсон ҳар қандай таълимга эга бўлгани билан тарбияси бўлмаса, таълимнинг самараси кўнгилдагидек бўлмай қолиши мумкин.

Соткинлар, фирибгарлар, ватанпурушлар, ваҳобийчилар, ҳизбут таҳрирчилар, нурчилар, экстремист, террорист ва шу кабиларнинг таълими йўқми? Бор албатта. Айримлари бир эмас, бир неча таълим дипломларига эга. Шунинг учун Президентимиз И.Каримов дипломга эга бўлиш ҳали у инсоннинг тарбияли, маънавиятли эканидан дарак бермаслиги ҳақида куюниб гапирган.

Ҳақиқатан ҳам агар мумкин бўлса, «таълим-тарбия» иборасини «тарбия-маънавият-таълим» деб ўзgartирган бўлар эдим. Нима учун совчиликка боргандা қизнинг етти авлодини текшириш керак дейилган. Бундан асосий мақсад авлоди тозами, тарбиялими, ирсиятида нохушликлар йўклиги, шуларни билиш бўлган, албатта. Бобомиз Амир Темур қизнинг ўн биринчи авлодигача текширишни талаб қилган экан. Ирсиятга ёпишган хислат ҳар доим бўлмаса ҳам вакт-вакти билан безовта килиши, пайдо бўлиши мумкин экан. Эътибор берган бўлсангиз, айрим ўсимлик уруғи ерни чопиб, ўғитлаб эксан ҳам биз ўйлаган даражада униб чиқмаслиги мумкин. Бирок ёз чилласида шоҳ кўчадаги асфальт ётқизилган жойдан у ёки бу ўсимликни кўкариб чикканини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Чунки ўша униб чиқкан ўсимлик уруғи ирсияти бакувват бўлган бўлади.

Шунинг учун авлодлар ирсиятини қандайлигига караб тарбия, маънавиятнинг мазмуни ҳам ҳар хил бўлиши турган гапдир, албатта. Шунинг учун ҳам Президентимиз «юксак маънавият – енгилмас куч» деб атадилар.

2014 йилни «Софлом бола» йили деб аталишида бир дунё мазмун бор. Агар ҳомиладорлик даврида она маънавиятни чуқур тушуниб етмас экан, туғилган фарзанд қонида ҳам маънавият тўла мавж урмайди.

Бобомиз Алишер Навоийнинг «Олим бўлма, одам бўл», деган накллари канчалик ҳаётбахш эканлиги ҳозирги кунда хам сезилиб турибди.

Испохотларни халкнинг миллий-маънавий хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда олиб бориш зарурлигини таъкидлаб, муаллиф бундай ёзади: «Демократия, авваламбор, маънавий мезонлар асосида бошқариладиган кучли ҳукукий давлат, кучли фуқаролик жамияти демакдир» (108-бет).

Бизнинг камтарона маънавият сабокларимиз, бир неча йил турли хил лавозимларда меҳнат қилиб, талабаларга миллий истиклол ғоясини тушунтириш ва баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида пайдо бўлган фикрлар баёни бўлиб ҳисобланади. «Маънавият сабоклари» номли китобнинг нашр этилганига 4 йил бўлган бўлса, шу йиллар мобайнида китоб билан таниш бўлган инсонлар ижобий фикр билдиришиб, иложи бўлса қайта нашр этишни хам тавсия қилишди. Китобни кўпроқ Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессор-ўқитувчи ва талабалари, Тошкент ахборот технологиялари университети профессор-ўқитувчи ва талабалари, 1-Тошкент педагогика коллежи профессор-ўқитувчилари ва ўқувчилари, Боровский номидаги медицина касб-хунар коллежи профессор-ўқитувчилари, Миробод туман Миробод маҳалла ахли ва зиёлилари таҳлил этишиб, ижобий фикрларни билдиришди.

Мен муаллиф сифатида баён этаётган камтарона фикрлар кўпчиликка маълум ва улар дилидаги ҳис-туйғулардир. Мен фақат инсонлар билан сухбатлашиб, улардан олган мулоҳазаларни ўз фикрларим билан уйғунлаштириб қофозга туширишга ҳаракат қилдим, холос.

Мустақиллик баҳори шамолигина республикамизда асрлар оша орзу килиб келинган маънавиятни гуллаб-яшнашига йўл очиб берди. Шунинг учун қайта нашр этишда китобнинг номи «Маънавият-мустақиллик пойдевори» деб аталди.

Ушбу сабоклар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни бажонидил қабул этиб, ўзимиздаги сабокларни янада ривожлантириш ҳозирги кунга қадар эришган камолимизни мустаҳкамлаш орзусидамиз.

Маънавият бўйича жуда кўп фикрлар, мулоҳазалар, мушоҳадалар юритиш мумкин.

Маънавият – бу мустақиллик пойдевори, тинчлик, ҳурлик, фароғат, бирдамлик, ҳамкорлик, олижаноблик, хотиржамлик, хуррият, миллат бирлиги, миллат истиқболи, ҳамжиҳатлик, инсонийлик, кадриятлар асоси, порлоқ келажак, ўзаро хурмат, ибо, иффат, ҳокисорлик, ўзаро ишонч, келажак посбони, миллат мезони, орзу-умидлар

каноти, миллат келажаги, миллат ғуури, бу порлоқ келажак, миллат бошидаги күёшдир.

Юксак маънавият – юртбошимиз ниятидир.

Юксак маънавият – юртбошимиз ташаббусидир.

Юксак маънавият – юртбошимиз эътиқодидир.

Юксак маънавият – юртбошимиз миллий сиёсатидир.

Юксак маънавият – юртбошимиз кўзлаган буюк давлат асосидир.

Юксак маънавият – юртбошимиз аҳду-паймонидир.

Юксак маънавият – юртбошимиз жасоратидир.

Юксак маънавият – бу мустақиллик пойдеворидир.

Юксак маънавият – бу тинчликдир.

Юксак маънавият – бу миллат бошидаги күёшдир.

Юксак маънавият – бу бағри кенглиқдир.

Юксак маънавият – бу одоб ва ахлоқдир.

Юксак маънавият – бу мутафаккир алломаларимизнинг ўгитларидир.

Юксак маънавият – бу аждодлар хоҳишидир.

Юксак маънавият – бу ёшлар келажагидир.

Юксак маънавият – бу буюк давлатлар нишонасидир.

Юксак маънавият – бу Ўзбекистон равнақидир.

Юксак маънавият – бу иймон-эътиқоддир.

Аллоҳ таолога беҳисоб шукурлар бўлсинким, юртбошимиз И.Каримов ташаббуси ва жонкуярлиги билан кон тўкилмасдан қўлга киритилган мустақиллик эвазига мен ва менга ўшаганлар ўз юракларида қайнаб ётган фикр-мулоҳазаларини ошкора изхор қилиш имкониятига эга бўлдилар. Шунинг учун ҳам тинч осойишта жаннатмакон мамлакатда эркин нафас олиб, эркин ижод қилиб юрганимдан баҳтиёрман.

И. ПРЕЗИДЕНТ И.А. КАРИМОВ АСАРЛАРИДА МАЊАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ

Мухтарам Президентимиз ўзининг бир катор асарларида мањавиий-ахлоқий тарбияга катта эътибор берган. Жумладан, ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» (1992), «Ўзбекистон буюк келажак сари» (1998), «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» (1992), «Мањавиий юксалиш йўлида» (1998), «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» (1998) ва бошқа кўплаб асарларида мањавият ва ахлоқий тарбияга оид ғоялар кенг ёритиб берилган.

«Фарзандларимиз биздан кўра билимли, ақлли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт», дея таъкидлар экан Президентимиз. келажаги буюк бўлган мустақил демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этиш мањавиий жиҳатдан етук. ахлоқан пок қилиб тарбияланган ёшлар қўлидалигини кўрсатиб ўтади. Шундай экан, ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириш, айникса, ижтимоий ва мањавиий соҳада қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозимлиги юртбошимиз томонидан ҳам таъкидланади:

- Инсонпарварлик ғояларига содиклик;
- Миллий истиқлол ғоясига содиклик;
- Мањавият ва ахлоқийликни қайта тикилаш;
- Қадимги ва замонавиий маданий бойликларни, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда кўпайтириш;
- Ҳур фикрлилик, виждан ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш;
- Ижтимоий адолат қоидаларини рӯёбга чиқариш;
- Халқимизнинг миллий, тарихий ва маданий анъаналарини, мањавиий тажрибасини таълим ва тарбия тизимига узвий равишда киритиши;
- Ижоднинг барча турларини ривожлантириш.

Президентимиз мањавиятни ақл-ахлоқ, онгли амалий фаолият-да шаклланиши ва ривожланишини таъкидлаб, «Мањавият – тақдирнинг эҳсони эмас. Мањавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва вижданан ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак»,¹ деб уқтиради.

Шундай экан, мањавият инсон қалбида, кўнглида акс этиб, ўзида адолат, тўғрилик, софдиллик, виждан, ор-номус ватанпарварлик, гўзалликни севиш, ёвузликка нафрат, иродат, матонат каби

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: «Ўзбекистон», 1992, 7-6

инсоний хислатларни намоён қиласи. Маънавият инсоннинг дунёкараши ва эътиқодини шакллантиради. Ирода эса унинг ажралмас қисмидир.

Инсон ақлий мавжудот бўлганлиги сабаб доимо ўзида эркинликка, адолатга, меҳр-муҳаббатга, гўзалликка, камолотга интилишга, қобилияtlарини намоён этишга, ижод қилишга маънавий эҳтиёж сезади. Шунинг учун ҳам инсон ишлаб чиқарувчи, меҳнат қилувчи ва яратувчидир.

Юртбошимиз маънавиятни жамият таракқиётида ҳал қилувчи куч деб билади. У ўзининг «Баркамол авлод – Ўзбекистон таракқиётининг пойдевори» асарида шундай дейди: «Сир эмаски, ҳар бир давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳар бир қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан. балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир»¹.

Таълим-тарбия масаласи жамият таракқиёти билан бевосита боғликлигига юртбошимиз алоҳида эътибор бериб, таълим-тарбия ислоҳоти зарурлигини асослаб: «Маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди, ҳаммасининг замирида тарбия ётади»², дейди.

Мамлакатимиз раҳбари «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида «Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва таракқиёт қарор топади», деб таъкидлайди.

Бугунги кунда жамиятимизнинг олий қадрияти ҳисобланган инсон ҳак-хуқуқлари давлатимиз томонидан тұла кафолатланган.

Мустакил Ўзбекистонни ривожлантиришининг маънавий-ахлоқий негизлари

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов мамлакатни ривожлантиришининг иқтисодий, сиёсий омилларини кўрсатиш билан бирга, унинг маънавий-ахлоқий негизларини ҳам ишлаб чиқди. Юртбошимизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва таракқиёт йўли» (Тошкент, «Ўзбекистон», 1992 йил) асарида жамиятнинг ижтимоий-иктисодий, маънавий тараққиёти бевосита унинг маънавий-ахлоқий негизларининг

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон таракқиётининг пойдевори. Т.: «Шарқ», 1998, 5-б.

² Баркамол авлод орзуи. Т.: «Шарқ», 1992, 53-б.

³ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарқ», 1998, 7-б.

ривожланиши билан чамбарчас боғлиқлиги таъкидланади ва бу негизлар сифатида қуидагилар кўрсатилади:

Умуминсоний қадриятларга содиклик деганда нималарни тушунишимиз керак? Умуминсоний қадриятларга адолат, тенглик, озодлик, ахил қўшничилик ва инсонпарварликни киритиш мумкин. Мисол учун, қадимдан ота-боболаримиз даврида ахил қўшничилик қадриятига асосан қўшилар ҳар куни бир-бирларининг уйларига таом олиб чиқиб, ҳолларидан хабар олишган. Бу удум сифатида баъзи жойларда ҳалигача давом этиб келмоқда. Шу ўринда бир ривоятда: бир инсоннинг уйида сичқонлар кўпайиб кетганлиги боис, улардан қандай қутилиш йўлини бир-биродаридан сўрайди. У бунга жавобан, бунинг давоси битта мушук холос, дейди. Шунда ҳалиги киши, мен агар уйимга мушук олиб келсан сичқонлар ҳаммаси қўшнимниги қочади ва улар қўшнимнинг тинчини бузишади. Мен эса бундай қила олмайман, дея жавоб беради. Шунингдек, ҳалқимизда бир болага етти маҳалла ота-она, деган накл бор. Шундан ҳам кўриниб турибдики, ҳалқимизда ўзаро ахиллик ва инсонпарварлик қадрият-лари юксак даражада шаклланган. Бизнинг ўзбек ҳалқимиз бу қад-риятларнинг нозик куртакларини асрлар оша асрраб-авайлаб келмоқда. Мамлакатимизнинг куч-кудрати манбаи ҳам унинг умуминсоний қадриятларга содиклигидадир. Инсонпарварлик – бу ўзбек ҳалқи миллий рухиятининг ажралмас фазилатидир.

«Халқимизнинг маънавий меросини, руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон ҳалқимиз қалбида бутун ва инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири асосида шаклланган. Маънавият – инсоннинг, ҳалқнинг, жамиятнинг ва давлатнинг куч-кудратидир¹. Зиёлилар ва ўқитувчиларнинг асосий вазифаларидан бири ҳам ўтмиш маънавий меросимизни ёш авлодга етказиш ва унинг янада самарали усулларини ишлаб чиқишидан иборатdir. Инсоннинг ўзи ва ўз оиласининг баҳт-саодати йўлида меҳнат қилишга шахсан тайёр эканлиги унинг ички имкониятларини ташкил қиласи. Шахс имкониятлари жуда чуқур асосларга эгадир. Ўтказилаётган ислохотлар республика фуқароларининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги ва фидоийлигини намоён этишда уларга янги имкониятлар очиб беради.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истикклол ва тараккиёт йўли. Т.: «Ўзбекистон», 1992, 70–71-б.

Миллий истиқлол мафкурасида комил инсон тарбияси

Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, ҳалқимизнинг асосий мақсад ва муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиласидиган ғоялар тизимири.

«Миллий мафкура факат бугун эмас, балки ҳамма замонларда ҳам энг долзарб сиёсий-ижтимоий масалалар, жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиши учун маънавий-рухий куч-кувват берадиган пойдевор бўлиб келган. У ҳар бир кишининг оиласи, жамият, эл-юрт олдидаги бурч ва масъулиятини қай даражада адо этаётганини белгилайдиган маънавий мезондир»¹.

Миллий истиқлол мафкурамизнинг бош ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишdir. Унинг асосий ғояларига қўйидагилар киради: Ватан равнақи, юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тутувлик, динлараро бағрикенглик.

Миллий истиқлол мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири – комил инсон ғояси бўлиб, у ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзодга хос энг юксак маънавий ва жисмоний барка-молликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир.

Мустақиллик шарофати билан биз ўз мафкурамизга эга бўлдик, ҳозирда ўз сиёсий йўли мафкурасига эга бўлган бир неча сиёсий партиялар фаолият кўрсатмоқда. Миллий истиқлол мафкурамиз ҳалқимизнинг ҳеч кимга тобе бўлмаслигига, эркин ва озод яшашига, кучли ва адолатли давлат қуришга ва унинг мустақиллигини таъминлашга қаратилгандир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган асосий мақсадлардан бири ҳам инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан боғлиқ бўлган узлуксиз таълим, яъни мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизими орқали ҳар томонлама етук – комил инсонни шакллантиришдан иборатдир. Комиллик уч босқичдан иборат бўлиб, улар қўйидагилардир:

1. Жисмоний саломатлик.
2. Ахлоқий поклик.

¹ Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллар. Т «Янги аср авлоди», 2001, 131-б

3. Ақлий етүклик.

Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Бундай халқ ва миллат таназзулга маҳкум.

Комил инсон ғояси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, унинг маънавиятининг узвий бир қисми бўлиб келган.

Биз ҳар томонлама етук, баркамол инсонларни комил инсонлар деб атасак, бундай инсонлар, билимли бўлгандиги боис ўз тарихи, ўтмишини аниқ биладиган иймонли, намунали хулқ-атворли, эзгу ишларни амалга оширадиган, ўз оиласи, маҳалласи, элу юрти учун қайғурадиган инсонлардир. Комил инсонлар ҳар доим тўғрилик ва ҳақиқатга амал қилиб, одамийлик сари интиладилар. Шу ўринда комил инсон даражасига кўтарилиган Ҳазрат Навоий бобомизнинг ушбу сатрларини эсга оламиз.

Одамий эрсанг демагил одамий,

Они ки йўқ халқ ғамидин ғами.

Муқаддас «Қурони карим» гача бўлган Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» диний фалсафий меросимизнинг энг ёрқин намунаси ҳисобланаб, унда қадимги халқларимизнинг умуминсоний қадриятлари ёритиб берилган. «Авесто»да ҳалол меҳнат комилликнинг асосий мезони сифатида талқин этилган. Комил инсон ғояси ислом фалсафасидан озиқланиб янада кенгроқ маъно-мазмун касб этган. «Авесто»нинг ахлоқий таълимоти уч асосга: эзгу ният, эзгу фикр ва эзгу амалга таянади. Бундан кўриниб турибдики, эзгу ният тушунчаси инсон тафаккури орқали юзага келадиган яхшиликлар, эзгу фикр эса инсон тилида вужудга келадиган ҳур фикрлик, тўғри сўзлаш, эзгу амалга таяниш ўз фикрларига содиклиги, ҳақиқат ва адолатга интилиши, амал қилишидир.

Муқаддас ислом динимиз ҳам инсонга юксак ахлоқийлик намунаси сифатида қаралган. Шунинг учун муқаддас «Қурони карим»да ахлоқийликнинг асосий белгиси сифатида илм ва маърифат кўрсатилиб илм олиш, унга интилиш, илмнинг фазилатлари ҳақида юзлаб оят ва ҳадислар келтирилган. Ислом динимизда инсон сабртоқатли, қаноатли, меҳрибон, раҳмдил, саҳоватли, адолатли, пок виждонли бўлсагина юксак ахлоқийликка эришади, дея инсонни улуглайди.

Ибн Сино, Беруний, Форобий, Навоий каби мутафаккирларнинг комил инсон тарбияси ҳақидаги фикрлари жамият тараққиётига янги ва маънавий имкониятлар излаш мақсадлари билан боғланган. Форобий фозил шаҳар ахолиси ҳақидаги ғояларини илгари сурар

экан, шахснинг маънавий камолотини адолатли жамият қуришнинг асосий шарти деб ҳисоблаган.

Профессор М.Маҳмудов Юртбошимизнинг «Жамиятимиз мафкураси ҳалқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат қилсин» асарида комил инсон шахси контексти қараладиган юздан ортиқ дескриптор¹ мавжудлигини айтиб, уларни кискартирилган холда келтиради. Булар: 1) ўзини англаш; 2) ўзлигини англаш; 3) анъана-ларини англаш; 4) ҳалқнинг орзу-истакларини билиш; 5) жамият олдидаги мақсадни тушуниш; 6) ягона миллий байроқ остида бирлашиш; 7) ҳалқ ва давлат хавфсизлиги тўғрисида қайгуриш; 8) ватанни севиш; 9) эл-юрга садоқат; 10) инсонпарварлик ҳисси; 11) одамийлик фазилатлари; 12) ўтмиш ва келажак ўртасидаги ворислик; 13) улуғ аждодлар меросини эгаллаш; 14) миллий қадриятларни билиш; 15) умумбашарий қадриятларни эгаллаш; 16) юрт бирлиги тўғрисида қайгуриш; 17) ўз-ўзига мақсад қўя билиш; 18) таълим-тарбия бирлиги; 19) таълим-тарбиянинг онгни ўзгартириши; 20) онг, тафакурнинг жамиятни ўзгартириши; 21) мустақил фикрлаш; 22) иқтисодий-сиёсий иқлим ўзгариши; 23) инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топиши; 24) иймони бутунлик; 25) соғлом фикрлилик; 26) зеҳн-заковатли ёшларни тарбиялаш ва шакллантириш.

Комил инсон – бу озод шахс, эркин фикр юритувчи, ўз ҳалқининг идеаллари учун курашувчи инсон, ўз Ватанига ҳалол хизмат қишидир².

Комиллик – меҳр-мурувват. адолат, тўғрилик, виждон, орномус, ирода, тадбиркорлик, матонат каби кўплаб асл инсоний хислат ва фазилатларнинг мажмуидир.

Тарихимизда комиллик тимсоллари кўпdir. Алномиш ҳалқимизнинг идеал қаҳрамони. Навоий учун идеал – Фарҳод образи. Ойбекнинг «Навоий» романида эса Навоий – идеал образ. Айни пайтда у реал тарихий шахс, комил инсондир.

Комил инсон – қуллик, мутелик, боқимандалиқдан батамом ҳалос бўлган шахсdir.

Аввало, юрт озод бўлсагина фуқаролар эркин ва озод бўлади. Мустақиллигимиз шарофати билангина биз ўз эркимизга, хукуқларимизга эга бўлдик. Бизнинг олдимиизда адолатли, хукуқий жамият барпо этишдек катта масъулиятли вазифа туар экан, бундай жамиятни юксак маънавиятли инсонлар бунёд этишади. Бундай

¹ Дескриптор — (лотинча «descriptio») ёзаман, тавсифлайман

² Маҳмудов М. Комил нисон шахси ва ижтимоий тарбия // «Педагогик маҳорат», 2002. 4-сон, 6–10-бетлар

жамият аъзолари озод ва эркин бўлиши, қуллик ва мутелик, ҳар қандай иркий ва миллий камситилишлардан йироқ бўлмоғи лозим. Буларнинг барчаси юрт мустақиллиги билан боғлиқ. Чунки ватан озодлиги, ҳалқ озодлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳар бир инсон ўз юртидагина эркин шахс сифатида вояга етиб камолотга эришади. Шундай экан, бугунги кунда биз ёшлар учун Мустақиллигимиз бизга энг олий туйғу, ҳур фикрликни берди. Биз бу имкониятдан фойдаланиб бугунги кунда ўз иқтидорларимизни намойиш этиш учун бор кучимизни аямасдан ҳаракат кильмогимиз лозим.

Адолатли демократик ҳуқуқий жамиятни юксак маънавиятли ҳур фикрли инсонлар барпо этади. Бу жамиятнинг бунёдкорлари ҳар томонлама етук баркамол бўлиб комиллик сари интиладилар. Бундай жамиятни барпо этиш ватанимизнинг бугуни ва эртаси бўлган биз ёшларга катта масъулият юклайди, бунинг учун Мухтарам Президентимизнинг кўрсатаётган оталарча ғамхўрлиги ва эътиборига «лаббай», деб жавоб бериб одил жамият сари интилишда бор кучгайратимиз, истеъодод ҳамда иқтидоримизни аямаслигимиз лозим.

Президент И.А. Каримов миллий мафкура ва унга қўйилган талаблар хақида

«Мафкура (арабча мафкура – нұктай назарлар ва эътиқодлар тизими, мажмуи) – жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлокий, диний, бадиий, фалсафий, илмий карашлар. фикрлар. ва ғоялар мажмуюи¹. Мафкурасиз жамият, ижтимоий гуруҳ ёки миллат бўлиши мумкин эмас. Жамият маънавияти ичида турли мафкуралар бўлиши мумкин. Лекин бир жамият, ижтимоий гуруҳ ёхуд миллатнинг мафкурасини бошқа жамият, ижтимоий гуруҳ ёки миллатга мажбуран қабул қилдириш мумкин эмас.

Юртбошимиз ўзининг қўплаб асарларида мафкура ва миллий мафкура моҳиятини ёритиб берган. «Тафаккур» журнали мухбири саволларига жавобида мафкуранинг зарурлиги ва аҳамиятини асослаб: «Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса, одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши мумкин. Каердаки, мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура хукмронлик қилиши тайин», дейди. Шу нутқида Президентимиз мафкуранинг яратилиши масаласига ҳам тўхтаб ўтганлар: «Албатта, мафкурани бир кун ёки бир йилда яратиб бўлмайди. Чунки мафкура шакллантирилиб борилади. Унинг асосий тамойилларини ишлаб

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т «Янги аср авлоди», 2000, 131-б.

чикиш мумкин. Аммо бу тамойиллар реал хаётда ўз ўрнини топмаса, бундай мафкура факат қозади бўлади холос»¹.

Юртбошимиз миллий мафкура ва у нималарни ўзида мужас-самлаштириши ва қандай талабларга жавоб бериши керак, деган масалага ҳам алоҳида тўхталиб ўтади.

Миллий мафкура биринчидан, ўзлигимизни, мукаддас анъана-ларимизни англаш туйғуларини, ҳалқимизнинг қўп асрлар давомида шаклланган эзгу-орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни камраб олиши шарт.

Иккинчидан, жамиятимиздаги мавжуд фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифа ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, давлатимиз дахлсизлигини асрайдиган, ҳалқимизни буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона мафкура бўлиши даркор.

Учинчидан, миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчиликлардан ҳоли бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида, ҳалқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишга пойдевор бўлиши лозим.

Тўртинчидан, миллий ғоя ёшларимизни ватанпарварлик, эл-юрга садоқат руҳида тарбиялаши, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек, олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши лозим.

Бешинчидан, миллий мафкура, Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуғ аждодларимиз бокий меросининг муносиб ворислари деб хис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват киладиган ғоя бўлиши керак².

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари» асарида Юртбошимиз миллий мафкурамизнинг бош ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдан иборат эканлигини кўрсатади. Миллий истиқлол мафкурамизнинг асосий ғоялари сифатида эса қўйидагилар белгиланган: Ватан равнаки, юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги, комил инсонни тарбиялаш, миллатлараро тотуввлик ва динлараро бағрикенглик (толерантлик).

¹ Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. Т., «Шарқ», 1998, 106-б.

² Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси ҳалқни-ҳалқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин.. Тафаккур. 1998 й., № 8. 10 - б.

Миллий истиқлол мағкурасини ёшлар онгига сингдиришда таълим-тарбия муассасалари ва оиласнинг роли

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг жамиятимизнинг барча соҳалари қатори маънавий-мағкуравий ҳаётимизда ҳам улкан ўзгаришлар рўй берди.

Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мағкураси яратилди. Чунки ўз келажаги ҳакида қайгурадиган миллат ҳеч қачон миллий фоя ва миллий мағкурасиз яшамаган ва яшай олмайди.

Миллий мағкурамиз халқимизнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, таянч ва суюнч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб излайди.

Миллий истиқлол мағкурамиз кўп миллатли Ўзбекистон халқининг эзгу фоя – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу интилишларини акс эттиради. Таълим-тарбия муассасаларида, оила, маҳалла кўмиталари, ижтимоий институтларнинг асосий вазифаси – Миллий истиқлол формизни юртимизда яшаётган барча кишиларнинг маънавий бойлигига, дунёқарашининг негизига айланишига кўмаклашиш, унинг моҳиятини кенг жамоатчиликка ҳар томонлама тушунтиришдан иборат.

Миллий истиқлол мағкурасини ёшлар онгига сингдиришда таълим-тарбия муассасалари ва оиласнинг ўрни айниқса, муҳимдир.

Миллий истиқлол мағкурасини ёшлар онги ва қалбига сингдириш таълим-тарбиянинг турли шакллари орқали амалга оширилади. Бунда куйидаги вазифаларни назарда тутиш лозим:

- таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равишда миллий истиқлол мағкурасини сингдиришнинг дифференциал педагогик-психологик дастурини яратиш;

- кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчи-талабалар онгига миллий фоя ва миллий истиқлол мағкурасини шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориш;

- ўқув дастури, дарслик ва қўлланмаларда миллий истиқлол мағкураси фояларини теран акс эттириш;

- мактаб, лицей, колледж, институт ва университетларда мағкуравий тарбияни буғунги кун талаблари даражасига кўтариш;

- педагог кадрларнинг мағкура борасидаги билимларини чукурлаштириш. Ҳозирги кунда барча ўқув дастур ва дарсликларида миллий истиқлол мағкураси фоялари кенг акс эттирилган, шунинг учун ҳар бир фанни ўқитиш давомида ҳам ўқувчиларимизга миллий

истиқлол ғояси сингдирилади. Бу масала дарс мақсадини белгилашда алоҳида миллий истиқлол ғоясини сингдириш бўйича ҳам мақсад белгиланаётганлигида яна бир бор ўз ифодасини топади. Турли ижтимоий фанларни, жумладан, мустақиллигимиздан кейин таълим жараёнига киритилган Одобнома. Ватан туйғуси, Маънавият асослари, Конституция асослари, Инсон ва жамият каби фанларнинг миллий истиқлол ғоясини сингдиришдаги имкониятлари яна ҳам бекиёсdir.

Турли тарбиявий тадбирлар, синфдан ташқари ишлар жараёнида ҳам миллий истиқлол ғояси ўқувчиларимизга чукур ўргатилиб борилмоқда.

Оила мағкуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан биридир. Шахс маънавияти, унинг дунёқарashi, инсоннинг тасаввур ва эътиборга оид кўникмалари мажмуи асосан оиласда шаклланади. Миллий мағкурамизга хос илк тушунчалар инсон қалби ва онгига аввало, оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга оширилади.

Оила – унинг асрлар давомида сақланиб келаётган муқаддас анъаналари орқали ёшларга Ватанга муҳаббат, иймон-эътиқод, масъулият, инсонпарварлик, илмга иштиёқ ва юрт тақдири учун фидойилик туйғусини шакллантириш мағкуравий тарбияда муҳим ўрин тутади. Бунинг учун бола ҳайтининг дастлабки йилларидан бошлаб уни нарсалар олами билан таништиришнинг миллий анъаналаримизга хос шаклларини қўллаш лозим.

Шарқона одоб ва башариятнинг эзгу интилишларини акс эттирувчи ўйинлар, ўйинчоклар, расмли китоблар, миллий эртаклар асосида яратилган мультфильмлар болалардаги илк ёшлиқдаги мағкуравий қарашларнинг тўғри шаклланишида қўл келади.

Оилавий муносабатлар доирасида миллий урф-одат ва анъаналаримизни энг нодирларини турмушга сингдириш орқали болаларда миллий қадриятларга меҳр-муҳаббатни уйғотиш уларни мустақил фикрлайдиган кишилар килиб тарбиялаш мумкин.

Оилаларимизда болаларга мағкуравий тарбия беришда оиласдаги катта кишиларнинг, айниқса, бобо ва бувиларнинг ўрни бекиёсdir. Бундай тарбия анъанаси буюк аждодларимиз тақдирида муҳим ўрин тутади. Масалан, Амир Темурнинг неваралари тарбияси билан уларнинг оналари эмас, балки бувилари шуғулланишган.

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti

383761

Axborot Resurs Markazi

«Тарихий хотираси бор инсон – иродати инсон.
Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади».

И.Каримов

III. МУСТАҚИЛЛИК, ВАТАНПАРВАРЛИК МЕЗОНИ – ФИДОЙИЛИКДИР

Мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг, умумбашарий аҳамиятга эга бўлган ютукларга эга бўляпмиз. Хўш, мустақилликни мустаҳкамлаш ўйлида қандай муаммолар бор? Айримлари ҳакида фикр юритиб кўрамиз. Муаммолар борми? Агар тарихга бир назар ташламокчи бўлсак, шу муаммоларни, жуда кўп ижтимоий ўзгаришларнинг гувоҳи бўламиз. Масалан, кишлопда янги, жумладан, ўқитувчилик касбининг юзага келиши. 1930 йилларда қишлопқа ўқитувчи кириб келди. Бошланғич таълим мактаблари, саводсизликни тугатиш тўгараклари, ўкув заллари ташкил этилиб, умумий «саводсизлик» тугатилди. Бундан кейин трактор ҳайдовчиси пайдо бўлди. Шифокорлар саломатлик, маданият ходимлари эса, санъат ҳакидаги тасаввурларни кенгайтирганлар. Шундай килиб тараккиёт давом этаверган.

Агар қишлопдаги, шаҳардаги ва умуман жамиятимиздаги ҳамма ижтимоий силжишларга назар ташласак, инсонни ҳайратга соларли воқеанинг гувоҳи бўламиз. Бироқ ушбу воқеани миқдор жиҳатдан эмас. сифат жиҳатдан таҳлил этадиган бўлсак, хали яна бир қанча ташкилий, техникавий ва замон талабига мувофиқ амалга оширилиши керак бўлган ишларнинг бажарилиши кераклигига ишончимиз комил бўлади.

Бирор бир инсонга баҳо берилишидан олдин унинг юриштуриши, кийиниши, озодалиги, саранжом-саришталигига алоҳида эътибор берилади. Қишлоқ ҳўжалик ширкатлари, корхона ва ташкилотлар ишини текширишда ҳам ана шундай тамойил назарда тутилади.

Қишлоқ ҳўжалик ширкатлари ерига қадам ташланар экан, раҳбарлар исмини суриштирмай, унинг иш тутиши ҳакида маълум ҳулоса чиқара олиш мумкин. Даланинг, ферманинг, шийлоннинг, машиналарнинг, кўчаларнинг ахволи бошқарувчи раҳбар ҳакида анча-мунча ҳулоса чиқарib олиш имконини беради. Яъни тартибли, маданиятли, тафаккури, диди-фаросати тараққий этган, табиатга меҳр қўйиб уни ардоклай оладиган одам бир зумдаёқ қўл тегди кўринишида ҳайдалган ёки экин экилган далани, машиналар тўпланган жойдаги

тартибсизликни, жон қүйдириб қаралмаган молларни ва умуман си-фатсиз бажарилган ишларни қўриб кайфияти бузилади ва бундай тартибсизликка тўғри муносабатда бўла олмайди. Ҳамма гап шундаки, дид-фаросати кам бўлган мутахассис тез кунда тартибсизликка ўрганади қўяди ва энг асосийси унинг ўзи ана шу тартибсизликни сезмай ва ҳатто бу ишга ўрганиб қолаверади. Энг ёмон томони шуки, раҳбар ўз ёрдамчиларининг тартибли ишни ҳам англамай, ўзи томонидан ишлаб чикилган норма режа бўйичагина бажарилган ишни сез-маслик ва тушумаслик ўз навбатида жамоада ҳавоийлик, бепар-волик, бетартиблик, пала-партишиликни келиб чиқишига шароит туғдиришга олиб келади. Бошқарувчи, яъни директор, раис, агроном-га жамоадаги хамма майда-чуйдаларни тушуниш керакмасдек туюлса ҳам, амалда эса уни ўзининг тарбиясига, ресурсларни тежаш, икти-содиётга, ерга қараваш керак бўлган тартибга бевосита алоқаси бор.

Раҳбар ходим ҳам, унинг қўл остида ишловчилар ҳам қанча муқим бўлсалар, шунчалик кўп фойда келтирадилар. Қўнимлик эса асосан ижтимоий, маданий ва уй-жой шарт-шароити билан белгиланади. Ушбу тушунчада энг асосий ўринни уй-жой, боғча, ошхона, тиббиёт шахобчаси, мактаб эгаллаб келяпти. Фақат мактаб шароитининг ўзи ота-оналарни қониқтирумаяпти, улар кишлоп ва шаҳарда бир хил шарт-шароит бўлишини талаб этмоқдалар. Ҳозирги қишлоқ шароитида олий маълумотли дипломга эга бўлган мутахас-сисни санаш даври ўтди. Замон олий маълумотли мутахассисларнинг сифати, самараси, кўп қиррали фаолияти ва қолаверса, давр талабини тўғри тушуна билишини тақозо этмоқда.

Саноат корхонасини олиб қўрайлик. Агар корхонага кираверишдаги ховлидан бошлаб тартиб бўлса, цехлардаги асбоб-ускуналар расамади билан жойлаштирилган бўлса, оддий талаблар амалга оширилган бўлса, ишчи, мұхандис-техник ходимларнинг кайфияти бутунлай бошқача бўлади. Шундай шароит туғдирилган-дагина мұхандис ҳам, ишчи ҳам хамма бор имкониятини ишлаб чиқаришдаги содир бўлаётган камчиликларни тузатиш йўлларини қидиришга бағишлийди. Агар шу шароитда корхона раҳбари корхона ичидағи тартибсизликларни кўра олмаса, улар имконияти ва ниҳоят қобилияти етук бўлмаса, асосий максад фақат жорий режани бажарини бўлиб қолиб, келажакда конкрет режалар, ишлаб чиқаришни интенсив йўлдан олиб бориш ва ниҳоят инвестицион сиёсатни жорий этиш масаласи ҳал бўлмай қолаверади, корхона ичидан чирий бошлайди. Кези келганда шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, ўз вақтида «Инженерлик соати» деган ташаббус қўллаб-қувватлаб

чиқилған эди. Ушбу ташаббуснинг асосий мазмуни ҳар бир муҳандис ўз корхонасида кандайдир илғор мулоҳаза билан чиқиб, умуммаҳсулот сифатини ошишига, у ёки бу асбоб-ускуна ишини яхшилаш, модернизация қилиш, рационализаторлик такли-фини киритишга қўшган хиссаси устида гап борган эди.

Ҳакиқатан ҳам, ҳар бир муҳандис институтларида олган билимини жорий этиш бўйича кураш бошласа ва ушбу курашда корхона раҳбари ҳамкорлик кўрсатса, рағбатлантириш йўлларини топа билса, ишлаб чиқаришни интенсив йўлдан олиб боришдаги қадам шаҳдамлашган бўлар эди.

Тармок ва академик илмий-тадқиқот институтлари жамоалари устида ҳам шундай мулоҳазани давом эттириш мумкин. Агар институт жамоаси ва ҳар бир жамоа аъзосида яқин ва узок муддатни белгиловчи режа бўлмаса, бор бўлган тақдирда ҳам ушбу режани бажариш йўллари аниқ равshan бўлмай, конкрет натижа ва жорий этилиши керак бўлган обьект номаълум бўлса, бундай илмий ходим албатта, олий маълумот олиши учун, олимлик даражасини олиши учун давлат томонидан сарф этилган маблағни окламай қолаверади. Илмий ходимларнинг ажабланарли жойи шундаки, уларнинг иш вақти чегарасиз, яъни ишхонадан бўшагандан сўнг уйида тартиб бўлмаса ва аниқ илмий йўлланма кетидан шўнғимаган бўлса, илмий самара устида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Илмий самаранинг бўлиши илмий ходимнинг ўзига ҳам, раҳбар ходимга ҳам боғлиқ. Фанни ривожлантириш, тараққий эттириш технологияни эпчил, интенсив йўлдан олиб бориб, инвестицион сиёsatни кундалик вазифага айлантириш керак. Ҳолва деган билан оғиз чучимаганидек, олим бўламан деган билан, олим бўлавериш ҳам осон иш эмас, бу ерда чуқур ички интизом, чуқур билим эгаси ва ниҳоят фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш йўлидаги инқилобий ташаббусни англай олиши керак. Ана шундагина токчаларда чанг босиб қолаётган хисботлар ўрнига, конкрет тавсияномалар, ҳаёлий назариялар ўрнига ижобий натижалар ва ишлаб чиқаришдаги юксак маданият ҳамда самарадорликнинг гувоҳи бўламиз. Кези келганда шу нарсани эслатиб ўтишга тўғри келадики, фан билан ишлаб чиқариш ходимлари ўртасидаги муносабат ҳам давр талабига жавоб бермайди. Бу борада ҳам бир қанча тартибсизликларнинг гувоҳи бўлиб келаяпмиз, яъни илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш йўлидаги инқилобий силжиш ишлаб чиқариш жамоаси ва илмий-тадқиқот институтлари колективи олдига бир хил вазифа қўяётганлигини ҳамма ҳам тушуниб етаётгани йўқ.

Нима учундир корхона раҳбарлари институтлар раҳбарлари хузурига қадам босмайдилар. Ва аксинча институтларнинг раҳбарлари корхона раҳбарлари ва жамоа хузурига бориш уёқда турсин, ҳатто бундай олижаноб ишга рухсат олишга қийналадилар. Гүёки, ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари институт раҳбарларига нисбатан кўпроқ банд эмишлар. Балки шундайдир. Лекин қарс икки қўлдан чиқадику, ахир!

Асосий мақсад умум қуч билан фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга оширишку! Бу шахсий эмас, умумхалқ ишику, ахир! Охирги мақсадимиз ишлаб чиқаришни интенсив йўлдан олиб бориш ва ниҳоят ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш, ҳалқ фаровонлигини оширишку, ахир! Шунинг учун ҳам қаттиқ интизом ва тартиб ўрнатилиши давр талабидир.

Тартиб бўлишини хоҳлаймиз, шундай десак ҳам бўлади. Лекин хоҳлаймизми, хоҳлаймаймизми, энди тартибсиз узоқка бориб бўлмайди ва умуман мумкин эмас.

Энг асосий ишнинг боши бу меҳнатга бўлган муносабатдир. Тартиб энг аввало, ҳаёт асосини ташкил этувчи жабҳаларда, кундалик ишларимизда, меҳнатни ташкил этишда, замон талабига муносабатда содир бўлиши керак.

Бирок ташаббус секин-аста сўниб, жўшқин бошланган харакат навбатдаги компанияга айланиб қолиши керак эмас. Бошқа сўз билан айтганда, натижа кўринмай қолаяпти, оммавий, ҳар кунги ҳар бир иш жойидаги натижа, меҳнатни илмий ташкил этиш ҳаракати сезилиб туриши керак.

«Суръат, сифат, тежамкорлик, уюшқоқлик!» куннинг асосий шиорлари мана шулар бўлиб келаяти.

Техника тараққий этажтганлиги, ишлаб чиқариш жараёнлари кенгрок автоматлаштирилаётганлиги ва механизациялаштирилаётганлиги туфайли у янада катта аҳамият касб этади.

Саноат корхоналари ходимлари учун шундай шароит яратиш зарурки, бутун иш куни давомида меҳнат кобилияти юкори, руҳий ва жисмоний зўриқиши оптималь бўлсин. Шунингдек, иш ҳолати қулай ва иш тўла хавфсиз бўлгани ҳолда меҳнат шароити ходимга хуш келадиган бўлсин.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, техника-дан рационал фойдаланиш, моддий ресурсларни ва меҳнатни иложи борича кўпроқ тежаш, ходимларнинг саломатлигини таъминловчи ва иш унумини оширувчи меҳнат шароитини янада яхшилаш ва енгиллаштириш, шахсни ҳар тарафлама камолига етказиш хозирги куннинг

кечикириб бўлмайдиган вазифаларидандир. Фан ва техниканинг жадал ривожланаётганлиги меҳнаткашларнинг маданий-техник даражасини ошириш, меҳнатни илмий асосда ташкил этишин доимий равишда ва режали такомиллаштириб бориш учун барча имкониятларни яратмоқда.

Кейинги вактларда конкрет социологик тадқиқотлар янада кенгрок қўлланилмоқда. Шунинг учун бу тадқиқотлар йўналиши ва мазмуни тўғрисидаги масала янада жиддий бўлиб қолмоқда. Социологик тадқиқотлар тўғри қўйилгандагина фойда келтириши мумкин ва келтирмоқда ҳам.

Бу йўлдаги энг асосий омиллардан бири – **бу ҳоҳиши, ҳоҳиши ва яна ҳоҳишидир**. Чунки тартиб чин дилдан амалга оширилмаса, натижаси чиқмайди. Бир томондан қарасак, ҳамма темир меҳнат интизоми учун курашапти.... иккинчи томондан ушбу муаммо кун тартибидан тушмаяпти. Демак, ҳоҳиши оғизда эмас, қофозда эмас. балки амалда бўлиши керак.

Мустақиллик, ватанпарварлик мезони – фидоийликдир... Агар қафасда ётган күш озодликка чиқарилиб юборилса, күш учолмаслиги, конкрет шароитга мослаша олмай, озиқ-овқат топа олмай колиши, колаверса, у ёки бу йирткичга ем бўлиши мумкин, агар қафасдаги ҳайвонни озодликка қўйиб юборилса, у ўрмон ёки оддий дала шароитига мос кела олмай, бўлар-бўлмаста ўз қондошлари ёки одамлар билан жанжал чиқариб жароҳатланиши, ҳатто ҳалок бўлиши ҳам мумкин.

Қўкларга кўтариб, мақтаб келинаётган гарб демократияси ҳам бир йил, икки йилда эмас, юз йиллар давомида юзага келганлиги ва у демократиянинг факат ижобий эмас, ҳатто салбий томонлари ҳам бор эканлиги айримларни қизиқтирумай қўймоқда. Ҳатто кичик бир оиласи олиб қўрайлик. Агар фарзандлар жилови қўйиб юборилса, ота-она ҳар қанча жафо чекмасин, уларни қўнгилдагидек йўлга солиш қийин бўлади.

Демократияни тўлиғлигича амалга оширмок учун одоб, тарбия, дунёкараси, хукуқшунослик нуктаи назаридан катта амалий иш олиб бориш керакдир. Факатгина хис-туйғу, эхтирос билангина муаммони ҳал этиб бўлмайди, 70 йил давомида йиғилиб қолган чигалликларни 1–2 йилда ҳал этиб бўлмайди, албатта. Ошкоралик, демократия хаммага баробар бир хил йўл очиб, гумроҳлик ўрнини очиқ мулокот, мулоҳаза эгаллади. Демократия шароитида яшаш, ишлаш, ижод қилиш учун жуда кўп ишларни амалга ошириш талаб этилади.

Ҳар бир инсон ўз хукукини ва ундан фойдаланиш йўлларини билиши, шу хукуқни амалга оширишда конун-қоидаларга риоя

килиши керак. Демократиянинг ҳамма хислатларини акс эттирувчи қонун тизимини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ҳаёт тақозосидир. Ҳаёт қомуси ҳисобланган Конституциямиз меҳнат қилиш, дам олиш, ҳар йилги ҳаки тўланадиган таътилга чиқиш, ишсиз қолган тақдирда ижтимоий муҳофазага бўлган ҳуқуқни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди. Бу билан ҳуқукий демократик давлат асоси барпо этилди. Шу нуқтаи назардан қараганимизда, Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз мустақил истиқлол ва тараққиёт йўли», «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик», «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузиш керак эмас», «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат», «Ўзбекистон буюк келажак сари» каби китобларнинг чоп этилиши Мустақил Ўзбекистон тарихидаги оламшумул аҳамиятга эга бўлган мухим дастур десак бўлади. Чунки китобларда жуда кўп тортишувларга сабаб бўлган келган муаммолар ечими, тартиби очик-ойдин кўрсатиб берилган.

Жаҳон жамоатчилигига Япония ва Олмониянинг мўъжизалари, Франция, Швеция, Жанубий Корея, Сингапур, Таиланд, Малайзиянинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш йўллари яхши маълум. Ўзбекистон ҳам бозор муносабатларига ўтиш борасида ўз йўлини барпо этиб, ундан фойдаланишга киришиди.

«Шубҳасиз, эркини қўлга киритган ҳар бир ҳалқ ўз тараққиёти йўлини излайди – деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов. Янги жамият бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишига ҳаракат қиласди. Биз ҳам республикамизнинг миллий давлатга хос бўлган ижтимоий-иктисодий, маънавий камолот ва тараққиёт йўлини белгилаямиз. Шу билан бирга, барқарор ва ҳалол бозор иктисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга асосланган демократик ҳуқукий давлатни, фуқаролик жамиятини барпо этамиз».

Президентимиз Ислом Каримов биз қурмокчи бўлган адолатли демократик давлатнинг беш тамойилини лўнда қилиб ифодалаб берди:

Биринчидан – олдин иктисод кейин сиёсат. Иктисодиёт ҳар қандай мафкурадан озод бўлиши лозим. Иктисодиёт ўз қоидаларига асосланиб ривож топиши керак.

Иккинчидан – иктисодиётни бошқарища, айниқса, янги бозор иктисодиёти курилаётганда, янги тузум барпо этилаётганда, давлат бошқарув тизимини қўлдан чиқармаслиги керак, ҳуқумат, яъни давлат бош ислоҳотчи бўлмоғи лозим.

Учинчиси – қонунга итоат қилиш тамойили бўлиб, бу ҳуқукий давлат барпо этишнинг зарур шартидир. Қонунларга барча

баробар риоя этишни таъминлаш, конун ҳаётимизнинг ҳар қайси соҳасида қарор топтирилишига ҳаммамиз интилишимиз керак.

Тўртингчиси – кучли ижтимоий сиёсат юритиш бўлса, бешинччиси – бозор иқтисодиётига шошқолоқликка йўл қўймай, босқичма-босқич ўтишимиз зарур. Бозорга ўтиш мукаррар. Бу давр талаби, объектив заруратдир. Аммо бозор иқтисодиётига ўтиш –буни ҳаммамиз пухта англашимиз зарур –мақсад бўлиб қолмасдан, аввалом бор, у ҳалқимиз учун фаровон ва муносиб ҳаёт қуриш мақсадида татбиқ этилиши керак.

«Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсаннинг курби етмасди» (Темур тузуклари, Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991 й. 63-бет).

Мутафаккирлар тилида айтганда, давлат бесиёсат, илм бебаҳс бўлмайди. Норозиликъарни авжига чиқармай олдини олиш, ярали юракларга малҳам қўйиш учун кенг кўнгиллилик, осойишталиқ, меҳрибонлик, эзгулик даркордир. Албатта, аламдийда фуқарони дилига йўл топиш уни тинглаш учун бу йўлда фидойи бўлиш керак, бу табиийдир.

Ўзаро низо, бир миллатнинг бир гуруҳи иккинчи гуруҳи билан чиқишимаслиги, келишмаслиги, тутуруқсиз, асоссиз жигига тегишлиар; керакми-керак эмасми қўлга тушган тошни, тегадими-тегмайдими ва унинг оқибати нима бўлишидан қатъи назар отаверишни баттоллик ёки ожизлик деб баҳолаш мумкин холос. Ҳадиксирамай, оғир вазминлик ва Эркин Вохидов ибораси билан айтганда, адован билан эмас, адолат билан, ҳаётнинг ок-корасини таниган одил инсонлар маслаҳати билан, мустақиллик режаларини тузиш ва бу йўлда ахилликка эришиш керакдир. Адоватсиз таклифлар, мулоҳазалар, жанжалли йўл-йўриклар, кўш фикрлилик – флюрализм модасидан фойдаланиб, факат мен оқман, ҳаммаси кора дейиш ўрнига дўппини олиб қўйиб, ўзаро юракларга илик нурларни тарқатиш йўлини топишимиз керак.

Президентимиз Ислом Каримовнинг рисолаларида республикализмнинг барча фуқаролари ва юридик шахсларга ташаббус кўрсатиш ва ишбилармонликни ривожлантириш учун, хўжалик фаолиятининг конун томонидан ман этилмаган барча турларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратиш кераклиги ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг қудрати манбаи – ҳалқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигига эканлиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Гапнинг қисқаси, ҳар бир шахс, қолаверса, жамоа аъзоси фаровонлик, мустақиллик, тинчлик, хотиржамлик йўлидаги ўз

вазифасини аниқ, сиғатли, жавобгарликни ҳис этган ва ҳаёт, келажак талабига жавоб берадиган даражада тушуниш қобилиятига эга бўлиши керак. Яъни хунарманд хунарини, ишчи-дехқон меҳнатини, олим олимлигини, сиёсатчи сиёсатини талқин эта билиши лозим.

Агар республикамиз табиий бойликларининг хаммасини ўртага тўпласак ҳам тинчлик, хотиржамлик бўлмас экан, мустақиллик, фаровонлик амалга ошмай колаверади. Шу сабабли эътиқодсизлик, бефарқлик, бамайлихотирлик, ўзбилармонлиқ, ҳурматсизлик, амалпарастлик, бетга чопарликни амал қилиб олиш инсофдан, одобдан эмасдир, албаттадир!

Бу кунги шиорларимиз мулоқот, мулоқот ва яна мулоқот, ҳурмат, ҳурмат ва яна ҳурмат, одоб, одоб ва яна одоб бўлиши керакдир. Имом Термизий пайғамбаримиз Саллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиласиди:

«Уловдаги одам пиёдага, пиёда одам ўтирганга, озчилик кўпчиликка, кичиклар ёши катталарга салом берурлар».

Мана бу ҳурмат ва одоб белгисидир. Бахтга карши айрим шоввозвларимиз ҳатто салом беришни ҳам унугиб, ҳар хил жаргон сўзлар билан сўрашишлари нопоклиkdir.

Республикамизда ўзаро душманлик ва низолар алангасини ёндириш, муҳолифларнинг азалий мақсади эканлигини яхши англаш ҳаёт тақозоси бўлиб ҳисобланади.

Миллатимизга на эзгулик, на равнак, на тараққиёт олиб келиши мумкин бўлмаган жанжаллар, тортишувлар, можаролар асосида бунёд бўладиган танглик олға интилишнинг кишинидир.. Ихтилоф ва низолар қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар жамият ва миллат тараққиётининг эговидир. Юонон файласуфи Сукрот «дунёда битта эзгулик бор – билим, битта ёвузлик бор – нодонлик, яъни «жаҳолат», деган экан. Адоват, жаҳолат ҳеч қачон ёруғлик кунларга олиб келмаган. Умумкураш мақсади бир хил бўлмаган кишиларнинг ўзаро ноиттифоқлиги, гоҳ ўзи сезиб-сезмай мавқе талашиши, бир-бирини гийбат ва бехурмат қилиши, ҳаёт илдизига болта уриш билан баробардир. Шунинг учун бўлса керакки, Имом Фаззолий бундай деган: «Ўзингга нисбатан кишилардан қандай муомалани кутсанг, уларга нисбатан ҳам худди шундай муомалада бўл». Афсус ва надоматлар бўлсинким, биз бунинг аксини ҳам кўриб турибмиз.

Миллий кадрлар тайёрлаш учун шарт-шароитлар яратиб, чет элларда ўқитиш учун аниқ тадбирлар ишлаб чиқилганлиги келажакка ишонч белгисини кучайтироқда.

Демократия ғилдирагини тұхтатиб бүлмаслик аниқдир. Шуны тушунған ҳолда бу йүлдағы бұлувчи ҳамма тұсикларни бирма-бір олиб ташлаш, ҳамма учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Албатта, муаммолар мавжуд, уларнинг йирикларини катта тезликда ҳал этиш ҳаёт тақозосидир. Шундай муаммолардан бири – фуқаролар фаровонларини ошириш, боскічма-боскіч бозор иктисадиетига ўтиш, ишбилармонларга шароит яратиб беришdir. Ислом Каримов рисолаларидаги күйидаги сатрлар ана шу муаммоларни ҳал этишга қаратылғандыр.

«Хозирги кундаги тадбиркорлик, ишбилармонлик соҳасида ҳам турли хил бир-бирига қарама-қарши бүлган фикр- мулоҳазалар мавжуддир. Фирибгарлик билан шуғулланаётган битта-яримта ишбилармон касрига соғ, сидкидилдан фуқаролар манфаатини күзлаб ишләётган ишбилармонлар колишмоқда».

Ҳар бир ҳалқ ўз тили билан ўз миллдік маданияти орқали умум-инсоният тараққиетига ўзининг яхлит, бетакрор ҳиссасини құшади. Бу борада ҳар бир тилнинг мавқеи биз ўйлагандан күра ҳам ақамиятлироқдир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ҳақидаги қонунни қабул килингандылығы шу йүлдеги күп муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Тил ҳақидаги қонунни ҳаётта тұғри жорий этмасақ, бу соҳада тарбиявий тушунтириш ишлари олиб борилмаса, яхшилик ўрнига жаһолат орттириш ҳам ҳеч гап эмас.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, И.А.Каримовнинг қатор рисолалари ва чет әл мұхбирлари билан ұтказилған сұхбатларыда зикр этилған фикр ва мулоҳазалари ҳар күнги ва келажак режаларимизни тузишда дастуриламал бўлиб қолиши керак.

Душман босиб келганда ватанпарварлик, фидойилик хислатлари сув юзига чиқади, холос. Демак, ҳамма иш гапда эмас, амалда бўлиши керак. Бошга ташвиш тушганида дўст ва душманнинг кимлиги яққол кўзга ташланади, яъни шоир айтганидек:

Миллион йиллик савдо бу инсонлар тараф-тараф,
Донолар ёлғиз аммо, нодонлар тараф-тараф.
Бошга қилич келса гар, мардлар доим мард улар,
Ёлғончи бу дунёда номардлар тараф-тараф.
Куёш меҳри самодан баробардир ҳаммага,
Дўзах-жаннат, во ажаб қабрлар тараф-тараф
Орзиқиб кутганларинг келди истиқлол сабаб,
Мустақил Ўзбекистон энди бўлгин буюк бир тараф.

IV. ҮҚИТУВЧИННИҢ ШАХСИГА ВА ТИНГЛОВЧИГА ҚҰЙИЛГАН КАСБИЙ ҲАМДА ОДОБИЙ ТАЛАБЛАРГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

- Үқитувчининг овоз пайчалари ривожланган, күриш қобиляти яхши бўлиши керак, узок вакт тикка тура олиш. кўп юриш, эпчил ҳаракат қилиш каби фазилатларга эга бўлмоғи шарт.

- Тингловчилар үқитувчи билимини уларга етказа олиш имкониятларини қадрлашлари керак, үқитувчилик касби жуда катта рухий ва жисмоний куч талаб этади, шунинг учун үқитувчининг саломатлигига ҳам маълум талаблар қўйилади.

- Үқитувчи уз нутқини идора қилиши; адабий нутқ нормаларига риоя қилиши, овознинг баланд-пастлигига аҳамият берниши (ортиқча каттиқ баланд овоз билан гапириш ҳам, секин гапириш ҳам тингловчиларни чарчатиб қўяди); нутқнинг жонли, ифодали бўлишига эътибор берниши; тингловчиларни чарчатиб қўймаслик мақсадида дарсда бир хилликдан четлашиш керак. Ниҳоят, у ўз устида тинмай ишламоғи лозим. Айниқса, қадриятларимизни ўрганишга, ўзлигимизни танишимизга, қадимий маданиятимизни билишга эҳтиёж катта бўлмоқда, зеро, бу нарсаларни билмай туриб мустақиллигимизни мустаҳкамлаб, буюк давлат қуриб бўлмайди. Бу үқитувчидан шу соҳада чукур билимли бўлишни талаб этади.

- Педагог ва тингловчи танқид ва ўз-ўзини танқидни тўғри тушуниши ҳамда унга итоат қилиши керак. Дейл Корнегининг «Қандай қилиб дўстлар орттириш ва одамларга таъсир ўтказиш мумкинлиги хусусида» номли китобидаги фикр-мулоҳазалар билан таниш бўлиш фойдадан ҳоли эмас, албатта.

- Танқид шунинг учун ўринсиздирки, унда одамларни тезда мудофаалашга, ўзини оқлашга уринишга мажбур этади. Танқиднинг хавфли томони шундаки, у инсоннинг гуурига калтак бўлиб урилади, шахсий мавқеига ёки нафсониятига тегади ва хафа бўлишига сабабчи бўлади.

- Немис армиясида бирор кор-холга сабабчи бўлган аскарга дарров танқидий сўзлар айтиш ман қилинган. Аввало, у яхши ухлаши ва совиши лозим. Кимки дарров шикоят қиласа, жазоланади. Шу тартибни фуқаролараро ҳам жорий қилинса қандай ажойиб бўларди! Бу доимо норози ота-оналар, «ковурилиб» юрадиган хотинлар, иш юритувчилар ва ашаддий танқидчилар учун жуда ҳам керак бўлган бўларди.

- Конфуций айтгандики, «Бұсағангизни қордан тозаламай туриб. күшнининг томи қордан тозаланмаганидан шикоят қилманг».

- Одамлар билан мuloқотда шуни унұтманғи, нафакат мантиқан етуқ киши билан иш күраяпсиз, балки ҳис-туйғуга тез бериладиган хурофотта мүккасидан кетган ўта мағрур киши билан сұхбатлашайпман, деб доимо тасаввур қилинг.

- Аммо ұзгаларни тушуниш ва мархаматли бұлиш учун кучли характер ва ирода керак бұлади.

- XX асрнинг етуқ психологияридан бири веналик машхур олим Зигмунд Фрейд айтадыки, ҳамма ҳаракатларимизнинг замирида иккита асосий важ бўлади –жинсий муомала ва буюк бўлишга интилиш.

- «Ўзимнинг энг құмматли жиҳатим, – дейди Шваб, одамларни ташаббускорликка чақира билиш ва инсон қадр-құммати ва рағбатлантирилиши таъминланган ҳолда энг яхши хислатларининг ривожлантирилишида деб биламан. Раҳбарлар томонидан қилинган танқид инсон нағсониятига шунчалар каттиқ тегадики, бундай таъсир кучни инсон бошқа ҳеч жойдан ололмайди. Мен ҳеч қаочон, ҳеч кимни танқид қилмайман, мен одамларни ишда рағбатлантириш кучига ишонаман. Мен одамларни мақташни истайман ва сўзишга тоқатим йўқ. Менга, нимадир ёқса уни баҳолашда самимий ва мақтовда сахий бўламан».

- Мана одамлар ўртасида ұзаро нозик муносабатлар борасида қачонлардир берилган яна бир маслаҳат: «Бунда қандайдир сир бўлса, - дейда Генри Форд – у бошқа киши нұктай назарини тушуна билмок ва нарсаларга унинг ва ўзингизнинг нұктай назарларингиздан қарай билмоқдир».

- Бу қоида шунчалик оддий ва хаётыйки, ҳар бир киши адолатли эканини күра билади. Шунга қарамасдан ер юзидаги одамларнинг тўқсон фоизи бу қоидани тўқсон фоиз ҳолатларда инкор этадилар.

- Шарқнинг забардаст қомусий намоёндаларидан бири Абу Наср Форобий (873-930) ўзининг «Ақл тўғрисидаги» рисоласида «Ўзидан ўн икки тугма хислатни» бирлаштирган кишигини ахлоқли одам бўла олади, деб таъкидлаб ўтган:

1. Одамнинг барча органлари шу даражада мукаммал тараққий этган бўлиши зарурки, у бу органлари билан бажармоқчи бўлган барча ишларни осонлик билан амалга ошира олсин.

2. Барча масалани, муҳокама ва мuloқазани тезда ва түғри тушуна оладиган, унинг маъносини англай оладиган, сўзловчининг максади ва айтилган фикрининг чинлигини тезда пайқаб оладиган бўлсин.

3. Хотира жуда бакувват, күрган-эшитган, сезган нарсаларининг бирортасини ҳам эсдан чиқармай, ёдида сақлаб қоладиган бўлсин.

4. Зехн шу даражада тез ва ўткир бўлсинки, бирор нарсанинг аломатини сезиши билан, бу аломат нимани билдиришини тезда билиб олсин.

5. Сўзлари аник бўлсин, фикрини ва айтмокчи бўлган мулоҳазаларини равон ва равшан баён эта олсин.

6. Билиш ва ўқишига муҳаббати бўлсин.

7. Овқатланишда, ичимлик ичишда очкӯз бўлмасин.

8. Ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин.

9. Рухи ғурурли ва ўз виждонини қадрлайдиган бўлсин.

10. Дирҳам, динар ва шу каби турмуш буюмларига жирканиш билан қарасин.

11. Одамларни адолатга тарғиб этадиган ҳолда, адолатсизлик натижаларини йўқотадиган, уларга йўл қўймайдиган бўлсин.

12. Ўзи зарур деб билган нарсасини амалга оширишда қатъийлик кўрсатсан, кўркмас, жасур бўлсин, кўрқиш ва ожизликни билмасин.

Профессор-ўқитувчиларнинг маъruzani ўқишдан мақсад:

- янги билим бера олиши керак;
- тўлиқ ахборот бера олиши керак;
- ишонтира билиши керак;
- даъват қилдира олиши даркор;

Ҳамма профессор-ўқитувчиларни 4 хил қўринишга бўлиш мумкин:

- домла-олим;
- домла-педагог;
- оратор – сўз устаси;
- тарбиячи.

Маъruzachiiga керак бўлган ҳусусиятлар:

- педагогик маҳорат;
- ўз-ўзини назорат;
- фидойилик;
- ораторлик(сўз устаси);
- психологик тетиклик;
- ўзгаларга ўз фикрини ўтказа олиш;
- тингловчилар фикр-туйғусини англай билиш;
- муҳитдан келиб чиқсан ҳолда, ҳазил-хузул қила олиш;
- мавзуни мураккабдан эмас, оддийликдан бошлаш;
- фақат қуруқ гап эмас, ҳаётий аник мисоллар билан фикрни баён этиш;

-үтилаётган мавзуни бошқа мавзулар, соҳалар бўлан таққослаб бериш;

-фанлараро интеграцияга эътиборни қаратиш;

-олий таълим ҳукуқий-меъёрий хужжатлари бўйича билим ва малака;

-касбий малака;

-маънавий салоҳият;

-илмий салоҳият;

-чет тилларни билиш;

-компьютер саводхонлиги;

-ўз-ўзини танқид.

Дарс беришда билиш жараёнига алоҳида эътибор қаратиш керак, яъни:

-ўзаро билиш индукцияси, яъни тингловчининг керакли фан. мавзуга оид ҳужайраларини очилиши;

-динамик стереотип, яъни мияда керакли ҳужайралар очилиш тезлигини ошириш;

-таққослаш тамойилини ишлата билиш;

-билиш оддий англаш эмаслиги, балки зиддиятларнинг юзага чиқиши асосида содир бўладиган фаол ҳаракат жараёнидан иборат инъикос эканлигини назарда тутиш;

-тафакурлаш билишнинг юқори босқичи эканлигини доимо эсда тутиш;

-сезишга, тасаввурга, ҳисга, хulosага суюниб, объектив қонуният ҳақида чуқурроқ маълумот беришга интилиш;

-инъикос, яъни тасаввур қилиш, уни ифодалашни билиш;

-кўргазмалик (кўргазма асосида 37–40% билим қабул этилади, кўргазмасиз 15–20% билим қабул этилади, маҳоратга қараб билимни қабул этилишини 90–95% га етказиш мумкин);

-қабул этилган билимлар асосида янги билимлар олишга интилтириш хусусияти;

-механик хотирадан (тушунмасдан эслаб қолиш) мантикий хотираға (тушуниб эслаб қолиш) ўтиш;

-қабул этилган билимни қайтариб айтиб бера олишга ундаш (яъни қобилиятни ривожлантириш);

-олинган билимларни, курс, мустақил, битирув ва диплом ишлари орқали мустаҳкамлаш;

-олинган билимларга қўшимчалар киритишга ундаш;

-маърузанинг технологик ҳаритасини тузга олиш;

-ҳар бир мулоқотга ижодий ёндашиш;

-статистик маълумотларни аник етказиб бера олиш;
-муаммони қўйиб, уни ҳал этиш йўлларини кўрсатиб бера олиш;
-маърузага оид ахборотни боскичма-боскич изоҳлай олиш;
-факат билим бера олиш эмас, тарбиялай олишга оид ҳужжатлар;
-эшитилган маъруза ва ўтказилган машғулотлар ҳақида тинглов-чилар баҳосини белгилаш;

-тингловчига таҳлил этиш имконини бериш.

Билимли одам уч хил бўлиши мумкин:

-қамрови кенг, кўп соҳадаги билимлардан хабардор;
-мия ҳужайралари узлуксиз ишлайдиган;
-намунавий ахлоққа эга бўлган.

Педагог профессор-ўқитувчиларга қуидаги талаблар қўйилиши мумкин:

-аъло хотира; ишchanлик;
-ўз соҳаси (фан)ни чуқур билиш;
-сўз усталиги; таълим берувчи соҳаси бўйича камида 2000 та сўз бойлиги бўлиши;
-аудиторияда кўчадаги сўзларни ишлатмасдан адабий сўзларни ишлатиш;

-талаффуз (дикция); товушнинг баралла чиқиши;
-аудитория билан бевосита ва билвосита мулоқотда бўлиш;
-тажриба шуни кўрсатадики, тингловчи ўқитувчига 4–5 дақиқа давомида синчиклаб қулоқ сола бошлади. Синчиклаб тинглаш энг кўпи 25–30 дақика давом этади, кейин бу жараён сўна бошлади. Ана шунда ўқитувчи қўшимча чоралар, яъни тингловчини тетиклаштира оладиган савол-жавобларга ўтиши керак;

-маъруза ўқилиш жараёнида тингловчиларнинг зерикиш ҳодисаси рўй берса товушни ростлаш, мунозарага ўтиш, озгина сокинлик туғдириш, иқтидорли тингловчилар саволларига жавоб бериш керак;

-ўқитувчидаги руҳий тозалик сезилиб туриши лозим.

Олий ўкув юртлари ректорлари, илмий-тадқиқот институтлари директорлари албатта, академик, профессор деган унвонлар эгаси бўлиши шарт эмас. Шундай кучли олимларимиз борки, раҳбарлик қобилияти талабга жавоб бера олмайди.

Форднинг олий маълумоти бўлмагани учун унинг иш фаолиятига шубҳа билан қараганларида, у: «Мени олий маълумотим йўқ, бироқ ташкилотчилик қобилиятим ва унинг устига кучли олимларни сотиб оладиган маблағим бор», деган экан. Катта унвонларга эга бўлмаган ректор, директор кучли ташкилотчи бўлсалар, унинг

муовинлари кучли олимлар (академик, профессор) бўлишлари мумкин-ку!

Хизматга оид бўладиган сұхбатда жиiddийлик, кизиқонлик, ҳазил-мутойиба қилиш меъёрида бўлиши керак. Хизматчилик бобида эшлиши қобилияти катта аҳамиятга эгадир. Буни нима мураккаблиги бор деган фикр ҳам туғилиши мумкин, фараз қилинг, мажлис давомида унинг қатнашчилари бир-бирларига гап отиб сўз бермай, ҳар бир мухокама этилаётган масала мазмунига тушуниб етмай. факат ўз фикрини намойиш қилиш билан банд бўлади. Натижада вакт бекорга сарф бўлади ва асабий ҳолат вужудга келади. Бир киши гапираётганда унинг фикрига чуқуррок киришишга ҳаракат қилиб, у тезда сўзни тугатса-ю, мен чиқиб гапирсан деган мулоҳазадан четда бўлинг. Гапни тинглаб туриб шеригингиз билан бошқа масалани мухокама қилиб ўтиришга одатланманг. Бу ўта хурматсизликдир.

Сизни шу вактда эшлишиади, агар сиз дикқат билан эшиша олиш қобилиятига эга бўлсангиз.

Ўсиб, униб келаётган ниҳолга (бўлажак улкан дарахтга) қандай муносабатда бўлсак, ўқувчи, талаба, тингловчиларга ҳам шундай муомалада бўлишимиз керак.

Ўқитишининг хақиқий йўли -бу жараёнда фаол билим олиш ва малака оширишдир.

Мустакил малака ошириш ва таълим олиш учун янги ахборот, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш талаб этилади.

Таълим-фан ишлаб чиқариш тизимини мукаммаллаштириш хозирги кун талаби десак хато бўлмайди.

Фан, техника, технология худди инсон оёқ-қўли, кўзи каби бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Улар бир-бируни тўлдириб бунёдкорлик асослари ҳисобланади. Фан янги ғоялар берувчи, янги билимлар яратувчи, мухим муаммоларни ҳал этиш йўлларини кўрсатиб берувчи, ижтимоий тараққиёт асосларининг яратилишида фаол қатнашувчи кучdir. Техника инсон куч-қудратини, унинг иш қобилиятини чексиз оширувчи ва фан ютуқлари асосида яратилган куролдир. Технология – фан, техника асосида маълум моддий бойлик-

ларни яратилишини таъмин этилиши ёки шу моддий бойликларни техника асосида яратилишини амалга оширувчи омилдир.

Шогирд устоздан ўзиб кетса хурсанд бўлиш керак, чунки устоз ёқкан чирок машъалага айланиши керак-ку.

Домла, ўқитувчи фақат ўз фикрини ўтказиш эмас, балки тингловчидаги ҳам фикр, мулоҳаза пайдо қила олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Беруний айтганидек, «билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади», шунинг учун ҳам бизни мамлакатимизда олий ва ўрта маҳсус таълим тизимиға жуда катта эътибор бериб келинмоқда.

V. УСТОЗ ВА ШОГИРД

Ўзбекистон Республикаси И.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида кўйидаги сатрларни ўқишимиз мумкин: «Биз ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суюниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини хисобга олган ҳолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизга халқаро ҳамжамият тан олгани –бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустакиллик берганини ҳаммамиз чукур англаймиз».

Яна бир гоя мухим масала, яъни биз яшаётган ХХI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиласиган аср эканига эътибор қаратар экан, юртбошимиз: «Кимки бу ҳақиқатни ўз вактида англаб олмаса, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиети йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар», деб таъкидлайди.

Чиндан ҳам, интеллектуал салоҳиятни юксалтириш бугунги кунда миллий тараққиётнинг асосий шарти ва мезонига айланмоқда. Чунки интеллектуал жихатдан колоқ халқ ҳеч қачон ривожланмайди. Дунёдаги тараққий топган мамлакатлар экспорт қиласиган маҳсулотларнинг аксарият қисмини айнан интеллектуал мулк маҳсулотлари – юксак техника ва технологиялар эгаллаши ҳам бу фикрни исботлайди.

Энг мухими, интеллектуал салоҳиятнинг юксак даражада ривожланиши халқнинг миллий маънавияти юксалишида ҳам мухим омилга айланади. Яна бир мухим томони – миллий манфаатларни химоя қилишда ҳам қурол вазифасини бажаради. Қолаверса, интеллектуал жихатдан тараққий этган мамлакатда демократик қадриятлар барқарор ривожланади. Чунки интеллектуал бойлик факат билим, ақлу-тафаккур, илм-фан салоҳияти билан чекланмай, юксак маънавиятни ҳам ўз ичига олади.

Шунинг учун ҳам, Президентимиз ана шу омилларнинг барчасини назарда тутиб, бу борадаги янги ташаббус ва ғояларни илгари сурди. Жумладан, тараққий топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илғор истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантириш мақсадида, Фанлар Академияси ва олий уқув юртлари таркибида янги

лабораторияларни ташкил килиш, уларни ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш борасида юртбошимиз томонидан билдирилган амалий таклифлар, айтиш керакки, бугун дунёда интеллектал соҳада бўлаётган хамда келгусида янада кучаядиган рақобат ва шундай мусобакага тайёр бўлишимизни ўйлаб айтилган таклифлардир.

Ёшларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини ана шутарика сингдириш, жамиятимиз тараққиётига ҳалал берадиган мафкуравий таҳдидларга карши қурашиш, уларда турли ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ҳақиқий маънодаги ватанпарварлик, миллий урф-одатлар, қадриятлар, анъаналаримизга нисбатан ҳурмат ўйготиш ва эъзозлаш, мустақил ва эркин фикрлашга ўргатиш, тенгдошларига нисбатан ибрат бўлиш туйгуларини камол топтириш асосий мақсад ва вазифалар сирасига киради.

Таълим жараёнида у боғчами, мактабми, академик-лицейми, коллежми, олий ўқув юртими, магистратура ёки докторантурами моддий манфаатдорлик йўқотилмас экан, таълим сифати, талаб этилган мукаммалликка эришиш мумкин эмас.

Одатда, домлалар, ўқитувчилар, илмий-услубий, тарбиявий ишларини у ёки бу тарзда, яъни маҳсус комиссия, гурух ёки раҳбарият томонидан текширилганда биринчи бўлиб камчиликлар топилиб, уларга дакки бериш бошланади. Бу тӯғри усул. Аммо домла ва ўқитувчининг иш фаолиятини текшириш билан бир вактда уларнинг олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун қандай муҳит, шарт-шароитлар яратилгани ва у талабга жавоб берадими деган ҳолатда таҳлил иши олиб борилса, текширув ҳаётга яқин бўларди деган фикрдамиз.

Ёш мутахассисларни ишга жойлаштирилиши ўзига хос мураккаблик, муаммоларга эга. Яъни айрим талабалар олий ўқув юртини тамомлаш арафасида турли хил воқеиликлар содир бўлади. Жумладан, уларнинг айримларини таниш-билишлари телефон қилиб, у ёки бу корхонага мўлжаллаб қўйилган лавозимга ишга жўнатишларини илтимос қиласидилар. Яхши, жигари, укаси, таниши, кудасига жон кўйдириб ёрдам бермоқчи. Бироқ, ишга таксимла-наётган битирувчи ўзи бориб ишлайдиган лавозимни тасаввур этадими, унинг устига раҳбарлик лавозимига тайинланаётган ёки тайинлашга мўлжалланаётган ходимда раҳбарлик қобилияти шаклланганми-йўқми, бу саволларга ҳали тўлик жавоб бериш қийин.

Ёш мутахассиснинг асосий мақсадларидан бири раҳбарлик курсисига ўтиrsa-ю, мўмайгина пул топиш бўлса-чи?

Эйби Эм (IBM) фирмасида ёш мутахассис ишга жойлашганидан сўнг тахминан 7-8 йил турли хил жавобгарликдаги вазифаларни амалга ошириб, сўнгра тестдан ўтиб, ундан кейин лавозимга тайинланар экан. Сабаб, шу жараёнларни, босқичларни ўтмаса, ёш мутахассис раҳбар лавозимига тайинланганидан сўнг унга мурожаат этиб қабулига кирувчи фаррошдан тортиб, бошқа раҳбар ходимларга давлат, жамият талаб этиган тарзда мулокот қила оладиган, ўз вазифасини мукаммал бажара оладиган, қабулидаги инсон мушкулинни ўрнатилган тартибда осон қила оладиган, бажарилиши керак бўлган ишни бузиб ёки инсонлар кўнглини ранжитиб қўймасликка кафолат бўлар экан. Ушбу тизимдан ўтмаганлар (бу ҳамма тизим ва давлат ишхоналарига тааллукли десак, хато қилмаган бўламиз) ўзини ҳам, бошқа одамларни ҳам қийнаб, нотўғри ва ҳаётдан узоқ бўлган карорларни қабул этиб, жамиятни ҳам орқага тортиб, боши деворга бориб урилмагунча ҳаволаниб юраверади.

Ўқитишнинг ҳақиқий йўли –бу жараёнда фаол билим берса олиш ва малака ошириш бўлиб ҳисобланади. Мустакил малака ошириш ва таълим олиш учун янги аҳборот, аҳборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш талаб этилади. Аҳборот тушунчаси, умумийликка эга бўлган ҳолда, мазмун жиҳатидан фалсафий категориялар сафидан ўрин олди. Аҳборот хуружларига қарши туриш учун нималар қилиш лозимлиги қўйида келтирилди:

- лоқайд бўлмаслик;
- ўз қатъий позициясига эга бўлиш;
- ўз позициясини далиллай билиш;
- ҳозиржавоблик (хар бир ҳуружга вактида жавоб қайтариш).

Аҳборот-коммуникация технологияларининг умуммаълум занжири ҳам соҳу у ишлаб чиқаришда бўлсин, соҳа фан оламида бўлсин, соҳа давлат сиёсатида бўлсин, ҳаммасига бир хилда тааллуклидир, яъни ишончли аҳборотни олиш, уни қайта ишлаш ва таҳлил этиш ҳамда карор қабул қилиш. Таълим-фан ва ишлаб чиқариш тизимини мукаммаллаштириш ҳозирги кун талаби, десак хато бўлмайди.

Талабага талаб қўймаслик, бериладиган билим тагига сув қўйишдир.

Янги танишган одамингиз ёки қандайдир раҳбар олдига кириб сухбатлашганингизда ўзингизни лапашанг, ўта камсукум, бефарқлик даражасида тутсангиз, қўйилган масалани ҳал этиш учун энг охирги имконингиз ҳам тугади, деб ҳисоблашингиз мумкин. Аксарият инсонлар ва раҳбарлар сухбатдошидан ўзига хос тетиклик, ташаббус,

жүшкінлик кутадилар. Ана шундагина улар ҳам ўз зукколигини намоён этиб сухбатдошига ҳамсұхбат бўлишга, унинг қалбига қўл солишга уриниб кўрадилар.

Хулоса: Ҳар доим тетик, жўшқин, ташаббускор бўлишга интилинг.

Ижодкор қанча кўп ижод киласа, шунчалик билими, иқтидори, камчилигини сезиб боради.

Ижодкор инсонга бўладиган муносабатнинг ўзига хос нозик жойлари мавжуд, яъни ижодкор хаёлпастдек кўринишга эга бўлиши мумкин.

Билимга интилмаган талабага амалий ёрдам беринг.

Раҳбар, муаллим, ўқитувчи, ота-оналар талабаларга, шогирдларига, фарзандларига ишонч ва кўтаринки руҳ билан кўрсатма берсалар, улар енг шимариб ишга тушиб кетадилар.

Агар раҳбар, муаллим, ўқитувчи ўз фикрини изҳор эта билиш санъатини шахсий вакт ажратиб машқ қилмаса, бундай қобилият ҳеч қачон шаклланмайди.

Шогирдингиз, яъни билим толибингиз билан бўладиган илмий мулоҳаза ва сухбатларни яшайдиган уйингиздан кўра кўпроқ иш жойингизда ўтказганингиз маъқул.

Кариганингизда афсусланмаслигингиз учун ҳаётда афсусланмай яашани одат қилганингиз маъқул.

Бир ишни бошладингизми, бутун фикру-зикрингизни бир жойга жамлаб, вужудингиз билан уни бажаришга киришинг. Тўсиқлардан, кўнгил ғашликлардан чекинманг, яна ва яна ўзингизга ишониб олға силжишда давом этинг. Ана шундагина бошлаган ишингиз ниҳоясига этиши мумкин, холос.

Кимdir ниманидир ижод киласа ёки янгилик таклиф этса, иложи борича синчиклаб кўриб чиқиб, шундан сўнггина ўзингизни «кўрсатишга» ҳаракат қилганингиз маъқулдир, чунки озгина бўлса ҳам сарфланган меҳнатни қадрлай олиш керак.

Японияда кимdir бирор бир ихтиро билан мурожаат этса, агар ушбу ихтиро янги велосипед яратиш билан баробар бўлса ҳам

янгиликка интилиш, ихтиро этишдаги қизиқишини сўндириласлик маъносида у рағбатлантирилар экан.

Талабаларнинг бўш вакти, террористларнинг иш вактига айланишига йўл кўймаслигимиз керак.

Биринчи мақоласи чоп этилган тадқиқотчи, изланувчининг ҳис-туйғусини, худди биринчи учирма этилган қушнинг кувончига ўхшатиш мумкин.

Ҳар бир раҳбарнинг ахборот йиғувчиси бўлади. Ахборот йиғувчи инсон ҳаддидан ошса, албатта, жазоланади. «Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урап ҳар боб билан», деган накл шуларга тегишли бўлса керак.

Ҳеч қачон талабага, айниқса, ўқувчига қўлни бигиз қилиб, унинг пешонасига тақаб, «сен одам бўлмайсан», дейиш керак эмас. Чунки Эйштейн математикадан, Менделеев кимё фанидан икки баҳо олар экан. Ўзбекистон халқ артисти Қаҳрамон Дадаев дарсларга, хусусан ашула дарсига кирмай мактаб ҳовлисида коптот тепар эди.

Етишиб чикқан шогирдларнинг ҳаммасидан бир хил содикдик кутиш ўз-ўзини алдашdir.

Раҳбарга бошқалар ҳақида ғийбат қилишдан ўзингизни тийинг. Бу яхшиликка олиб келмайди. Бунинг ўрнига раҳбар берган кўр-сатмаларни сифатли бажаришга интилганингиз маъқулдир.

VI. ЁШЛАР – ЮРТ ҚАНОТИ

**БИЗНИНГ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН
КҮРА КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА,
БАХТЛИ БҮЛИШЛАРИ ШАРТ!**

ИСЛОМ КАРИМОВ

Ҳар қандай узок йўл биринчи қадамни қўйишдан бошланади. Ҳар қандай мевали дараҳт ўз шоҳ-бутоқларини күёшга томон қанчалик баланд кўтариб юксалтиrsa, унинг илдизи ҳам ер остига шунчалик чукур кириб боради.

Мустақиллик йиллари моҳиятган юртимиз тарихида шарафли ва ўта масъулиятли даврни ташкил этди. Ҳар биримизнинг ҳаётимизда, мамлакат тақдирида муҳим ва кескин ўзгаришлар юз берди. Турмуш тарзимиз ўзгариб бормоқда. Ўзлигимизни англаб, юртимизда ва шахсий ҳаётимизда содир бўлаётган янгиланиш жараёнларини ҳаққоний таҳлил этадиган бўлиб колдик. Миллый ғоямиз бизнинг иймонимиз мезонига айланиб, қарамлик, бокимандалик кайфиятидан озод бўла бошладик. Келажак тақдиримиз ўз фаолиятимизга боғлик эканлигига ишонч хосил қилмоқдамиз.

Ёшлар – юрт қаноти, мамлакат таянчи. Навқирон авлодга эътибор келажакка қўйилган мустаҳкам пойdevордир. Шуни унумаслигимиз керакки, иродаси кучли, иймони мустаҳкам ёшлар ташки таъсиirlарга осонликча берилмайдилар. Мустақиллик жуда катта масъулияттир. Мустақилликни асраш уни қўлга киритишга нисбатан оғирроқ вазифадир. Бу эса биздан доимо мустақилликни асраб авайлаш, огоҳ бўлиш, илм эгаллаб жамиятга муносиб ҳисса қўшиб яшашни талаб этади.

СОҒЛОМ АВЛОД ҒОЯСИ

Жамият таракқиётида турфа тоифа кишиларнинг муштарак мақсад-муддаолари ифодаси бўлган ғоялар муҳим аҳамият касб этади. Шу боис миллый мағкура халқнинг умумий манфаатлари асосида шаклланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган соғлом авлод ғояси халқимизнинг асрий мақсад-муддаоларини акс эттиради.

Бу ғоя, аввало, фарзандларимизни ҳам **жисмоний, ҳам маънавий** камолига хизмат қиласидиган таълим-тарбия тизимини

шакллантириш борасида бизни улкан ишларни амалга оширишга даъват этмокда.

Иккинчидан, **соғлом авлод** ва бозор иқтисодиёти ёшларимизда тадбиркорликни, ижодкорликни ва бунёдкорлик фазилатларини камол топтиради.

Учинчидан, **буюк бизни ватанпарварлик** тамойиллари асосида яшашга ундан туради. Шунда ҳар бир фукаронинг кўз ўнгидаги мудом юрт ва миллат шаъни гавдаланиб туради, жамиятда тенглик ва поклик қарор топади.

Тўртинчидан, **соғлом авлод ғояси** кишиларни огохликка ундаиди. Бу эса юртимиз шаънига доғ тушурувчи, миллат манфаатларига қарши борувчи, уларни атайлаб оёқсти қилувчи кимсаларга муросасиз бўлишини тақозо этади.

Бешинчидан, **соғлом авлод ғояси** ижтимоий адолат ва хуқуқий маданият тамойилларига таянади. Маълумки, республикамизда хуқуқий демократик жамият барпо этиш хукуқлари ва эркинликларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишини ташкил этади.

VII. МАЪРУЗА ЎҚИШ МАҲОРАТИ

Ўқувчиларни қизиқтириш омиллари

Қизиқиш – ўқувчиларни ўзига жалб этишда устозга ёрдам берувчи асосий жиҳатдир.

Шуни айтиш керакки, ўқувчининг билим, маданий савияси сезиларли даражада ошган, унинг хабардорлиги фоят кучайган. Бугунги кунда энг аввало, қизиқиш маъруза тинглашга куч бўлиб хизмат килмоқда. Буни ҳаммамиз ҳам тушунавермаймиз. Рағбатлантирувчи омил сифатида маъруза тарғиботида қизиқишга кўпинча етарли баҳо берилимайди. Баъзан билим олишга, завқланишга ўринсиз заруратдай каралади. Холбуки, ҳар қандай билим бериш қизиқиш уйғотиш санъатидан бошқа нарса эмаслигини фан исботлаб берган, тажриба буни тасдиқдан ўтказган. Зоро, кимнингдир эътиборини жалб этиш учун у ёки бу предметга, унинг кўринишига, воқеа-ҳодисаларга, турли масалаларга нисбатан кишиларда қизиқиш уйғота билиш лозим.

Қизиқиш ва эътибор ҳар хил бўлади: индивидуал ва умумий, доимий ва вактинча қизиқишлиар. Булар бир -биридан фарқ қилади. Баъзи маърузаларда, ҳатто ўта катта қизиқиш пайдо бўлади, устоз билан ўқувчилар гўё баравар нафас олаётгандай, бир ғоя, бир фикр билан яшаётгандай туюлади. Бошқаларида эса дастлабки дақиқаларданок қизиқиш пасая боради. Демак, маъруза бошланишидан то унинг охиригача аудитория эътиборини тортиб туриш ва мавзуга бўлган қизиқишини доим саклаш жуда муҳим.

Беихтиёр, ихтиёрий ҳамда кечикиб пайдо бўладиган эътиборлар фарқ килинади. Беихтиёр эътибор алоҳида уринишиз, қўшимча сабаблар натижасида пайдо бўлади. Маъруза тарғиботида кўп ҳолларда ихтиёрий эътибордан фойдаланилади, у өвосита иродали харакат маҳсулидир.

Барқарор қизиқишга эришиш учун ёрдам берадиган восита ва усуллар оз эмас. Булар устозга боғлиқ. Маълумки, ўқувчилар билан устоз ўртасидаги боғланиш улар учрашмасларидан илгари бошланади. Аниқроқ қилиб айтганда, устоз ва ўқувчилар қаерда. ким билан, нима учун бу учрашув тайинланганлигини билган вакъларидан бошланади. Баъзан олинган хабар дархол эътиборни ўзига тортади. Масалан, ҳатто машҳур устознинг номи айтилган ёки ўқувчиларни бепарво қолдирмайдиган мавзу ўқувчилар эътиборини тортиши

турган гап. Баъзан ўқувчилар сухбат мавзусини билмасаларда, айнан шу устоз, олимнинг сўзини тинглаш учун қизиқишиади.

Маърузани нимадан бошламоқ керак? Бу масала ҳар бир устозни аудитория билан танишишида ташвишлантиради. Маъруза ўқишида ёзилмаган конуният мавжуд: агар устоз ўқувчилар эътиборини дастлабки дақиқаларданок жалб эта олмаса, кейинчалик ўқувчилар диккатини ўзига торта олиши қийин қечиши ва ҳатто иложи бўлмаслиги ҳам мумкин.

Устозлар орасида масала моҳиятини баён қилишдан ёки кандайдир маълум ҳужжатдан, цитатадан бошлаш майлига берилиувчилар кўплаб топилади. Бу усул рад этилмаган, улар самара бериши мумкин. Рўпарангда масалани тушунадиган, битта умумий муаммони мухокама килиш учун йигилган ўқувчилар ўтирганидан кейин сафсатабозлик килмай, тўғридан-тўғри мақсадга ўтиш маъкул эмасми? Лекин шуни эсда тутиш керакки, бундай ҳолларда беихтиёр сийкаси чиқсан андозалар даражасига тушиб колиш мумкин, айникса, ўқувчилар уларга илгаридан маълум бўлган маълумотларга устоз бошланишидаёк дуч келсалар, шундай вазият рўй беради. Агар маърузани бошлаш сийкаси чиқсан усулда бўлса, ўқувчилар эътибори жамланмаслиги, аксинча, маъруза қандайдир кутилмаган йўсинда бошланса, эътибор дарҳол тортилиши турган гап. Маърузани бошлашни яна бир кенг тарқалган усули ҳақида тўхталиб ўтамиш. Маърузачи қандай масалалар ҳақида тўхталишини шунчаки қайд этиб ўз маърузасини тўғридан-тўғри бошлайверади. Бир қарашда жуда оддий бўлиб туюладиган бу усул устоздан маълум маҳорат талаб этади. Бунда материални шундай жойлаштириш керакки, ўқувчиларнинг эътибори пасайиши ўрнига орта борсин. Шунинг учун устоз маърузасини бошланишида ўқувчиларга маълум бўлиши мумкин бўлган нарсалар ҳақида гапиради. Шундай кейингина унчалик маълум бўлмаган маълумотларга ўтади ва сўнгра ўқувчиларга мутлако билмаган масалаларни тушунтира бошлайди.

Пухта ўйланган маъруза яхшилаб басталанган ва оранжировка қилинган мусиқа асарига ўхшайди. Унинг негизи маърузачининг режасидир. Маъруза ўзаро узвий боғлик учта қисм: кириш, асосий қисм, якундан иборат бўлади. Маърузани яхши бошлаш – ярим муваффақият гаровидир.

Ҳар бир маърузачи ўқувчилар билан учрашганда ўзини саҳнага чиқсан актёрдек ҳис этиши керак. Маълумки, актёр ўз ролини тўлиқ бажара олмаса, у қатнашаётган спектаклга келувчилар сони ҳам камайиб борганидек, маърузани эътибор билан тингловчи ўқувчилар

сони ҳам камайиб бораверади. Устозлар масалага турлича: баъзилар – кенг, бошқалар – тор доирада қараганлари учун уларнинг нуқтаи назарлари ҳам кўпинча бир-биридан фарқ қиласди. Айримлар бир томонлама, юзаки илмга эга бўладилар, бундайларнинг ҳакиқат сари кўйган одимлари ярим йўлда қолиб кетади. Маърузачи билан мулокотда бўлиш бундай камчиликлардан халос бўлишга ёрдам беради. Ўқувчилар маърузачи ёрдамида ўз дунё қарашини кенгайтирар, ундан маълумотлар, воқеалар ва ҳодисаларни таҳжил қилишга илмий ёндашишни ўрганар экан, у фақат янги билимлар билан бойибгина қолмай, балки унинг ақли пешланиб боради.

Ҳар қандай маъруза вақт билан чегараланган. Шунинг учун маърузачи материални салмоқлаб қўриши табиийдир. Бунда материал кўпинча маълумотлар билангина эмас, балки ғоялар ҳисобига ҳам тўлдирилади. Агар маърузачи ўз ғоясини ўқувчиларнинг амалий ишлари билан бошлашга муваффақ бўлса, унда унинг аҳамияти янада ортади. Маъруза мазмуни қизиқарли бўлиши учун қуидаги шарт, яъни ўқувчилар маърузачини тушунишлари ҳам зарур. Бусиз сермаҳсул мулоқотнинг бўлиши мумкин эмас. Қанчалик жимжимадор, чалкаш фикрлар изхор қилинса, маъруза шунчалик салобатли чикади деб ҳисоблайдиган маърузачилар катта хатога йўл қўядилар. Юзаки илмийлик – маърузачининг иттифоқчиси эмас, аксинча, унинг душманидир, у ҳатто жиддий фикрни хидалаштириб, ўқувчиларни бездириб юбориши ҳам мумкин. Маъруза равшан, оддий, ўта предметли бўлиши шарт.

Маърузачи олий натижани кўзлаши керак, лекин у ўқувчилар учун тушунарли бўлиб қолиши лозим, албатта. Бу муҳим талабга риоя қилиш айниқса, сиёсий нуқтаи назардан зарур.

Маърузанинг шиорлилигини одатда, мантиқийлик билан боғлашади. Бу ҳаққоний фикр, чунки нима мантиқли бўлса, у ҳакиқатни билдиради, мантиқсиз нарса эса ёлғонни билдиради. Баён қилиш мантиқи ўқувчилар эътиборини жалб этади ҳамда аудитория фикрини бошқариб боради. Тажрибали маърузачи одатда, муаммоларни, ғояларни исбот қилиниши шарт бўлмаган аксиомалар ёки қўриниб турган ҳақиқатлар шаклида кўймайди, балки ўз фикрини овоз чиқариб айтиётгандай бўлади, эҳтимолга яқин ечимларни баён қиласди, ўзи тўғри деб ҳисоблаган вариантни ахтариб олиб, уни асослаб беради. Бунда ўқувчиларда «Нега?», «Нима учун?», «Нима сабабли?», «Бундан кейин нима бўларкин?» деган саволлар туғилади. Саволлар аудиториянинг барқарор эътиборидан далолат беради.

Маърузачи ғояларни ўртага ташлаш, фикрини ифодалашнинг ўзи билангина кифояланмай, балки, ўз нуктаи назарининг тўғрилигига аудиторияни ишонтириш учун далил-исботлар келтиради. Айнан шу йўл билан ўкувчилар эътиборини ўзи гапираётган ва таъкидлаётган нарсага янада кучлирок тортади, баён қилинаётган материалга нисбатан фаол муносабат уйғотади. Бундай холларда ўкувчилар тайёр нарсани қабул қилиш ўрнига ўзлари зўр бериб ўйладилар, фикран эътиroz билдирадилар, рози бўладилар. иккиланадилар, охир-оқибатда эса, уларга тақдим этилаётган материалнинг тўғрилигига тўла ишонч ҳосил киладилар.

Мантикий исботлаш ўзаро боғлик учта элементдан ташкил топади. Биринчиси бу – тезис, яъни қоида бўлиб, унинг тўғри эканлигини аниклаш ва очиб бериш керак. Тезис: «Нимани исботлаш керак?», деган савол орқали аникланади. Бунда исботлаш, яъни далиллар, далилларнинг асослари ёрдамга келади. Амалий маълумотлар, назарий қоидалар, хулосалар шулар жумласига киради. Далиллар: «Тезисни асослаб бериш нималар ёрдамида бажарилади?», деган саволга жавоб беради. Учинчи элемент бу далил билан тезиснинг асосланганлигини ҳамда уларнинг бир-бирига боғлик эканлигини намойиш қилиш ва мантикий алокадан иборатдир, у: «Тезисни асослаш қандай, қайси йўл билан амалга оширилади?», деган саволга жавоб беради.

Намойиш қилишнинг аҳамиятини камситмай туриб, оғзаки маърузанинг ишончлилиги ҳал қилувчи даражада далилларга, бош ғояни асослаб беришга ёрдам қилувчи далилларга боғлик эканлигини таъкидлаб ўтиш керак. Чунки пировард натижада хулосалар тўғрилигини, далилларнинг ишончлилигини, ўз-ўзидан кўриниб турувчи қудратини белгилаб беради. Демак, маърузанинг ишонарли бўлиши мантиқнинг маълум қоидаларга амал қилишни назарда тутадики, уларни куйидаги талабларда бирлаштириш мумкин: Биринчидан, баён тушунарли, оддий, яккол ўзлаштирилиши, енгил, силлиқ, бир фикрдан иккинчисига сакрамайдиган бўлиши керак. Иккинчидан, маърузада бир-бирига зид фикрларга йўл кўйиб бўлмайди, изчил, ўз эътиқоди ва қарашларини ҳимоя қилишда катъий бўлишлиги лозим. Учинчидан, мавхум фикрлар мисоллар, маълумотлар билан кувватланиши, асосланиши даркор. Бунда маърузани амалий материаллар, айниқса, рақамлар билан тўлдириб юбориш ярамайди. Рақамлар кийин ўзлаштирилади, шунинг учун меъёрдан чиқмаслик катта аҳамият касб этади. Уларни иложи борича натурал үлчамларда ва таққослашлар орқали бериш керак. Агар маърузачи мужмал, ноаниқ

гапирса, бир фикрдан иккинчисига сакраб юрса, унинг мулоҳазалари қарама-қарши ҳамда далил-исботсиз бўлса, аудиториянинг эътибори сусайиб жонли сўзга ишонч йўқолади. Аудиторияни гоялар ҳамда фикрлар билан қизиқтириш учун маъruzachi ўзи танлаган баён қилиш усулидан кечиши қийин. Бу ҳикоя қўринишидаги жонли сўзми, маъруза вакти-вактида савол билан бўлинib турувчи самимий сухбатми, ягона марказ – ўртага ташланган муаммо атрофида тузилган баёнданд иборат муаммоли усулни, буни маърузачининг ўзи узил-кесил ҳал қиласди. Аудиториянинг яхши эътибори, агар умумий тарзда айтадиган бўлсак, бу – ўкувчиларнинг психологик кайфиятидан иборатдир. Унга маърузанинг чукур мазмунни, гоявий йўналиши ва ҳаётий аҳамияти, баён қилишнинг мос усулини танлаш, ёркин ҳамда образли шакл орқали эришилади. Лекин шахснинг, унинг ташки қиёфаси, хатти-ҳаракати, фикрини баён қилиш усули, одобини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Маърузачи тўғрисидаги биринчи таассурот унинг фойласига бўлмайди: ёқаси тугмаланмаган кўйлак, ғижим шим кийиб олган бу киши жуда содда қўринади. Яна бир сафар эса кадди-комати келишган, лекин худди гўзаллик конкурсига келгандай ўта замонавий турмак қилиб олган, керагидан ортиқ зебу-зийнатлар тақиб олган аёл минбарга кўтарилади. Агар биринчи ҳолда ўкувчилар нигоҳларини четга буришга ҳаракат қилган бўлсалар, иккинчи вазиятда уларнинг кўзлари аёл либосида, тақинчоқларида бўлиб, айтилаётган гаплар кулоққа кирмайди.

Маърузачи ҳам артист каби табиий бўлиши: ҳис туйғулари ва овозини бошқара билиши, аудитория билан мулокотдан ижодий рухла-ниши, кайфияти, соғлиғидан қатъи назар ўзини тетик тутиши керак. Лекин маърузачи ҳар ҳолда актёр эмас. Актёр ўзига берилган рол – образига кирап экан, муаллиф ёзган матнни ўқиди. Маърузачи эса ҳар доим ўз ролининг ижодкори. Шунинг учун ҳам баён этилаётган нарсани унинг ўзи шахсан ҳис этгандай, бошдан кечиргандай бўлиши керак.

Инсоннинг онгига энг қисқа йўл унинг қалбидан ўтади. Ҳис-сиётлар ўкувчиларни ҳаяжонга солиб, уларнинг ақл-идрокларини кескинроқ ва ўтқирроқ ишлашга мажбур қиласди. Жўшқин маъруза аудиторияни ўз майлига бўйсундиради ва у узок вакт ёдда қолади.

Жўшқин хиссиёт билан бевосита алоқада бўлиш, кўпроқ маърузага боғлиқ ҳамдир. Лекин унинг асосий манбаи – билим, маърузачи тасдиқлаётган гоянинг ҳаққонийлигига чукур ишончдан, яъни унинг эътикоди, ҳаётий нуқтаи назардан иборатдир.

Агар ўқувчилар маъruzачининг сўзи билан иши ўртасида, у таъкидлаётган нарса билан унинг турмуш тарзи ўртасида узилишни сезиб қолсалар, ўқувчиларнинг унга ишончлари йўколади. Чунки маъruzачи ўқувчиларга факат тўпланган билим ва тажрибанинг ўзинигина эмас, балки катта машаккатлар натижасида ҳосил бўлган маънавий қадриятларни хам олиб келади. У билимларни аник ва тўла кўламда бера олмаганлиги унчалик хавфли эмас, балки маънавий қадриятларни бузиб кўрсатиши дахшатироқдир. Тўла бўлмаган билимини ўқувчининг ўзи тўлдириши, чукурлаштириши мумкин, лекин етказилган маънавий зарарни тузатиш қийин, ҳатто баъзан бунинг иложи ҳам йўқ.

Маъruzачининг шахсига ва тингловчига қўйилган касбий ҳамда одобий талабларга оид мулоҳазалар

Маъruzачининг одоби ҳақида. Ишдаги ва хатти-харакатдаги одоб, фикримизча, эпчилликни, айтиладиган гапни ва бажариладиган ишни ўз ўрнида бажаришни ифодалайдики, шу йўл билан ўқувчининг ихлосини ошириш мумкин. Бунга энг аввало, унга қандайдир янгиликни ўқишига, у ёки бу масалани ҳал этишга ёрдам бериш учун астойдил жон куйдириш билан эришилади.

Аудитория маъruzачининг ўз вазифасига муносабатини зийраклик билан ҳис этади. Ўқувчилар ишончини йўқотишда хеч нарса маъruzачининг ўз ишига ижодий муносабатда бўлмаслиги каби салбий таъсир кўрсата олмайди. Ўқувчилар тажриба камлигини, билим етишмаслигини кечиришлари мумкин. Бироқ улар локайдикни оқлай олмайдилар.

Баъзи маъruzачилар ишга енгил ёндашишта ишқибоз бўладилар. Улар ўз хотира ва зеҳнларига ортиқча ишониб, маъruzага умуман тайёрланмайдилар ёки бошқаларнинг матнларидан фойдаланадилар, яъни уни фақат ўқиб берадилар холос. Лекин маълумки, агар ғоя ҳатто тушунарли бўлса ҳам, ўз борлиғидан ўтказилмаса, ўлиқ капиталлигача қолаверади ва у ўз фикрини ҳам, айниқса, бошқалар фикрини ҳам жонлантира олмайди. Маъruzачи ўзини ўқувчилар кўз ўнгидаги фикрни эркин ижод этишга ўргатиши кераклиги шубҳасиздир. Акс холда аудитория билан алоқа ўрнатиб бўлмайди. Лекин эркин гапириш – шу дақиқада ҳаёлига нима келса, шуни ёки тусмоллаб гапириш дегани эмас.

Биз экспромт ҳақида, яъни тайёргарлик кўрмай туриб, ортиқча мулоҳазага бормасдан сўзга чиқавериш тўғрисида кўп фикр

юритамиз. Лекин бу ўринда кўпинча биз чукур мазмунли маъруза импровизация эмас. балки олдиндан кўрилган тайёргарлик маҳсулни эканлигини унудиб кўямиз. Шунинг учун маърузачи, ўз фаолиятини эндиғина бошлаётганда экспромтга берилмасликлари, бунинг ўрнига ўз маърузаларини олдиндан пухта тайёрлашлари лозим.

Биз маърузачининг одоби ҳакида гапираётганимизда педагогик одобни назарда тутаямиз. Бундан ташқари, у сезгирилик ва меҳри-бонликни, самимийликни, ўзини ўқувчилар ўрнига кўя билиши, уларнинг нуқтаи назарларини эътиборга олишни ҳам кўзда тутади. Демак, маърузачи нафақат гапиришни, шунингдек, тинглашни ҳам билиши керак.

Маърузачи учун у нима ҳақда ва қандай гапираётганлиги, яъни аудитория билан мулоқот қилиш оҳанги, тарзи ва усули ҳам муҳимдир. Табиийки, маърузачининг сўз оҳанги бир хилда бўла олмайди. Чунки у қувониши ва газабланиши, аччик сўз ҳамда ҳазилдан фойдаланиши мумкин. Бирок ҳар қандай вазиятда ҳам ўқувчилар унинг оҳангида профессионалликнинг зарур сифати – эътиқод ва ирода, хайриҳоҳлик ва ўзини тута билишдан далолат берувчи кескинлик ва катъиятни хис этиб туришлари керак.

Маъруза сўнгига хулоса чиқарилади. У кириш қисми билан биргаликда маърузанинг кобигини ташкил этади. Лекин хулоса тамоман мустакил вазифани ҳам бажаради, унда қисқа, лўнда шаклда айтилган нарсалар умумлаштирилади. Бундан ташқари, зарур хулосалар чиқарилади. Якуни ва хулосаларига кўра у одатда, ўқувчилар фикрига мос бўлади.

Шундай савол туғилади: маъруза қилиш учун маълум хусусиятларга эга бўлиш шартми? Шубҳасиз, шарт. Ҳар қандай маърузачи чукур билимга, маънавий маданиятга, ҳаётий одобга эга бўлиши, ўқувчиларни тинглай ва тушуна билиши, фикр кучи билан ишонтира олиши, шахсий намунаси билан жазм қилиши керак. Унга сиёсий зийраклик, рўй берәётган воқеа-ходисаларни чукур таҳлил қила олиш қобилияти муносиб бўлиши керак.

Эҳтимол бъязиларга бу талаблар жуда юқори бўлиб туюлар. Лекин маърузачига топширилаётган иш ҳам жуда юксак ва масъулиятлидир. Ҳозир чукур билимли ёшлар, ўқувчилар оз эмас. Маърузачи-кадрлар танлаб олинадиган қатлам жуда кенг. Шунинг учун ҳам билимдон, принципиал, қобилиятли кишилар катта кимматга эга. Бундай маърузачиларни излаш, тайёрлаш, улар ҳақида доим ғамхўрлик қилиш керак. Шунда улар ўзларининг зарур эканликларини чуқурроқ ҳис этадилар. Бу эса маълумки, ҳар қандай

соҳада, айниқса, ўкувчилар билан бўладиган ҳар бир учрашувда нафакат билим, шу билан бирга, қалб қўрига эга бўлишни талаб қиласдиган маъruzачининг иши катта рағбатлантирувчи кучга эга бўлиши зарур.

Максадга эришиш учун маъruzачи ҳар доим катта имкониятларга эга. Лекин бу имкониятлар кўпинча потенциал қўринишда бўлади. Ҳаммаси маъruzачининг билимига, ҳаракатига, маҳоратига боғлиқ.

- Маъruzачининг овоз пайчалари ривожланган, қўриш қобилияти яхши бўлиши керак, узоқ вақт тикка тура олиш, кўп юриш, эпчил ҳаракат қилиш каби фазилатларга эга бўлмоги шарт.

- Тингловчилар мәъruzачи билимининг уларга етказа олиш имкониятларини қадрлашлари керак, маъruzачилик касби жуда катта руҳий ва жисмоний куч талаб этади, шунинг учун маъruzачининг саломатлигига ҳам маълум талблар қўйилади.

- Маъruzачи ўз нутқини идора қилиши; адабий нутқ нормаларига риоя этиши, овознинг баланд-пастлигига аҳамият бериши (ортиқча қаттиқ баланд овоз билан гапириш ҳам, секин гапириш ҳам тингловчиларни чарчатиб қўяди); нуткнинг жонли, ифодали бўлишига эътибор бериши; тингловчиларни чарчатиб қўймаслик максадида дарсда бир хиллиқдан қочиш керак. Нихоят, у ўз устида тинмай ишламоғи лозим. Айниқса, қадриятларимизни ўрганишга, ўзлигимизни танишимизга, қадимий маданиятимизни билишга эҳтиёж катта бўлмоқда, зеро, бу нарсаларни билмай туриб мустақиллигимизни мустаҳкамлаб, буюк давлат қуриб бўлмайди. Бу маъruzачидан шу соҳада чуқур билимли бўлишни талаб этади.

- Педагог ва тингловчи танқид ва ўз-ўзини танқидни тўғри тушуниши ҳамда унга итоат қилиши керак. Дейл Корнегининг «Қандай қилиб дўстлар орттириш ва одамларга таъсир ўтказиш мумкинлиги хусусида» номли китобидаги фикр-мулоҳазалар билан таниш бўлиш фойдадан ҳоли эмас, албатта.

- Танқид шунинг учун ўринсиздирки, унда одамларни тезда мудофаалашга, ўзини оқлашга уринишга мажбур этади. Танқиднинг хавфли томони шундаки, у инсоннинг ғурурига калтак бўлиб урилади, шахсий мавқеига ёки нафсониятига тегади ва хафа бўлишига сабабчи бўлади.

- Немис армиясида бирор кор-ҳолга сабабчи бўлган аскарга дарров танқидий сўзлар айтиш ман қилинган. Аввало, у яхши ухлаши ва совиши лозим. Кимки дарров шикоят қилса, жазоланади. Шу тартиб фуқаролараро ҳам жорий қилинса, қандай ажойиб бўларди! Бу

доимо норози ота-оналар, қовурилиб юрадиган хотинлар, иш юритувчилар ва ашаддий танқидчилар учун жуда ҳам керак бўларди.

- Конфуций айтгандини: – «Бўсағангизни қордан тозаламай туриб, қўшнининг томи қордан тозаланмаганидан шикоят қилманг».

- Одамлар билан мулоқотда шуни унумтангки, нафақат мантиқан етук киши билан иш қураяпсиз, балки ҳис-туйғуга тез бериладиган хурофотга муккасидан кетган ўта мағрур киши билан сухбатлашайпман, деб доимо тасаввур қилинг.

- Аммо ўзгаларни тушуниш ва марҳаматли бўлиш учун кучли характер ва ирода керак бўлади.

- XX асрнинг етук психологларидан бири Веналик машҳур олим Зигмунд Фрейд айтадики, ҳамма ҳаракатларимизнинг замирида иккита асосий важ бўлади –жинсий муомала ва буюк бўлишга интилиш.

- «Ўзимнинг энг қимматли жиҳатим, –дейди Шваб. – одамларни ташаббускорликка чақира билиш ва инсон қадр-қиммати ва рағбатлантирилиши таъминланган ҳолда энг яхши хислатларининг ривожлантирилишида», деб биламан. Раҳбарлар томонидан қилинган танқид инсон нафсониятига шунчалар қаттиқ тегадики, бундай таъсир кучни инсон бошқа ҳеч жойдан ололмайди. Мен ҳеч қачон, ҳеч кимни танқид қилмайман, мен одамларни ишда рағбатлантириш кучига ишонаман. Мен одамларни мақташни истайман ва сўкишга тоқатим йўқ. Менга нимадир ёқса уни баҳолашда самимий ва мақтовда сахий бўламан».

- Мана одамлар ўртасида ўзаро нозик муносабатлар борасида қачонлардир берилган яна бир маслаҳат: «Бунда қандайдир сир бўлса, – дейда Генри Форд, – у бошқа киши нуқтаи назарини тушуна билмоқ ва нарсаларга унинг ва ўзингизнинг нуқтаи назарларингиздан қарай билмоқдир».

- Бу қоида шунчалик оддий ва ҳаётыйки, ҳар бир киши адолатли эканини кўра билади. Шунга қарамасдан ер юзидағи одамларнинг тўқсон фоизи бу қоидани тўқсон фоиз ҳолатларда инкор этадилар.

- Шарқнинг забардаст комусий намоёндаларидан бири Абу Наср Форобий (873–930) ўзининг «Ақл тўғрисидаги» рисоласида «Ўзидан ўн икки туғма хислатни» бирлаштирган кишигини ахлоқли одам бўла олади, деб таъкидлаб ўтган:

1. Одамнинг барча органлари шу даражада мукаммал тараққий этган бўлиши зарурки, у бу органлари билан бажармоқчи бўлган барча ишларни осонлик билан амалга ошира олсин.

2. Барча масалани, мухокама ва мулоҳазани тезда ва тӯғри тушуна оладиган, унинг маъносини англай оладиган, сўзловчининг мақсади ва айтилган фикрининг чинлигини тезда пайқаб оладиган бўлсин.

3. Хотира жуда бақувват, кўрган-эшитган, сезган нарсаларининг бирортасини ҳам эсдан чиқармай, ёдида сақлаб қоладиган бўлсин.

4. Зеҳн шу даражада тез ва ўткир бўлсинки, бирор нарсанинг аломатини сезиши билан, бу аломат нимани билдиришини зудлик билан англаб олсин.

5. Сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини равон ва равшан баён эта олсин.

6. Билиш ва ўқишига муҳаббати бўлсин.

7. Овқатланишда, ичимлик исътемол этишда очкўз бўлмасин.

8. Ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин.

9. Руҳи ғурурли ва ўз виждонини қадрлайдиган бўлсин.

10. Дирхам, динар ва шу каби турмуш буюмларига жирканиш билан карасин.

11. Одамларниadolatтага тарғиб этадиган ҳолда, адолатсизлик натижаларини йўқотадиган, уларга ўйл кўймайдиган бўлсин.

12. Ўзи зарур деб билган нарсасини амалга оширишда қатъийлик кўрсатсин, кўркмас, жасур бўлсин, кўркиш ва ожизликни билмасин.

Мъузачиларнинг маърузани ўқишдан мақсад:

-янги билим бера олиши керак;

-тўлиқ аҳборот бера олиши керак;

-ишонтира олиши керак;

-даъват килдира олиши керак.

Маъузачиларни тўрт гурӯҳга бўлиш мумкин:

-домла-олим;

-домла-педагог;

-оратор – сўз устаси;

-тарбиячи.

Маъузачига керак бўлган ҳусусиятлар:

-педагогик маҳорат;

-ўз-ўзини назорат;

-фидойилик;

-ораторлик(сўз устаси);

-психологик тетиклик;

-ўзгаларга ўз фикрини ўтказа олиш;

-тингловчилар фикр-туйғусини англай билиш;

-муҳитдан келиб чиқсан ҳолда ҳазил-хузул қила олиш;

- мавзуни мураккабдан эмас, оддийликдан бошлаш;
- фақат қуруқ гап эмас, ҳаётий мисолларда фикрни баён этиш;
- ўтилаётган мавзуни бошқа мавзулар, соҳалар билан таққослаб бериш;
- фанлараро интеграцияга эътиборни қаратиш;
- олий таълим хукукий-меъёрий ҳужжатлари бўйича билим ва малака;
- касбий малака;
- маънавий салоҳият;
- илмий салоҳият;
- чет тилларни билиш;
- компьютер саводхонлиги;
- ўз-ўзини танқид.

Дарс беришда билиш жараёнига алоҳида эътибор қаратиш керак, яъни:

- ўзаро билиш индукцияси, яъни тингловчининг керакли фан, мавзуга оид ҳужайраларини очилиши;
- динамик стереотип, яъни мияда керакли ҳужайралар очилиш тезлигини ошириш;
- таққослаш тамойилини ишлата билиш;
- билиш оддий англаш эмаслиги, балки зиддиятларнинг юзага чиқиши асосида содир бўладиган фаол ҳаракат жараёнидан иборат инъикос эканлигини назарда тутиш;
- тафаккурлаш билишнинг юқори босқичи эканлигини доимо эсда тутиш;
- сезишга, тасаввурга, хисга, хулосага суюниб, объектив қонунийт ҳақида чукурроқ маълумот беришга интилиш;
- инъикос, яъни, тасаввур қилиш, уни ифодалашни билиш;
- кўргазмалик (кўргазма асосида 37–40%, кўргазмасиз 15–20% билим қабул этилади, маҳоратга қараб билимни қабул этилишини 90–95% га етказиш мумкин);
- қабул этилган билимлар асосида янги билимлар олишга интилтириш хусусияти;
- механик хотирадан (тушунмасдан эслаб қолиш) мантиқий хотирага (тушуниб эслаб қолиш) ўтиш;
- қабул этилган билимни қайтариб айтиб бера олишга ундаш (яъни қобилиятни ривожлантириш);
- олинган билимларни, курс, мустақил, битирув ва диплом ишлари орқали мустаҳкамлаш;
- олинган билимларга қўшимчалар киритишга ундаш;
- маърузанинг технологик ҳаритасини тузা олиш;

-хар бир мулокотга ижодий ёндашиш;
-статистик маълумотларни аниқ етказиб бера олиш;
-муаммони қўйиб, уни ҳал этиш йўлларини кўрсатиб бера олиш;
-маърузага оид ахборотни босқичма-босқич изоҳлай олиш;
-фақат билим бера олиш эмас, тарбиялай олишга оид хужжатлар;

-эшитилган маъруза ва ўтказилган машғулотлар ҳакида тингловчилар баҳосини белгилаш;

-tinglovchiga taхlil этиш имконини бериш.

Билимли одам уч хил бўлиши мумкин:

-қамрови кенг, кўп соҳадаги билимлардан хабардор;

-мия ҳужайралари узлуксиз ишлайдиган;

-намунавий ахлоққа эга бўлган.

Маърузачиларга қўйидаги талаблар қўйилиши мумкин:

-аъло хотира; ишчанлик;

-ўз соҳаси (фан)ни чуқур билиш;

-сўз усталиги; таълим берувчи соҳаси бўйича камида 2000 та сўз бойлиги бўлиши;

-аудиторияда кўчадаги сўзларни ишлатмасдан адабий сўзларни ишлатиш;

-талаффуз (дикция); товушнинг баралла чиқиши;

-аудитория билан бевосита ва билвосита мулокотда бўлиш;

-тажриба шуни кўрсатадики, тингловчи маърузачига 4–5 дақиқа давомида синчиклаб қулоқ сола бошлади. Синчиклаб тинглаш энг кўп 25–30 дақиқа давом этади, кейин бу жараён сўна бошлади. Ана шунда маърузачи қўшимча чоралар, яъни тингловчини тетиклаштира оладиган савол-жавобларга ўтиши керак;

-маъруза ўқилиш жараёнида тингловчиларнинг зерикиш ҳодисаси рўй берса товушни ростлаш, мунозарага ўтиш, озгина сокинлик туғдириш, тингловчилар саволларига жавоб бериш керак;

-маърузачидаги руҳий тозалик сезилиб туриши лозим.

Олий ўқув юртлари ректорлари, илмий-тадқиқот институтлари директорлари албатта, академик, профессор деган унвонлар эгаси бўлиши шарт эмас. Шундай кучли олимларимиз борки, аммо раҳбарлик қобилияти бугунги кун талабига жавоб берга олмайди.

Форднинг олий маълумоти бўлмагани учун унинг иш фаолиятига шубҳа билан қараганларида у: «Мени олий маълумотим ийӯқ, бирок ташкилотчилик қобилиятим ва унинг устига кучли олимларни сотиб оладиган маблагим бор», деган экан. Катта унвонларга эга бўлмаган ректор, директор кучли ташкилотчи бўлсалар, уларнинг

муовинлари кучли олимлар (академик, профессор) бўлишлари максадга мувофиқдир.

Хизматга оид бўладиган сухбатда жиiddийлик, қизиконлик, ҳазил-мутонба қилиш меъёрида бўлиш керак. Хизматчилик бобида эшитиш қобилияти катта аҳамиятга эгадир. Буни нима мураккаблиги бор, деган фикр ҳам туғилиши мумкин. Фараз қилинг, мажлис давомида унинг қатнашчилари бир-бирларига гап отиб, сўз бермай, ҳар бир муҳокама этилаётган масала мазмунига тушуниб етмай. факат ўз фикрини намойиш қилиш билан банд бўлади. Натижада, вақт бекорга сарф бўлади ва асабий ҳолат вужудга келади. Бир киши гапараётганда унинг фикрини бўлишга харакат қилиб, у тезда сўзни тугатса-ю, мен чиқиб гапирсан деган мулоҳазадан четда бўлинг. Гапни тинглаб туриб, шеригингиз билан бошқа масалани муҳокама килиб ўтиришга одатланманг. Бу ўта ҳурматсизликдир.

Маърузачи факат ўз фикрини ўтказиш учунгина эмас, балки тингловчида ҳам фикр, мулоҳаза пайдо қила олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Беруний айтганидек: «Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади», шунинг учун ҳам бизни мамлакатимизда Олий ва урта маҳсус таълим тизимига жуда катта эътибор бериб келинмоқда.

VIII. ОНА ТИЛИ ҲАҚИДА

Тилга эътибор—элга эътибор.

Mir Алишер Навоий.

Инсоннинг ҳаётида тутган ўрни бекиёсдир. Ўз она тилини мукаммал билувчи инсонлар ҳам унчалик кўп эмас (бахтга карши). Инсон ёшлигига 3–4 йил болалар боғчасида, 9 йил ўрта мактабда, 3 йил касб-хунар коллежи, академик лицей, 4 йил олий ўкув юрти бакалавриатурасида тилни ўрганиш бўйича машғулотларга қатнашади. Ва ниҳоят ўз она тилида таржимаи ҳолини баён этганда орфографик, стилистик, имло хатоликларга йўл қўяди. Бунинг устига у ёки бу макола ёзса, агарда рисола, китоб, диссертация ёзса, албатта, муҳаррир ва мусаххих қўлидан ўтиши керак. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ўз она тилини билувчи, яъни матнни хатосиз ёза оладиган, сўзларни тўлиқ талаффуз кила оладиган одамлар биз ўйлаганимиздек учча ҳам кўп эмас. Мамлакатимиздаги қарийб 31 млн. аҳолининг неча фоизи ўз она тилини мукаммал билади, деган саволга жавоб топиш мураккабdir.

Ташқи мамлакатдан ноқонуний тарзда олиб келинадиган моллар мамлакат чегарасидан ўтказилмаганидек, атамалар қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган талаб-қоидалар қонунига хилоф тарзда бир хил атама китоб, рисола, газета ва журналларда турлича талқин қилинса, китобхон ва газетхонлар бир республикада истиқомат қиласатуриб атамалар бир хиллигига эришишимиз қийинлигидан ҳайратланишлари табиийдир.

Агар ёшларимиз ўзбек тилини мукаммал ўрганишса, улар Ўзбекистоннинг хоҳлаган бурчагида фаолият кўрсата олиш имконига эга бўладилар. Улар рус тилини ҳам мукаммал ўрганиб олсалар мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларининг ҳаммасида у ёки бу ўкув юртида ўқиш, у ёки бу ташкилотларда бемалол фаолият кўрсатишлари мумкин.

Бунинг устига ёшларимиз у ёки бу чет тилини, жумладан, инглиз тилини мукаммал ўрганиб олсалар дунёнинг энг йирик давлатларида фаолият кўрсата олиш қобилиятига эга бўладилар. Тил бойлиги – эл бойлиги эканлиги шундан ҳам сезилиб ва кўриниб турибди, албатта.

Мутафаккиримиз Алишер Навоийнинг беш аср олдин тилга берган эътиборлари хозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Алишер Навоийнинг қуидаги сўзлари тилга берилган эътибор ва ўзбек тилининг обрўсини янада юқори поғоналарга кўтарилишига таянч ва пойдевор бўлиб келмоқда:

Яхши тил, ёмон тил йўқ, ҳамма тил бир
Жаҳонга шоҳ асарлар яратган
Дунёга шухрати, донғи кетган
Факат форслар, хиндлар, араблар эмас,
Биз сўзлаган тил ҳам шу тиллар сингари бойдир ва қобил.

Яхшилик жаҳолатга айланмасин!

Фан, техника, технология худди инсон оёқ-қўли, кўзи каби бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Улар бир-бирини тўлдириб, моддий бойликларни бунёд этиш асослари бўлиб хисобланади.

Фан – янги фоялар ва янги билимлар берувчи, муаммоларни ҳал этиш йўлларини кўрсатувчи, ижтимоий тараққиёт асосларининг яратилишида фаол қатнашувчи кучdir. Техника инсон куч-кудратини, унинг иш қобилиятини чексиз оширувчи фан ютуқлари асосида яратилган қуролдир.

Технология – фан, техника асосида моддий бойликларни яратилишини амалга оширувчи омилдир.

Бу учта соҳанинг бир-бирига бевосита боғлиқлиги, бир-бирини тўлдириб туриши, такомиллашиб бориши жамият тараққиётини илдам қадамлар билан ўсиб боришини таъминлаши ўтмиш, тарих тақозосидир. Учта соҳанинг бир-бирига бевосита боғлиқ мувозанати бузилса жамиятда техникавий ва ижтимоий салбий ўзгаришлар содир бўлиши исботланган.

Техника фанларининг ҳаётдаги, жамиятдаги тутган ўрни тобора кучайиб бормоқда. Агар биз барча фанлар бўйича ҳимоя этилаётган илмий ишларни 100 фоиз деб қарасак, шулардан 60 фоиздан ортифи техника фанларига тўғри келади.

Жамият бойлигини оширишдаги технологиянинг аҳамиятини АҚШ, Япония, Олмония мамлакатлардаги тараққиёт исбот этиб турибди. Бунинг устига технология экологик жараённи ҳеч қандай ортиқча маблағ сарф этмай яхшилаш имконига эгадир.

Фан, техника, технологияларнинг тўхтовсиз ривожланиб бориши сўз бойлигимизни бойитиб, янги атамаларни келиб чиқишига олиб келади.

Атамалар маъносини тўғри тушуна олмасак, ҳаётимиз ва бажа-раётган ишимиз моҳиятини ҳам чукурроқ англай олмаймиз. «Сўзнинг

асл маъносини тушунмай, ярим олам адашиб юрибди», деган ибора жуда тўғри айтилган. Бу иборани баъзилар А.С.Пушкинники баъзилар Ронс Декартники дейди. Эҳтимол бу ибора шарқ ва ўрта Осиёда яшаб ижод этган улуғ алломаларимиз, шоирларимиз, фозилларимизга тааллуклидир. Буни тарих ҳукмига ташлаймиз. Янги янги техникавий атамалар турли хил миллат ва элатларнинг тилларига сингиб, уларда умумийлик ва бирлик хис-туйғуларни, тушунчаларни келтириб чикаради.

Ўзбек адабиёти ва фанига кириб қолган атамалар бошқа давлат, миллат, элатларнинг тиллардан кўчириб онгимизга сингиб кетганининг гувоҳимиз. Масалан, бизга асрлар оша кириб келган араб сўзлари – «адиб», «алиманах», «асар», «байта», «вази», «девон» «латифа», «мадхия», «мақола», «муаллиф», «муаммо», «мухаммас», «мушоира», «нутқ», «рисола», «рубойй», «санъат», «хамса», «шоир» ва бошқалар, лотин тилидан кириб келган «лауреат», «вариант», «проза», «гуманизм», «вектор», «амплитуда», «абсолют» ва бошқалар, юонон (грек) тилидан кириб келган «антология», «библиография», «биография», «гимн», «монолог», «позия», «поэма», «фантазия», «диаграмма» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Янги техника тармоқларининг ривожи техниканинг тараққиёти саноат тармоқ технологиясининг ўсиши ва янги техникавий атамаларнинг келиб чиқиши табиий ҳолдир. Ҳозирги кунда фанда ўз ўрнини топган қатор техникавий атамалар инглиз, француз, поляк, қозоқ, ўзбек, тожик, кирғиз, туркман ва бошқа тилларда bemalol ишлатилиши ҳаммамизга аёндир. Жумладан, «вектор», «скаляр», «момент», «функция», «тензор», «циркуляция», «градиент», «потенциал», «оператор», «диссертация», «мембрана», «атом», «протон», «молекула» ва ҳоказолар.

X-XII асрларда туркий тиллар ўзбек тилининг ривожи топишига асос бўлди. Шу йўсинда ўзбеклар истиқомат қилган минтақаларда турли хил элатлар чатишуви ва аралашуви натижасида ҳаракат ривожи авж ола бошлади. Шу даврларда туркий, тиллар яъни эски ўзбек тили тараққий эта бошлади. Бу ҳақида Маҳмуд Қошқарийнинг «Девону луғатит турк», Юсуф Хос Ҳожибининг «Кутадғу билик» ва Аҳмад Юғнакийнинг «Хибуатул Ҳақо-йик» асаридан кенг маълумотлар олиш мумкин.

Шундай жараёнлар асосида янги атамалар, тиллар вужудга кела бошлаган. Чигил тили асосида эски ўзбек адабий тили вужудга кела бошлаган XV асрда Чифатой тили ҳам қўлланила бошлади. XVI асрда икки буюк дарё ўртасидаги Мовароуннаҳрдаги туркий аҳолига, яъни

ўзбекларга кўчманчи ўзбек қабилалари кўшилгандан кейин бу минтақалардаги ҳалқ ўзбеклар деб номланди. Шундан сўнг мустакил ўзбек тили мужассамлашиб борди.

Атамалар лугатини ишлаб чиқариш жараёнида муаммолар кўндаланг бўлиб қолмоқда. Айрим муаллифларимиз ҳар нима бўлса ҳам, фактат «соф ўзбек атамасини» қидириб топишга ва уни тавсия этишга уринмоқдалар. Умуман, бундай ташаббусни қўллаб-қувватласа ҳам бўлади, бироқ бу йўлдаги хавф-хатарларни албатта, инобатга олишимиз ва ҳар бир атамани ҳалқ тилига, онгига сингишини эътибордан чикармаслигимиз керак.

Шундай қилинмас экан, атамалар лугатини ишлаб чиқиш миллий ҳис-туйғуларни нотўғри йўлдан кетиб қолишига олиб келиши мумкин.

IX. АХБОРОТ ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ. ГЛОБАЛЛАШУВ, УНИНГ МОҲИЯТИ ВА МАЪНАВИЯТГА ТАЪСИРИ

Истиклол ўзаро хурмат, бир-бирини тан олиш, бир-бирини кадрлаш асосида мамлакат фуқаролари муносабатида ҳам, жаҳон давлатлари ўртасидаги алоқаларда ҳам шу умуминсоний қадриятларга таяниш, ана шу умумий мезонлар асосида яшаш демакдир.

Мустақиллик – жамиятдан ажралмаган ҳолда дунё муаммолари ва ўз тақдири билан боғлиқ бўлган истиклол ҳақида ўйлашдир.

Истиклол – эркин дунёқараш, эркин тафаккурга суюниб яшаш салоҳиятидир. Зотан, эркин дунёга карашгина кишининг ички имкониятларини, яратувчанлик иқтидорини рӯёбга чикаради, ташаббускорликка даъват этади.

Маълумки, глобаллашув жараёни объектив ва қонуний жараён бўлиб, ўзига хос бир қанча ижобий хусусиятларга эга. Бу жараён биринчи галда давлатларга ҳалқаро майдонга эркин чиқишга, бошқалар билан яқиндан ҳамкорлик олиб боришга ҳамда ўз миллий манфаатларини турли хил ҳалқаро ташкилотлар доирасида таъминлашга кенг имкониятлар беради.

Шуни айтиш керакки, вакт ўтиши билан глобаллашув жараёнинг ўзига хос ижобий томонлари билан бирга, бир қатор салбий жиҳатлари ҳам намоён бўла бошлади.

Давлатларнинг бир-бирига сезиларли даражада боғлиқлиги шуни кўрсатмоқдаки, бир минтақадаги хоҳ салбий, хоҳ ижобий воқеа-ҳодисалар дунёнинг бошқа бир минтақасига жуда тез тарқалиб, ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бунинг оқибатида минтақа хавфсизлигига ва баркарорлигига жиддий таҳдидлар вужудга келмоқда. Вазиятнинг кескинлашуви, ташки таҳдидларнинг ички таҳдидлар билан, яъни анъанавий таҳдидлар билан ўзаро қўшилиши, улар орасидаги масофа яқинлашуви ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлигини ўсиши кузатилмоқда. Бу ҳолат эса миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлашда жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, бугунги кунда жаҳон геосиёсатида геостратегик кучлар мувозанатининг ўзгариши, кўп кутбли марказлар юзага келиши, улар орасидаги рақобат ҳамда айрим давлатларнинг дунё ҳукмронлиги учун очиқдан-очиқ даъволари – янги мустақил давлатларда жамиятни эркинлаштириш ва ҳуқуқий демократик давлат куриш жараёнига, миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга салбий таъсириш кўрсатмоқда. Ушбу геосиёсий рақобат оқибатида ҳалқаро хавфсизликнинг янги

ноанъанавий таҳдидлари – халқаро терроризм, диний экстремизм ва фундаментализм, наркобизнес, ноқонуний қурол савдоси, сепаратизм вужудга келиши кузатилади.

Мазкур таҳдидлар эса замонавий халқаро муносабатлар тизимидағи глобаллашув ва интенсивлашув натижасида күндан-кунга миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликка хавф солмоқда.

Сұнгги даврларға келиб, геосиёсий вазияттинг ўзгариши ҳамда рақобат кучайиши натижасида юқорида күрсатылған омиллардан ташқари илгари кузатилмаган таҳдидлар юзага кела бошлади. Айрим гарб давлатлари томонидан ўз миллий манфаатларини кенгайтириша «демократия экспорты», «иккіламчы меъёр», «сиёсий ва ахборот хуружи» кабилар асосий воситага айланмоқда.

Собиқ иттифоқ парчалантандан сұнг бу ҳудудда күплаб янги давлатлар вужудга келди. Улар тоталитар түзумдан катта азият чеккан ҳолда, мұстакилликдан сұнг янги тизим ташкил этишга, халқаро муносабатларда мұносиб ўрин әгаллашға ҳаракат қылдилар. Бу ҳолат эса айрим гарб давлатларининг геосиёсий ва геоиктисодий манфаатларини бу ҳудудда жойлаштиришга катта имконияттар очиб берди.

Натижада, гарб демократия модели тарғиб қилина бошланди. Албатта, бу ҳаракатлар түрли хил нодавлат ташкилоттар, лойихалар, фондлар орқали амалға оширилди. Нодавлат ташкилотларнинг жамият ҳәётидаги ўрни жуда мұхим, албатта. Зоро, у демократия, фуқаролик жамияти қурилишидаги әнг асосий мезонлардан бири. Аммо бу ташкилоттар фуқаро, шахс, жамият ва давлаттинг умумий манфаатлари, демократик жараёнлар назорати сифатида эмас, балки айрим давлатлар манфаатларининг ҳимояси сифатида фаолият юритиши үнга бұлған салбий реакцияни мазкур давлатларда амалға ошириш билан бирға, халқаро хұқуқий мезонларнинг бузилишига олиб келади. Бугунғи кунда айрим Гарб давлатлари томонидан Марказий Осиёға ўз сиёсий ва геосиёсий мақсадларида «гарб демократияси» моделини мажбурлаб тарғиб қилиш тенденцияси кузатилмоқда. Минтақадаги сұнгги воқеалар, хусусан, Қирғизистондаги воқеалар таҳлили бу фаолиятларнинг демократик қадриятларни тарғиб қилиш билан мутлақо боғлиқ эмаслигини күрсатади. Аксинча, улар давлатда конституцион түзумни ағдаришга ва жамиятда ижтимои-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга қарастылғанлығы маълум бўлди. Гарбдаги айрим нодавлат ташкилотлар ўз фаолиятлари давомида Марказий Осиё минтақасининг ўзига хослиғи, унинг шартшароитлари ва урф-одатларини, миллий қадриятлар ва манфаат-

ларини эътибога олмаган ҳолда ҳаракат олиб боришлари кузатилади. Охир-оқибатда улар томонидан қўллаб-кувватланаётган кучлар мавжуд ҳокимиятни ағдаришга ва «ислом халифалиги»ни ўрнатиш максадида яширинча фаолият олиб бораётган минтақавий ва халқаро экстремистик, террористик ташкилотлар аъзолари бўлиб чиқмокдалар. Бу фаолият на демократик қадриятларга ва на халқаро ҳуқуқий меъёрларга мос келади. Қизиги шундаки, минтақадаги бекарорликлар охир-оқибат нафақат минтақа давлатларининг миллий хавфсизлигига, балки мазкур йирик куч марказларининг манфаатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Қолаверса, ушбу халқаро нодавлат ташкилотлари томонидан давлатларининг ички ишларига аралашиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бунинг натижасида давлатлардаги ҳуқуқ-тартибот ва суд органлари фаолиятида қийинчиликлар юзага келмоқда. Бундай аралашишлар халқаро ҳуқуқ меъёрларига зид келган ҳолда, давлат манфаатларига таҳдид солади.

Бу ҳаракатлар эса бевосита «ахборот ҳуружи» таҳди迪 билан амалга оширилмоқда ва бугунги кунга келиб у миллий ва минтақавий хавфсизлик таҳди迪 сифатида шаклланди. Бизга маълумки, ҳар бир ахборот тагида манфаат ётади. Ва ўз навбатида ҳар бир ахборотнинг халқаро ва миллий манфаатлар доирасида, халқаро ҳуқуқий ва қонуний меъёрлар асосида ишлатилиши – айрим гарб давлатлари томонидан илгари сурилган ва кенг тарғиб этилаётган демократик тамойилларнинг асосий мезони ва мазмуни ҳисобланади. Аммо ахборотдан белгиланган ҳаётий муҳим миллий ва халқаро манфаатларга зид ҳолда фойдаланиш жиноят ҳисобланди. Бугунги кунда эса ахборот айрим гарб давлатлари ҳамда халқаро террористик ташкилотлар қўлида асосий ва даҳшатли қурол воситасига айланиб бормоқда.

Глобаллашув жараёнини бевосита ахборот билан боғлиқ эканлигини тушуниш қийин эмас, албатта. Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирда ахборот иктисодиётнинг энг сердаромад манбаига айланиб бормоқда. АҚШ стратегик тадқиқотлар институтининг маълумотларига кўра, ахборот маҳсулотига сарфланган ҳар бир доллар, ёқилғи-энергетика соҳасига сармоя қилинган 1 доллардан кўра бир неча баробар кўп фойда берар экан. Бу факат унинг иктиносидий жиҳати, унинг сиёсий жиҳатга эса ўз шахсий манфаатларига ўта арzon, ўта қулай йўллар билан эришиш сифатида қаралмоқда. Шу нуктаи-назардан бугунги кунда ахборот омили ҳам сиёсий, ҳам иктиносидий жиҳатдан айрим кучлар манфаатига айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам янги мустақил давлатларнинг миллий

хавфсизликни таъминлашда сиёсий, иқтисодий, харбий омиллар билан бир каторда, унинг информацион жиҳатлари борган сари долзарблашмоқда. Президентимиз айтганларидек, ахборот омили-ядровий полигонлардан ҳам даҳшатли омилга айланаб бораёттир. Агар мазкур омилга алоҳида эътибор берилмас экан, у борган сари кучайиб боради. Натижада, айрим кучлар қўлида асосий «куролга» айланади. Бу эса нафақат давлатлар ёки минтақаларда кескин вазият вужудга келишига сабаб бўлади, балки ҳалқаро миқёсда ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Бир сўз билан айтганда, ҳалқаро муносабатлар тизимида юз бераётган ўзгаришлар натижасида миллий хавфсизлик, минтақавий хавфсизлик ва ҳалқаро хавфсизлик каби тушунчалар моҳиятини тушунишга, уларнинг ўзаро боғлиқлигини англашга эътибор ортиб бормоқда. Бугунги дунёнинг информацион хавфсизлик ҳолати «Хавфсизлик» ка бўлган замонавий ёндашувларни ишлаб чиқишига ва миллий, минтақавий, ҳалқаро хавфсизликка нисбатан концептуал карашларни ривожлантиришга ундамоқда.

Бугунги глобаллашув асрида ахборотга бўлган талаб ҳар қачонгидан қўра кучайиб бормоқда. Шундай экан, холис ва ҳакикий ахборотлар тарқатиш, омманинг бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳар қачонгидан қўра бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Ахборотдан ҳимояланиш масалаларига ривожланган мамлакатлар катта аҳамият беради. Ҳозирги пайтга келиб ҳалқаро муносабатлар янги ахборот технологиялари асосида шаклланадиган боис, ахборотдан ҳимоялаш ва компьютер тизимлари хавфсизлигини таъминлаш жамият олдиаги энг муҳим вазифалардан бирига айланмоқда. Юқорида таъкидлаганимиздек, бугунги кунда дунё бўйлаб ўз манфаатларини кенг ёйишнинг энг мақбул усули-ахборот хуружлари бўлса, энг самарали восита ахборот тизимлари ва воситалари хисобланади. Ахборот хуружларининг тез-тез уюштирилаётгани аслида «уруш»га муносабатни ўзгарганидан, куролнинг янги тури кашф қилинганидан дарак беради. Ахборотлар билан куролланган бундай хуружлар душманлар томонидан ўз манфаатлари доирасини кенгайтириш мақсадида уюштирилади. Ҳозирда турли усулларда олиб борилаётган мафкуравий тарғибот ва ташвиқотларнинг асл мақсади – инсон қалби ва онги учун қурашга қаратилган. Бу қураш натижасига қўра уч асосий босқичдан иборат.

Биринчиси – ахборот муайян инсон томонидан қабул қилинмайди.

Иккинчиси – ахборот инсон онгидаги маълумот сифатида сакланиб қолиши ва у бундан бошқа бир масала юзасидан карорлар қабул қилишда ишлатилувчи манба сифатида фойдаланиши мумкин.

Учинчиси –ахборот фикр ёки ғоя сифатида инсон қалбини эгаллаши маънавий-рухий ҳолатининг узвий кисмига айланиши хамда бу унинг амалий фаолияти асосини ташкил қилувчи омил бўлиб қолиши мумкин.

Ахборот учинчи ҳолатда инсонни ҳаракатга даъват қилувчи. рағбатлантирувчи кучини тўла намоён этади.

Глобал ўзгаришлар технологик ютуқлар, маданий жиҳатдан турли миллатларнинг яқинлашуви билан бирга, халқаро сиёсий-ижтимоий майдонда бир қанча тушунмовчиликларни келтириб чиқаради.

Глобаллашув жараёнининг миллий маънавиятга таъсири

XXI аср мўъжизалари – компьютер, интернет, телевидение ва бошқа воситалар бутун дунё халқларининг мулкига айланди. Бу ўз навбатида дунё мамлакатлари ва уларда яшаётган халқларнинг ўзаро боғланиш жараёнини хам тезлаштириди. Дунёнинг умумлашуви, глобаллашуви бир томондан умумий тараққиётга хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан миллий ўзига хосликнинг барбод бўлишига мамлакатлар маънавий ҳаётларини бир колипга солишга, дунёдаги барча миллатлар учун ягона оммавий маънавиятни шакллантиришга кучли таъсир ўтказа бошлади.

Биз ҳозирги даврда фан, техника, технология соҳасидаги ютуқларни бутун дунё халқлари мулкига айлантиришдаги ижобий ролини канчалик юқори баҳоламайлик, бу жараёнда тенгсизликнинг вужудга келаётганини хам эътибордан четда қолдира олмаймиз. Бу бир томондан инсон тараққий қилган мамлакатлар билан кам тараққий қилган ёки энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳада тафовутларида содир бўлмоқда, юксак ривожланган мамлакатларнинг мавжуд иқтисодий ресурсларга эгалик қилиши, бутун интеллектуални қўлга киритиш ва шу билан ўз хукмронлигини таъминлашга интилишни кучайишига олиб келаётган бўлса, иккинчи томондан бу хукмронликни таъминлаш воситаси орқали ўзларининг ғоялари, мафкуралари ва дунёкарашларини оммавийлаштиришни хам авж олдирмоқдалар.

Шу маънода ҳам глобаллашувга қарши кураш истиқболини кўзлаган ҳар бир миллат учун ҳаётий заруриятдир. Лекин унинг

жадал суръатлари дунё мамлакатлари ва уларда яшаётган халқлар, миллатларга ва инсонларнинг ўзаро таъсири ва боғлиқлигини кучайишига ўтказаётган таъсири оммавий тус олаётган шароитда уни бутунлай тұхтатиб қолишга инсониятнинг курби етмаса керак. Чунки жараён нафақат бошланди, балки оммавий тус олди, у ўз домига бутун жаҳон мамлакатлари ва уларда яшаётган халқларни тортиб бормоқда. Ундан бутунлай «қутилишнинг» иложи ҳам, имконияти ҳам ніхоятда камайиб бормоқда.

Хүш, унинг таъсири остида дунёда яшаётган барча инсонлар, миллатлар, халқлар учун янги «оммавий маънавият» вужудга келса нима бўлади? Унинг номи ўзини-ўзи кўрсатиб турибди, аввало, ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, «оммавий маънавият» умум-инсоний маънавият эмас, умуминсоний маънавият дунёда яшаётган миллат ва элатлар маънавиятларининг энг илғор, барча миллатлар учун хизмат қила оладиган қирралари ва жозибаларини ўзида ифода эттирадиган маънавиятдир. У табиий равища миллат ва элатларнинг ўзаро маънан бойишига хизмат қиласи. Бу жараённинг табиий ривожланиши оқибатида инсоният ўз тарихий тараққиётининг ҳар бир босқичларида янги тамаддунни вужудга келтиради. Хуллас, умуминсоний маънавият заминида битта ёки иккита миллатнинг ёки халқнинг ўзига хос маънавиятлари устуворлиги эмас, балки барча миллат (у сон жиҳатидан кичикми ёки каттами, иқтисодий-сиёсий ва ҳарбий жаҳатдан катта қудратга эга бўладими ёки йўқми ундан қатъи назар, асосий мезон инсоният эҳтиёжига мос бўлган маънавиятни яратиш) бўлади ва эллатлар маънавиятининг энг илғор қирралари туради.

«Оммавий маънавият» умуминсоний маънавиятдан тубдан фарқ қилиб, унинг заминида иқтисодий, сиёсий, ҳарбий қудратга эга бўлган, ўз таъсирини жаҳонга ўтказишига курби етадиган миллат ва халқларнинг маънавияти туради. Унинг таъсири ҳеч қачон табиий кечмайди, балки аниқ максад ва манфаатларини қўзлаб олиб бориладиган фаолият натижасида юзага келади. У катта имконият ва қудратга эга бўлган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқларнинг ҳам ўз имкониятини тўла юзага чиқаришига ултурмаган ёки унда тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқларга нисбатан ўтказадиган таъсири, тазиики, керак бўлса, маънавий зўравонлигининг натижасида юзага келади.

Умуминсоний маънавият турли туман миллатларнинг ўзига хос бошқа миллатлар учун ҳам маънавий озуқа бўла оладиган қирраларини ўзида мужассамлаштирганлиги боис табиий равища

кенг ёйилиб боради, жаҳонда яшаётган турли миллатларнинг маънавияти ривожланишига ёрдам беради. Шунинг билан бирга, умуминсоний маънавиятни шакллантириш жараёнининг ўзи ҳам миллий маънавиятлар ривожланишига ёрдам беради. Чунки бу жараёнда турли миллат ва элатлар тенг ҳуқук, имкониятга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз маънавиятининг бошқалар учун ҳам завқ, шавқ ва илҳом бера оладиган жиҳатларини ривожлантиришга ҳаракат қиласи ва уни оммавийлаштиришда ўзи фаол иштирок этади. Унинг заминида зўравонлик йўли билан ўзга миллат ва элатлар онги ва қалбини эгаллаш максадида турмайди, балки маънавий тенглик, самимийлик, ўзаро дўстлик, кардошлиқ ва бир-бирини улуғлаш каби умуминсоний қадриятлар ётади.

Шу ўринда ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг «Агар огоҳсен, шоҳсен, агар шоҳсен огоҳсен», деган иборасини келтириб ўтишни жоиз деб билдиқ. Мутафаккиримиз Навоийнинг айтган сўзлари мазмуни шундан иборатки, шоҳ огоҳ бўлсагина, яъни тўлиқ ва муттасил ахборотга эга бўлсагина шоҳ бўла олади.

Шунинг учун бўлса керакки, Президентимиз: «Ёшларни юртимиз ҳақидаги нурли ва аччиқ ҳақиқатлар тарбиялайди. Буюк ўтмиш уларнинг қонларига ўтиб, уларни янада сергак торттиради», деб таъкидлаб ўтган.

Ҳар қандай ахборот оқимининг ёшлар маънавиятига таъсири хусусида сўз юритганимизда аввало, бу масала замирида жамиятилизнинг, давлатимизнинг миллий хавфсизлиги ётганини назарда тутишимиз лозим. Зоро, бу мавзуда сўз юритар эканмиз, аввало, икки масала мавзунинг долзарб нуқтасига айланади: биринчиси, ахборот оқими-мафкуравий таҳдид; иккинчиси, ёшлар маънавияти, яъни турли хилдаги ахборотларга нисбатан ёшларимизда шаклланган иммунитет масалалари.

Собиқ иттифоқ даврида четдан кириб келаётган ахборот оқими қаттиқ назорат килинган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг, ахборот оқимига кенг йўл очилди. Табиийки, ҳали ахборотга «ўч бўлган» аҳоли кириб келаётган ахборотни сараламай туриб «истеъмол» қила бошлайди. Улар ҳали яхши ва ёмон, керакли ва кераксиз ахборотнинг фарқига бормасди, бир сўз билан айтганда, аҳолида холис ахборот оқимидан нохолисини ажратиб олиш учун идрок шаклланиб улгурмаган эди. Шунинг асорати ҳозирги қунда айниқса, сезилмоқда. Бу баъзан ёшларимизда ҳар қандай ахборотни мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилишини келтириб чиқармоқда.

1. Интернетнинг таъсири:

А) ёт, бузғун ғояларнинг кириб келиши (диний экстремизм, миллатчилик, ирқчилик, саддизм мисолида);

Б) ғарб яшаш тарзига хос, лекин ўзбек менталитетига зид ғоялар, қарашибарнинг ёшларга таъсири (кийиниш, чекиш, пирсинг, татуировкалар ва ҳоказа);

В) парнографик ахборотларнинг ёшлар тарбиясига таъсири;

Г) текширилмаган ахборотлар (бўхтонлар).

Интернетнинг улкан имкониятлари, унда ахборот оқимининг тезкорлиги, аудиториянинг чекланмаганини, ўз максадларини террористик йўл билан амалга оширишни одат қилиб олган ёвуз кучларнинг манфаатларига ҳам хизмат қиласди. Эндиликда, Интернет тизимида юзлаб террористик сайтларнинг манзиллари аниқланган. Терроризм–Интернетда ўта изчил воқелик: сайтлар тўсатдан пайдо бўлади ва тез-тез форматини ўзгартириб туради. Кутилмагандан эса, ўз мундарижасини саклаган ҳолда, аммо манзилини ўзгартириш йўли билан кўздан гойиб бўлади. Террористик сайтлар асосан учта аудиторияга йўналтирилган:

1. Аввалдан мавжуд ва потенциал тарафкашлар.
2. Халқаро жамоатчилик фикри.
3. Муайян мамлакат жамоатчилиги.

Кўпгина мутахассислар кибертерроризмнинг хавфи ҳакида бот-бот гапиришсада, террористлар томонидан Интернетдан шунчаки фойдаланишни назардан четда колдирар эканлар. Замонавий террористик гурухлар Интернетдан асосан манба сифатида саккиз усул орқали фойдаланадилар:

- Психологик уруш
- Реклама ва тарғибот
- Маълумотлар тўплаш
- Воситалар тўплаш
- Қўлга тушириш ва сафарбар этиш
- Тизимлар ташкил этиш
- Ахборот таъминоти
- Режалаштириш ва координация

Аҳолини (жамиятимизни) кибертерроризм ва Интернетдаги террористик ҳаракатлардан ҳимоя қилиш билан бирга, бир катор анти-террористик ҳаракатлар мажмууни ишлаб чиқиши талаб этилмоқда.

Интернетдаги фаолиятнинг ижобий томонлари куйидагилар бўлиши мумкин:

А) дунёқарашибарнинг кенгайиши;

Б) объектив ва негатив ахборотларни қабул қилиб, уларни таҳлил қилиш имконияти (бунда ёш йигит ё қизнинг ахборотга «тўқ бўлиши» ва уларни саралай олиш қобилияти муҳим аҳамият касб этади. Агар унда ахборотга бўлган «дид» бўлмаса, у ахборот оқимида «чўкиб» кетиши мумкин (яъни таъсирига берилиб кетиши));

В) масофавий ўқувларда иштирок этиш имконияти;

Г) ахборотларни танлаш имконияти борлиги.

Ахборот оқимининг ёшларга таъсири масаласи, ёшлар маънавиятини шакллантириш масаласи бу аввало, мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигига оид масала сифатида қаралиб, муаммони ҳал қилишга жиддий ёндашмоғимиз керак.

Глобаллашув жараёнида яшаётган инсоният олдида ҳали ўзи тасаввур қила олмайдиган муаммолар саноқсиз. Тўғри, унинг ижобий тарафлари ҳам кўп, лекин ахборотдан тўғри фойдалана олмайдиган жамият учун у жуда катта талафотлар олиб келиши мумкин. XX асрда инсоният курол (тўғри маънода) кучидан қўплаб азият чеккан бўлса, XXI асрда ахборот энг кучли куролга айланиб бормоқда. Биргина нотўғри ахборот юртнинг тинчлигини бузиб юбориши ёки икки душман давлатларни яраштириб қўйиши мумкин. Шунингдек, ахборот оқимини тўғри йўналтира олмаслик йиллар давомида шаклланиб келаётган маънавий қадриятларни чилпарчин қилиб юбориши ҳам мумкин. Ёшларимиз ва олимлар орасида глобаллашув жараёнида қадриятлар қоришиб кетади, шунинг учун ҳар бир ҳалқнинг қадриятини саклашга ҳаракат қилиши фойдасиз деган тасаввурлар ҳам бор. Лекин унинг хато эканини вактнинг ўзи кўрсатиб беради.

Ахборот қуроли ва информацион хуружлар

Индустрисал жамиятдан информацион жамиятга ўтиш ва мосравиша информацион технологияларнинг ривожланиши аҳамиятни кўпроқ янги турдаги куролларга («қурбонсиз курол» ва уруш технологиялари) қаратишга зарурат туғилди. Буларга ахборот, психотроп, иқтисодий ва конциенталь куроллар киради. Буларнинг ичида алоҳида ўринда ахборот қуроли ва информацион хуруж олиб бориш технологияси туради.

Ахборот қуроли инсоннинг онгини заҳарлайди, индивиднинг хотираси матрицасини бузади, агрессорнинг талабини қондирувчи олдиндан белгиланган кўрсаткичлар бўйича шахсни яратади, рақиб қуролли кучлари ва давлат бошқариш тизими ишдан чиқади. Қуролли

кучлар энг катта терактик ахборот қуролларини күллаш таъсирида содир этилиши исботланган, бу биринчи навбатда, таъсир этувчи элементларни инсон психикасига ва бошқариш тизимларига хужум натижасида содир этилади.

Ҳозирги вактда жаҳон телекоммуникация тармоғи (Infconet) ва ОАВ орқали Ғарбнинг глобал информацион-маънавий экспансияси амалга оширилмоқда. Кўпгина давлатлар ўз фуқароларининг, ўз маданий меросларини ва анъаналарини ўзгаларнинг информацион таъсиридан саклаш учун маҳсус чора-тадбирлар кўришга мажбур бўлмоқдалар. Демак, миллий ахборот ресурсларини ҳимоялаш ва жаҳон очик тармоғи орқали ахборот алмашинувини конфиденциаллигини таъминлашгача зарурат туғилди, акс ҳолда, давлатлар ўртасида сиёсий ва иқтисодий зиддиятлар, ҳалқаро муносабатлар янги кризислар вужудга келиши мумкин.

Ахборот қуроллари сифатида қараладиган воситалар:

- ахборот массивларини йўқ қилиш, бузиш ва тўғрилаш;
- ҳимоялаш тизимини айланиб ўтиш;
- қонуний фойдаланувчилар имкониятларини чеклаш;
- компьютер тизимининг техник воситалари ишлашини бузиб ташлаш;
- компьютер вируслар;
- мантиқий бомбалар;
- тест дастурларини ишдан чиқарувчи воситалар;
- ахборот айрибошлишни йўқ қилувчи воситалар;
- ҳар хил турдаги хатоликлар.

Ахборот қуролининг универсаллиги, яширинлиги, дастурий аппарат амалга оширилиши шаклларининг кўп вариантилиги, таъсирларининг радикаллиги, вакт ва жой танлаш имконининг етарлилиги ва ниҳоят тежамлилиги унинг ниҳоятда хавфсизлигини кўрсатади: у осонгина ҳимоя тизимига яшириниши мумкин, уруш эълон килмасдан аноним шаклда хужум ҳаракатларини олиб бориши мумкин.

Ҳозирги даврда ишлаб чиқариш ва бошқариш, мудофаа ва алоқа, транспорт ва энергетика, молия ва фан, таълим, ОАВ-барчаси ахборот алмашуви жадаллигига, ҳаққонийлигига тўликлиги ва тезлигига боғлик. Шунинг учун жамиятнинг ахборот инфратузилмаси-ахборот қуролининг нишонидир. Биринчи навбатда қурол ва қуролли кучларга, ҳарбий корхона мажмуаларига, давлатнинг ташқи ва ички хавфсизлигига қаратилади. Ахборот қуролини мукаммаллаштириш суратлари ундан ҳимоялаш технологияси ривожланиши суратларидан юқори. Шунинг учун ахборот қуролини йўқ қилиш, таҳдидларини

бартараф килиш ва ҳимояланишини ташкил этиш давлат миллий хавфсизлигини таъминлашда устувор вазифалардан бири бўлиб қаралиши керак.

Ўзбекистонга қарши ахборот хуружлари

Ҳозир Ўзбекистонга нисбатан кенг кўламли ахборот уруши олиб борилмоқда.

Ахборот тажовузи «демократия ва инсон ҳуқуқлари бузилмоқда» деган сийқаси чиқкан шиорлар остида ташкил этилмоқда.

Қадимги семит мақоми: «Ёлғон ва бўхтонни қанча кўп тақрорласант, у шунчалик кўп ҳақиқат ва ростга айланади».

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги асосий вазифалар:

- Ахборот муҳитида миллий манфаатлар ҳимоясини таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;
- Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида мукаммал қонунларни яратиш;
- Ахборот хавфсизлигини яратиш учун давлат органлари фаолиятларини мувофиқлаштириш;
- Ахборотни эркин алмашишга бўлган эҳтиёжи билан уни тарқалишида мумкин бўлган чекланишлар ўртасидаги ягона балансни ўрнатиш;
- Информацион структурани мукаммаллаштириш, янги информацион технологиялар ривожланишини жадаллаштириш ва уларни кенг кўллаш, республикамизни глобал информацион инфраструктузилмага кириб боришини эътиборга олган ҳолда ахборотларни таҳлил қилиш, ишлаш, саклаш, йиғиш ва излаш воситаларини унификациялаш;
- Давлатимизнинг телекоммуникация ва информацион воситалар индустриясини ривожлантириш, уларнинг чет эл аналогларидан устуворларини ички бозорда кенг тарқатиш.

Жамиятни бошқаришдан олинадиган ижобий натижалар турли хил информацииларни йиғиш, қайта ишлаш ва ундан самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқдир. Информация йиғиш, қайта ишлаш ва ундан самарали фойдаланиш инсоният фаолиятининг энг муҳим кисми бўлиб қолмоқда. Гап фақат илмий-техникавий информация ҳақидагина эмас, балки сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, тиббий ва шу каби информациялар устида ҳам бормоқда.

Информация мұаммоси жамият таракқиетидаги энергетика, хомашө мұаммоси билан тенг ахамиятли мұаммога айланиб қолди. Шу туфайли бұлса керакки, ягона энергетика системаси сингари, ягона алоқа информация системасини бунёд этиш зарур булып қолмоқда.

Рангли инқилоблар даврида ахборот хуружи

- Рангли инқилоб–қонуний хукуматларни ноқонуний йүллар билан ағдарыб ташлаш демектир (Сербия, Грузия, Украина).
- Рангли инқилоблар Ғарбнинг күчли информацион босими асосида амалга оширилади.

Рангли инқилобларни амалта оширишда замонавий ва киммат-баҳо электрон ахборот воситалардан кенг фойдаланилади.

Ахборот хуружларига қарши түриш учун нималар қилиш лозим:

- Лоқайд бұлмаслик.
- Үз қатый позициясига эга булиш.
- Үз позициясини аргументал билиш.;
- Ҳозиржавоблик (ұар бир хуружга вактида жавоб қайтариш).

Ахборот хуружлары билан ким шүғулланмоқда?

➤ Ҳозирги кунда ахборот тажовузлари уюштириш устида 120 га яқин давлат иш олиб бормоқда.

➤ Тармоқлаш учун: ядро қуроли ишлаб чиқариш борасидаги ҳаракатлар 20 га яқин давлатда олиб борилмоқда, холос. 4 та ахборот агентлиги (ЮИСА, АП, Рейтрес ва АФП) дунё бүйіча тарқатилаётган ахборотнинг 80% ига әгалік қилмоқда.

Кибертерроризм турлари:

- Хактивизм.
- Вирус тарқатиши.
- Интернетда ноқонуний бойлик орттириш.
- Кибер-маняқчилик.
- Турли хил кибер жиноятлар ва х.к.
- Турли бұхтон ва үйдірмалар тарқатиши орқали бирор мамлакатни ёки шахсни обруғызлантириш.

Ахборот хуружлари:

➤ Глобаллашув шароитида ривожланаётган мамлакатлар миллий хавфсизлигига таҳдидлардан бири – бу ахборот хуружларидір;

➤ Ахборот хуружи у ёки бу мамлакатга ғаразли мақсадда ахборот билан таҳдид солиш демектир.

Ахборот хуружлари турли йүллар билан амалга оширилади.

Ахборот хуружларининг турлари:

- Ёлғон ахборот тарқатиш.
- Ижтимоий онгни манипуляция қилиш.
- Миллий-маънавий қадриятларни емириб ташлаш.
- Етти ёт бегона маънавий қадриятларни сингдириш.
- Халқнинг тарихий хотирасини бузиш ва ўзгартириш.
- Кибертероризм.

Ахборот қуролларидан химояланишнинг дастурний характердаги амалий чора-тадбирлар:

➤ Иқтисодий ва бошқа тузилмаларни халқаро тармоқлар орқали ҳар хил турдаги ахборотлар алмашишга бўлган эҳтиёжлар мониторинги ва истиқболини ташкил этиш.

➤ Ахборот ресурслари хавфсизлигини таъминлаш талабларини бажарган ҳолда миллий ва корпоратив тармоқларни жаҳон очик тармоқларга боғланишини таъминловчи ахборот технологияларини мукаммаллаштиришнинг давлат дастурини ишлаб чикиш.

➤ Жаҳон ахборот тармоқларида ишловчи ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассисларни ва оммавий фойдаланувчилар малакасини комплекс ошириш ҳамда тайёрлаш тизимини ташкил этиш.

➤ Жаҳон очик тармоқларидан фойдаланувчиларнинг ахборот ресурслари билан ишлаш борасидаги масъулияти, мажбуриятлари, ҳукукларининг регламентини белгиловчи миллий қонун-коидаларни ишлаб чикиш.

Информацион хуружнинг асосий қисмлари

1. Психологик операциялар – информациядан фуқароларга таъсир этишда фойдаланиш.

2. Электрон хуруж – аниқ маълумотларни олиш имконини бермайдиган восита.

3. Дезинформация – душманга сохта информация бериш.

4. Физик бузилиш - информацион хуружнинг қисми сифатида қаралиши мумкин, агарда информацион тизим элементларига таъсир этиш кўзда тутилган бўлса.

5. Очик информацион хуружлар-информацияни кўзга кўринмайдиган ўзгартиришларсиз бузиш.

Ахборот қуроллари сифатида қараладиган воситалар

– Ахборот массивларини йўқ қилиш, бузиш ва тўғрилаш.

– Ҳимоялаш тизимини айлануб ўтиш.

– Қонуний фойдаланувчилар имкониятларини чеклаш.

– Компьютер тизимининг техник воситалари ишлашини бузиб ташлаш.

- Компьютер вируслари.
- Мантиқий бомбалар.
- Ахборот айрибошлашни йўқ қилувчи воситалар.
- Ҳар хил турдаги хатоликлар.

Ахборот хуружларининг мақсадлари

- Ўз ахборот функциялари ва ресурсларини ҳимоялаган ҳолда, ахборот мухитини назоратга олиш.
- Ахборот хужумларини олиб бориш учун назорат қилинаётган ахборотлардан фойдаланиш.

Х. БУГУНГИ КУН ЁШ МУТАХАССИСНИНГ КОДЕКСИ

1. Иқтисодиёт тафаккури ила ўйлашга ҳаракат кил.

Техникавий тараққиёт ўз мақсад йўлидан нарига ўтмайдиган омил бўлмай, балки инсонлар турмуш фаровонлигини оширувчи омилдир.

Иқтисодий кўрсаткичлар–техника ижтимоий ва иқтисодий таъсирининг кўзгусидир. Иқтисодий нуктаи назаридан ўйламасдан қабул қилинган ҳар бир қарор мустақиллик шароитида корхоналар учун хавфли бўлган бир ҳолатдир.

2. Мехнат ва маҳсулот сифатини ошириш.

Амалий нуктаи назардан олиб караганимизда, қўл остилизда энг яхши меҳнат қуроллари ва материаллар бўлмаган ҳолатда ҳам, ҳозиргидан яхшироқ ишлаш мумкин. Энг муҳими ҳохишдир.

3. Сифатга бўлган ҳалқаро талабларни ўрган.

Давлат стандартлари ва техник шароитларидан ҳам узокроқни кўра бил, чунки улар қисман эскирган, қисман маъносиз парчалангандир. Бу эса келажак олдимизга кўяётган талабларни бажариш омилидир.

4. Мехнат маданиятини ошириш.

Сифат, иш унумдорлиги, тартиб–айнан меҳнат маданиятидан бошланади. Каебдошларинг ва қўл остингдагилардан меҳнат маданиятига риоя қилишни талаб қил. Агар бу сенинг масъулиятингда бўлса, меҳнат маданиятига бўлган ғамхўрлигингни ошириш. Талабчан бўл.

5. Ҳомашё ва энергияни тежа.

Тежамкорлик, техник лойиҳалаштириш, иншоот ва технологик жараёнларни лойиҳалаштиришдан бошланиб, яъни унга ишлаб чиқаришда бевосита ишлатиш ўюли билан ҳам эришиш мумкин.

6. Ўз корхонанг келажаги ҳақида ўйла.

Ҳаёт биздан технологик жараёнларни вужудга келтиришни талаб килаяпти, шунинг билан биргаликда, қатъий равишда технологияни янгилаш, юксак даражадаги техникани қўллаш талабини қўймоқда. Корхонанг ишлаб чиқараётган маҳсулоти маҳаллий мухтожлик талабларига жавоб бера оладими, шу билан бирга, ҳалқаро товар алмашувчи ва четга товар чиқаришнинг келажагидан келиб чиқкан ҳолда, Сенинг маҳсулотинг уларга керакми?

Корхонангни бошқа бирон соҳага мослаштириш тўғрисидаги мақсадга мувофиқ таклифларни ва имкониятларни рад қилма.

7. Илм ва фан билан боғланиш йўлини изла.

Тараққиётимизнинг заиф томонларидан бири шуки, у ҳам бўлса, илм ва фан ютуқларини амалиётга қўллашнинг оғир ва машаккатли йўлидир. Агар сен янги технология ва техника ускуналарини ишлаб чиқариш устида ишлаётган бўлсанг, сенинг талабингга жавоб бера олувчи илмий муассасалар ва олимлар билан, ўзингни улардан устун қўймай туриб улар билан боғланиш йўлини изла. Турмуш билан боғлаб бўла олмайдиган, бир қарашда ҳаёлий бўлган таклифларни тушунишга ҳаракат қил, шунинг билан биргаликда, уларни амалиёт билан боғланиш йўлини қидир.

8. Истеъмолчига нисбатан хайриҳоҳ бўл.

Бозор иқтисодиёти шароитида қандай маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулотнинг таркибини ва хизмат қилиш жараёнини ишлаб чиқарувчи эмас, аксинча, истеъмолчи ҳал қиласди. Истеъмолчининг тақлиф ва эътирозларига эътибор бериб тингла, гарчи у сенинг харидоринг, савдо ишларингда ўртада турувчи ёки мижозинг бўлган тақдирда ҳам. Истеъмолчига бу билан сен на факат унга, балки ўзингга, ўз корхонангга ҳам хизмат кўрсатган бўласан. Чунки ҳар бир ишлаб чиқарувчи бир вақтнинг ўзида бирон бир ишлаб чиқаришининг маҳсулот ва хизматини истеъмолчиси бўла олишини унутма.

9. Ижтимоий муҳит шароити билан мослашишга ҳаракат қил.

Ишлаб чиқаришни таомиллаштира туриб, бир вақтнинг ўзида инсонлар турмуш даражасини оширишга ва ижтимоий муҳитни яхшилашга ҳаракат қил.

10. Табиатни асрা.

Кучли ва иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган ишлаб чиқаришлар –фаровонлик эмас, аксинча, агар у атроф-муҳитни, ҳаво, сув ва ерни ифлослантиrsa, табиатни заарласа, одамларни шовқин-сурон билан безовта қиласа, бу – фалокатdir. Сен бу масалаларни ечишга ишлаб чиқариш ва лойиҳалаштириш жараёнини бошлаш арафасидаёқ ҳаракат қил.

11. Иш фаолиятини олиб боришнинг янги турларини изла.

Тўсатдан қилинадиган ва оригинал таклифларни рад этма. Сенинг ишбилармонлигинг ўз ватанимиз технологияси яратилиши-нинг меваси бўла олиши мумкин.

12. Хорижий алоқалар йўлини изла ва уларни ривожлантирир.

Республика мустақиллиги дунё иқтисодиётига олиб борувчи йўллардаги қийинчиликларни енгib ўтишни талаб қиласди. Сен ҳеч қачон илғор ҳамкорлик ҳақидати ахборотларни рад этма, гарчи у

сенинг тасарруфингда бўлмасада, аксинча, сен у ахборот билан ўз ўртоқларингни таништириш.

13. Янги ахборотлардан фойдаланиш ва улардан боҳабар бўлиш йўлини кидир.

Республикамизнинг янги техника ва технологияси фақатгина дунёвий технологик нуқтai назардан ва кўп сонли ахборот нашрларига таянган ҳолда йўлга қўйилиши мумкин. Ахборотга эга бўлиш йўлида ҳеч кандай маблағ ва кучингни аяма, чунки валюта сарф килиш бу – келажакда инвестицияга эга бўлиш демакдир.

14. Чет тилларни ўрган.

Келажакда сенинг зиммангта чет тиллардаги адабиётлар ва хужжатларни ўкиш бугунгидан ҳам кўпроқ юклатилади, шунинг билан биргаликда, нафақат хорижий мутахассислар билан импорт курилмаларни такомиллаштириш жараёнида, балки чет элда ҳам малакангни оширишга тўғри келади.

15. Ўз билим-маҳоратингни оширишни ўрган.

На фақат маҳсулотлар балки конструкциялар ва ишлаб чиқарув мутахассисларининг билимлари ҳам эскиради. Билим олишдан эринма, аксинча, янги тажрибаларни ўрганиш ва билим олиш йўлида ҳар бир имкониятдан фойдалан, яъни курсларда ўқи, илгор ишлаб чиқаришларда ўз малакангни ошириш, агар имкони бўлса хорижий юртларда ҳам.

16. Ёш мутахассис номингни асра.

Ўз аҳдингга содик бўл, ҳалоллик ва ҳақгўйликни қадрла. Ўз номингни, касбдошинг ва мутахассислик номингни химоя қил. Касбдошингни асоссиз танқид қилма.Faқат яхши ишларда қатнаш, мутахассис номига, иқтисодимизга ва турмуш шароитимизга ёмонлик келтирувчи омиллардан ўзингни четга торта бил.

17. Рақобатбардош бўл.

Талабалик йилларида керак бўлган билимларни менсимаслиқдан чекин, илминг, шижаотинг, ихтирочилигининг, Ватанга содиқлигинг билан хориж мутахассислари олдида рақобатчи эканлигинги унутма.

18. Ўз иқтидорингни намоён этишини ўрган.

«Келажак овози» танлови доирасида билиминг, тажрибанг, касбинг, эришган ютуқларингни, истеъодингни намоён қил.

19. Мехрибонлик туйгуси доимий бўлсин.

Мехр-оқибатли бўлиш, ногиронларга ёрдам ҳис-туйгуси билан яшаш, ширин сўз ва одамоҳун бўлиш – келажаги буюк Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига қўшган хиссанг бўлади.

20. Соғлом турмуш тарзини амалга ошир.

Аввало, ўз соғлигингни сакла, бу эса ўз навбатида соғлом оила ва соғлом жамиятни бунёд этилишига олиб келади.

Инсонни инсонийликка даъват этадиган нарса унинг маънавияти, ички дунёси, аҳлоқи ва тарбия кўрган-кўрмаганлигидадир.

Ўз-ўзини тарбиялаш деб, шахсиятнинг энг ижтимоий қимматли сифатларини ўзида мукаммаллаштириб, салбий хислат ва сифатларни енгишга қаратилган фаолият ҳисобланади.

Таълим-фан ишлаб чиқариш тизимини мукаммаллаштириш ҳозирги кун талаби, десак хато бўлмайди.

Ахборот тушунчаси, умумийликка эга бўлган ҳолда, мазмун жихатидан фалсафий категориялар сафидан ўрин олган.

XI. БОШҚАРУВ ВА РАҲБАРЛИК ҶОБИЛИЯТИ

Бошқарув тизимининг асоси, ҳал қилувчи жойларда замонавий фикр юритадиган, ўз ҳалқи, ўз Ватани манфаатларига гоят садоқатли, юқори малакали кадрлар ишилаши лозим.

И.А.Каримов

Тараққиёт устида сўз борар экан, албатта, фан учун эмас, фан ҳалқ манфаати учун, жумладан, кишлок ахли, фермерлар учун, иқтисодиёт ривожи учун, жамиятимиз тараққиёти учун хизмат қиладиган даражага эришгандагина бозор иқтисодиёти талабга жавоб берса олиши мумкинлигини таъкидлаб ўтишга тұғри келади. «Бозор – фан – ишлаб чықариш – бозор» занжирида иш олиб бориш илмий муассасаларнинг асосий вазифасига, ҳаёт талабига айланиб бормоқда. Илм заҳматкашларининг ҳар бир қадами келажақдаги муҳим ҳаёттій, социал ва хўжалик муаммоларини ҳал этишга қаратилган бўлиб, оқибат – натижада ҳалқни озик-овқат, кийим-кечак, уй-жой билан таъминлаш, яъни ижтимоий масалаларни ҳал этиш билан чамбарчас боғланиб кетиши керак.

Уинстон Черчиллинг «Ҳозирча бошқарувда энг ёмон йўл «демократия» ҳукм сурмоқда. Бироқ бугунги кунда демократиядан бошқачароқдек йўлланма ишлаб чиқилгани йўқ», деган сўзларини эсласак, давлатлараро ва давлат раҳбарлариаро муносабатларда давлатни бошқаришдек мураккаб муаммо йўқлигига икрор бўламиз. Биринчидан, ҳали ҳеч ким демократиянинг тўлиқ маъноси, унинг тафсилотларини баён қилиб бера олмаган. Чунки «домлани айтганини қил, унинг қилганини қилма», деган нақл сингари, демократия деб айюханнос солувчилар факат ўзларининг қалбларидағи мақсад ва тушунчалар асосида иш юритаётганликлари вақт ўтган сарп аён бўлиб бормоқда. Черчиллинг таъбирича, ҳатто Гитлер ҳам ўз мақсадини амалга оширишда «демократия»дан тўлақонли фойдаланган экан. Шунинг учун демократияни менталитет билан ёнма-ён қўйиш ва менталитет хислатларисиз демократияни ҳаётга жорий этиш бу амалиётга тұғри келмайдиган масала. Менталитетга қулоқ солмаган, у билан ҳисоблашмаган демократия –демократия эмаслигини ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқлаб турибди.

Қайта қуриш даврида (Собиқ иттифоқда М.Горбачёв деган кимса президент бўлган вақтда) демократиянинг «д» ҳарфини ҳам

била олмай ҳовликиб колиш вокеалари юз берди. Тошкент авиация бирлашмасида күп минг сонли ходимлар фаолият күрсатар эди, ҳатто айрим цехларда мингдан ошик ишчи-хизматчилар ишларди. Қайта қуриш даврида бирор-бир лавозимга кимнидир тайинлаш керак бўлса, ҳамма ходимларни йиғиб, умумий мажлис ўтказиб, кенг доираадаги муҳокамадан сўнг овоз бериш йўли билан амалга оширилган иш – демократик йўл деб кабул этилган эди.

Ана шундай йиғилишлардан бирида цех раҳбарини тайинлаш жараёни эсимда. Ишлаб келаётган, тажрибаси кўп, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган шахс номзоди ҳақида сўз бориб, унинг тавсифномалари баён этилди. Иккинчи (алтернатив) номзод ҳақида ҳам тавсиялар берилди. Қўйилган масала бўйича энди овоз беришга ўтилаётганда, мажлислар залининг охирида уйқусираб ўтирган бир ходим ўрнидан туриб, икки оғиз сўзим бор, дея қўйидагича фикрни баён қилди: «Биринчи номзодни жуда мактаб юбординглар, мен бунга қаршиман, чунки шундай обрўга эга бўлган одам ўз фарзанди, яъни қизини тарбиялаб олса яхши бўлар эди. Унинг қизини қўчакуидаги хулқ-атворини мен яхши биламан. Мана энди хулоса чиқариб олаверинглар!». Йиғилиш зали сув қўйгандек жим бўлиб туриб, сўнгра фала-ғовур бошланиб кетди.

Номзоди қўйилган биринчи шахс сўзга чиқмоқчи эди, йиғилишни олиб борувчи раис зудлик билан кўрилаётган масалани овозга қўйиб юборди ва иккинчи шахс овозларни кўп олиб цехга раҳбарликка ўтиб кетди.

Кейинчалик биринчи шахснинг умуман қиз фарзанди йўқлиги аникланди. Аслида эса, иккинчи номзод мажлисдан бир кун олдин цехнинг бир гурухини йиғиб, яхшигина меҳмон қилган экан.

Айтилган сўз, отилган ўқ деганларидек, биринчи шахс ўз ҳаёти ҳақиқатини тушунтириб бергунча, ариқдаги сув оқиб кетиб кеч бўлганди ва мажлисдан кейин минг кишилик цех жамоасининг ҳар бирига ҳақиқатни баён қилиб беришнинг имкони йўқ эди.

Хулоса шуки: ҳолва дегани билан оғиз чучимайди, деганларидек, демократия дегани билан дарров демократия бўлавермайди. Кўпчилик билан бўладиган муҳокамалар жараёнида зийраклик керак. Гап бошқа, иш бошқа деган сўз айни ҳақиқатдир.

Корхона раҳбари томонидан турли хил кўриниш ва мазмундаги ахборот бўлим, бўлинма ҳамда ходимларга келиб тушади. Ушбу ахборотни уч гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи гурух ахборотга ходимлар иши учун зарур бўлган ҳамда ҳукукий ва шартномалар мазмунидан келиб чиқадиган ахборотлар киради. Иккинчи гурух

ахборотга ходимлар билиши шарт бўлган, учинчи гурух ахборотга ходимлар хоҳишини акс эттирувчи ахборотлар киради.

Рахбар ва ходимлар ўртасидаги ахборотни тўлик ва тўғри эканлигига ишонч хосил қилиш керак. Сабаблардан бири виждони пок ва фидойи бўлмаган маслаҳатчилар раҳбар ходимларга факат унга ёқадиган ахборотларни етказиб туришлари мумкин. Бу, одамлар ва жамоани бошқаришдаги энг ҳавфли ҳолат бўлиб, раҳбар ўзини ходимларидан четлаштириб, ташки дунёдан ажраб қолишига олиб келади.

Бундай вазиятда нима содир бўлади? Бир томондан корхона раҳбари амалга оширилаётган чора-тадбирларни қандай бажарилаётганлигини билмайди, иккинчи томондан ходимларнинг ҳақиқий илтимослари керакли жойга бориб тушмайди. Шу тарзда ташки томондан осойишта бўлиб туюлган корхона фаолиятида секин-аста норозилик ўчоги пайдо бўла бошлади. Ва бориб-бориб арзимаган баҳона билан портлашга олиб келиши мумкин.

Рахбарга ҳар куни ўз хонасига дунёнговоқеаларидан, ишхона ташвиш ва муаммолари, юкори ташкилот ҳолати ҳақида етарли маълумотга эга бўлган ҳолда кириб келиш талаб этилади. Ва ўз курсисига ўтирган заҳотиёқ зийраклик, хушмуомала, тетиклик, зукколик, ҳам педагогик, ҳам психологик хислатларини баён этишга тайёр бўлиши керак.

Рахбар сифатида (вазирми, директорми, корхона раҳбарими) кўл остингиздаги бирор кимсага у ёки бу топширикни бермоқчи бўлсангиз имкон қадар топшириқни шахсан ўзингиз иш бажарувчига билволсита эмас, бевосита етказишига уриниб кўринг. Чунки сиз берадиган қўрсатма ёки топшириқ мазмун-моҳиятини воситачилар тўлик изоҳлаб бера олмасликлари мумкин. Яъни ахборот бузилмасдан обьектга тўғри етказилиши талаб этилади. Ахборот ўзгардими, қўйилган мақсад ҳам нишонга бориб етиши қийиндир.

Айрим раҳбар ходимлар, муовинлар, ёрдамчилар, умуман, айрим шахслар юкори ташкилотлардан каттароқ лавозимдаги раҳбарлар у ёки бу йигилишларга келиб қолсалар шу раҳбар пинжига киришга, унга хушомад қилишга интиладилар. Бу жараённинг икки томони бор:

- агар юкори лавозимдаги одам буни ёқтиrsa нур устига аъло нур;
- агар юкори лавозимдаги одам бундай лаганбардорликни ёқтираса шўри қурийди.

Хулоса: яхшиси сунъийликдан четроқ, узокроқ бўлган маъкул.

Раҳбарлик лавозими ҳам шарафли, ҳам мураккаб ва муштифарликни талаб қиладиган лавозимдир.

Янглишмасам, раҳбар сўзи қуидаги сўзлардан таркиб топган бўлса керак: раҳбар – рисқлилик, адолатлилик, ҳамжиҳатлилик, ботирлилик, аҳиллилик, рақобатбардошлилик. Ушбу маъно-мазмунни ўзида шакллантира олмайдиган раҳбарга раҳбарлик вазифасини адо этиш осон бўлмайди.

Раҳбарлик лавозимидек оғир, машаққатли вазифа йўқдир, чунки раҳбар таъсирида очилмаган гул очилиши, гунча эса куриши мумкин. Раҳбар ҳам ташкилотчи, ҳам педагог, ҳам социолог, ҳам истиқболчи, меҳрибон, меҳнаткаш, заҳматкаш ва фидойи бўлиши билан бирга, ўз кўл остидаги ходимлар меҳнатини ўз вактида қадрлай олиши, эришилган натижаларга ижобий муносабатини билдира олиш қобилиятига ҳам эга бўлиши керак.

Раҳбарнинг у раҳбарлик қилаётган корхона, идора, муассасанинг тизимли ёки тизимсиз эканлиги – унинг таътилига чиққан ёки хизмат сафарига кетганида яққол намоён бўлади. Агар раҳбар вақтингчалик йўқ бўлганда ишхонада ҳамма нарса рисоладагидек давом этса, агар илгаригидан ҳам яхши бўлса нур устига аъло нурдир, албатта! Демак, раҳбар ишхонадаги қадрларни жой-жойига қўйган, жамоада аҳиллик бор, мухит яхши, деган хулоса чиқариш, акс ҳолда, раҳбарнинг раҳбарлик қобилиятини янада кўпроқ шакллантириши, ишхонада бошқарув тизимини яхшилаши, ижтимоий мухитни сайқаллаши керак. Бу ишлар қўлидан келмаса раҳбарлик лавозимини бўшатиб қўйгани маъкул.

Раҳбар ўз раҳбари ва ташкилоти учун беш даражали ташаббус кўрсатиши мумкин:

1. Буйруқ берилмагунча кутиш (ташаббускорликнинг қуий даражаси).
2. Нима қилиш кераклигини сўраш.
3. Таклифлар киритиб, сўнгра шароитга қараб ҳаракат қилиш.
4. Ҳаракат қила бошлаш ва шу заҳотиёқ таклифлар киритиши.
5. Ўз хоҳиши бўйича ҳам ҳаракат қила бериши керак, ишнинг кетишига қараб раҳбариятга ахборот бериб туриш (ташаббускорликнинг юқори даражаси).

Табиийки, ҳар қандай профессионал-раҳбар ўз раҳбари ва ташкилотига нисбатан ташаббускорликнинг биринчи ва иккинчи даражасини амалга оширмайди. Раҳбар иш вактидан энг мақбул фойдаланишида қуидаги қоида ёрдам бериши мумкин: «Ишнинг бажарилиш муддатини ва нима қилмоқчи эканлигингни мазмунан

аниқлаб ол». Бизнесдаги олтин қоидалардан бири шундан иборатки, раҳбар ўз ходими ва хизматчиларига ажратадиган вақтни қискартира билиши керак, иқтисод қилиб қолинган вақтни ҳар бир ходим, хизматчи бажараётган ишни, улар томонидан күрсатилаётган ташаббусни назорат қилишга сарфлаши керак.

Рахбар (менежер) дегани бўлар-бўлмасга дўқ уриб иш юритиш ёки қўлида қамчин ушлаб туриб бошқарувчи эмас, балки:

– воқеалар ривожини олдиндан кўра биладиган, стратегик режани тўғри тасаввур киладиган;

– моддий, техникавий, молиявий ҳамда меҳнат ресурсларини вақтида ажрата олиш ва тўғри йўналтира билиш қобилиятига эга бўлган;

– мураккаб вазиятларда тўғри ва асосий карорлар қабул қила оладиган;

– ўз касби сирларини мукаммал эгаллаган ва жон куйдириб ишлай оладиган;

– асосий эътиборни камчилик ва нуқсонларнинг келиб чиқиши сабабларини бартараф этишга қарата оладиган;

– ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолият жараёнлари узлуксизлиги-ни таъминлай оладиган шахсdir.

Рахбар бозор шароитида ўз ҳуқуқидан тўла фойдаланиши ва зарур ҳолларда қўйидагиларни амалга ошириши керак:

– Самарасиз ишлайдиган ходимлардан воз кечиш;

– Ўз ходимларидан зарурй натижаларни талаб этиш;

– Фикрлаш қобилиятига эга бўлганларни ғояларга йўналтириш;

– Кўрсатмаларни бажармаётганларга жазо белгилаш.

Шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, юқори лавозимга интилувчи (карьера билан шуғулланувчи) кишилар ҳам стрессдан ҳоли бўлмайди. Бундай инсонлар ташқи қўринишдан катта муваффақият эгасидек бўлиб туюлишлари билан, ички ҳис-туйғу маъносида баҳтсиз ҳисобланиши мумкин.

Стресс (асаб бузилиши) кўпчилик учун азоб-уқубат ўчоғи бўлиб колганлигини «Умумий бозор» мамлакатларида олиб борилган тадқикот ишлари ҳам тасдиқлаб турибди. Олиб борилган тадқикотлар натижаси шу нарсадан далолат берадики, стресс келиб чиқиши сабабларининг бі фоизи хизмат муаммолари, оиласи ташвиш ва молиявий қийинчиликлар орқали, 22 фоизи психологик ҳис-туйғуга оид, 7 фоизи жиддий касалликлар орқали келиб чиқар экан. Энг қизиги шундаки, стрессли ҳолатни беркитиб бўлмайди. Овруполиклардан ўтказилган сўровларда стресс билан безовталанадиган ошна-

оғайни, таниш-билишларингиз борми деган саволга 18 фоиз одам ижобий жавоб берган.

Стресс инсонни тұқнашувга, жанжалға олиб келувчи рефлекс бұлып ҳисобланади. Инсон қандайдыр хавф-хатар билан тұқнашса ёки ходимлари билан асабий мұомалада бұлса, одам организми андреналин ва гидрокортизон ишлаб чиқаради. Ушбу гормон үз навбатида организмға унинг айрим функцияларини бажаришга ёрдам беради, шу жумладан иммунो тизимини ҳам. Бу эса құшимча муаммоларни көлтириб чиқарайпти. Құпоп бир мисолни көлтириб ұтамиз. Агар инсонға ит яқынлашғанда инсон тез ва ҳаддан ташқары ңүчіб, күркіб кетса ит үнга ташланади, чунки инсон организми күркән сари үзидан андреалин чиқариб, ҳиди билан итга ёқмай қолади. «Күркәнгә құш қуринар», деган халқ ибораси ҳам бекорға үйлаб топипмаган бұлса керак. Шунинг учун бұлса керакки, осойишта, сокин характерли одам құпчилик вазиятда ҳатто тагида нохақ бұлса ҳам ютиб чиқади ёки шундай туюлади.

Рахбарлық стресслари ёмон оқибатларни камайтириш, иложи бұлса йўқ қилиш учун доктор Флорес-Тасқон диета сақлаш, бұш вактни фаол үтказиш, даврий тарзда жисмоний ва ақлий фаолиятини алмаштириб туриш ва энг асосийси ҳаддан ташқары чарчашдан ҳоли бұлишни тавсия этади ва шундай дейди: «Биз шифокорларни, ёши элликдан ошған рахбарларнинг ҳар үнтасидан тұрттаси нафака ёшигача яшай олмасликлари жуда қаттық безовта қилаапти».

Рахбар ходимларға энг хавфли даврлардан бири унинг ҳаётида унинг талаб ва ҳохишида, ҳис-туйғусида бұладиган үзгаришлар, үнга ташқи одамлардан бұладиган ҳурмат, оқибатларнинг нисбийлик ҳолати бұлып ҳисобланар экан. Бунинг оқибатида үз-үзини назорат қилишни йүқотиши, ҳаётдаги, оиласадағи айрим мажбуриятларни менсимаслик ва ҳатто айрим психологик касалликларни пайдо бўлиш ҳолатлари бўлар экан.

Ҳар қандай лавозим абадий эмас. Лавозимга ўтирган одам мен алоҳида материалдан яралғанман деб үзини-үзи алдаши бу – калтафаҳмлик. Бунинг ўрнига лавозимдан кетганидан сүнгги ҳаётини ўйлагани маъкул. Лавозимга ўтириб ҳадиксираш, бесарамжонлик, бошқаларни менсимиң күйиш үзини йүқотишdir. Рахбар сўзининг мазмунини қуйидагича қилиб ҳам очиши мүмкін: (1-Тошкент педагогика колледжининг 1 боскич ўқувчилари фикри) Рахбар – улдабурон, самимий, сезгир, одил, зукко, тарбияли, одобли, истеъ-додли, теран, нотик, ҳақиқатгүй, билимли, илмли, саводли, тажри-бали, тадбиркор, юкори савияли, ҳурматга эга, раҳмдил, оқил,

адолатли, оғир-босиқ, соғ-саломат, ок күнгилли, хушмуомалали, сабртоқатли, узок (истикбол)ни күра оладиган, оиласи, аёлни ҳурмат қилувчи, меҳнаткаш, ростгўй, ҳалол, талабчан, озода, хотиржам, бағри кенг, табассумли, ҳазил қила оладиган ва ҳазилни тушуна оладиган, оқибатли. миннатдорчиликни биладиган, бирорлар қиладиган яхшиликни тушунадиган, қасоскорликни ёктирумайдиган, гийбатни ёмон күрадиган, сотқинликни ёктирумайдиган, шахсларга, оила аъзоларига содик. ҳур фикрли, зиёли. салоҳиятли. хотирали. сабоқ ола билувчи, ҳамдўст, бардошли, одил, шижаатли, сиёсатни тўғри талқин қила оладиган, куюнчак, локайдликни ёктирумайдиган, шон-шуҳратдан узок, камсукум, танқиддан кўркмайдиган, бирорни камситмайдиган, ўзига ишонган, биринчи ўринга мол-мулкни эмас маънавиятни кўя оладиган, каттага ҳурмат кичикка иззатда бўладиган, майда-чуйдалардан холи бўлиб асосий мақсадни кўзлай оладиган, кўл остида ишловчиларни юкори лавозимларга кўтарилишига тўсиқлик қилмайдиган, бачканаликдан четда юрадиган, салобатли, ишчан, ҳаракатчан, муаммолардан кўркмайдиган, ходимларнинг ишида, оиласида содир бўлувчи қийинчиликларга ҳамдард бўладиган. ходимлар дардига дармон бўлишга тайёр бўлиш керак.

Дунёдаги мамлакат раҳбарларига Аллоҳ томонидан инсоф бериб, умуман қуроллар ишлаб чиқаравермай ўзаро ҳужум қилмаслик ҳақида келишиб олсалар миллиардлаб фукаролар тинч ва осойишта яшашга эришиб мўл-кўлчилик бўлар эди. Бирок бу ҳаёлот. Айрим вақтда ҳаёлотлар ҳам амалга ошиб қолиши мумкин-ку ахир.

Иншооло.

БОШҚАРУВ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИ МУТАХАССИСЛИГИ

Тарақкий этган жамиятда турли хил соҳанинг ўзига хос мутахассислари алохида ўринга эгадир. Шунинг учун ҳам маълум бир соҳанинг мутахассислари бошқа соҳага оид йўлланмада этишмовчилик ҳис этсалар, улар дарров (табиий тарзда) кўшимча соҳа мутахассисларига мурожаат қиладилар.

Жуда аник ва нозик соҳадаги мутахассисларнинг вужудга келиши ўз навбатида турли хил маслаҳатчilar кераклигини тақозо этади. Қайси бир мутафаккирнинг айтишича, «инсон ҳамма нарсага қодир, факат қўлидан келса». Раҳбар ходимлар маслаҳатчilar билан олдиларида намоён бўладиган муаммоларни тез ва осон ҳал этишлари мумкин. Айрим вақтда жамият тараққиётининг даражаси маслаҳат-

чиларга бевосита боғлиқ бўлиб қолади. Ҳозир жуда кўпчилик у ёки бу тарзда бошқарув масалалари билан хамнафасдир. Албатта, маслаҳатчиларга асосан ташкилот ва корхона раҳбарлари муҳтождир.

Маслаҳатчи билан раҳбар ходим ўзаро мулоқотда бир-бирига характер, дунёкараши, билими, тафаккури, иқтидори мослиги, қизиқиши билан мос тушмаслиги мумкин. Уларни бир- бири билан боғлайдиган асосий ип бу мулоқот усулидир. Худди шу мулоқот усулигина раҳбар билан маслаҳатчини бир-бирига боғловчи омил бўлиб ҳисобланади. Мулоқот усулини билиш даражаси маслаҳатчинг мутахассислик мезонини акс эттиради.

Ҳамма талаб сингари маслаҳатчилик усулини эгаллаш бу соҳага бўлган талабни ҳам юқори даражага кўтариб юборди. Агар маълум бир ташкилий масалани ҳал этиш ва муҳим масалалар бўйича қарор қабул қилиш мураккаблигини кўз олдимиизга келтирсан маслаҳатчи мутахассисни тутган ўрни яққол кўзга ташланади. Маслаҳатчиларнинг ўzlари ишлаб чиқсан усулларини бошқаларга осонликча тортиқ қилишлари ҳам амри - маҳолдир.

Шу сабабли бўлса керакки, ҳозир катор мамлакатларда миллӣ ва ҳалқаро маслаҳатчилар бирлашмалари мавжуд ва ушбу бирлашмаларга бўлган қизиқиш кун сайин ошиб бормоқда. Маслаҳатчи (бошқарув масалалари бўйича) мутахассислигининг келиб чиқишига учта асосий манба сабабчи бўлган:

1. Тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг янгидан-янги воситаларини излаш.
2. Бошқарув мутахассисларининг қобилиятларини тадбиркорлик йўлида фойдаланишга интилиш.
3. Ташкилотчилик фани тараққиётининг ўсиш мантифи.

Ҳар бир манбани қисқа тарзда кўриб чиқамиз.

РАҲБАРИЯТ ВА МАСЛАҲАТ БЕРИШ

Ҳозирги кунда жуда қўп давлат ва бошқа ташкилотлар катта эҳтиёж, қизиқиш билан ва тез-тез бошқарув соҳасидаги маслаҳатлардан фойдаланиб турибдилар. Аммо энг биринчи мижоз бу тадбиркорлардир. Тадбиркорларни бу ишга қўл уришларини шерикчилик, ракобатчилик каби ҳар доим самарадорликни оширишда талаб этиладиган изланиш мажбур этди. Корхона раҳбарлари албатта, иш бошлаш даврида яққол кўзга ташланиб турувчи имкониятлардан фойдаланишга одатланганлар.

Ҳаммага маълумки, собик иттифок даврида корхоналарда кадрлар бўлими бор эди. Ушбу бўлимнинг ҳам давлат томонидан тасдиқланган низом асосидаги фаолияти мавжуд эди, лекин вақтнинг ўтиши билан кадрлар бўлими ўзига юклатилган вазифани бажариш қобилиятидан четлаша бошлади. Яъни кадрларни излаш бўш жойларга муносиб мутахассисларни танлаш, улар тўғрисидаги тўлиқ сиёсий, ижтимоий ахборотларни жамлаш, топширилган вазифага хос қобилиятини тақомиллаштириш. танлов ўтказиш, аттестация ишини йўлга қўйиш ва шу каби хислатларни бажариш ўрнига факат раҳбар ходим тавсия этган шахсни буйруқ асосида расмийлаштириш билан чегараланиб қолинган эди. Бу эса оқибат натижада раҳбарга осонлик эмас, балки ўзига хос (ўзи сезмаган ҳолда) қийинчиликлар туғилишига, асосий вазифаси четда колиб иккиламчи вазифалар билан шуғулланишига олиб келган эди.

Вақтнинг тақозоси билан корхона, ташкилот раҳбарлари чет эл тажрибаларидан ўрганган ҳолда адлия-маслаҳатчиларини олишга қарор қилдилар. Адлия маслаҳатчилари эса қўпол қилиб айтганда қозонда қовурилган бўлса, яъни ўз илмини қанчалик билишидан катъи назар, ишлаб чиқаришнинг тадбиркорларнинг юрак уришини тушуниб етишлари керак эди.

Яна хорижий мамлакатлар амалга оширган ишлардан бири бу корхона, ташкилотларда социолог мутахассислигини жорий этиш бўлди. Социолог мутахассислар чет элдаги йирик фирма, компания, концернларда жуда катта фойдали ишларни амалга ошириб, ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш, ишчи-ходимлар ички хиссиётларини ўрганиш, ҳар бир ходимнинг ўз хизмат вазифасига мос ёки мос эмаслигини аниқлаш буйича бир талай амалий ишларни бажариб, колаверса, шу соҳа раҳбарини ёрдамчи даражасига кўтарган эдилар.

Демак, ишлаб чиқариш самарасини ошириш йўлидаги интилиш раҳбар ходимга турли соҳадаги мутахассисларни ёрдамчи қилиб олишни тақозо қила бошлади. Шундай қилиб, бугунги кунда маслаҳатчи мутахассислиги ҳам раҳбарнинг шахсий орзуси, қизиқиши бўлмай ҳаёт талаб этаётган масаладир. Маслаҳатчи мутахассислигига бўлган қизиқиши ўзига хос кетма-кетликка эга. Энг аввало, бу молиядир: фойданинг ўсишини, иқтисод қилишни, баҳони ошириш ёки ҳаражатларни камайтириш эвазигами амалга ошириш керак! Турли хил молиявий имконларни қидириб топа олмаганидан сўнг раҳбар албатта, техники мукаммаллаштиришга, яъни жиҳозларни, технологияларни, конструкторлик ечимларни янгилаш ва ш.к. ларни амалга оширишга мурожаат этади. Кейинчалик маҳсулот турини

ўзгартериш, истемол бозори талабини қувиб ўтиш босқичи келади. Бошқарув имконларини қидириб топиш эса баҳтга қарши орқага сурила боради. Нима учун, деган савол пайдо бўлади.

Ҳар бир раҳбар захирадош маҳсулотларни узок туриб қолишини ва ҳар замонда баҳони камайтириш унга фойданни кўпайишига ёрдам беришини тушунади ёки бунга тезда рози бўлади. Техника ва технология билан боғлиқ масала бирмунча мураккаброқдир: айrim вактда кўшимча ишчи кучини жалб қилиш янги станокни сотиб олиб ишга туширишдан арzonга тушиши мумкин. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини ўзгартериш хатарли ҳолатга олиб келиши мумкин, чунки бу ишда жуда кўп кўшимча тайёргарлик ишлари келиб чиқади.

Бошқарувни такомиллаштиришда раҳбарга ўз масалаларини ўзи ҳал этиши, ташқаридаги шахс билан биргаликда ҳал этиладиганидан мушкулроқ бўлиши тушунарсиз бўлиб қолади. Бундан ташқари бошқарувни ўзгартериш раҳбарга ўз навбатида аҳлоқий, дунёқарашни ва ишлаш усулларини ўзгартеришга олиб келади. Бу эса ташкилий тизимнинг энг тургун қисми бўлиб ҳисобланади. Айниқса, ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган факат обру билан муомала қилишга одатланиб қолган, ҳамма нарсани марказлаштириш асосида олиб борадиган раҳбарларимиз турғунлик қули бўлиб ҳисобланадилар. Бошқарув соҳасидаги маслаҳатчининг иш натижаси молия, техника-вий инновация ёки маркетинг соҳасидаги маслаҳатчилар иш натижалари каби яққол кўзга ташланмайди, албатта. Фақатгана кейинги йиллардагина «ходим мойилиги», «стратегик бошқарув» ва «бошқарув фойдаси» деган тушунча пайдо бўла бошлади.

Бир сўз билан айтганда, бошқарув масалалари бўйича маслаҳатчига раҳбар билан шерикчилик қилиш бошқа соҳадаги маслаҳатчиларга қараганда қийинроқдир. Шунинг учун раҳбар билан тузиладиган шартномага тайёргарлик жараёнига пухтароқ тайёргарлик кўриш, раҳбарни маслаҳатчилик жараёнига чуқуррок жалб этишга тўғри келади.

Шунга қарамай, директорлар, компания президентлари, бошликлар бошқарув соҳасидаги маслаҳатчилар билан шартнома тузаяптилар. Уларнинг қизиқиши нимадан иборат? Албатта, энг оддий жавоб куйидагича: маслаҳатчидан олинадиган аник фойда. Ана шу фойда нимадан иборат, мижозлар биринчи галда нимани хоҳлар эдилар? «Маслаҳатчи-мижоз» муносабатларини озгина кечроқ кўриб чиқамиз. Ҳозир мижоз томонидан бўладиган қизиқиши нимадан бошланганинги кўриб чиқамиз.

Кўпинча мижоз бошқарув масалалари бўйича маслаҳатчи билан бўладиган муносабатдан келиб чикадиган фойдани билмайди. Шу сабабли маслаҳатчи мижозга ҳамма имкониятларни тушунтириб таклиф киритиши керак. Шундан сўнг мижоз ўз фикр-мулоҳазасини билдириши керак. Ҳозир ҳамма жойда иш шу тарзда олиб борилаяпти. Бошланғич даврда маслаҳатчилар қандай имконларни таклиф этганлар?

МАСЛАҲАТЧИ ИШИНинг САМАРАДОРЛИГИ

Ҳар бир мутахассисликнинг ўзига хос бажарилган ишига караб натижаси бўлади. Дехкон фалончи жойга, фалончи нарса экиб, фалончи хосил олди, ишчи фалончи соатда фалончи детал ишлаб чиқарди деган тушунча, иборалар бор. Хўш, маслаҳатчи ишининг мезонини қўйидагича белгилаш мумкин: Масалан, талаб, яъни маслаҳатчига мижозлар томонидан X бўладиган талаблар сони; мижозлар томонидан қайта-қайта таклифлар сони кўп бўлса, ташкилотда маълум бир ўзгариш киритилишига эришилса. Ушбу мезонлар халқаро ташкилотлар томонидан тан олинган мезонлардир.

Айрим вактда маслаҳатчилар катта қизиқиш билан у ёки бу ташкилотда ўзига хос муҳим таклифларни киритишади, турли хил лойиҳаларни ишлаб чикишади, мижозлар билан юкори тафаккур ва ҳисстуйғу асосида меҳнат қиласидар, юкори даражадаги тақдирнома, мукофотларга сазовор бўлишади. Аммо бирмунча вакт ўтгач, бажарилган ишнинг натижаси кўринмай қолади.

Маслаҳатчининг юкори мутахассислик даражасидаги қониқиши унинг таклифлари асосида бунёд этилган янгиликлар бўлиб ҳисобланади. Бу янгиликлар корхона ташкилий таркибида содир бўлган ўзгаришлар, қабул этилган янги қарорлар, ходимлар ишини мотивлаштириш ва ш.к. лар билан белгиланиши мумкин.

Айрим маслаҳатчилар: «Биз одамлар тафаккурини кескин ўзгартирамиз, улар бутунлай бошқа тассаввур билан жўнаб кетишимоқда», дейишади. Бу албатта, бор нарса, бирок тафаккури ўзгарган одамлар аник иш шароитига қайтганларида ўзларининг бефарқликлари оқибатида бор билим, техника, усул санъатларини ҳаётга жорий эта олмай қоладилар. Корхонадаги майда-чўйда ишлар асосий ишни орқага суриб қўяётганини сезмай қоладилар, керакли хулосаларни чиқаролмай қоладилар. Ўзгарган тафаккурни керакли шароитда татбик қила билиш ва керак бўлганда тараққий эттириб

бориш ҳамма раҳбар ходимнинг ҳам қўлидан келавермаслигини ҳаёт исбот килиб турибди.

Маслаҳат бериш жараёнини ўтказишнинг қуидаги кўринишлари бўлиши мумкин:

1. Корхона муаммолари билан танишиш учун мўлжалланган раҳбар ва маслаҳатчининг биринчи учрашуви.

2. Маълумотларий йиғиш ва биринчи ташхис қўйиш.

3. Ҳал этилиши керак бўлгаи муаммолар рўйхатини аниқлаш учун юқори даражадаги раҳбар ва маслаҳатчилар билан биргаликда семинарлар ўтказиш.

4. Ҳар бир муаммони аниқлаштириш ва уларнинг ичидан йиригини ажратиб олиш.

5. Гуруҳ жорий ишларида ечимларни қидириб топиш ёки доимий семинарлар ўтказиб туриш.

6. Ечимларни ҳаётга жорий этиш.

7. Янги маълумотларни йиғиш, олинган натижаларни баҳолаш.

8. Раҳбарларни олинган натижалар билан таништириб бориш, янги маълумотларни таҳлил этиш ва келажакдаги иш режаларини тузиш.

Маслаҳат бериш жараёни натижавийлигини аниқлашга оид айрим саволлар:

1. Маслаҳат учун тузилган шартномада мақсад, иш ҳажми ва тахминий натижалар қанчалик чуқур ўйланган?

2. Иш жараёнидаги маслаҳатлар қанчалик фаол ва ҳаётга яқин бўлган?

3. Маслаҳатчи раҳбарнинг ва корхона мутахассисларининг ўсишига қанчалик таъсир қила олади?

4. Ишлаб чиқилган дастурда корхонанинг бўш ва қучли томонлари қанчалик тўғри акс эттирилган?

5. Дастурни амалга оширилиши ва унга сарфланувчи вакт қанчалик тўғри белгиланган?

6. Тақлиф этилган тавсияномалар аниқ шароит -учун қанчалик тўғри бўлган?

7. Тавсияномаларнинг қанчаси қабул этилган, қанчаси рад этилгай?

8. Раҳбар маслаҳатчиларини қандай баҳолайди?

9. Маслаҳат мобайнида раҳбар нимани ўрганади?

10. Маслаҳат натижалари қўйилган мақсадга монандми?

11. Корхона ўзининг кейинги иш фаолиятида берилган маслаҳатлардан фойдаланганми?

12. Корхона ўз маслаҳатчисини бошқа корхонада ҳам фойдаланишга тавсия этганми?

Раҳбар ходим иши самарасини камайтирувчи омиллар

Раҳбар ходим иши самараси биринчидан ўзига боғлик бўлса, иккинчидан, унинг ёрдамчиларига боғлик. Куйида раҳбар ходим иши самарадорлигини камайтирувчи айрим факторларни келтириб ўтамиш.

Шундай килиб раҳбар ходим:

1. Ўзини ҳам, коллективни ҳам иш режасини тузмайди.
2. Аввало ўзига ёқадиган ва таниш бўлган ишни бажаради.
3. Ўз ёрдамчиларига ишонмайди, уларнинг ишини ҳам ўзи бажаради.
4. Иш учун ўз ишчиларидан фойдаланишни билмайди.
5. Ходимлар ишини майда-чуйдасигача ўзи бажаришга интилади, умумий мақсад ва масалаларни аниқлаш билан шугулланмайди.
6. Ёрдамчилари ўрнига ўзи қарорлар қабул қилиб, уларни маҳкам ушлаб туришга ҳаракат қиласди, амалда ёрдамчилари ўсишига тўсқинлик қиласди ва ўзини ортиқча иш билан қийнайди.
7. Ўз ёрдамчиларини яхши билмайди, уларни иши билан қизикмайди.
8. Ўз ёрдамчилари билан очик-оидин гаплашишни билмайди ёки гаплаша олмайди.
9. Ўз ходимларини қобилиятига ишонмайди.
10. Ўз ишларини муҳимлик даражасини аниқлаб чиқа олмайди ва иш куни тартибини белгилаб чиқолмайди.

Раҳбар ходим иш самарасини унинг ёрдамчилари сабабли камайтириш омиллари

1. Ўз раҳбарига мурожаат қилиш учун тайёрланган масалани ҳар томонлама тайёрламай, раҳбарнинг ишига халақит беради. бекорга вактини исроф қиласди.

2. Ўзи қарор қабул қилишга кўркиб доимо раҳбарга мурожаат этади.

3. Ўз иш вактидан тўғри фойдаланишни ўйламайди, топширилган топширикларни ўз вактида бажармайди ва шу тариқа раҳбарни режали ишлашига тўсқинлик қиласди.

4. Ўз иш фаолиятини, ҳақ-хуқуқларини аниқ билмайди.

5. Ўзи бажара олмайдиган иш билан банд бўлиб, конкрет топширилган топшириқни бажариш билан шуғулланмайди.
6. Ўз раҳбари билан иш соҳасида сухбатлашиш қобилияти йўқ.
7. Олинган топшириқларни чукур таҳлил қилишга ўрганмаган, ҳар доим тайёр, аниқ топшириқ ва йўриқнома асосида ишлашга ўрганган.
8. Ўз ҳаётида нимага интилаётганини билмайди.

РАҲБАР ҲАҚИДА ЎН САККИЗ МАСАЛА

Фараз килинг, колективингизда раҳбар тайинлаш бўйича сайлов ўтказилмоқчи. Хўш, қайси бир даъвогарга овоз бермоқчисиз ва бунинг учун даъвогарнинг иш ва шахсий сифатларини қандай баҳоламоқчисиз?

Балким бундай мashaққатли муаммони ҳал этишда йирик саноат фирмаларида эътиборга олиб келинаётган раҳбар ҳақидаги ўн саккиз масала ёрдам бериб қолар.

Шундай қилиб қуйидаги саволларга жавоб бериб, раҳбарлик ўрнига даъвогарни баҳолашга уриниб кўринг:

1. Биз ўз раҳбаримизни яхши кўрамизми, у билан бирга бўлишни хоҳдаймизми, унинг ёнида ўзимизни хотиржам тута оламизми ёки унинг ўринисиз танқидлари, ўз-ўзини мақташлари ёки бошка совуқ хулқ-атвори билан ноҳушлик туғдирадими?
2. У ўз фаолиятига ва ходимларнинг муваффақиятига эътибор билан қарайдими ёки шахсий ютуқлари билан бандми?
3. Бошқа бўлимлар раҳбарлари билан яхши ишлаб кета оладими ёки ёлғиз ишлашга мойилми?
4. Ўз ишининг эгаси бўла оладими ёки жорий ишлар куршовида қолиб кетадими? Ташкилотчилик ишларига етағли вақт ажратса оладими ёки фақат кундалик ишлар билангина шуғулланадими?
5. У ўз гурухи меҳнатини яхши ташкил эта оладими? Бажарилган ишлар ҳақида ҳисбот қилишга қурби етадими?
6. Умуман у яхши таассурот қолдира оладими?
7. У яхши ўқитувчига хос хислатга эгами?
8. У интизомни сақлай оладими, ишга ярамас ходимларни ишдан бўшата оладими?
9. У дам олишга кўп вақт ажратса оладими?
10. У психология, социология, одоб, философия каби ўз ишига алоқаси бўлган умумий муаммоларни ўрганишга кўп вақт ажратса оладими?

11. У одамларни түшүниш қобилиятига эгами, одамларнинг муаммо ва талабларига қизиқиш ва хайрихохлик билан қарай оладими?

12. У самимий ҳамкорлик учун ўртоқларча шароит яратиш қобилиятига эгами?

13. Ўз-ўзини тутиб тура оладими ҳақыкат учунми ёки шошкодеклик бетайинлиги билан қўл остида ишловчиларда хавотирлик, асабийлик ўйғодадими?

14. У ҳамма ходимларга бир хилда муносабатда бўладими ёки яхши кўрган одамларини ажратиб юрадими?

15. У ортиқча эҳтиросга берилмай аниқ ва осойишта гапира оладими?

16. У янги имкон, восита ва яхши услубларни қидира оладими ёки у кишини азобга соладиган усувларни қўллайдими?

17. У тўлик ахборотга эга бўлмай қарор қабул қила оладими, айрим тахминлар асосида ҳаракат қила олиш ички туйғу ва ишончга эгами?

18. У тўлик ахборотга эга бўлмай қарор қабул қила оладими, айрим тахминлар асосида ҳаракат қила олиш ички туйғу ва ишончга эгами?

Юкорида қайд қилиб ўтилган қўпчилик саволларга олинадиган жавоблар сизга шахсий нуқтаи назарни ишлаб чиқишингизга ва раҳбар ўрнига дъявогар ҳақида мъълум фикр пайдо бўлишига ёрдам беради.

«САМАРАСИЗ» ВА «САМАРАЛИ» РАҲБАР ТЕСТЛАРИ

«САМАРАСИЗ РАҲБАР»

Қўйидаги саволларга «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беринг.

1. Сиз олдиндан белгиланмаган қийинчиликлар билан доимо тўқнашиб турасизми?

2. Сиз бошқаларга қараганда аклли, билимдон ва уддабуросиз шунинг учун ҳамма ишни ўзингиз бажаришга ҳаракат киласиз.

3. Асосий иш вақтингиз майдо-чўйда, яъни иккинчи даражали масалаларни ҳал этишга кетади.

4. Сизга бир вактда жуда кўп ишни амалга оширишга тўғри келади.

5. Сизни столингиз доимо муҳимлиги бўйича устуворлиги аникланмаган қоғозлар билан тўлиб тошиб ётади.

6. Сизга бир суткада 10-14 соат ишлашга тўғри келади.

7. Уйда кўпинча ишлаб чиқариш муаммолари билан шуғулланишингизга тўғри келади.
8. Ҳал этилиши керак бўлган масалани мукаммал ҳал этиш учун уни номаълум муддатга чўзиб қўяверасиз.
9. Ҳаётий эмас, балки энг яхши қарор қабул қилишга интиласиз.
10. Ҳар қандай шароитда ўз обрўйингизни туширмасликка нинтиласиз.
11. Сиз ҳар доим келишувга рози бўлишга интиласиз.
12. Муваффақиятсизликка учраганингизда албатта ходимларингиз ичидан айбдорни қидирасиз.
13. Ўзингизни бошқа инсонлар қўлида қурол деб ҳис этасизми?
14. Турли хил ишлаб чиқариш ва ҳаётий шароитда ўзингиз ўрганган схема (тарҳ) бўйича ҳаракат қиласиз.
15. Корхонадаги олиб борилаётган ишлар ҳақида ходимларингизнинг тўла хабардор бўлиши ходимлар меҳнати самарасини сусайтиради деб ўйлайсиз.
16. Энг долзарб, муҳим ҳолатларда колектив тақдири учун жавобгарликн ўзингизга олмай нима қилиш кераклигини умумий тарздаги ҳамкорликда ҳал этиш керак деб ўйлайсизми?
17. Раҳбар фармойишини хизматчилар муҳокама қилиши мумкин эмас деб ўйлайсиз.
18. Амалий иш стажи маҳсус таълим, мутахассис қобилиятидан ҳамма вақт устунлик қиласи деб ҳисоблайсиз.
19. Дангалчиликка, қалтис қадам қўйишга розимассиз.
20. Тор доирадаги мутахассислик соҳасида ишлаб, бошқа мутахассисликларга панжа орасидан қарайсиз.
21. «Ҳа» ва «йўқ» жавобларини ҳисоблаб чиқинг.

НАТИЖА:

Ушбу саволларда муваффақиятли бошқарувнинг мезонлари 20 та саволга «йўқ» жавоби бўлиши билан белгиланган. 20 та «йўқ» энг юқори даражадаги бошқарувчининг натижасидир.

Сизни бошқарув салоҳиятингизни яхши деб ҳисоблаш учун 15 тадан ошиқ саволга «йўқ» деб жавоб берсангиз етарлидири.

«САМАРАЛИ РАҲБАР»

Куйидаги саволларга «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беринг.

1. Сиз ўз ишингизда мутахассислигингиз бўйича охирги ютуқларни фойдаланишга интиласизми?
2. Бошқа одамлар билан ҳамкорлик қилишга интиласизми?
3. Сиз ходимларингиз билан қисқа, аниқ ва юмшок гаплашасизми?
4. У ёки бу қабул қилган қарорингиз сабабини тушунтириб берасизми?
5. Хизматчиларингиз сизга ишонишадими?
6. Мақсадни муҳокама этиш жараёнида унинг бажарилиш кудрати усуллари, жавобгарлигини аниqlашда топшириқ бажарувчилари қатнашувчиларни таъминлайсизми?
7. Ходимларни ташабbus кўrsatiш, таклиф киритиш ва эътиroz билдиришини рағбатлантирасизми?
8. Муомалада бўлиб турадиган ҳамма инсонлар исмини эслай оласизми?
9. Иш бажарувчиларни олдиларига қўйган мақсадга эришишда эркинлик берасизми?
10. Топшириклар бажарилишини назорат қиласизми?
11. Хизматчиларингизга факат улар илтимос қилгандагина ёрдам берасизми?
12. Хизматчиларингизни ҳар бир яхши бажарган ишига ташаккур билдирасизми?
13. Инсонлардаги энг яхши сифатларни қидиришга интиласизми?
14. Ҳар бир ходимдан самарали тарзда фойдаланишни биласизми?
15. Хизматчиларингиз қизиқиши ва интилишларини биласизми?
16. Диққат билан эшлишини биласизми?
17. Ходимларингизга ҳамкаслари иштироқида ташаккур билдирасизми?
18. Хизматчиларингизга яккама-якка танқидий эътиrozлар билдирасизми?
19. Юқори табақадаги раҳбарларга ахборот берганда коллективингиз бажарган яхши ишларни таъкидлаб ўтасизми?
20. Хизматчиларингизга ишонасизми?
21. Маъмурий ва бошқарув йўллари орқали оладиган ахборотларни ходимларингизга етказишга интиласизми?

22. Хизматчингизга корхона, тармоқ мақсадларига мувофиклаштирилган иш натижаларини тушунтириб бера оласизми?
23. Ўзингиз ва хизматчиларингизга ишни режалаштириш учун вакт ажратса оласизми?
24. Ҳеч бўлмаганда бир йил олдиндан ўз ишингизни мукаммаллаштириш режангиз борми?
25. Вакт тақозосига мос тушадиган тарзда ходимлар малакасини ошириш режангиз борми?
26. Доимий тарзда маҳсус адабиётларни ўқиб борасизми?
27. Мутахассислигинги бўйича етарли кутубхонага эгамисиз?
28. Ўз соғлигингиз ва иш қобилияtingиз ҳолати хақида ғамхўрлик қиласизми?
29. Мураккаб, бироқ қизик ишларни бажаришни яхши кўрасизми?
30. Ходимларингиз билан улар ишини яхшилаш бўйича самарали сұхбатлар олиб борасизми?
31. Ишга қабул қилишда ходимнинг қайси сифати диккат марказда бўлишини биласизми?
32. Ўз ходимларингиз муаммолари, масалалари, эътиrozларини ҳал этиш билан шуғулланасизми?
33. Ходимларингиз билан маълум масофани сақлайсизми?
34. Ходимларингизга ҳурмат ва эҳтиром билан карай оласизми?
35. Сиз ўзингизга ишонасизми?
36. Сиз ўзингизни кучли ва кучсиз томонларингизни яхши биласизми?
37. Бошқарув карорларини қабул этишда ижодий йўналишларни кўллайсизми?
38. Ўз малакангизни маҳсус мактаб ва семинарларда доимиий тарзда ошириб борасизми?
39. Одамлар билан бўлган муомалада етарли тарзда юмшоқ ва одоблимисиз?
40. Раҳбарлик самарасини ошириш мақсадида бошқарув тамойилингизни ўзгартиришга тайёрмисиз?
- Ҳа ва йўқ жавобларини ҳисоблаб чиқинг.

НАТИЖА:

Ушбу саволларда муваффақиятли бошқарувнинг мезонлари 40 та саволнинг ҳаммасига «ҳа» жавоби бўлиши билан белгиланган. 40 та «ҳа» энг юқори даражадаги – бошқарувчининг натижасидир. Юз фоиз ижобий, юз фоиз салбий воқелик бўлмаганидек энг юқори даражадаги бошқарувга эришиш амалда мумкин эмас. Агар албатта,

сиз бу муаммога самимий ёндошган тақдирингизда ишончимиз комил бўлади. Муҳими шундаки, қанча ва қандай саволга «йўқ» деган жавоб бердингиз. Бу албатта, сизни кучсиз жойингиз.

Сизни бошқарув салоҳиятингизни яхши деб хисоблаш учун 33 тадан ошиқ саволга «ха» деб жавоб берсангиз етарлидири.

Ишхонангизда ишингиз кўпайиб кетса нолиманг, нолисангиз раҳбарингиз сизга «боринг дамингизни олинг», деб юборса кўпи билан уч кунда зерикиб, ишга чиқкингиз келиб қолади. Демак, нолиш ўрнига ишни ўз вактида бажаришга уринганингиз маъқулдир.

Агар раҳбарингиз ҳаққоний тарзда сизни қаттиқ койиса, халкнинг «Урганингиз угра оши, сўkkанингиз сўқ оши», деган маколини эслаганингиз маъқул. Чунки вақт ўтиб, қандай ош ейишингиз ҳам мавҳум бўлади.

Интеллектуал мулк муҳим сармоя (капитал) манбаи бўлиб, бу соҳа қанча кўп ва тез ривожланса меҳнаткаш, заҳматкаш халқимизнинг меҳнат қилиш жараёни шунчалик осонлашади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин вайронага айланган Оврупо мамлакатлари ва Япониянинг катта тезлиқда ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиб олишининг асосий сабабларидан бири ушбу мамлакатларда интеллектуал мулкнинг ривожланганлигидадир.

Раҳбарнинг ёки сизга яқин одамнинг дакки беришидан кўркманг, аммо раҳбарни ҳам, яқин одамингизни ҳам алдашга ўрганманг, акс ҳолда, охиратингиз куйиши мумкин.

Агар ишхона пастки қатламларида қандайдир нохушлик, одобсизлик ва тартиббузарлик содир бўлса, чукур таҳлилсиз зудлик билан биринчи шахсни ишдан четлатишга ҳаракат қилиш керак эмас. Ишхонадаги нохушликни «корхона қора яшигини» таҳлил этиб, сўнгра қарор қабул этилгани маъқулдир.

Раҳбар – бу оддий унвон эмас, балки истеъдоддир.

Раҳбар мувовинлари, машина ҳайдовчиси, котибаларнинг талабга жавоб бера олиши раҳбарнинг жуда кўп иккиласми муваммолардан озод бўла олиш йўлидаги катта ютуғидир.

Рахбар котибасининг ишчанлиги, дилдорлиги, софлиги, ишибилармонлиги, иш юритиш қобилиятигининг мавжудлиги –раҳбар муваффақиятининг қалитидир.

Котибанинг пала-партиш иш тутиши – раҳбар фаолияти инқирозидан далолатдир.

Рахбар майдалашган сари, корхона ишлари ҳам майдалашиб кетаверади.

Ходимнинг соғлиги ва иш фаолиятини мукаммал бўлиб боришига ёрдам қулини чўзмаган раҳбар норозиликка учрайди.

Айрим вактда тажрибаси, укуви йўқ котибага ёки ходимингизга бирор-бир матнни ёзишга даъват этганингиздан кўра, ўзингиз тезда ёзиб берганингиз маъқул.

Кинояли жилмайишни айрим раҳбарлар қамчиси деб қабул этиш мумкин.

Рахбар қаёқка оғса, куч таркиби (армия) ҳам шу ёққа оғади (истисно кам бўлади).

Машина хайдовчингиз ва котибангиздан хафа бўлманг, чунки уларни ўзингиз тарбиялайсиз.

Ўз ёрдамчиси ёки ходимидан имкон қадар фойдаланиб бўлиб, сўнгра уни улоктириш ёки четлатиб юбориш раҳбар томонидан инсофдан эмас.

Раҳбарлик қилишдаги энг асосий омиллардан бири бу назорат ва яна назоратдир.

Фан арбобидан албатта, фан, илм ҳиди анқиб туриши керак.

Динга ишониш давлат ишига аралashiш дегани эмас.

Турли хил диний секталарни ташкил этилиши ва шу йўналишдаги гурухларни фаолият кўрсатиши ўз шахсий фикрига эга

бўлмаган маънавияти тубан, локайд, бефаҳм, лақмалар қатлами борлиги белгисидир.

Раҳбар билан ўчакишманг чунки, раҳбар қўлида сизнинг хақингизда қандай ахборот борлиги сизга коронғу.

Агар раҳбар олдига бирор-бир масалани ҳал этиш учун кирсангизу, раҳбар безовта бўлса, асаби жойида бўлмаса ундан хафа бўлманг, чунки унинг бош мия ҳужайралари ишхонадаги ечилиши мураккаб бўлган муаммолар, юкори ташкилотдан тушган кўрсатмалар билан банд бўлиб, сизга эътибор бера олмаган бўлиши мумкин. Табий тарздаги воқелик бўлиши мумкин. Вақт топиб яна бир марта унинг қабулига киришга уриниб кўринг.

Лавозимдан ва умуман ишдан кетган инсон ғийбатини килмаган яхши чунки, у жазоланиб бўлди ёки бошқа жамоага фойдали ишга ўтган бўлиши мумкин. Яхшиси у инсон билан вижданан сухбат қилинса жамоа ривожи учун фойдали маслаҳатлар чиқиши мумкин. Умуман ишдан бўшаган одам билан яқиндан сухбатлашилса ишхона фаолиятини яхшилашга ва айрим жамоа аъзолари хақида фойдали фикр-мулоҳазалар чиқиши мумкин. Ушбу фикр-мулоҳазалардан қандай фойдаланиш ишхона раҳбари дунёкарашига боғлиқдир.

Аксарият ҳолатларда лавозимдан кетган одамлар ҳакида дарров турли хил миш-мishлар пайдо бўлади, ҳатто дуруст ишлаб келган одамни ҳам «ўзи ахмок эди, яхши ишлай олмас эди, қандай раҳбар бўлиб олганига ҳайрон эдик» ва шу кабилар. Ушбу гапларда балки жон бордир. Бирок марҳум одам шаънига ёмон гаплар гапирилмайди деганларидек, лавозимдан кетган одам «аҳмок, сотқин, фирибгар, порахўр» бўлмаса, уни тинч қўйган маъқул.

«Оғзи қийшиқ бўлса ҳам, бойнинг боласи гапирсин», деганларидек, «Оғзи қийшиқ бўлса ҳам, лавозимдаги одам гапирсин» дейиш мумкин.

Раҳбар қабулига у ёки бу таклиф билан кирган ходимга ҳурмат юзасидан яхши муомала қилингани маъқул. Чунки ушбу шахсада фойдали шахсий фикри бўлиши мумкин.

Раҳбар бозор шароитида янгилик яратувчи, ижодкор ва инсоний омилларни эътиборга олувчи бўлиши керак.

Биринчи шахсни, яъни давлат, корхона, идора муассаса раҳбарини тан олмаслик олов билан ўйнашишдир.

Раҳбар у ёки бу лавозимдан бўшаганда ёки бўшатилганда, хижронга тушиши, тушкунликка берилиши мумкин. Бу ҳам табиийдир. Бироқ ушбу ҳолатда барибир қандай лавозим бўлишидан қатъи назар ишлаб туришга, жамоа билан алоқани узмасликка ҳаракат қилиб, лавозимда эканлигига атрофида гиргиттон бўлганларнинг четлашишига эътибор бермагани маъқул. Чунки қолган умрини оила аъзолари учун бағишлаб, яхши руҳда юрсагина ҳаёти осойишта ўтади, яъни депрессияга тушиш керак эмас.

Агар раҳбар атрофий таҳлил эгаси бўлмаса, ишхонада ходимлар билан қиласидан мулокотини уйда амалга оширадиган бўлиб колади. Бу албатта оила аъзоларига маъқул бўлиши қийин.

Раҳбарга у ёки бу муовини, бўлим бошликлари ёқмай қолса, умуман қабулига киритмай топшириқ ҳам бермай қўяди. Шу билан ундан вактинча узоклашгиси ва айбдорни жазолаган бўлади, яъни айбдор ходим диди ишласа янада кўпроқ ишлаши ва раҳбар ишончини оқлаши керак бўлади. Ловуллаб ёнган олов секин-аста ўча бошлаганидек раҳбар ҳам вакт ўтиши билан айбдорга нисбатан фикри ўзгариб бориши мумкин.

Раҳбар сенга ишонч билдирса, сен дарров ғўдайиб, бошқаларни менсимай ёввойи бўлиб қолма.

Раҳбарнинг аччик гапи оёққа бехос қадалган тикон азоби билан баробардир.

Раҳбар билан ўйнашмаган маъқул, чунки унинг ўйин услублари сизницидан кўп бўлиши мумкин.

Сиз қанчалик қўпол бўлманг, амалий ишларингиз билан виждонингиз тозалигини исбот этсангиз, қўполлигингизнинг салбий таъсири камайиб бораверади.

Раҳбарни нуқсонсиз деган ходим унга содик эмас.

Раҳбарнинг кучи ўз муовинларига ишониши ва уларга содиклигидадир.

Раҳбар ўз олдига ҳаммага яхши кўринаман деган мақсад қўйса, у янглишади. Шу билан бирга ишхонанинг иши ҳам кўнгилдагидек бориши қийин бўлади. Раҳбар жамоатчиликдаги ҳар бир жабҳада ташаббускор бўлиши керак. Раҳбарнинг ташаббуси ҳаммага ҳам баробар ёкавермайди. Раҳбар эса қўйилган мақсадни амалга ошириш шарт деб ҳисоблайди. Бу жараён ўзига хос норозилик, зътиrozга олиб келади. Шунинг учун, психологик нуқтаи назардан содир бўлиши мумкин бўлган воқеаларга тайёр бўлиб, тинмай ишлаш, мулокот қилиш ва ходимларни педагогик нуқтаи назардан тарбиялаш устида иш олиб боришга тўғри келади.

Раҳбарнинг айрим вақтда сизни ноxуш кутиб олиши ёки кўнглингиздагидек муомала қилмаслиги сизни ёмон қўриши ёки раҳбарнинг ўзини ёмонлигига эмас, балки унинг объектив ва субъектив сабаблар, яъни юқоридан тушган топшириқлар, кўрсатмалар ва бюрократик қофозларнинг кўпайиши билан асаб толалари таранглашганлигидан бўлиши мумкин.

Раҳбар сизга бирор бир кўрсатма берадиганда озигина асабиylашса сиз ажабланманг, чунки раҳбар сизга берадиган кўrсатма ҳақида, кўrсатманинг ҳамма омилларини ҳисобга олиб, кечаси билан ўйлаб чиқсан бўлиши мумкин, шунинг учун раҳбар сизга тушунтириб берадиганда, сизни ҳам худди шундай талкин қилишингизни хоҳлади. Бу жараён осойишта ўтиши учун сиз имкон кадар диккат билан уни тинглашга урининг.

Ўз ходимингиз бажарадиган ишни очиқ, лўнда, тушунарли қилиб баён эта олсангиз вазифани эллик фоизи бажарилди деб ўйлайверинг.

Ўзингизга ташқаридан боқиб кўринг

Албаттa, ҳар бир инсон ўзига ташқаридан боқиб кўришни ўргана олса, яъни бошқа инсон нуқтаи назаридан қарай билса, жуда одилона хулосалар чиқариш имконига эга бўлади. Ўзига ташқаридан боқиш сизни ўз ходимларингиз, оила аъзоларингиз билан бўлган муносабатингизни қандай эканлигини аниқлаб беришга ёрдам

беради. Қуйидаги ҳар бир ўттис савол ва мұлоқазага уч хил варианктаги жағоблар берилған. Сизге қайси бири ёқса шуни белгилаб күйинг, агар битта ҳам жағоб сизни қониқтираса, кейнинг саволга ўтишингиз мүмкін.

1. Сиз навбатдағы хизматта оид келишишіліктерден сұнг келишиши үйліни қидирадасыз?

1. Ҳар доим.
2. Ҳар замонда.
3. Ҳеч қаңон.
2. Сиз оғыр вазиятда үзінгизни қандай тұтасыз?
1. Ичингиздан күйиб кетасыз.
2. Тұлға осойишиштапкин сақтайсыз.
3. Үз-үзінгизни ушлолмай қоласыз.
3. Ҳамкәсбларингиз Сизни қандай шахс деб ҳисобладылар?
1. Үзіга ишонағынан.
2. Дүстларни яхши құрадынан.
3. Осойиша, хотиржам.
4. Агар сизге жағовбара лағозимини тавсия этсалар, қандай қабул қиласыз?

1. Қандайдыр хавф билан қабул этасыз.
2. Үйламасдан қабул этасыз.
3. Шахсий тинчлигингизни үйлаб рад этасыз.
5. Агар ҳамкәсбларингиздан бири сизнинг столингиздан, рухсатингизсиз қоғозны олса үзінгизни қандай тұтасыз?

1. Ҳақоратлайсыз.
2. Қайтариб жойига қўйишни айтасыз.
3. Унга яна қоғоз керакми деб сўрайсыз.
6. Сиз эрингиз (хотинингиз)ни ишдан одаттаги вақтдан кечикиб келганды қандай иборалар билан күттаб оласыз?
1. Кечикиб қолишингизга нима сабаб бўлди?
2. Шундай кеч вақтгача қаерда дайдиб юрибсан?
3. Мен энди хавотир олаётган эдим.
7. Автомобил ҳайдайтганингизда үзінгизни қандай тұтасыз?
1. Олдингизда кўринган машинани қувиб ўтишга ҳаракат қиласыз.
2. Сизни қанча машина қувиб ўтишига эътибор бермайсыз.
3. Ҳеч қайси машина қувиб ўта олмайдын даражада тез юрасыз.
8. Үзінгизнинг ҳаётга бўлган қараашларингиз қандай?
1. Мувозанатли.

2. Енгил фикрли.

3. Ўта жиддий.

9. Ҳамма ишингиз ўнгидан келавермаса қандай чоралар күрасиз?

1. Хатони бошқа одам бўйнига қўйишга ҳаракат киласиз.

2. Рози бўласиз.

3. Бундан кейин эхтиёт бўласиз.

10. Ҳозирги замон ёшлигининг бефарқлилиги. ўйинқаролиги тўгрисидаги фелъетонга қандай мұносабатда бўласиз?

1. Ёшларга ўрнатилган тартибдан ташқари ҳамма нарсаларни таъкилаб қўйиш керак.

2. Уларга биргаликда маданий дам олиш учун имкон яратиб бериш керак.

3. Улар билан бекорга мулокот қилиш шартми?

11. Сиз эгаллайман деган лавозимни бошқа одам эгаллаб олса ўзингизни қандай ҳис этасиз?

1. Нима учун бекорга асабимни кийнадим?

2. Лавозимни эгаллаган одам раҳбарга ёқкан бўлса керак.

3. Балким кейинги гал омадим келар.

12. Даҳшатли кино кўрганингизда ўзингизни қандай ҳис этасиз?

1. Кўркувни ҳис этасиз.

2. Зерикасиз.

3. Самимий дам оласиз.

13. Йўлда машинада кетаётганингизда тиқилинч ҳолат юз бериб мухим мажлисга кечга қолганингизда ўзингизни қандай ҳис қиласиз?

1. Мажлис вақтида асабийлашиб ўтирасиз.

2. Ҳамкорлар олдида ўзингизни ноқулай тутасиз.

3. Ачинасиз, афсусланасиз.

14. Ўзингизни спорт соҳасидаги ютуқларингизга қандай карайсиз?

1. Албатта ютиб чиқишга уринасиз.

2. Ўзингизни янада ёшардим деб қувонасиз.

3. Агар ютқизсангиз, ғазабланасиз.

15. Агар ресторонда сизга кўнгилдагидек хизмат қилишмаса, нима қиласиз?

1. Жанжал бўлмасин учун чидайман.

2. Метрдотелни чақириб унга эътиroz билдирасиз.

3. Ресторон директорига арз қиласиз.

16. Агар сизнинг фарзандингизни мактабда хафа қилишиса нима қиласиз?
1. Ўқитувчи билан гаплашасиз.
 2. Сизнинг фарзандингизни хафа килган ота-оналар билан жанжаллашасиз.
 3. Фарзандингизга карши жавоб беришни маслаҳат қиласиз
17. Сиз қандай одамсиз?
1. Ўртача.
 2. Ўзингизга ишонган.
 3. Ўта ҳаракатчан.
18. Эшик олдида тўқнашиб қолган ёрдамчингизга нима дейсиз?
1. Кечирасиз, мен айборман.
 2. Ҳеч нима қилмайди.
 3. Озгина эътиборли бўлмайсизми?
19. Газетадаги ёшлиар орасида бузгунчилик ҳакида чоп этилган мақолага муносабатингиз қандай?
1. Қачон бир аниқ чоралар кўрилар экан?
 2. Қаттиқ жазо чораларини татбиқ этиш керак.
 3. Факат ёшлиар эмас, тарбиячилар ҳам айбдорку!
20. Қандай ҳайвонни яхши кўрасиз?
1. Йўлбарс.
 2. Ўй мушуги.
 3. Айик.
21. Бўлажак куёв билан учрашувга чиққанда сўнгги фикрин-гиз?
1. Хали яхши таниша олмадим.
 2. Менга ёқмади.
 3. Севиб қолдим.
22. Биринчи фарзанди қиз түгилганда отанинг муроҳазалари.
1. Эҳ, нега ўғил бўлмади?
 2. Айб хотинимда
3. Шунисига беҳисоб шукур, рафиқам эсон-омон қутулиб олди-ку.
23. Олий ўқув юртига тест синовидан ўта олмаганabituriyentning fikri:
1. Билимим зўр эдику, омадим келмади.
 2. Ўқишига киришим шарт эмас эди.
 3. Яна бир йил тайёргарлик кўриб кейинги йилга албатта ўқишига кираман.

24. Бошқа бир одам билан арзимаган нарсага гап талашиб асаби бузилган одам уйига келиб ўйлайды:

1. Мен уни роса бопладим..

2. Ҳали мен унга кўрсатиб қўяман.

3. Шу арзимас нарсага шунча асабимни қийнашим шартмиди?!

25. Зўр кошионада юқори тантана билан ўтказилган эр ва хотининг уйга келиб чиқарган хулосаси:

1. Нима гап бўлганини ҳам тушунмадим, нима овқат истеъмол қилганимни ҳам билмадим.

2. Келин жуда зўр кийим кийибди.

3. Роса ўйинга тушиб тўй қандай ўтганини ҳам билмай қолибман.

26. Дарс берәётган домла ўқувчининг талаба билан интизом бўймаганилиги сабабли қаттиқ тортишиб қолганидан кейинги ўйлари.

1. Шунақа ҳам талаба ўқувчи бўладими?

2. Бундай одоб билан ўқимагани ҳам яхши.

3. Ҳали ёш акли кириб қолар.

27. Ўз фарзандига дакки бериб, кучли асабийлашиб юраги устига ўнг қўли кафтини қўйиб ўтирган ота фикри.

1. Фарзанд ҳам шунақа бўладими?

2. Ҳозирги ёшларнинг одоби жуда бузилиб кетди-да.

3. Фарзандимни одоби бузилиб кетганига ўзим ҳам айборман шекилли?

28. Ишдан чарчаб келган эрнинг хотинига майда-чуйда камчиликларни гапириб, ҳайқириб, бақириб бўлганидан сўнг ҳаёлидаги сўзлари:

1. Нимага ҳам шу хотинга уйланган эканман, бошқаси куриб қолувдими?

2. Гапимга гап қайтармаганида шунча жанжал бўлмас эди.

3. Ростини айтсан хотинга ҳам жабр, уй ичидаги сонсизсаноқсиз ишлари юмушлари кўп уни ҳам тушунса бўлади.

29. Агар қўни-қўшнингиз билан уришиб талашиб қолсангиз нималарни ўйлайсиз?

1. Бунақа кўшни билан яшагандан кўра бошқа жойга кўчиб кетган яхшидир.

2. Кўшни мени кўра олмайди шунинг учун доим ғийбат билан шуғулланади.

3. Муросаю-мадора деган иборага итоат этиб тинчгина яшашим мумкинку ахир...

30. *Жанжаллашиб ажралыш даражасига бориб тақалган эрхотин ўйлари:*

1. Башараси курсин бундай эр, бундай хотинни.

2. Айтганимга қулоқ солиб юрсаю олам гулистон бұлар зди.

3. Хұп ажралышдик дейлик, ёмон деб ҳисоблаётган бұлсам ҳам шу хотин, шу зрга ўргандимку фарзандларим етимлиқда қандай күн кечирап экан.

Юқоридаги савол ва мулоҳазаларни чексиз давом эттириш мүмкін, албатта. Ҳамма гап шундаки, ислом динида сабр-тоқат, шуқр қилиш деган сұзлар бор. Биз бу кадрли ва инсонни интизомға чакирадиган сұзларни ҳар доим әслаб туришимиз у ёки бу ҳислат, хусусият. воқелик мөһөридан ошиб кетаётганида әсдан чиқармаслықни одатта айлантирасқ, нур устига, аъло нур бұлар зди. Айримлар бошқа бир одам танқид әмас мулоҳаза нұқтаи назардан мурожаат этса ғазабланиб ўзига жой топа олмай қолади. Ваҳоланки, бундай самимий мурожаат учун у миннатдорчилік билдириши керак. Бунинг устига иложи борича ўзига-ўзи ташқаридан боқа олса, ўз-ўзини танқид қила олса, бошқа одам мурожаатини яқдиллік билан қабул эта олса, бундай инсонни фаришта инсон деса хато бұлмайди.

XII. АМИР ТЕМУР ВА АЛИШЕР НАВОИЙ САБОҚЛАРИ (ҚИСҚА)

Собиқ иттифок даврида битилган тарихий адабиётларда Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига асосан салбий баҳо берилар, соҳибқироннинг яратувчанлик фаолияти ҳақида эса хеч нима дейилмас эди. 1960 йилларга келиб, «феодал ўтмишни идеаллаштириш»га қарши кураш кучайиб, тарихий адабиётларда Темур даврига кора бўёқлар чапланади, соҳибқироннинг ўзига эса, шавқатсиз ҳукмдор, босқинчи деган ёрликлар осилди. Шунга қарамай, ЮНЕСКО буюк соҳибқирон юртида Амир Темур ва темурийлар даври Марказий Осиё санъатини ўрганишга бағишлиганнан ҳалқаро конференция ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Бир ёқда Амир Темур гуллатиб-яшнатиб кетган Самарқанднинг 2500 йиллик тўйига катта тайёргарлик бораётган эди. Шу сабабларга кўра соҳибқироннинг шахсиятига холис баҳо бериш зарурияти туғилиб қолди. 1968 йилда академик Иброҳим Мўминов ёзган «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихидаги роли, тутган ўрни» деб номланган асари ўзбек ва рус тилларида чоп этилди. Бу асар ўша даврдан қолган ёзма манбалар асосида битилган бўлиб, илмий йўналиши, хуносаларининг, далиллари ва руҳиятининг босиқлиги билан яратилган бошқа тарихий асарлардан фарқ қилиб турарди. Бироқ Амир Темур фаолиятига ҳиссиятга берилмасдан, холисона берилган баҳо ҳаммага хуш келмади, айниқса, расмий мафкуранинг «қўрикчиларига ёқмади».

Ҳозирги замон тарихчилари, олимлари Амир Темур давридан қолган шоҳона кийимларнинг қолдиқларини ўрганиб чиқиб, XIV–XV асрларда тўқимачилик техникаси ва ҳунармандларнинг бадиий савиёси, ҳалқнинг анъаналари юксак даражада бўлганлигини эътироф этдилар.

Шулар қатори Амир Темур даврида Туронзаминда металл қуйиш, металлга ишлов бериш, шишачилик саноати, қурилиш, меъморчилик, кулолчилик, коғоз ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳужалиги ҳам ривож топди. Ишлаб чиқаришнинг бу турлари асосан шаҳар ва шаҳар атрофларида одат бўлса, металл қуйиш корхоналари қазилма бойликлар топилган тоғли ерларда барпо бўлди.

Тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Самарқанднинг олти дарвозасидан биттаси чўяндан, яхлит қилиб, нақшлар билан қуйилган, Амир Темурнинг шахсий маблағи хисобига курилган масжиднинг дарвозаси етти хил металл қотишмасидан иборат бўлган.

Бундан ҳайратга келган Нодиршох –Эрон хукмдори, уни ўз юртига олиб кетган. Кейинчалик, дарвоза Самарқандга қайтарилган, бирок афсуски XVIII асрда ундан танга зарб қилинган.

Амир Темур ижтимоий адолатни ҳам доим ўйлаган. Клавихо ўз эсдаликларида хабар беришича, Амир Темур навбатдаги ҳарбий юришдан Самарқандга қайтиб, бозорлардаги аҳволни суриштирган. Шунда унга бозордаги баъзи ҳунармандлар, қассоблар, савдогарлар ўз молларини ҳаддан зиёд қиммат сотишгани ҳақида шикоят қилинган. Буюк Амир Темур қимматфурушларнинг ҳаммасини қозига рӯпара қилган, натижада уларнинг ноҳалол йўл билан ортирган бойликлари мусодара килинган ва жабрланганларга қайтарилган.

Фан ва маданиятга суюнмай туриб, давлатни ва жамиятни ривожлантириб бўлмаслигини Амир Темур яхши тушунар эди.

Шунинг учун у мадрасалар тармоғини кенгайтиришга, мударислар ва талабаларнинг моддий таъминотига тааллуқли бир қанча фармойишлар чиқарган. Бу одат соҳибқирондан кейин ҳам давом эттирилди. Темурийларнинг бари олимларни ва ҳунармандларни ҳурмат килиш билан бир қаторда, ўзлари ҳам илм адабиёт ва маданиятда юқори савияли бўлганлар, бир нечта хорижий тилларни билганлар, диний илмлардан ташқари, риёзиёт, фалаккиёт, тиббиёт, тарих, меъморчилик, шеърият ва бошқа соҳаларда яхши фикр юрита олганлар, бой шахсий кутубхонага эга бўлганлар. Темур авлодлари ҳам салтанатнинг турли шаҳарларига ўзларидан ёдгорлик қилиб мадрасалар, масжидлар қолдирганлар.

Соҳибқирон яратган ҳарбий илм бутун дунёга машхур.

Давлат миқёсида иқтисодиёт юритишнинг баъзи қоидаларига Темур ҳукмронлиги даврида асос солингани қўпчиликка маълум эмас. Масалан, давлат хазинаси асосий ва жорий қисмлардан иборат бўлган. Асосий хазинага қўл теккизилмаган, фактат фавқулодда вазиятларда ундан маблағ олиниб, кейин ўрнига қайтарилган. Омадли йилларда жорий хазинадаги маблағ ҳам ортиб қоларди, шунда бу маблағ асосий қисмга ўтказилган, Амир Темур ҳаётлигига жорий хазинада камомад деярли бўлмасди.

Амир Темур сарой аҳлларига, аҳолини хонавайрон қилиш, давлатни вайрон қилиш билан баробар, деган фикрни уқдириб келган.

Халқ ҳаёти, рухияти, фани ва маданиятининг равнақи, унинг таъминланганлиги, тинчлиги, давлатнинг истилочилардан ҳоли бўлиши каби муаммолар соҳибқирон фаолиятининг асосий мақсадлари бўлган.

Амир Темурнинг: «Халқ фаровон бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади», деган сўзлари ўша даврда амалга оширилган тарихий ишлари билан амалда исботланган эди. Худди Амир Темурнинг 35 йиллик ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиёда, фан, маданият юксалди. Айни пайтда, Самарқанд, Шахрисабз, Бухоро каби шаҳарлар гуллаб-яшнади, хунармандчилик, тижорат, савдо-сотик ишлари ривож топди. Халқ фаровонлиги ошди, чунки Амир Темур пирларидан бири – Зайниддин Абубакир Тойбодий ўқитган салтанат ишларидаги тўрт нарсага: 1) кенгаш; 2) машварату маслаҳат; 3) мустаҳкам қарор, тадбиркорлик ва хушёrlик; 4) эҳтиёткорликка қатъий амал қилиб яшаган эди.

Темур даврида ўғрилик, порахўрлик ва шунга ўхшаш салбий иллатлар батамом бартараф этилган, бунда унинг давлату салтанатини бошқаришда вазирлар тутиш сиёсати катта аҳамиятга эгадир. Вазирларни тутишда у тўрт сифатга эга бўлган камолотга етган кишиларни давлат ишларига жалб этади, бу сифатлар асллик, тоза насллиқ, ақл-фаросатлилик, сипоҳу-раият аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалада бўлишлик, сабр-чидамлилик ва тинчлик севарлиқдир. Кимда шу тўрт сифат мавжуд бўлса, ундан одам вазирлик мартабасига лойик, деб хисобланган ва шу билан биргаликда ундан одам вазирга тўрт имтиёз – ишонч, ихтиёр, иктидор ва эътибор берилган. «Камолотга эришган вазир улким, – деб уқтиради Темур, – давлат муаммоларини тартибга келтириб, мулкий ва молиявий ишларни тўғрилик билан асли-насли тозалагини кўрсатиб, ажойиб тарзда бажаради. Олгулик жойдан олиб, бергулик ерга беради. Рухсат этувчи ва таъқиқловчи буйруқларда унинг асллиги ва тоза насллиги кўриниб турсин».

Яна давом этиб шундай дейди: «Қайси вазир ғийбат гапларни айтса, уйдирма гапларга қулок солса, ўзига ёқмаган кишиларни йўқотиш пайига тушса, уни вазирликдан тушириш лозим. Насли, зоти ёмон, ҳасадчи, кек сакловчи қора кўнгилли кишиларга зинҳор вазирлик лавозими берилмасин. Бузуки, қора кўнгилли, зоти паст одам вазирлик қиласа, давлату салтанат тез орада қулайди».

Мутафаккир Мир Алишер Навоий замонида ташқи савдонинг ривожланганлиги сабабларидан бири, савдогарларнинг факат карвон-саройда истиқомат қилиб савдо қилишлари эмас, балки бозорларда маҳсус дўконлар очиб, ўз мамлакатларидан келтирилган молларни ана шу дўконларда сотувчиларнинг мавжудлигидир.

Алишер Навоий маҳаллий савдогарлар ва ажнабий савдогарлар фаолиятини кузатар экан, улар ҳакида ўз фикрини баён қиласди:

«Савдогар дастлаб ҳалол ризқ топиши, жамиятга хизмат қилиши керак. У тоғларнинг тоши ва дашт саҳроларнинг кумлари устида түя суради, денгиз мавжлари ва сув тошқинларидан фойда ва зарар күради, ҳалол ризқ топаман деб узоқ, мاشаққатли йўлларни босади. Айрим савдогарлар харидорларни, айникса факирларни алдаб, уларнинг ҳисобига яшайдилар, шу сабабли уларнинг бўйинларида факирларнинг ҳақлари бор».

Бу мақсадга, ҳозирги замон тили билан айтганда, баҳо механизми орқали эришадилар. Ўз мол-мулкини кам кўрсатиб, давлатга бож тўлаш билан диний солиқни инкор қиласадилар. Бу орқали муҳтоjlагра тақсимлаб берилиши кўзда тутилган шаърий закот –диний солиқни инкор қиласадилар. Бундай «ишбилармонлик»ни амалга оширишда, шаҳар олиб сотарлари олдинги марраларни эгаллайдилар. «Шаҳар олиб сотари, – деб ёзган эди Навоий, – хиёнатчи, ўз фойдасини кўзлаган ҳолда, элга қаҳатчилик тилайди (чунки қаҳатчилик бўлса, унинг иши юришади, молини беркитиб сотиб, юкори баҳода пуллайди), унинг мақсади элга зиён етказиш, орзузи арzon олиб, қиммат сотишидир. У олганида шойини бўз деб камситади, сотища эса бўзни шойи деб вайсади. Шолни турка (катон) деган нафис қимматбаҳо матодан тикилган кийим ўрнида пуллай олиша тўхташ йўқ. Дўконларда инсофдан бўлак ҳамма нарса мавжуд: ўз айбига иқрорлигидан бўлак ноинсофликнинг барча тури кўплаб топилади: Мусоғир савдогар билан буни бамисоли эр-хотин деса бўлади».

Шу жумладан, Алишер Навоий қўйидаги ажойиб тавсияларни беради: «Савдогар ёлғиз фойдани ният қилмаслиги, фойда қиласман деб ўзини қаттиқ машакқатга қўймаслиги, савдо қилиб, фойда қиласман деб денгизга кема сурмаслиги, дур оламан деб наҳанг оғзига қўй солмаслиги, мол ва пул кўпайтираман деб жонсарак бўлмаслиги керак...». Щунингдек, «нафис матоларни аяб, эски чўпон киймаслиги, лаззатли таомларни кўзи қиймай, қаттиқ нон емаслиги лозим. Унинг тортган қийинчиликлари тирикчилигининг яхши ўтиши учун хизмат қилса ва топган фойдаси кўнгил фароғати учун сарфланса яхши бўлади...».

Қачонлардир энг кучли давлат мезони нима деган саволга қайси давлатда кучли курол ва армия бўлса, ўша давлат кучли деган мулоҳаза бор эди. Ҳозир эса қайси давлат кучли армия, курол ва тўлиқ ахборотга эга бўлса, ўша давлат кучли деган мулоҳаза бор.

Алишер Навоийнинг қўйидаги мисралари ушбу мулоҳазани тўлиқ тасдиқлайди, яъни:

Агар сен огоҳсен шоҳсен,
Агар сен шоҳсен огоҳсен.

Демак, шоҳ ҳамма ахборотлардан огоҳ бўлса шоҳ бўла олади, бу дегани давлатни мавжуд ахборотларни ҳисобга олган ҳолда бошқара олиш қобилиятига эга бўлади. Агар шоҳ мамлакат ҳаёти ва ўзига қўшни бўлган давлатлар ҳакида маълумотларга эга бўла олсагина тўғри хulosса чиқара олади, тўғри қарор қабул қила олади. Россия шоҳларидан бири Екатерина II ҳар кунги иш фаолиятини бир гурӯҳ одамларни ҳар куни эрталабдан турли хил бозорларга жўнатиб, мавжуд нарҳ-наволар ва бозордаги турли хил ахборотлар билан танишиб, шоҳга тақдим этишлари керак экан. Демак, Екатерина II ушбу олинган ахборотлар асосида ҳаётин қарорлар қабул қилган.

Шунинг учун юртбошимизнинг ҳамма фуқароларни огоҳ бўлишга қилган даъватларини ҳеч қачон эсдан чиқаришимиз керак эмас. Ҳамма вақт огоҳлик ва зийраклигимиз давлатимиз, ҳалқимиз тинчлиги гарови эканлигини унутмаслигимиз талаб этилади.

Мир Алишер Навоий: «Мўмин Мирzonинг ўлими Темурийлар хонадонининг инқирозидан дарак беради», деб айтган бўлса, бир давлат томонидан иккинчи давлатни босиб олиниши миллат инқирозидан дарак беради, дейиш мумкин.

Алишер Навоийнинг қўйидаги: «Қанча килсанг тарбият, ит бўлур, эшшак бўлур, бўлмас асло одамий», деган сўзларини таҳлил этадиган бўлсак, шундай хulosса чиқариш мумкин-ки, амалга ошмайдиган нарсага овора бўлма, чунончи, қарға қанча узок умр кўрмасин, уни қанча тарбият қилманг, у ҳеч қачон булбул бўла олмайди.

Тарих сабоқларини таҳлил этадиган бўлсак, асосан бир нарсанинг шоҳиди бўламиз, яъни Хитойми, Хиндиstonми, Америками, Россиями, Италиями, Франциями, Олмониями ёки Ўрта Осиёми ҳамма мамлакатларда тинимсиз, даҳшатли урушлар бўлиб ўтган. Ушбу урушларнинг асосий мағзи таҳт учин кураш, бошқа мамлакатлар ҳалқини ўзига тобе этишдир. Тобеликни тушуниб етган гурухлар ҳақиқат учун курашганлар, бироқ бирорта шоҳ, давлат раҳбари умрбод айш-фарогатда яшай олмаганлар. Демак, хокимият учун курашиб, миллионлаб одамларни гирдоб бўлишига олиб келиб, гуноҳини оширганидан кўра, кўлидан келганча оиласи, фарзандлари ва колаверса, жамиятга фойдали бўлиб яшашдан бошқа баҳт бўлмаса керак.

XIII. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА ОДОБ

Бозор иқтисодиёти, умуман олганда, қандайdir мутлақ жумбоқ ва янгилик эмас, у инсониятга минг йиллар давомида хизмат қилиб келмоқда. Айниқса, бозор иқтисодиёти Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда қадимдан маълум. Эрамиздан аввалги II асрдан милоднинг XVI асригача давом этган Ипак йўли тажрибасининг ўзи бозор иқтисодиётининг мукаммал шаклидир.

Бозор иқтисодиёти муносабатларида ҳар бир раҳбар, менежер ҳар қандай шароитда ҳам инсонга ғамхўрлик қилиши, инсон руҳий ҳолатини ҳисобга олиши, ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш ва йўналтиришда ўз жамоаси ва жамиятнинг манбаатларидан келиб чикиши лозим бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир ходимнинг шахсий имкониятлари бекиёс даражада кенгаяди. Айниқса, жамоа ва шахсий мулкка эгалик ва хўжайнлик ҳис-туйғуси меҳнатда энг муҳим фойдали омил бўлиб хизмат қиласди. Инсон якка ҳолда шахсларо муносабатлар доирасида ҳамда ибрат намунаси сифатида намоён бўладики, бу уч жиҳатнинг бирлиги уни шахс мақомига кўтаради. Ана шу жиҳатлар шахснинг обрў-эътиборини ҳам ифодалайди.

Руҳиятшунослар меҳнат жамоалари ривожланишининг тўрт босқичини аниқладилар:

1. Уюшиш-жипслashiш босқичи.
2. Жамоанинг таркиб топиш босқичи.
3. Ҳар бир аъзонинг жамоага мосланиш босқичи.
4. Инсоний кадриятларга эришиш босқичи.

Бозор иқтисодиёти муносабатларида ҳар бир раҳбар, менежер ҳар қандай шароитда ҳам инсонга ғамхўрлик қилиши, инсон руҳий ҳолатини ҳисобга олиши, ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш ва йўналтиришда ўз жамоаси ва жамиятнинг манбаатларидан келиб чикиши лозим бўлади.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳар бир раҳбар бу даврнинг тарихий-фалсафий маъносини ва инқилобий моҳиятнингина англаши етарли бўлмай, балки ўзи хизмат этаётган ишда бу инқилобни амалга ошириши керак.

Дўкон, бозор, дорихоналарга кириб у ёки бу молни, маҳсулотни сотиб олишга боргандা айримлар сотувчини ўzlари учун хукмдордек қабул қилиб икки букилиб, ялинсираб муомала қиласдилар. Гуёки мол, маҳсулот сотиб олиш учун сарфланадиган пулни ўзи эмас гўёки бирор чўнтағига солиб қўйганидек. Балки шундай ҳамдир бўлар.

Энг ачинарлиси молни, маҳсулотни, дорини уларнинг сифати, кафолати, фойдаланиш ёки истеъмол муддатини сўрашга ийманадилар.

Бу албатта, сотиб олувчининг ношудлиги, ўз ҳукукини билмаслиги, мустақил фикрлаш қобилиятининг пастлигидир.

Бу бозор конуниятига зиддир.

Инсонларни бошқа инсонлар, оиласалар ички ишига асосиз ва безларча аралашиши, худди давлатлараро ички ишига аралашишдек ўта хавфлидир.

Бозор иқтисоди деганда кўпчилик асосан моддий бойликни тасаввур этади. Бирок одоб, муомалани бозор иқтисоди омилларидан асосийлари дейиш мумкин, масалан, у ёки бу дўконга кириб сотовчига мурожаат этсанг, айрим сотовчилар ўзини гўёки сени эшитмаётгандек ва ҳатто кўрмайтгандек тутади. Савол туғилади. Сотовчининг вазифаси имкон қадар мавжуд маҳсулотни харидорга тез, чаққон ва кўп ўтказиши, ёки роботдек қакқайиб туришми? Албатта, биринчи вазифаси тўғри. Ҳамма гап сотовчи ўз вазифасини тўлиқ билмаслиги, қўпол қилиб айтганда, ҳатто ўтмайдиган молни ҳам ўтказиш қобилиятига эга бўлиши керак. Акс ҳолда дўкон эгаси ўз олдига кўйган максадига эриша олмай, инкирозга учраши ҳеч гап эмас.

Яхшилик қилган одам ўз яхшилигини миннатга айлантирса, қилган яхшилиги саробга айланади. Яхшилик қилинган инсон вақти соати билан албатта, қилинган яхшиликни эслайди, акс ҳолда, уни худбин дейиш мумкин.

Хозирги вактда одамларга вақт етишмайди. Вақтнинг қадрига етиш бошқа гап, вақт етишмаслиги бошқа гап. Вақти етишмайтган ходимлар раҳбарини олдига ҳовлиқиб кириб чиқишга, ишларни шошилиб «оператив» ҳал этишга уринадилар, осойишта юролмай шошиб юришади, бирор билан сухбатда ҳам, дўкон, касса, коммунал тўловларни амалга ошириш жойларида, кутиб турган самолёт, автобус, поездга чиқиша ҳам, ҳамма-ҳамма жойда ҳовлиқадилар.

Уларнинг кўзида бесарамжонлик белгилари чакнаб туради, у ёки бу керакли нарсаларга боқища беписандлик белгилари пайдо бўлади. Буларнинг ҳаммаси, охир-оқибат одамлар ўртасидаги дўстона муносабатни шундай ҳам зўриқсан асабларни зўриқишига олиб келади. Шу тариқа ҳаётнинг маза-матрасаси йўқолади, умрни кискартиради.

Хулоса: тинчлик, хотиржамлик, танисоғлик энг муҳим мезон экан.

Ўзбекларнинг меҳнаткаш эканлиги, ернинг ҳар бир қаричидан самарали фойдалана олиш ва хонадонни озода тутиш хислатлари ҳаммага маълум. Шу ўринда шахсий ҳовлиси бор уйдами, кўп қаватли иморатлар хоналаридами турли хил гулларни ўстириш ва уларни парваришилаш масаласини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Аввало, гулларни экиш, парваришилашнинг ўзи инсоннинг қалби гўзаллиги, ҳаётга ҳавас билан қарай олиш кобилиятидан дарак беради. Бироқ баҳтга карши ҳамма ҳам шу қобилиятга эга эмас хонадондами, хонадон балконидами, дераза тагликларидами тувакларда гулларни парваришилаш инсонни табиатга бўлган интилишидан дарак бериб, эрталаб жисмоний тарбиядан сўнг ёки ишдан уйга қайтганда гулларга мириқиб бокा билиш, завқ ола билиш хордик чиқариш билан баробардир. Бу албатта, талабалар турар жойидаги, талабалар ошхонасида фаолият кўрсатаётган ходимларга ҳам тегишлидир.

Хонадон гўзаллиги, маҳалла гўзаллиги, маҳалла ва ишхоналарнинг гўзаллиги – мамлакатимиз гўзаллигидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов айтгандек, «Эркинлик, эркинлик ва яна эркинлию» – бозор иқтисодиётининг қалитидир.

Бозор иқтисодиёти муносабатларида ҳар бир инсон бозор иқтисодиёти шарт-шароитлари ва одобига катъий амал қилсалар, мақсадга мувоғиқ бўлади.

XIV. ҲАДИС ИЛМИ ВА УНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Ҳадис илмининг пайдо бўлиши

Ислом дини таълимотида «Куръони карим»дан кейин асосий манба ҳадислардир. Ҳадис илми билан шуғулланиш асосан VIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланиб, унга энг билимдон, мўтабар шахсларгина тартиб берган. Мъалумотларга караганда, VIII-XI асрларда тўрт юздан ортиқ муҳадис ҳадис илми билан шуғулланган. Биз бу манбаларнинг кўпи билан таниш эмасмиз. Кейинги йилларда Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда унинг диний-аҳлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олган ҳадислар, Имом Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-Жомеъ ас-саҳиқ», «Ал-адаб ал-муфрад» асарлари таржима қилиниб нашр этилди. Ат-Термизийнинг «Аш-Шамоили ан-Набавия» асари ҳамда уларга ёзилган сўзбошилар, баъзи кичик рисола ва мақолалар чоп этилди. Биз ана шу манбаларга таянган холда фикрларимизни баён этамиз.

«Ҳадис» ёки «сунна» сўзлари бир маънони Англатриб, Расулуллоҳнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда диний ва аҳлоқий кўрсатмалари ҳакидаги ривоятлардан иборат.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг ибратли ишлари, эътиқод, поклик ва инсонга хос маънавий-аҳлоқий хислатларни ифодаловчи сўзлари панд-насиҳатлари унинг номи билан боғлиқ ҳадисларда мужассамланган.

Ҳадислар дастлаб ёзил борилмаган. Чунки пайғамбаримиз Куръони карим нозил бўлган вақтларда араб бўлмаган кишиларнинг ҳадисларни Куръон оятларидан деб ўйлашларидан чўчиб, уни ёзил боришларига руҳсат этмаганлар. Лекин пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳивасаллам ҳузурида саҳобалар бўлиб, улар Расули акрамдан эшитган ҳадисларни ёдлаб борганлар. Масалан, Ҳазрати Абу Ҳурайра шундай мўтабар кишилардан бўлиб, бутун умрини ҳадисларни ёдлашга баҳш этган. Мазкур ҳадислар тўғри, ишонарли (саҳиҳ) бўлган.

Лекин ҳадисларни ёд олган кишилар тобора камая боргани ҳамда аста-секин улар унугалиб кетишининг олди олинниб, халифалар ишонарли ҳадисларни тўплашга фармон бердилар. Исломшунос олимлар бу ишни бошида турган дастлабки халифа Умар ибн Абдулазиз эканлигини таъкидлайдилар.

Ҳадисларни биринчи марта ёзиш билан машғул бўлган муҳадислар Рабеъ бин Сабех, Саид бин Аби Аруба, Молик бин Анас,

Абдумалик бин Журайж Маккий, Абдураҳмон ал-Авзой Шоший, Сүфён Саврий Куфий ва бошқалар деб кўрсатилади.

VIII–X асрлар ҳадис илми учун «олтин давр» ҳисобланади. Бу даврга келиб, ислом уламоларй томонидан ҳадисларнинг қай даражада тўғрилиги, қандай манбаларга таянганлиги тадқиқ этила бошланади. Чунки, баъзи сохта, ишончсиз ҳадислар ҳам пайдо бўла бошлаган, уларни текшириб, асл ҳадисларни тиклаш ва ёзма равишда қайд қилиш замон талаби бўлиб колган эди. Шунинг учун ҳам биринчидан, ҳадисларни ёддан билувчи ҳақиқий билимдон, ўтирик муҳофазали кишиларнинг аста-секин камайиб кетаётганлиги, иккинчидан, ҳадисларнинг ҳақиқий, ишонарли, яъни саҳиҳларини саклаб қолиш мақсадида ҳадислар текширилиб, асл ҳолига қайтарилиб, ёзигина бошланган. Ана шу тарзда ҳадис илми ривожлана бошлаган.

Ислом дунёсида энг нуфузли манбалар деб саналган олтита ишончли тўплам (ас-саҳиҳ ас-ситта)ни яратган муҳаддислар ҳам ватандошларимиз бўлиб, ҳадис илми ривожланган IX асрда яшаб ижод этганлар. Булар Абуд Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий 194 (810) - 256 (870), Имом Муслим ибн ал-Хажжож 206 (819) - 261 (874), Имом Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий 209 (824) - 279 (892), Имом Абу Довуд Сулаймон Сижистоний 202 (817) - 275 (880), Имом Аҳмад ан-Насойи 215 (830) - 303 (915), Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язди ибн Можжа 209 (824) - 273 (886) каби алломалардир.

Олимлар «ал-кутуб ас-ситта» (олти китоб)ни қуидагилардан иборат деб кўрсатадилар:

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий томонидан ёзилган «Ас-Саҳиҳ».

2. Имом Муслим ан-Нишопурый (Имом Муслим ибн ал-Хажжож) томонидан ёзилган «Ас-Саҳиҳ».

3. Имом Ибн Можжа томонидан ёзилган «Суннан».

4. Имом Абу Довуд Сулаймон-Сижистоний томонидан ёзилган «Суннат».

5. Имом ибн Исо ат-Термизий томонидан ёзилган «Аж-жами ал-кабир».

6. Аҳмад ан-Насойи томонидан ёзилган «Суннан» каби тўпламлардир.¹

Ҳадис таъриф этишда асосан, уч йўналиш пайдо бўлган

1. «Муснад» йўналиши. Бунда турли мавзудаги ҳадислар, бир жойга келтирилиб, алифбо тартибида жойлаштирилган. Абдуллоҳ

¹ Азимов А. Ислом ва ҳозирги замон. Т.: «Ўзбекистон», 1991, 13-бет.

ибн Мусо, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ҳадисларни ана шу йўналишда тўғллаганлар.

2. «Саҳих» (ишончли) йўналиши. Бунга Имом Бухорий асос солганилар. Буларга тўғри, ишонарли ҳадислар киритилган.

3. «Суннан» йўналишидаги ҳадислар. Мазкур йўналишдаги ҳадисларга тўғри, ишонарли ҳадислар билан бир каторда, «заиф» ҳадислар ҳам киритилган. Абу Довуд, Исо ат-Термизий, ан-Насосий, ибн Можжалар шундай йўналишдаги ҳадисларни тўплаган муҳаддислар.

Мовароуннаҳда биринчи бўлиб ҳадис тўплаган муҳаддис Имом Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий саналади. Яна ватандошларимиздан Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ал-Марвазий, Исҳок ибн Раҳовайҳ ал-Марвазий, Имом ал-Ҳайсам ибн қулайб аш-Шоший, Ҳофиз ал-Хоразмий, Имом Абдулҳасан Аҳмад ибн Мухаммад ас-Самарқандий ва бошқалардир.

Ҳадисшунослик ва таълими-тарбия

Ҳадисларда инсоннинг камолга етиши учун талаб этиладиган инсоний фазилатлар акс эттирилган бўлиб, булар меҳр-окибат кўрсатиш, саҳийлик, очик кўнгиллилик, ота-она ва катталарга, қариндошларга ғамхўрлик, ҳурмат, факир-бечораларга муруват, ватанга муҳаббат, меҳнат ва қасб-ҳунарни улуғлаш, ҳалоллик, поклик, ўзаро дўст, тинч-тотув бўлиш ва бошқалардан иборатдир. Бундан ташкири, инсоннинг ўзини ёмон иллатлардан тийиш, яхшилик сари интилиш кераклиги борасидаги панд-насиҳатлар ҳам ўз ифодасини топганки, буларнинг барчаси Қуръони карим кўрсатмаларидан келиб чиқади ва комил инсонни шакллантириш мезони саналади. Аввало, Ислом ақидасига биноан ҳар бир мусулмон иймонли бўлиши керакдир. Қуръони каримда таъкидланганидек, ҳадиснинг ҳам биринчи китоби иймон китобидир. Исломдан мурод иймон демакдир. Иймоннинг мукаммал бўлмоғининг уч шарти кўрсатилади:

- тўғри эътиқодли бўлмоқ;
- кишилар билан яхши муносабатда бўлмоқ;
- киши ўз устида ишламоги ва ўзини ибодат ва итоатга чиниктормоги.¹

Иймон дарахтга тенглаштирилади ва унинг 60 дан ортиқ шоҳлари бор деб, иймон белгилари санаб ўтиладики, буларнинг ҳар

¹ Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Ислом ал-Бухорий. Ҳадис, 1-жилд ал-Жомеъ ас-саҳих (Ишонарли тўплам). Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991, 14-бет (Бошқа манбалар ҳам ушбу китобдан олинди).

бири инсон маънавий қиёфасининг мукаммаллашувига таъсир этувчи хислатлардир. Булар қўйидагилардан иборат: «Қўли билан ва тили билан ўзгаларга озор бермаган киши мусулмондир»; «Ўзи яхши кўрган нарсани биродарингизга раво кўрмагунингизча хеч бирингиз чинакам мўмин бўла олмайсиз» (3-, 4-, 6- боблар); «Учта хислатни ўзида мужассам қилган кишининг иймони мукаммал бўлгайдир:

- инсофли ва адолатли бўлмок;
- барчага салом бермоқ;
- камбағаллигида ҳам садақа бериб турмоқ».

Бундан ташқари, кишилар учун хос бўлмаган мунофиқлик иллатлари ҳам кўрсатиб ўтилади: Расуллоҳ саллалоҳу алайҳивасаллам айтганлар: «қўйидаги тўртта иллат кимда бўлса, аниқ мунофиқ бўлгайдир, кимдаки улардан биттаси бўлса, уни тарқ этмагунча мунофиқликдан бир иллати бор экан, дейиладир:

- омонатга хиёнат қилгайдир;
- сўзласа ёлгон сўзлагайдир;
- шартнома тузса, шартида турмагайдир;
- уришиб қолса, кек сақлагайдир ва ноҳақлик қилгайдир».

Ҳадис илмининг ривожланишида Имом-ал Бухорийнинг ўрни

«Саҳиҳ» йўналишининг асосчиси, энг етук ва машҳур муҳаддис Абу Абдулоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдир. Имом Бухорий ҳадис илмида «Амир ул-мұъминин», «Имом ал-муҳаддисийн» («Барча муҳаддисларнинг пешвоси») деган шарафли номга сазовор бўлган. У 810 йил, 13 майда (баъзи манбаларда 810 йил, 20 июлда) (хижрий 194 йил шаввол ойининг 13 куни) Бухорода туғилган. Гўдаклигига отадан етим қолган. Ўқув муассасасида савод чиқарган, 10 ёшиданоқ араб тили ва китобларидан уларни ёдлай бошлайди. Ал-Бухорий ҳадис илмини катта қизиқиши билан ўргана бошлайди. Ёшлик чоғидан бошлаб турли ровийлардан эшигтан ҳадисларни ёдлаб борар эди. Абдуллоҳ ибн ол-Муборак, Вақиъ ибн Жарроҳ каби олимлар тўплаган ҳадисларни ёд олган, ҳадис ривоятчилари ҳакидаги баҳсларда қатнашган.

Ал-Бухорий 825 йилда, ўн олти ёшида онаси ва акаси билан Ҳижозга сафар қиласди. Маккаю Мукаррама ва Мадинаю Мунавварада бўлиб, ҳаж ибодатини адо этади. Балх, Басра, Куфа, Бағдод, Хуме, Дамашқ, Миср, Макка ва Мадинада бўлиб, сафар жараёнида муҳаддислардан ҳадис ўқир эди. Олти йил Ҳижозда қолиб, ҳадис илмидан таълим олади. Шу билан бирга, Дамашқ, Қоҳира, Басра,

Бағдод шаҳарларида машҳур олимлардан фиқх илмидан дарс олади. ўзи ҳам баҳс ва мунозараларда қатнашади, толибу илмларга дарс ҳам беради.

И мом Бухорий истеъдодли, ўткир муҳофазали, зийрак олим бўлган. «Манбаларга кўра, Бағдодда истикомат қилган пайтида кўпинча ойнинг нурида ижод килиб, коронги кечалари шам ёруғида китоб ўкир экан. Агар тунда беҳосдан бирор-бир фикр-мулоҳаза келиб колса, шамни ёкиб дарҳол фикрини қоғозга туширас, шу тахлитда баъзи кечалари шамни йигирма мартагача ўчириб-ёқар экан».¹

И мом Бухорийнинг ўткир зеҳн эгаси эканлигини қуидаги мисолдан ҳам билиш мумкин.

Ривоятларга кўра. «У қайси бир китобни қўлга олиб, бир маротаба муртоала қилса, ҳаммаси ёд қолаверарди». И мом Бухорийнинг ўз сўзига кўра. юз минг сахиҳ (ишончли) ва икки юз минг гайри сахиҳ (ишончсиз) ҳадисни ёд билар экан. Ўз шогирдларидан Амир ибн Фаллос «Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга маълум бўлмаган ҳадис, албатта ишончли ҳадис эмасдур», – дейди. Устози И мом Аҳмад ибн Ҳанбал ал-Марвазийнинг айтишича, «Бутун Хуросондан Муҳаммад ибн Исмоил каби олим чиқкан эмас».

И мом Бухорийнинг ўткир зеҳни ҳакида шундай ривоят келтирилади: «И мом Бухорий билан Басрада ҳадис дарсига қатнашган шерикларидан бири Ҳошид ибн Исмоил айтади: «И мом Бухорий бизлар билан устознинг дарсини эшитарди. Устоз ривоят қилган ҳадисларини биз ёзиб олар эдик, аммо Бухорий факат кулок солибгина ўтиради. Шу тарзда канча кунлар ўтиб, орада устоз қарийб 15 минг ҳадис ривоят қилди. Шунда биз Бухорийга: «Сен нега ҳадисларни ёзмайсан?», деб таъна қилган вактимизда: «Сизлар ёзиб бораётган ҳадисларни мен устоз оғзидан ёдлаб олаётирман», - дедида, устоз ривоят қилган ҳамма ҳадисларни бир чеккадан ёддан ўқиб берди. Шундан кейин биз ёзиб олган ҳадисаларимиздаги хатоларни унинг ёдлаганидан тузатиб оладиган бўлдик».²

И мом Бухорий жуда қўп забардаст олимлардан таълим олади. Манбаларда унинг устозларини тўқсонга яқин деб кўрсатишиади. Муҳаммад ибн Юсуф ал-Гардобий, Убайдулла ибн Муса ал-Абасий, Абу Бакр Абдулла ибн аз-Зубайр ал-Ҳамийдий, ибн Раҳавайх номи

¹ Уватов У. Ҳадис илмнинг сultonни. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993 йил, 29 октябрь. № 43-44.

² Ал-Бухорий ҳакида замондошларининг хотираҳари. Шамсиддин Бобохоновнинг И мом Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-адаб ал-муфрад» китоби таржимасининг мукаддимасидан олинди. Каранг: И мом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурроналари). Таржима, мукаддима ва изоҳлар муаллифи Шамсиддин Бобохонов Т.: «Ўзбекистон», 1990, 6-8 бетлар.

билин машхур имом Исҳоқ ибн Иброҳим, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Али ибн ал-Мадийнийлар унинг устозлариридир.

Имом ал-Бухорийнинг ўзи ҳам йирик ва машхур олимлар Исҳоқ ибн Муҳаммад ал-Рамозий, Абдуллоҳ ибн кутайба, Иброҳим ал-Ҳарбий, Муҳаммад ибн Абу Исо ат-Термизий, Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий, Муслим ибн Ал-Ҳажжожларга ўз вақтида устозлик қилган.

Имом Бухорий ўта камтар, инсонпарвар, хулк-одобда тенгсиз, саховатли инсон ҳам бўлган. У ҳадис илмининг етук олими бўлса ҳам, вақти келганда замондошлари, шогирдларидан ҳам ўрганганд. Имом Бухорий бир минг саксонта мухаддисдан ҳадисчашитган. Ундан тўқсон минг киши ишонарли ҳадисни тўплаган, 100 минг «саҳиҳ» ва 200 минг «Ғайри саҳиҳ» ҳадисларни ёд олган.

(Н. Раҳимжонов. «Ёшлилар иқтисодий тафаккурини шакллантиришда оиланинг роли. (БМИ 2005).

Имом ал-Бухорий узок сафардан она юрти Бухорога қайтгач, талабалар ва уламоларга ҳадис илмидан сабоқ беради ва унинг тарғиботчисига айланади. Ривоятларга кўра, халифанинг Бухородаги ноиби Холид ибн Аҳмад ибн Холид аз-Зуҳалий уни саройига келиб ҳадис илмидан сабоқ беришга таклиф этади. Аммо Имом Бухорий бу таклифни қабул этмайди ва: «Мен илмни хорлаб сultonу амирлар эшигига олиб бормайман. Агар амиррга илм керак бўлса, тарбияланувчиларни (иккинчи ривоятда саройдагиларни) уйимга ёки масжидимга юборсин», деб жавоб беради. Ал-Бухорий билан амир Холид ибн Аҳмад аз-Зуҳалий муносабатларига раҳна тушади. Бунга баъзи ҳасадгўй шахсларнинг иғволари ҳам сабаб бўлади. Амир буюк алломани шаҳардан чиқиб кетишга фармон беради. Уни Самарқанд уламолари ўз юртларига таклиф этадилар. Имом Бухорий йўлга чиқади. Аммо Самарқандга яқин Ҳафтанг қишлоғида (ҳозирги Пайарик тумани) бетоб бўлиб қолади ва шу ерда ҳижрий 256 йили рамазон ойининг охирги куни (милодий 870 йил 1 сентябрь) 62 ёшида вафот этади ва шу ерга дағн қилинади.

Имом-ал Бухорий ҳадислари, уларнинг таҳлили

Олимларнинг таъкидлашларича, Имом ал-Бухорий жуда бой ижодий мерос қолдирган. Унинг «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам»), «Ал-адаб ал-муфрад», «Ат-Тарих ал-кибор» («Катта тарих»), «Ат-Тарих ас-сағиyr», («Кичик тарих»), «Ал-қироату ҳалфа-

л-Имом» («Имом ортида туриб ўқиши»), «Вафъул-йадини фи-с-Салоти» («Намозда икки қўлни кўтариш») каби ишлари мавжуд бўлиб, кўлёзмалари бизгача етиб келган. Амма «Ат-Тарих ал-авсат» («Ўрта тарих»), «Ат-Тафсир ал-кабир» (Катта тафсир), («Ал-Жомеъ ал-кабир» («Катта тўплам»), «Китоб-ул-ҳиба» («Ҳадя китоби») номли асарлари ҳам бўлганлиги маълум, лекин булар бизгача етиб келмаган. Шубҳасиз, бу асарларидан энг етук, шоҳ асари «Ал-Жомеъ-ас-саҳиҳ»дир. Бу асар «Саҳиҳ ал-Бухорий» номи билан ҳам дунёда машҳур. 4-жилдан иборат мазкур китобда пайғамбаримиз саллоллоҳу алайхивасаллам ҳадисларидан ташқари, ислом ҳукуқшунослиги, ислом маросимлари, ахлок-одоб, таълим-тарбия, тарих ва этнографияга оид маълумотлар ҳам берилган. Унга 600 минг ҳадисдан 7275 та энг «саҳиҳ» ҳадислар киритилган бўлиб, такрорланмайдиган 4000 ҳадисдан иборатдир. Бу китоб ислом таълимотида Қуръони каримдан кейинги манба ҳисобланади. Маълумки, Ислом дини инсонни маънавий камолот сари етакловчи таълимот. Шу сабабли Қуръони каримда ҳам, ҳадисларда ҳам яхши хулқ ва одоб кенг тарғиб этилган.

Имом-ат Термизийнинг ҳадислари ва уларнинг аҳамияти

Машҳур муҳадислардан яна бири ватандошимиз Абу Исо ат-Термизий бўлиб, у 824 йилда Термиз яқинидаги Буғ (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида) кишлоғида туғилган. Унинг оиласи ва ота-онаси ҳакида маълумотлар йўқ. Баъзи тадқиқотчилар унинг асли марвлик бўлган деб қайд этадилар.

У болалигидан илмга қизиқкан бўлиб, айниқса, ҳадис илмини чукур эгаллаган.

Ат-Термизий 950 йилдан қатор мамлакатларга сафар килади. Ҳижзода бўлиб, Макка ва Мадинани зиёрат қилади, Ирок, Хурсонда ҳадис илми, фикҳ, илми ал-қироат, баён, тарих ва бошқа илмларни ўрганади. Мана шу сафарда ат-Термизий ҳадисларни тўплай бошлиди. Ҳадис илмини ўрганишда машҳур муҳадис ат-Термизий устози ал-Бухорийни алоҳида хурмат қилади. Ҳатто манбаларда ат-Термизий устозининг вафоти туфайли кўп йиғлаганидан кўзи кўр бўлиб колган, деган фикрлар ҳам мавжуд.

Ат-Термизийнинг ўткир зехни, хотираси, ёдлаш қобилиятининг кучлилиги туфайли ал-Бухорий ҳам уни фақат шогирд сифатида эмас, ўзига ҳамкор дўст сифатида ҳам хурмат қилган.

Ат-Термизий узок сафаридә ҳадисларни түплаб, китоблар таълиф қилишга бошлади. У 863 йилда ўз ватанига қайтди ва ўзи ҳам шогирдларга таълим бериб, ҳам китоблар ёзди.

Ат-Термизийнинг ўндан ортиқ асарлар яратганлиги маълум. Булар «Ал-Жомъе ас-саҳиҳ» («Ишончли тұплам»), «Аш-Шамоил ан-Набавия» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари»), «Ал-илал фи-л-хадийс» («Ҳадислардаги иллатлар ва оғишилар ҳақида») асарлари машхурдир.

Ат-Термизийнинг ёзиг қолдирған асарларидаги ҳадислар ҳам ал-Бухорий ҳадислари каби инсонни ҳалоллик, адолат, эътиқод, диёнат, поклик, меҳнатсеварлик, муруватлилик, меҳр-шафкат, катталарга, ота-она ва қариндошларга хурмат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятта ега.

Хулоса

Демак, ҳадислар Мұхаммад пайғамбарнинг суннатлари бўлиб, мазмунан ҳар бир мўъминнинг ишончини, эътиқодини мустаҳкамлайди ва шу билан инсонни маънавий камолотга даъват этади. Ислом дини маърифатга асослангани учун ҳар бир шахсни ақлий, жисмоний, ахлоқий жиҳатдан камолга етказишга оид эътиқод ва имондан иборат бўлиб, фақат эзгуликка хизмат қилиш, олижаноб бўлиш, покиза юриш, бир бурда лукмани ҳалол қилиб ейиш, жаҳолат ва жаҳолатпарастликка йўл қўймаслик, ўз биродарининг, қариндошуругарининг, миллатининг ва ватанининг қадриятларини асрашдан иборатдир.

XV. МУЧАЛ ЙИЛИНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ

Ёзма манбаларнинг гувохлик беришича, мучал ҳисоби дастлаб Грек-Бактрия подшолиги давридаги халклар томонидан яратилган. Кейинчалик бу удум Мұғалистан, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Миср, Ирек, Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёга тарқалган.

Мучал йили 12 ҳайвон номи билан аталган бўлиб, улар: сичкон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товук, ит ва тўнғизларнинг ҳар бири бир йил ҳисобида юритилади.

Янги туғилган бола қайси ҳайвон номидаги йилда туғилган бўлса, ўша йил у боланинг мучал йили ҳисобланади. Одатда, одам ёшини мучал йил билан ҳисоблаганда унга яна бир йил қўшилади, яъни бир мучалга тўлган кишининг она қорнидаги пайти ҳам бир ёш ҳисобланиб, 13 ёш ҳисобланади. Икки мучал тўлганда 25 ёшлиги курсандчилик билан тантанавор нишонланган.

Мучал ҳар йили 22 марта бошланади. Ҳозирги тақвимдаги январь, февраль ва 21 марта тақвимдаги йилдан бўлган давр олдинги мучал йили ҳисобига киради, яъни Мучал йили – 21 марта келгуси йилнинг 20 марта гача.

Мучал йилини ҳисоблашнинг қоидалари

Биринчи усул: Кишининг туғилган йилига 9 рақами қўшилади ва чиққан йигиндиси 12 га бўлинади. Қолдиқ сони мучал йили тартиб сонидир. Масалан, 8-Қўй ёки 10-Товук ва ҳоказо.

Иккинчи усул: Туғилган йилингиздан 4-ни айириб, 12-га бўлинади. Қолдиққа 1 қўшилса, мучал рақами чиқади. Масалан, агарда Сиз 1941 йилда туғилган бўлсангиз, у ҳолда: 1) 1941-4=1937; 2) 1937:12=161, қолдиқ 5. Қолдиққа 1 қўшилса 6 бўлади. Демак, мучали қидирилган одам мучал йилининг 6 йилида, яъни Илон йилида туғилган бўлади.

Сичкон мучалида туғилганлар ажойиб ва вижданли кишилар бўлиб, улар ўзларини ва бирорларнинг тақдирларини билишда башорат қиласидилар... Улар омадли кишилар, зеҳнлари ўтқир бўлади, кўпинча қўлларидан келмайдиган юмушларга қўл урадилар, аммо содик дўст бўладилар.

Сичкон-Ит никоҳи яхши бўлмайди. Сичкон-Сигир никоҳи баҳтли ҳаёт кечиради.

Сигир (хўқиз) мучалида туғилганлар аёлларни яхши тушунадилар ва улар билан яхши муомалада бўладилар, кўпчилик ўртасида

Ўз хурмат-эътиборларини саклай биладилар, узок умр кўрадилар. Бу мучалда туғилган аёллар баҳтли бўладилар.

Сигир-От ёки Сигир-Қўй никоҳлари яхши бўлмайди. Сичқон билан намунали ҳаёт кечирадилар.

Йўлбарс мучалида туғилганлар қаттиқ қўлликлари, жиддий-ликлари ва бошқа ижобий томонлари билан ажралиб турадилар. Аёлларининг турмуш ўртоқлари оламдан эрта кўз юмадилар, чунки эрларининг айтганларини қайсарлик қилиб бажармайдилар. Йўлбарс йили соҳиблари бирор мақсадни кўзлаб иш килсалар яширинча эмас, балки очикдан-очик йўл тутадилар. Одамлар уларни хурмат киладилар ва илиқ муомалада бўладилар.

Йўлбарс мучалидагилар Тўнғиз йили соҳиблари билан турмуш куришлари керак.

Қуён мучалида туғилганлар тақдирига кўпинча аламли ва мусибатли онлар ёзилган.

Улар одатда бир томонлама, келажаги равнақ бўлмаган йўлни танлайдилар, қўл урган ишлари осонликча рўёбга чиқмайди. Улардан на бой. на камбағал чиқади, яхши ҳам, ёмон ҳам эмаслар.

Қуён асло Илон ёки Йўлбарслар билан турмуш курмасинлар. Ит йили билан никоҳлари намунали ўтади.

Балиқ (аждар) мучалида туғилганларнинг мол-мулки кўп, пешонаси очик, узок умр кўради, ҳар бир нарсада ўзи қарор чиқаришни афзал кўради, бироннинг аралашишини ёқтирамайди.

Балиқ (аждар)нинг Қуён билан турмуши яхши бўлмайди, у Товуқ билан никоҳланса яхши турмуш кечиради.

Илон мучалида туғилган йигитлар баҳтли бўладилар. Аммо қизлари қийинчилек билан турмушга чиқадилар. Илон йилидагилар оғир мусибатларни енгишга қодир эмаслар.

Илон-Товуқ никоҳи яхши эмас. Илон-Маймун турмуши ажойиб бўлади.

От мучалида туғилганлар кучлидирлар ва ўз кучларига ишониб иш тутадилар. Уларнинг умрлари меҳнат ва доимий ҳаракатлар билан тўлиб-тошган бўлади.

От билан Сигир турмуши яхши бўлмайди, От-Қўй никоҳи баҳтли ҳаёт кечиришади.

Қўй (кўчкор) мучалида туғилганларда кучли севги ва яқин кишиларига нисбатан хурмат ва эҳтиром каби сифатлар мавжуддир. Яккаликни ёқтирамайдилар. Нуфузли зотлар билан алоқада бўлишга интиладилар. Эркак ва аёллари ҳам намунали кишилардир. Қариган чоғларида оғир-босиқ бўладилар.

Күй йилида туғилғанлар Сичқон ва Сигир мұчалидагилар билан турмуш күрмасликлари керак. От йили билан никоҳларі баҳтли бўлади.

Маймун мұчалида туғилғанлар якка ҳукмронлик, ўзини-ўзи яхши кўриш, жанжалкашлик, хусумат, икки ёқламалик, бошқаларга азоб ва уқубат келтирувчилик каби хислатлардан ҳоли эмаслар. Улар ўта айёр, маккор, нафратли ва кучлидирлар.

Маймун-Илон никоҳи яхши, Тўнғиз ва Балиқ никоҳи ёмон бўлади.

Товуқ (хўроз) мұчалида туғилғанлар фаолликлари, куч-кувват ва каттиққўлликлари билан ажралиб турадилар. Улардан лутф ва мулойимлик күтмаслик керак. Эрқаклари намунавий кишилар бўлишлари билан бирга, сеҳрлари ўткирдир. Интизом, тартиб ва конун-коидалар уларга ёқиб тушади.

Товуқ йили соҳиблари Ит ва Илон билан никоҳланмаслиги керак. Энг яххиси Балиқ билан турмуш қургани маъқул.

Ит мұчалида туғилғанлар ўзларига ва бирорларга нисбатан кузатувчанлик сифатлари билан ажралиб турадилар. Улар если, ақлли ва идрок эгаларидир. Улар содик дўст бўлиб, яқинлари йўлида курбон бўлишга ҳам тайёрдирлар.

Ит йилидаги хотинларни эрлари жуда севадилар, чунки улар вафо ахлидандирлар.

1	Сичқон	1924	1936	1948	1960	1972	1984	1996	2008	2020
2	Сигир	1925	1937	1949	1961	1973	1985	1997	2009	2021
3	Иўлбарс	1926	1938	1950	1962	1974	1986	1998	2010	2022
4	Қўён	1927	1939	1951	1963	1975	1987	1999	2011	2023
5	Балиқ(Аждар)	1928	1940	1952	1964	1976	1988	2000	2012	2024
6	Илон	1929	1941	1953	1965	1977	1989	2001	2013	2025
7	От	1930	1942	1954	1966	1978	1990	2002	2014	2026
8	Кўй(Кўчкор)	1931	1943	1955	1967	1979	1991	2003	2015	2027
9	Маймун	1932	1944	1956	1968	1980	1992	2004	2016	2028
10	Товуқ(Хўроз)	1933	1945	1957	1969	1981	1993	2005	2017	2029
11	Ит	1934	1946	1958	1970	1982	1994	2006	2018	2030
12	Тўнғиз	1935	1947	1959	1971	1983	1995	2007	2019	2031

Тўнғиз мұчалида туғилғанлар тинчлик-осойишишаликни ёқтирадилар, хавф-хатардан кўрқадилар ва уни илгаридан билib, олдини олишга ҳаракат қиласадилар, ишга совуққонлик билан киришадилар.

Яхши ва лаззатли таомларни севадилар. Аёллари одобли бўлиб. яхши тарбия соҳибларидир.

Тўнғиз ва Маймун руҳлари, ривоятларга кўра, опа-сингил эмиш, эндигина бирлашса, бир оздан сўнг йироқлашадилар.

Ҳаётда турмушга чиқувчи қиз бола билан ўғил боланинг ёшдаги фарқи 3-10 йил оралигида бўлса турмушлари яхши кечади деган нақл ва ривоятлар мавжуд.

Мучал мазмун моҳиятига синчковлик билан боқсан. энг яхши никоҳ бўлиши мумкин бўлган мучаллар оралиғи сезиларли йилларни ташкил этади. Менинг тахминимча, бунда чукур маъно бор. Маълумки, хонликлар, амирликлар даврида қизларнинг балоғат ёши ҳатто тўққиз ёш деб белтиланган. Ушбу балоғат ёши вақт ўтган сари катталалиб бораверган ва 14 ёшда анча муқимроқ бўлиб қолган. Ҳозирги кунда эса турмушга чиқиш ёши қизларда 20-21 ёшни ташкил эта бошлади. Тарихан шу нарса аниқки, 9 ёш ёки 10-11 ёш қизга ҳеч қачон 9,10-11 ёшли ўғил бола уйланмаган. Бунинг асосий сабаби табиатан ва Худо таолонинг ҳикматига кўра, бир хил ёшдаги қизлар ва ўғил болаларда қиз болаларнинг нисбатан ҳам ақлан, ҳам жисмонан ўсишида катта фарқ мавжуддир. Шу туфайли бўлса керакки, бир хил ёшдаги келин-куёвлар (биринчи муҳаббат соҳиблари) ёши 45-50-55 ларга бориб қолганда аёлнинг турмуш ўртоғига, «Шунча ёшга кирган бўлсангиз ҳам ҳеч ақл кирмади-да, адаси», деганини эшитиб қолиши мумкин. Чунки аёлнинг ақлан юкори даражада бўлиши бироқ мусулмончилик, ўзбекчилик анъаналарига биноан эркак киши ҳатто ноҳақ бўлса ҳам аёл киши қуллук қилиб туришга ўргангандиги аёндир. Шунинг учун мучали тўғри келмай қолганда «такдир», «пешона», деган сўзлар билан инсон ўзи-ўзига таскин бериб, яна одоб нуқтаи назардан «бир ёстиққа бош қўйдингми, ўша ерда тошдек қотгин», деб тасалли ва даъватлар қилинади. Гап бу ерда аёл кишининг акли, фаросати, заковати устида кетаётган экан, мард эркакларимиз фақат куруқ ғурур билан эмас, ҳар ҳолда аёлларининг доно фикрларига ҳам қулоқ солсалар ёмон бўлмаслиги устида кетяпти. Тўмарисдек улуғ зотларни ҳар доим ғурур билан намуна сифатида эслаб юришимиз шарафли-ку, ахир. Бобомиз Амир Темур фарзанд кўрмаган Бибихонимни рафиқа сифатидагина эмас, улуғ зот, зеҳни, истеъоди баланд, дунёвий қарашлари зукко бўлган, фаҳм-фаросатда ҳатто давлат ишларида ҳам намунавий мулоҳаза эгаси бўлган эди.

XVI. САЛОМЛАШИШ ОДОБИ

Якин ўтмишгача «Ассалому алайкум», «Ва алайкум ассалом» иборалари билан салом берган ва алик олган кишиларни ислом динига мансуб шахс деб тушунилган. «Ассалому алайкум»—«Сизга тинч-омонлик тилайман», «Ва алайкум ассалом» эса «Сиз ҳам тинч-омон бўлинг» мазмунидаги араб ибораларидир. Бунга кўра мазмунан динга алоқадорлик белгилари кўринмай, балки миллат, фаҳр, тарих, қадим маданият ва ўзаро яқинлик каби олижанобликлар унинг негизида мужассамлашган. Зоҳиран кундалик муносабатларнинг мукаммал воситаси бўлмиш бу жуфт ибора шарқона одамгарчиликни ўзида кенг қамраб олган.

Мазкур салом ва алиқда фақат этик ва эстетик мазмун англашмай, балки географик ўрин бирлиги, ёътиқод бирлиги, миллат ва қайси халқقا мансублик жиҳатлари ҳам тушунилади.

Қайд этилганидек, кишиларнинг саломлашувларига қараб, уларнинг қай даражада илмли, маданиятли эканликлари билинади. Икки шахснинг саломлашувидан уларнинг қанчалик якин ёки шунчаки танишганлигини англаш мумкин.

«Ассалому алайкум» ва «Ваалайкум ассалом» ибораларининг вазифалари қуидаги манбалар асосида янада ойдинлашади:

Саломлашув жамият кишиларининг инсонийлик бурчидир. Бурч категорияси алоҳида ахлоқий муносабатни ҳосил қиласди. Барча кишиларга жиддий қилинадиган ахлоқий талаб муайян индивиднинг тутган мавқеига ва бирон-бир конкрет вазиятига нисбатан татбиқ этилиб, унинг шахсий вазифасига айланади, шахс бунда ахлоқнинг актив субъекти сифатида майдонга чиқади ва унинг ўзи англаб тушунган ҳолда ўз фаолияти билан ахлоқий талабларни амалга оширади, яъни ўзгалар саломини кабул қиласди. Бошқа бир таниш кишиларга салом бериб, ўз бурчини ўтайди. Бунга мавжуд ибратли мақоллар, ҳикматли сўзлар тўлиқ мисол бўла олади.

Одабнинг алифбеси саломлашишдир. Шунинг учун ҳар қандай машғулот «Ассалому алайкум»ни ўргатишдан бошланади.

Одатда, ҳар бир шахс ўзидан илгари туриб дастурхон атрофида ўтирган ёки турли ишлар билан шуғулланаётган оила аъзоларига қарата осойишта, мулойим оҳангда қўлни қўксига қўйиб салом беради. Ўтирган оила аъзолари салом берувчидан ёш жиҳатдан катта бўлса, ўрнидан турмай озгина ҳаракат билан алик оладилар. Аммо ёши кичик бўлса, мулозамат кўрсатиб ўринларидан даст туриб «алик» оладилар.

Афсуски, баъзи ёшлар факат бевосита алоқада бўладиган шахслар билангина саломлашадилар. 5–6 йил ўқитган ўқитувчи бошқа мактабга ўтиб кетса, у билан сўрашмай қўяди ёки ўқитувчи дарс бераётганида, имтиҳон ёки зачёт олаётганида салом бериб, «эшаги сувдан ўтиб олиши» биланоқ саломлашувни насияга қўядилар. Бу эса, уларнинг дунёкарашининг торлиги, прогрессив эътиқоднинг йўқлиги, узокни кўра олмасликларидан далолат беради.

Саломлашувда меҳр муҳаббат, қадр-қиммат, оқибат каби инсоний хислат акс этиб туради. Салом берувчи ва алик оловчининг яхлит киёфаси шу анъанавий одат орқали намоён бўлади.

Саломлашув яхши санъат асарлари даражасида ҳар бир кишига қаттиқ таъсир этади.

Эркакларнинг, аёлларнинг ўзаро саломлашувида шундай бир гўзаллик намоён бўладики, бу хил гўзаллик санъаткорларнинг саҳнадаги ҳаракати, мимикаси ва табассумини эслатади.

Саломлашувдаги ғуур, вазминлик ва оҳангдорлик белгилари кекса кишиларнинг ёшлар билан бўлган саломлашувларига бошқача оро берса, ўсмирларнинг ўзаро саломлашувларида эса бошқача жило олади. Қариндошларнинг саломлашувида ўзига хос хурмат сезилса, шунчаки таниш шахсларнинг саломлашувида бошқа бир маъно ва иззат англанади.

Хурсанд, сархуш кишиларнинг саломлашувидаги руҳий кўтарикилини ва икки ёшнинг саломлашувидаги дағал самимийликни, ёши улуғлар саломлашувидаги босиқликни кузатган киши қўнглида ҳавас уйғонади.

Саломлашув инсоннинг факат эстетик завқ олиши эмас, балки завқланиш хиссини тарбиялаш ҳам тушунилади.

Халқ ўртасида саломлашув тамойиллари жуда кўп турга эга:

1. Саломлашувчиларнинг «Ассалому алайкум»ига «Ва алайкум ассалом» деб жавоб берилади.

2. Шахслардан самимий, мулойим оҳангда салом ва алик талаб этилади.

3. Саломлашувда қайси тилга мансуб кишилар борлигига эътибор берилади. (Ҳамма тушунарли тилда саломлашилади).

4. Узокроқда кетаётган ёки эшитиш қобилияти заиф одамларга баландрок овозда салом берилади ёхуд алик олинади.

5. Бир неча шахслар сўзлашиб турган пайтда паст оҳангда салом берилади ёки алик олинади.

6. Ялпи саломдан кейин даврадаги энг яқин муносабатдаги шахсга алоҳида «Ассалому алайкум» мазмунида бош қимирлатилади.

7. Ёшлар катталарга аввал салом берадилар.
8. Катталар салом бериш одатини тарбиялаш мақсадидагина кичикларга истеҳзовий салом берадилар.
9. Ёши улуғларга (гарчи улар таниш бўлмасалар ҳам) салом берилади.
10. Ичкарига кирган киши биринчи бўлиб салом беради.
11. Ичкаридаги ёши улуғ киши ёки тўрдаги шахслардан бири ёхуд аёллардан бири саломига «келинг» деб таклиф қилса кифоядир.
12. «Ассалому алайкум» дейилганда кўл узатиш шарт эмас.
13. Аёллар истасаларгина эркакларга салом берадилар ёки саломига жавоб берадилар.
14. Нотаниш аёлларга эркаклар салом бермайдилар. Ўқувчилар, талабалар ва ишчилар ўз устозлари ва раҳбарларига биринчи бўлиб салом берадилар.
15. Эркаклар аёлларга салом берганларида аёллардан олдин кўл узатмайдилар.
16. От-уловли кишиларга пиёдадагилар салом бермайдилар.
17. Транспортдаги шахслар пиёдаларга салом берадилар.
18. Юки бор кишилар юки йўқларга салом бермайдилар.
19. Кўли бўш кишилар кўли бандларга салом берадилар.
20. Хасталар, ногиронларнинг биринчи бўлиб салом беришлари талаб этилмайди.
21. Хасталар, ногиронларга соғлом кишилар, албатта салом берадилар.
22. Иш ва мутола билан банд шахсларнинг биринчи бўлиб салом беришлари шарт эмас.
23. Саломлашув ва ҳол сўраш суҳбатлари хайдовчига халақит бермаслиги керак.
24. Дастрлаб даврадаги аёл киши билан саломлашилади.
25. Шахсий мактублар «Ассалому алайкум» билан бошланади.
26. Саломлашувда юз, кўлнинг озода бўлишига эътибор берилади.
27. Папирос, нос чеккан ҳолда кўл узатиш мумкин эмас.
28. Кетаётган шахсдан ўзиб ўтилиб (лавозим, ёшидан қатъи назар) биринчи бўлиб салом берилади.
29. Нотик, музокарага чиққан шахслар, лекторлар, саҳна ва цирк санъаткорлари «Ассалому алайкум» дан сўнг сўз бошлайдилар.
30. Телефондаги ўзаро сўзлашув «Ассалому алайкум», «Ва алайкум ассалом» билан бошланади.

31. Турли транспорт воситаларига чиқаётганда, транспорт-дагиларга қарата «Ассалому алайкум» деб киритилади.
32. Қулоқнинг тагига келиб «Ассалому алайкум» дейилмайди.
33. Бадмаст, безориларга салом берилмайди.
34. Нотаниш кишига салом бериш у кишини нокулай аҳволга солиб қўйиши мумкин.

35. Турли муассаса ва ишлаб чиқариш ташкилотларида ишга янги ўтган шахсга салом берилади. Кинотеатр, томоша заллари ва мажлислар залида ўринидикда яқин ўтирган шахсларга нотаниш бўлса ҳам салом берилади.

Демак, салом ва аликнинг заминида яхшилиқ, беғаразлик, инсонийлик каби хислатлар мавжуд экан.

Бадмаст, безори, хушомадгўйларга нисбатан салом бермаслик одобга киради. Чунки уларга салом берилса, аҳлоқсиз ҳаракат-киликларига янада йўл қўйилган бўлади.

Олий ўқув муассасалари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ва мактаб ўқувчилари синфга дарс ўтиш хонасиға, аудиторияга домла, устоз, ўқитувчи кирганда «Ассалому алайкум, ҳурматли устоз» деб саломлашишади. Ҳамма гап шундаки, дарс хонасиға устоз киришни бошлагандаёк ўқувчилар бири туриб, бири ярим ўтириб, бири қийшайиб салом бера бошлайдилар. Устоз ўзи ўтирадиган стулга яқинлашгунча ўқувчилар саломлашишни тугатадилар. Қизиги шундаки, саломни ҳурматли устоз деган сўз билан тугатадилар. Устоз ҳали дарсхона эшигини ёпиб улгурмасидан саломлашиш тугайди. Қани устозга бўлган ҳурмат?

Саломлашишдан олдин устоз унга тегишли стол олдига яқинлашиши ва гуруҳ аъзоларининг ҳаммаси ўрнидан турганини кўриб уларга назар ташлаб, юзма-юз рўпара бўлганидан сўнг, гуруҳ мутасаддийси «Хурмат» деганидан сўнггина саломлашишга ўтиш керак. Ана шундагина устозга ҳурмат белгиси намоён бўлади. Оилада ҳам ота-онага кўз-кўзга тушиб, юзма-юз тўқнашиб ундан сўнггина саломлашиш одати русм бўлиши керак.

Айрим вактда дарсхонага бошқа иш билан қараб қолинса бирданига саломлашиш маросими бошланиб кетади.

Саломлашув принциплари нафақат ёшларга, балки катталар учун ҳам тарбия материали сифатида қимматга эгадир.

Халқимиз «Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш, учинчиси кариндош» дейди.

Дўстингиз билан бугун бошқа оҳангда, эртага бошқа оҳангда саломлашсангиз ёки бугун унинг саломига самимий алик олиб,

эртасига эшитилар-эшитилмас алик олсангиз, у сизнинг дўстлигингизга шубҳа билан қараши мумкин.

Айрим ёшлар биринчи салом беришни ўзини пастга уриш, ўз қадр-кимматини камситиш деб тушунадилар. Бу хил нотабийи ҳаракат кўнгилни чўқтиради. Биринчи бўлиб салом беришни айбга йўйиш кибрлик нишонаси бўлиб, чин дўстликка путур етказади. Чунки кишининг кўнгли шишадек мўрт ва тиниқ. Кибр тоши келиб тегса у синади ва хира торгади.

Ёшларнинг салом беришини кутмасдан, катталарнинг салом беришлари ёшларга тарбиявий таъсир этади. Кейин болалар катталарнинг салом беришларидан, «ҳайикаб» олдинрок салом беришга ҳаракат қиласидиган бўладилар. Бу ҳол аста-секин болада одатга айланади. Тенг ёшли кишилар ўртасида саломлашувнинг мунозаравий тус олиб кетиши ҳоллари хам рўй беради:

- Шу одамдан олдин салом бериб бўпсан.
- Ҳар доим мендан олдин салом беради.
- Кўрасан, олдига борсам у биринчи бўлиб салом беради, каби гаплар шулар жумласидандир.

Киши турли жойларда ҳар хил кайфиятда бўлиши мумкин. Бу пайтда киши қандайдир ташвиш, ўй билан бўлиб танишларнинг саломига алик олмасдан ёки йўлда эътибор бермасдан ўтиб, кўнглини ранжитиб қўйиши мумкин. Буни манманликка йўймаслик керак. Албатта, бошка пайт буни айтсангиз сиздан узр сўрайди. Айрим шахслар саломни таъна ва кесатикка айлантириб «Ҳа-а, ҳой! Салом бердик!» ёки «Ҳа-а! Ишлар қалай», «Ҳа, чой-пой ичмайсизми?» дея сўрашадилар. Бундайларга донолар «Эй фарзанд, хушёр бўл, йигитлик вактингда такаббур бўлма» деб насиҳат қиласидилар.

Имконият, хурмат, заруриятни ҳисобга олиб саломлашув принципларини нисбийликдан холи қиласидилар. Масалан, отда, аравада, машинадагиларга пиёдаларга салом бермайдилар. Аксинча, пиёдаларга ўша транспортда кетаётганлар салом беришлари қабул қилинган. Ҳатто транспортдагилар ўзидан катта ёшдаги шахслар, қариялар, мўтабар йўловчиларга тўғри келганда пастга тушиб, салом берадилар. Ҳайдовчиларга йўл четида кетаётган пиёдаларга яқинлашганда машина тезлигини пасайтирадилар ва бош қимирлатиб саломлашадилар. Бу принцип эса кўпчиликка маълумдир.

Қўйида келтирилган «Икки аҳмок» эртагидан олинган дидактик характердаги бир парчада ҳаммага бир марта салом берилиши принципини билмаган шахслар ҳажв этилади ва от-уловдагиларнинг пиёдаларга биринчи бўлиб салом беришлари уқтирилади.

Құл олиб күришиш тарихи уругчилік даврига бориб тақалади. Ибтидоий одамлар бир-бирларига дуч келгандарыда: «Мен сени үлдирмөкчи эмасман, мана қара, құлимда тошим йұқ», дея гапини исботлаш учун бир бирларининг құлларини ушлаб күришар эканлар.

Европа халқлари бош кийимини олиб, ҳиндлар эса кафтларни жуфтлаб, пешона ўртасига тегизиб саломлашишади. Афғонлар ўнг құллар манглайига тегизиб, араб ва бошқа мусулмон халқлари эса құл қовуштириб таъзим этадилар. Хитой вилоятларининг айримла-рида кишилар бир-бирлари билан күришганда «Сен бугун овкат едінгми?», «Қорнинг тұқми?» деб сұрашадилар, тибетликлар эса бир-бирларига тилларини чиқарып илжаядилар.

Ўзбекистонда саломлашиш, күришиш ва сұрашишнинг йигир-мага яқин тури мавжуд: булардан құл бериб күришиш, әркак билан аёлнинг күришиши, ёш болаларнинг катталар билан күришиши, ўпишиб күришиш кабилари мұхимдір. Құлни құксига құйиб саломлашиш, құл қовуштириб саломлашиш каби күришишлар хам құпчилик томонидан эъзозланади.

Әшитиш органлари заифлашган шахсларга ёки узокроқ масо-фада турған кишиларга саломлашиш учун құл, юз ва гавда ҳаракатлари ишлатилади. Айрим ўшлар эса бугунги кунда узокдаги дүстіга құллар күксига құйиб эмас, балки құлни муаллақ құтарып саломлашув ишораларини билдираётірлар.

Әш келинлар қайнота-қайнонадек мұхтарам зотларга тавозе тимсолида иккі құллар күксига мұлойим құйиб, гавдаларини олдинга озроқ эгіб салом берішлари, шунингдек, алик олишлари яхши фазилат ҳисобланади. Бу фазилатларни ўшлари улғайған аёллар хам одоб юзасидан давом эттирадилар. Бу ўрнак ва намунали фазилат хаётийлик касб этади.

Әрқаклар ўртасида құлни құксига құйған ҳолда алик олиш ва шу дамда саломлашмоқчи бұлған шахснинг иккі құллар тутыш, күришишда чап құлни құқракка құйиб, гавданы эгибрөқ, алик оловчы шахсга ўнг құлни узатиш қоидага киритилған.

Узок асрлар давомида эъзозланиб келинаётған бу саломла-шувларга хос ҳаракатни яхши билмаслик ёки менсимаслик кишини нокулай ақволға солиб құяды.

Бир хиллар салом берәётған пайтда чап құлни жигар устига, иккінчи баъзи бирорлар эса ошқозон устига құйиб құл тутадилар. Учинчи хил шахслар иккі құлни, баъзилар бир құлни құқракка құядилар ёки ўнг құлни юрак устига аста құйиб «Ассалому алайкум» дейдилар. Жамоатчилик жигар устига құл құйиб салом

берувчиларни ҳам, алик олувчиларни ҳам «Жигар саломчи», икки қўлини ошқозон устига кўйиб керагидан ортиқча эгилиб салом берувчилар ва алик олувчиларни эса «Ичак саломчи» деб ҳажв остига олиб, устидан куладилар.

Баъзиларга қўл узатсангиз, у қўли билан сизни итаринқираб. яъни «Мендан сал нарироқ юр!», қабилида қўришади. Ёки қўлининг учини қўлингизга тегизиб қўяди ёхуд қўлни маҳкам қисиб, қаттиқ силтаб озор беради.

Маълумки, антогонистик синфлар ҳукмрон бўлган даврда етти букилиб салом берувчилар кўпайди. Эзувчи синф вакиллари эзилувчи синф вакилларини тиз чўкиб салом беришга мажбур қилганлар, бизнинг жамиятимизда бу хил саломлашувчилар «Хушомадгўйлик», «Амалдорга сажда қилувчи» иборалари билан сатира остига олинмоқда, ҳажв қилинмоқда. «Тўгри салом бер!» танбеҳлари билан дўстона танқид этмоқда. Салом бериш ва алик олиш пайтида гавдани ўз ҳолига қўйишга чакирмоқдалар. Саломлашув жараёнида қўл берувчидан ҳам, қўл олувчилардан ҳам сезирлик ва назокат талаб этилади.

Саломлашувга ўргатишнинг босқичлари. Саломлашувга ўргатишнинг босқичлари ва унинг ўрни кишилардаги саломлашувига бўлган масъулиятни тарбиялади. Маълумки, саломлашувга ўргатиш оиласда, боғча, ясли, мактабдан ташқари муассасаларда, ўкув юртларида, турли йиғинларда, корхона ва бошқа ишлаб чиқариш коллективларида ўргатилади.

Синф доскасига «Тўғри саломлашиш бизни нимага ўргатади?» саволи ёзилади. Бу саволга ўқувчилар шундай жавоб берадилар:

1. Ўзаро хурмат ва иззат қилишга.
2. Ҳол-ахвол сўраб туришга.
3. Одобли-ахлоқий бўлишига.
4. Сердўст бўлишга.
5. Яқинлик, қадрдонликка ўргатади.

XVII. ИНСОННИНГ ҲАЁТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ҲАҚИДА

Таниқли олим Имом Абу Ҳомид Фаззолийга оддий одамлар маънавий масалаларга оид китоб ёзишни илтимос қилиб мурожаат этишган. «Маънавият асослари» китобида муаллиф ёзади: «Бу китобнинг тили оддий одамларни тушуниш доирасидан чиқмайди. Парвардигордан уларни менга китоб ёзиш ҳакида килган мурожаати ҳамда ниятларини тозалаб, улар ниятини бажаришимда иккиюзламачилик ва чирклардан фориғ этиб бизларни Илоҳий тўғри бошлишини, китобни ҳаммабоп қилиб, унга муносиб ёрдам кўрсатишни, айтилган сўз амалда ижро этилишини сўраймиз. Айтилган сўзлар амалга ошмаса – йўқолган нарсадай, бажарилмаган амрлар эса оғир оқибатларга олиб келишидан бизларни Аллоҳ Ўзи сакласин».

Биринчи сабоқ. ЎЗ-ЎЗИНИ БИЛИШ, инсонни буюк вазифалари ҳақида: «Билгин, одам бекорга вакт ўтказиш ва маишат учун яратилмаган, унинг хавф-хатарли, таваккалчилик талаб қиласидиган буюк ишлари бор. У азалий бўлмаса ҳам, яратилганидан кейин унинг қалби Илоҳий дунёга мансубдир».

Шундай қилиб, ҳар бир одам қўйидаги саволларга жавоб топиши керак:

- *ким сен?
- *нима сен?
- *қай ердан олиндинг?
- *қай ерга борасан?
- *нима учун бу дунёга келдинг?
- *сени нимага яратдилар?
- *баҳтинг нимада?
- *қандай қилиб баҳтга эришиш мумкин?
- *баҳтсизлик нимада?
- *қандай қилиб ундан қочиш мумкин?

Сенда турли хил тирик жонларнинг сифатлари бор; уларнинг ҳар бирини ўз овқати ва ўз баҳти бор. Сенда берк бўлган хусусиятларни – бир қисми молники, бир қисми йиртқич ҳайвонники, бир қисми шайтонники ва яна бир қисми фариштанини. Шунинг учун билиб олгин, қайси бирида сен ўзингни ҳис қиласен, қайси хусусият сенга ёд ва қайси бири сенга керак. Ўз хусусиятингни аниқ англаб олмагунингча баҳтингни тополмайсен, чунки ҳар бир хусусиятни ўзини овқати ва ўзини баҳти бор.

Молнинг баҳти – овқатда, уйқуда ва қўшилиш (жинсий алоқа қилиш)да, агар сен мол сифатли бўлсанг, ошқозон ва жинсий алоқалар ташвиши билан кечаю- кундуз ҳаракатда бўласан.

Йиртқич ҳайвоннинг баҳти – ўлдириш ва аламини, газабини бошқалардан олиш.

Шайтоннинг баҳти – разиллик, хоинлик, маккорлик ва алдамчиликда.

Фариштанинг баҳти – ғоят гўзал нарсаларни кўришда, савоб ишларни бажаришда.

Одамнинг бажарган иши ва ҳаракатидан қалбида сифатлар пайдо бўлади. Одамнинг маънавий сифатлари (феъл-автори, маҳорати) қалбнинг амрини бажарилиши ва бошқаларга бўлган муносабатлар орқали кўринади. Ёмон хулқ одамни ҳалок қилади. Яхши хулқ эса баҳт келтиради.

1. **Молни феъл-автори ва маҳорати.** Одамда жойлашган шаҳват нафси ва ҳирсдан у молга ўхшаб ҳаракат қилади, моддий бойлик тўплашга уни орттиришга интилади, овқат тановулида очкўзлик қилади, жинсий алоқа ва бузукликка берилади.

2. **Йиртқич ҳайвон феъл-автори ва қилмишлари.** Одамда жойлашган ғазаб, қаҳр уни ит, шер ва бўри (йиртқичлар)га ўхшатиб кўяди, яъни бундай ҳолатда у бошқаларга ташланади, уради, уришади, ўлдиради.

3. **Шайтонни феъл-автори ва маҳорати.** Одамда жойлашган разиллик, хоинлик, маккорлик, алдамчилик, муғомбирлик, ҳийланранглик тартибсизликка интилтиради, одамлар орасини бузади.

4. **Фаришта феъл-автори ва маҳорати.** Одамда жойлашган ақл-идрок орқали у фаришталардек ҳаракат қилади, илм олишни ва ҳаётни севади, одамлар ўртасида яхши муносабатлар ўрнатишга интилади, олижаноблик ва аслзодалик юксаклигини қадрлайди. Ёмон ишлар, пасткашлик ҳамда билимсизлик камчилик эканини англайди ва улардан йироқ юради, ўзига яқинлаштирмайди.

Ўзида берк бўлган феъл-автори ва маҳоратини билган одам ҳушёрлик билан фикри ва ҳаракатини назорат қилиши лозимdir, шунда у қайси бир хусусиятига бўйсунниб хизмат қилаётганини билиб олади.

Одам, шахвоний-нафс туйғусига бўйсунгандаги куйидаги салбий (ёмон) хусусиятлар унда пайдо бўлади:

*нопоклик, исқиртлик ва ҳаёсизлик;

*сүқлик, қурумсоқлик ва ҳасислик, зиқналик;

*хўшомадгўйлик ва лаганбардорлик;

*ұасад, ғийбат, фиск-фасод, ичи қоралик,
*бирорни баҳтисизлигидан севиниш ва ҳ.к.

Агар одам шаҳвоний нафс туйғусини енгиб, ўзини, тарбиялай олса ва уни қулоқ солишига уддаласа у вактда унда қуидаги яхши сифатлар пайдо бўлади:

*борига шукур қилиш ва сабр-тоқатлик;
*сиполик ва хотиржамлиқ;
*назокатлик ва донолик;
*саҳийлик ва бегаразлиқ.

Одамни ғазаб ити бошкарса унда қуидаги ёмон хусусиятлар пайдо бўлади:

*адоват ва қаҳр, газаб, сурбетлик, хирадик, елимлик;
*ҳаракатларидан маблаг топишда нопоклик, исқиртлик;
*мактингочлик ва худбинлик, керилши ва манманлик;
*ўзига бино қўйши;
*ҳаддан ташқари тақаббурлик ва қалондимог;
*бошқалардан баланд бўлишилик;
*бошқалар тақдирига газаб билан қараш;
*бошқаларни ерга(пастга) уриш, одамларни менсимаслик.

Агарда одам ғазаб итини ўргатиб олса, унда қуидаги яхши сифатлар пайдо бўлади:

*сокинлик, сабрлик ва чидамлик;
*баркарорлик, ўзгармаслик, мардлик ва жасоратлик;
*мурувватлик, олийҳизимматлик, вижедонлик ва поклик.

Аллоҳ «Куръон»да айтади: «Яширин васвасачи (шайтон) ёвузлигиданки, (у) одамларнинг дилларига васваса солур. (Ўзи) жинлар ва одамлардандир» (Нос сураси, 4-б оятларига ишора бор).

Иккинчи сабоқ, Ўз-ўзини билишдан Яратганни билиш

Ҳадислардан биламизки: «Ўз - ўзини билган. Яратганни ҳам билади». Куръони каримни 76-Инсон сураси 2 - 3 оятларида Аллоҳ айтган: «Дарҳақиқат, Биз инсонни имтиҳон қилиб, (оталик ва оналик сувларидан) аралаш бир нутфадан яратдик. Бас, уни эшитувчи ва кўруувчи қилиб қўйдик. Дарҳақиқат, Биз уни (инсонни) хоҳ у шукур қилувчи (мусулмон) бўлсин ва хоҳ ношукур (кофир) бўлсин йўлга йўлладик». Шундан келиб чиққанда:

1 .Инсон аввал ўзини, бор бўлишини, ҳаётлигини билади.

2.Икки томчи манийдан шунча мўъжиза пайдо бўлган. Ахир, инсон маний томчиси суюқлиқдан мавжуд бўлган, у бор йўғи бир сифатли оқ рангли томчи унда на бош(калла), на қўл, на оёқ, на тил, на кўз, на қон томирлари, на асаб, на суюклар, на гўшт, на тери, на

ўйлаш, эшлиши ва кўриш қобилияти бўлмаган. Барча мўъжизалар кейин пайдо бўлган. Уларни инсон ўзига ўзи пайдо қилгани ёки уларни кимдир шундай яратганми? З.Инсон ҳозир ҳам сочдек мўъжизани яратишга кодир эмас. Инсон шакли такомиллашганидан кейин, у бир томчи суюк ҳолатида бўлган вактида канчалик кучсиз ва такомиллашмаганлигини англайди.

4.Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсон бадани ва қалбини Яратгани бор. Ўзини ҳаёлгигидан инсон уни бундай ҳолатда мавжуд қилган Яратган борлигини англайди.

Учинчи сабоқ. Ҳикматли барқарор бирикмалар

Субҳон Аллоҳ, Ал-хамду ли-ллоҳ, Ла илаҳа илла-ллоҳ, Аллоҳу Акбар маъносини англаш;

Субҳон Аллоҳ, хар-хил ўхшатиш таъриф-таснифлардан озод бўлган Аллоҳга ҳамду санолар – бу маъно Аллоҳни муқаддаслиги ва поклигини билдиради;

Алҳамду ли-ллоҳ барча меҳр ва марҳаматига Аллоҳга ҳамду санолар – бу маъно Аллоҳни қилган барча яхшиликларига миннатдорлик ва мақтов изҳор этишни билдиради;

Ла илаҳа илла-ллоҳ – Аллоҳдан бошқа мақтовга муносиб тангри йўқ, бу маъно Аллоҳни фақат якка Ўзи барчани устидан ҳукмдор, раҳмдил ва кечиримлигини билдиради.

АЛЛОҲУ АКБАР – Аллоҳ Буюк деган маънони билдиради.

Одам Аллоҳни англаганлиги, тақвадорлиги ва Үнга итоат этишидан баҳти мавжуд бўлади. Аллоҳни англаб Уни кўп зикр этиш билан одам қалбини Аллоҳга бўлган меҳр-муҳаббат эгаллади.

Одам қалби шаҳвоний истаклар билан алokaneи узганидан кейин Аллоҳни доимо зикр этиш билан тақвадорлик пайдо бўлади.

Одамни Шариат қонунларига итоат этиб, Аллоҳ амри доирасида феъл-атвор, одоб-ахлоқда бўлиб, Аллоҳга хизмат қилиши баҳт йўлиға олиб келади. Кимда-ким Шариат қонунлари доирасидан чиқиб кетса, ўзини барбод қиласи. Қуръони каримнинг 65-Талок сураси 1-оятида айтилган: «Кимки, Аллоҳ чегараларидан тажовуз қилиб ўтса, демак, у ўзига зулм қилибди. Сиз билмасангиз, эҳтимол, Аллоҳ бирор ишни пайдо қиласи».

Одамлар қўччилиги ўзига-ўзи ойнага қараганида Яратганни фахмламайди, шунинг учун Яратганни шундай англаш керакки, У тажриба қўзгусида доимо қўриниб туриши лозим.

Кўп асрлардан бери одамзотни Эзгулик ва Ёмонлик гоялари кизиктириб келмоқда. Ҳар бир соғлом фикрлайдиган инсон Коинот адолат қонун-коидаларига таянган бўлишини фахмлайди: бироқ

ҳаётдаги хатти-харакатлар на адолат, на яхшиликка йўғрилган истаклар билан ҳеч тўғри келмаганигини одамлар фаҳмлай бошлади. Онгли равишда қўйган биринчи қадамларидан бошлаб жуфт қарама-қаршиликлар билан Ерда тўқнашганидан кейин тушуниб олишади: соғлик-саломатлик ва касаллик, ғалаба ва барбод, муҳаббат ва нафрат ва х.к.

Жамиятни ўзгартириш жараёнида ислом дини одам қалбини тарбиялашга аҳамият беради. Одам қалбини соғайтириш – бу ҳаётда мурувват кўрсатишга асосланган руқнлардан биринчисидир. Агар қалб даволанмай қолса, унда осмон коронгулашиб кетади. Одам қалбини соғайтириш жараёнини ислом дини икки нуқтаи назардан кўриб чиқади:

1. Одам қалби табиий майиллар билан туғма хусусиятларга эга бўлади; яхши фазилатларга эргашади, уни топгандан кейин хурсандлик ҳолатини ҳис килади. Ҳақиқатда қалб ўз борлигининг давоми ва ҳаётининг соғломлигини кўради.

2. Одам қалбидаги интилиш ҳам бўлади. Бу интилишлар одамни тўғри йўлдан адаштиради, бўлажак ҳаракатларни зийнат билан безаб бўрттириб кўрсатади, оқибатда одам зиён кўради, жарга қулайди.

Одамда ҳар иккиси ҳам бор, улар ўртасида қалбни устидан раҳбарлик қилиши учун доимий тўхтамайдиган икки тарафламина кураши бўлади. Кураши натижаси эса қалб қайси бирига штоат этишига боғлиқ. Куръони каримни 91-Шамс сураси 7–10-оятларида айтилган: «Нафс (У яратиб) тиклаган зотлар (инсонлар) билан, дарвоқе унга (нафсга) фисқ-фужурини ҳам, тақвосини ҳам (У) илҳом қилиб қўйган. (Мазкурлар билан қасамёд этаманки) ҳақиқатан, уни (нафсни) поклаган киши нажот топур ва у (нафсни) (гуноҳлар билан) кўмиб, ҳорлаган кимса эса (Аллоҳнинг раҳматидан) ноумид бўлур».

Ислом динининг буюк хизмати хотимаси шундаки:

а) у одамдаги туғма хусусиятларни ҳар томонлама кўллаб-кувватлаб, тўғри йўлдан юришни давом этиши учун нур билан ёритиб туради;

б) у одамни бирорни вас-васаси билан ичига кириб қулатмокчи бўлган гуноҳлардан қутулишига имкон яратади.

Ислом дини одамни Ҳақиқат йўлидан адаштирадиган турли хил гуноҳ қилишидан қутулишига имкон яратади. Ислом дини ўзини барча додлардан ҳолис бўлган - «тоза табиатли дин» деб атайди. Куръони каримнинг 30-Рўм сураси 30-оятида айтилган:

«Бас, (Эй, Мұхаммад!) Юзингиз (үзингиз)ни дошио тұғри бұлған динда (Исломда) тутинг! Инсонларни ўша асосда яратған Аллоҳнинг яратувлығынин (аңгланғиз!). Аллоҳнинг яратишига үзгартириши ішк. Энг тұғри дин шудир, лекин күп одамлар (буны) билмеслар».

Одамни туғма табиати Ҳақиқат йұлида юришга мұлжалланған ва шунға интилади, агарда у табиат бирон бир нарса билан бузулиб уни кишаниң кириб, муруват күрсатиш ва сақоватли бўлишдек бенуқсон фазилатлар йўлидан қайтарилимаган бўлса.

Дин – бу бенуқсон табиат. Одамни туғма хусусиятларини коралаб шарманда қиласынан ҳодисалар аввалги юз йиллардан ёки жамоатчиллик орасыда пайдо бўлган урф-одат ва ахлоқсизликдан келиб чиқади. Туғма хусусиятлар учун улар ўзида катта хавф саклайди, чунки инсонни бошланғич табиатига турли хил дардлар билан шикаст етказади.

Ислоҳот ўтказувчини ҳақиқий кураши одамни түгема хусусиятларига зарар күрсатамайдын турли хил дардларга қарши зарба берив, уни аввало; тоза Ҳақиқат ҳолатига қайтишига ёрдам күрсатади, уни қандай қилиб бажаришни Ислом дини тушунтиширади. Қуръони каримнинг 30-Рум сураси 31–32-оятларида айтилган: «Унга үзингизни топширган ҳолларингизда (динини маҳкам тутингиз) ва Үндан қўрқингиз ҳамда помозни баркамол адо этингиз, мушриклардан бўлмангиз!. Улар (мушриклар) динларни бўлиб юбориб, (турли) турли фирмаларга ажратгандирлар. Улар бир фирмә (одамлари) ўз наздигаридаги нарса (акида) билан шоддицлар».

Әътиқод – дахрийлик эмас, худодан қўрқишилик – фаҳш йўлига кириб бузуқчиликка берилиш эмас, хеч қандай бўлинмасдан (ирқ, миллат, синфлар ва х.к.) диндорларнинг Аллоҳ олдида бирлашиши - шу маслаҳатлар, одамни аввалги туғма хусусиятларига қайтиши ҳакида сўз юритганда, энг биринчи ўринга қўйилади. Буни маъноси Қуръони каримнинг 95-Тин сураси 4–6 оятларида ифода этилган: «Хақиқатан, Биз инсонни хушибичи ва хушсурат (шакіда) яратдик. Сўнгра (қариган сари), уни асфаласофилинга (қомати ҳам бўлишга) қайтардик. Илло, имон келтирған ва яхши амалларни қилғанларга битмас-туганмас ажр (мукофот) бордир».

Ҳақиқатни билиш, уни сақлаш ва талабларига итоат қилиш одамнинг муруват күрсатиш ҳис-туйғулари юксаклигини ҳамда камолотга интилишини күрсатади. Бирок ҳаётда күп одамларга юксак маънавий даражага қутарилишига кучли ҳис-туйғулари оғир иш юқлаб қийнамоқда ва малоллик келтирмокда. Бундай муккасидан кетган одамларни эҳтирослари жанжал-тўпаланг қўтариб уларни

пастга қулатмоқда. Ҳаддидан ошган инсон Аллоҳ «пасткашни энг паст» ҳолатига солиб қўяди.

Бу Илоҳий қулатшиш жараёни ҳақикат ва янглишишини бошқариш қонунига итоат этади. Бу нозик ва адолатли қонун ҳакида Қуръони каримининг 9-Тавба сураси 115-оятда айтилган: «Аллоҳ бирор бир қавини ҳидоят қиласдан кейин то уларга нимадан сакланишиларини баён қиласунча, уларни адаштиргаган. Албатта, Аллоҳ нарсани билгувчиидир».

Одам ҳаётида маънавий маросим тартиби булиши шарт, буни ўзига одат тусига киритиб, ички тартибига ўрнатиши лозимдир. Масалан, хушмуомалалик (саломлашиш, табассум билан кутиб олиш ва кузатиб қўйиш) одати бошқа одамлар (дин, ирқ, миллатидан қатъи назар) билан ҳурмат юзасидан муносабат ўрнатишга ёрдам беради.

Баъзи яхши тарбия кўрмаган замондошларимиз хушмуомалалик одатини йўқотиб қўйганлар ва унда иштирок этмайдилар, бунинг оқибатида одамларро муносабатда пайдо бўлган дағал ҳолат инсонни маънавий соғломлигига ҳамда шахсига зарар келтиради.

XVIII. БҮЮК ИНСОНЛАР ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ

Буюк инсонлар фикр-мулоҳазалари ва улар мулоҳазаларига айрим изоҳлар Мен фақат шубҳаланишнингина биламан. **Волшер**

Изоҳ. Бир-бирига хиссиёти тўғри келувчи инсонлар йўқ деб хисобласак бўлади. Инсон борки, унинг хис-туйгуси бошқа инсон хис-туйгусидан нима биландир албатта. фарқ қиласди. Шундан келиб чиқкан ҳолда, бир инсон иккинчи бир инсонга мурожаат этаётганда унинг асл мақсади фикр-у зикрини тўлиқ англаш қийиндир, хулоса шуки, мурожаатнинг ҳамма фикрига арз додига ҳамдардлигига тўлик ишонмай лакка балиқдай қармоқка осонгина илинмай озгина бўлсада шубҳа билан қарай билиш, шубҳангизни билдирамай уни синай олиш қобилиятига эга бўлишингиз керак акс ҳолда фирибгар қаллоб, алдовчи, кўнгли тоза бўлмаган инсонлар тузогига тушиб қолишингиз мумкин.

Буюк тақдир – буюк кулликдир. **Сенека**

Изоҳ: Масалан, қиз бола турмушга чиқиб баҳтли оилтанинг баҳтли бекаси сариштали келин пошша бўлди дейлик. Демак, келин пошша буюк тақдирга эришди дейишимиз мумкин. Чунки қайнонаси, қайнатаси, турмуш ўртоғи, қариндош уруғ, қўни-қўшнилар билан муомаласи яхши, унга ҳеч қандай эътироҳ йўқ, шириндан шакар фарзандлари бор. Моддий камчилиги йўқ.

Дейлик, келин пошша фикр-у зикрига, дунё қарашига шайтон аралашиб, қайнонаси кўзига ялмогиз кампир, қайнатаси сассик чол, турмуш ўртоғи вафосиз эр бўлиб кўриниб қолса, табиийки ўртада меҳр йўқолади, оқибат тугайди, нотинчлик бошланади, яъни буюк тақдир ўз навбатида ачинарли тақдирга айланади. Бу дегани келин пошша қайнона, қайнота, турмуш ўртоғи, қариндош уруғларига бўлган ширин муомаласига бўлган куллик йўқолади. Бошқа бир мисолни кўрайлик, кимдир узок мashaқкатли меҳнати билан улуғ бир лавозимга, даражага эришди дейлик, лавозимдан лавозимга кўтарилиб ҳоким, таникли тадбиркор, профессор, академик, институт ёки университет ректори лавозимига эришиши мумкин. Бироқ маълум вакт ўтгач, буюк тақдирига шайтон аралашиб, ёру биродарлар таниш -билишларини танимайдиган, оёғи ердан узилиб қолган, ҳеч кимни менсимайдиган димоғдор инсонга айланаб қолиши мумкин. Бунда ҳам у инсоннинг буюк тақдирни ачинарли тақдирга айланishi мумкин. Чунки у одоб маънавиятдан, самимилик, бағрикенглик, инсонпар-

варлик хислатларидан ажраб яъни буюк қулликка панд бериб такаб-бурлик, менсимаслик,adolatsizlik ёғига шўнғиган бўлиб колади.

Озод бўлиш учун қонунларнинг қулига айланишга тўғри келади.

Цицерон

Изоҳ: қонунларнинг нақадар муҳимлиги ҳаммага маълумдек туюлади. Аммо ҳаётда шундай воқеликларга дуч келасанки, қонунни ҳурматлаш унга бўйсуниш ўрнига уни менсимаслик, тан олмаслик ҳоллари ҳам бўлади. Агар кўча ҳаракати коидасини назоратчилари бўлмаса машиналар тўхтовсиз тўқнашган, баҳтсиз ҳодисалар юз берган бўлар эди. Қамоқдан озод бўлиб чиққанлар ва маҳаллада содир бўлиб турадиган айрим келишмовчиликлар ва қўйди чиқдилар муаллифлари билан бўлган сухбатлар шу нарсадан далолат беряптики, бошига мушкул иш тушган одамларнинг кўпчилиги мажбурий тарзда у ёки бу қонунни ўрнатишга, таҳлил килишга ҳаракат қилишар экан. Бирорга бўйсунмай, тобе бўлмай, эркин ҳолда чўчимай ҳаёт кечириш учун қонунларга қул бўлиб яшаш ҳаёт тақозосидир. Айрим одамлар ҳар куни у ёки бу газеталарни ўқийдилар, газета ўқувчиларга разм солсангиз уларнинг аксарияти газета сахифаларидаги қизиқарли шов-шувга олиб келадиган хабарлар ва фельетонларни ҳовлиқиб ўқишга киришадиларда эълон қилинган қонунлар сахифаларига совуқконлик билан қарайдилар. Бу албатта инсонни ўз ҳуқуқини поймол бўлишига, бошига бир жиноий иш тушганда пати юлинган мусичадек титраб туришларига олиб келади. Сабаб у қонунни кули бўла олмаган.

Хавотирга тушган одам ўзини бошқара олиш қобилиятини йўқотади. Эпикюр

Изоҳ: Жаҳл чиқса ақл кетади, деган мақолнинг ўзи тўла изоҳ десак ҳам бўлади. Кўшимча қилиб шу нарсани айтиш мумкинки, инсонни бошида жойлашган 16 миллиард ҳужайра, инсон танасидаги 16 миллиард худо ато қилган асаб толалари инсон фаолиятини бошқариб туради. Инсон хавотирга тушганда асаб толалари таранглаша бошлайди, бунинг натижасида мия ҳужрайраларининг эркин ҳолда ишлаш фаолияти бузилиб ўзини бошқариш табиати ҳам ўзгаради. Инсонда хавотирликнинг келиб чиқишига сон-саноқсиз омиллар сабаб бўлиши мумкин. Айрим мисоллар, инсон бир айб иш қилиб қўйса, ота-она ўз фарзандининг айрим камчиликларини билса

хавотирга йўл очилади. Фарзанд шўх бўлса тўйдан, ресторандан, ўқишдан мўлжалдаги вақтдан кеч қолса ота-она фарзанди кўзига кўрингунча, агар ўқувчи, талаба дарсни пухта эгалламаса, устоз, домладан кўнгилдагидек баҳо олгунча хавотир олаверади. Хавотирликни камайтиришнинг асосий йўли ўзига-ўзи ишонч ҳосил қилиб олиш, нокаслардан узокроқ бўлиш, қонунга бўйсунишdir.

Кечира олишлик – мардлик, кечира билмаслик номардлик саналади.

«Амир Темур ўғитлари» дан

Изоҳ: Албатта, кечира олиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу табиий. Акс ҳолда ҳамма мард бўлиб кетарди. Бироқ кечирим сўраш бошқа, уни қабул қилиш бошқа. Айrim инсонлар кечиримни уни қуллик маъносида қабул этадилар ва шу билан бирга уларда асоссиз гердайиш пайдо бўлиб, кечирим сўраган одамни менсимаслик ҳисси уйғонади. Менимча, бу ҳам номардликдир. Шунинг учун йиллар ўта айrim келишмовчилик учун кек саклаб юргандан кечирим сўраган албатта мардликдир. Худо ҳам бандаларини кечиради-ю, ўз ҳамкасби, кариндошини кечира олмаслик бу албатта, номардликдир.

Ҳар қандай лаззат хавф-хатарни кучайтиради. **Сенека**

Изоҳ: бу ҳам табиий ҳол. Бироқ табиий ҳолни сунъий ҳолга айлантирувчилар ҳам йўқ эмас. Чойхонада уюштириладиган палов – ошнинг масаллифи уйда тайёрланадиган палов - ош масаллиғидан бир неча бор кўпроқ бўлади. Шунинг учун лаззатлироқ бўлиб ошқозон қабул қиласа ҳам увол бўлмасин деб бир-бирига ортиқча ошатиш амалга оширилади. Асалнинг ҳам ками яхши деган нақл бир лаззатли таомлар экан деб куда чақирув, чалларида 5 – 6 хил овқатни истеъмол қилиб кейин азоби тортилади. Ҳаётнинг ҳамма жабҳасидаги, лаззатнинг кўпи хавф-хатарга олиб келиши аниқдир. Хавф-хатарсиз лаззат мезони бу мезёрдир.

Сукрот оила ҳақидаги қарашларини мана бу ҳикматга жо этганди:»Уйланасанми. уйланмайсанми, барибир пушаймон ейсан».

Изоҳ: бўлажак куёв тўралар, келинпошшалар турмуш қуришга кадар минг истиқболни ҳаёлдан ўтказиб сўнг никоҳдан ўтадилар. Тўйдан сўнг эр-хотинларнинг ҳар бири ўз истиқбол режалари билан маст-аласт бўлиб, ҳаёт бўстонига ниҳол ўтказа бошлайдилар ва

ниҳоят истиқбол режаларининг бир-бирига мос тушмайдиган тугунчалари пайдо бўла бошлайди. Ушбу келишмовчиликлардан учқун ва аланталар пайдо бўлиши мумкин. Ана шунда пушаймонлик белгилари пайдо бўлади. Ушбу пушаймонликлар хаёт тақдирини бузадиган даражага бориши керак эмас. Пушаймонлик ўз рафиқасини айблаш ёки хаётдан норозилик даражасига етиши керак эмас. Ана шундагина бир ёстикка бош қўйганлар умрбод шу ёстик эгаси бўлиб қолишлари керак. Пушаймонлик яхши орзулар эговига айланиши керак эмас. Пушаймони йўқ эр ёки хотин бўлмаса керак. Пушаймонликни камайтириш мезони меҳр окибатdir.

Ҳокимиятни сақлаб колишни истовчи одам золимликка таяниши керак. **Макявелли**

Изоҳ: Бу масалада бир неча мулоҳаза қилиш мумкин. Яъни ҳокимиятни сақлаб туриш, мавжуд конституция ва қонунлар бажарилишини назорат қилиш учун мудофаа вазирлиги, ички ишлар вазирлиги, миллый хавфсизлик қўмитаси, прокуратура, суд ва шу каби ташкилотлар мавжуд фирибгарлар сотқинлар, ватанпурушлар, порахўрлар ва энг интизом бузувчиларнин жиловлаш учун мўлжалланган. Бироқ айримлар ушбу соҳада олиб борилётган қонуний ишларни зулм деб таърифлайдилар. Чунки бундай кишилар қонунни ҳимоя қилувчилар олиб бораётган ишларни мағзини чакмай юзаки хулоса чиқариб тартибга чақириш, ҳимоялаш ишларини зулм деб талқин қиласидилар. Алишер Навоий ҳам зулмни қоралаган, бироқ тартибни саклаш билан зулмни битта чизиқка қўйиш нотўғридир.

Билаги зўр бирни йикар, билими зўр мингни.

«Амир Темур ўғитлари» дан

Изоҳ: билакнинг кучи билан бир одамни маҳлиё этиш, унга тазиқ ўтказиш мумкин. Билаги зўр инсонни уни зўрлигини синаган одамгина билади холос. Билимли инсон эса ўз билими, гояси, тажрибаси, дунё караши билан юзлаб, минглаб, миллионлаб кишилар қалбидан ўрин олиб уларни мафтун этиши, ўз истеъоди билан уларни ўз томонига оғдириши мумкин.

Виждон олижаноб инсоннинг одил ҳакамидир. **Арасту**

Изоҳ: виждонли инсонга прокуратура, суд ҳокимиятларининг кераги йўқ чунки унинг виждони ҳам прокурор ҳам судядир.

Вафосизда ҳаёй ўқ, ҳаёсизда вафо ўқ.

Алишер Навоий

Изоҳ: ўқ вафони сунъий тарзда баён этган билан ҳаёси бўлмаганидан сўнг албатта, сири очилиб қолади.

Ҳаёй иймондандир, ҳаёй доимо яхшилик келтиради.

Хадисдан

Изоҳ: Иймонли инсон ҳаёлидир. Иймони ўқ инсон ҳар қанча ҳаракат қилмасин иймонли бўла олмайди. Дангасалик зангга ўхшайди, кўп ишлар оқибатида эмас, зангдан тезрок емирилади.

Изоҳ: хукуқнинг камайиши ўзбошимчалик қила олмаслик, ҳар бир хатти-ҳаракатни келишиб олиш билан белгиланади. Мажбуриятларни ошиши уй-рӯзгор ишлари билан шугулланиш, меҳмон кутиб олиш. меҳмонга бориш, уй бекасини кийинтириш, уни ясантириш, фарзанд ташвишлари ва шу кабилар билан белгиланади.

Мактаб ҳаётта тайёргарлик эмас, балки ҳаётнинг ўзгинасадир.

Эмерсон.

Мактаблари бўлган миллатнинг келажаги хавфдан ҳолидир.

Бисмарк.

Ҳеч бир инсон дунёга яхши тарбияланган оила қадар муҳим мерос колдира олмайди.

Томас Скотт.

Ўйламасдан ўрганишнинг фойдаси ўқ, ўрганмасдан ўйлаш эса хавфлидир.

Конфуций.

Таълим кўрган халқни бир йўналишга буриш осон, судраш қийин.

Лорд Броҳам.

Муваффақиятга эришган инсонлар вактларини кўпчилик бажа-ришни истамаган ишларни қилиш билан ўтказадилар. Оддий инсонга вақтини куч-ғайрат талаб этадиган ташаббусларга сарфлашдан кўра муваффақиятсизликлар қийинчилигига чидаш осон туюлади. Булар нинг ҳар иккисига ажратиладиган режали вакт бўлса, ҳаётда

максадларнинг маъноси йўқдир. Аммо вактимиз бўлса, бу максадлар сари харакат қилишимиз ва унга эришишимиз мумкин.

Бу борада икки хил гурӯҳ мавжуд: Биринчиси, доимо эртага бирор ишни бошлишни режалаштирадиган, аслида ишни бошлишни доим орқага сурадиган гурӯҳ. Иккинчиси, ҳар доим харакат бошлишга тайёр турган гурӯҳ. Улар учун эртага деган тушунча йўқ. Асло шубҳа йўқки, идеал тарбия боланинг хатоларига жазо бериш эмас, уни хато қилишдан сақлайдиган даражага олиб чикишдир.

Паёми Сафо.

Тарбиянинг илдизлари аччик, меваси ширин бўлади.

Аристотель.

Бир мармар парчаси учун ҳайкалтарош ким бўлса, рух учун тарбия ҳам шудир.

Аддисон.

Зеҳни ўткир, қобилияти юқори болаларнинг бошқалардан ажралиб турадиган томонларини белгилашда ота-оналар эътиборли бўлишлари лозим.

Юз туман нопок эрдин яхшироқ, пок хотинлар оёғининг изи.

Алишер Навоий.

Мехрибон ва раҳмдил бўлмок умрнинг, ризқнинг баракали бўлишига олиб келади.

Кошиф.

Аллоҳ таоло ҳузурида изн берилган (ҳалол) нарсаларнинг энг ёмони ажрашишдир.

Ҳадиси шарифдан.

Оила (турмуш) қуринг, ажрашманг! Зоро, ажрашиш (сабабли)дан Арши Аъло титрайди.

Ҳадиси шарифдан.

Оила аъзоларингга килган ҳар яхшилигинг садақадир.

Ҳадиси шарифдан.

Севигиа севиш орқали эришиш мумкин.

Карим Меннингер.

Агар Аллоҳ бадавлат бўлишни қадрли бир нарса деб билганида, мол-мулкни бундай ёмон кишиларга бермаган бўлар эди.

Жонатан Свифт.

Турмушда муваффақият (омад) фазилатга эга инсонни топиш эмас, фазилатларга эга инсон бўлишдир.

Р.Бриннер

Агар эркак оила қурганидан сўнг ҳам унаштирилган пайтдагидек ҳаракат қилсалар ажрашишлар 50 фоизга камайган бўларди.

Фамилии Хаплинесс.

Хотиннинг ёмон феълига сабр қилган эркак Айюб алайҳисса-ломга берилган ажр ва мукофотга сазовор бўлади.

Эрининг ёмон феълига тоқат қилган аёлга Фиръавннинг хотини Осиёга берилган савоб ва мукофот насиб этади.

Ҳадиси шарифдан.

Мўминларнинг энг яххиси (етуги, комили) яхши феъллиги бўлиб, оиласи билан яхши яшаганидир.

Ҳадиси шарифдан.

Аёллар бизни севсалар ҳар қандай қусуримизни, ҳатто жиноятимизни ҳам кечирадилар. Севмасалар ҳеч бир хатойимиз (камчилигимиз)дан кўз юммайдилар, энг буюк фазилатларимиздан ҳам қусур топадилар.

Гёте.

Эр-хотин бир-бирининг нима исташини билса, шунга мувофик ҳаракат қилса баҳтга эришадилар. Таътиллар оиласи «мен», «сен» муносабатидан чиқариб, «биз» ҳолатига келтирувчи муҳим имкониятлардир. Оила аъзолари бир-бирларидан нималар кутаётганларини билишлари керак; ўзаро муносабатларда меҳр-муҳаббат, хурмат, дўстлик, олижаноблик, назокат, садоқат ҳукмрон бўлмоғи зарур...

Бальзак.

Оила қуриш ҳуқуқларнинг ярмидан маҳрум бўлиш ва вазифаларнинг икки хисса ортишидир.

А.Шопенгауэр

Бахтли оиласлар бир-бирига жуда ўхшайди, аммо баҳтсиз оиласларнинг ҳар бири ўзича баҳтсиздир.

Л.Толстой

XIX. КЕЛИН-КУЁВЛАР БАХТЛИ БЎЛСИНЛАР

Олима аёлнинг ўгитлари(келин-куёвларга)

«Жоним болам!»

Бир кишини яхшиликка ундаш учун панд-насиҳатлар берилади. Одоб-аҳлоқли ёки барчага мақбул хислатга эгаликнинг ўзи инсонга кифоя қилганида эди, сенга насиҳат қилиб ўтирасдим. Аслида, насиҳат ва тавсия унтилганларни ўргатади. Шунга кўра, насиҳатлар жуда фойдалидир, суюкли қизим!

Агар биронта қиз ота-онаси бой бўлганидан турмушга чиқишига мухтоҷ бўлмасайди, сенинг ҳеч қачон хўжайинга эҳтиёжинг қолмасди. Аммо ҳаёт сен ўйлагандек эмас. Эркаклар биз учун, биз эса эркаклар учун яратилганмиз.

Қизим!

Ўзинг улгайган оиласдан чикиб, мутлақо нотаниш – бегона бир уйга борасан, ҳеч кўришиб-гаплашмаган, хулқ-авторини билмаган бир кишининг умр йўлдошига айланасан. Сен унинг хизматкори бўлгинки, у ҳам сенга ёрдамчи бўлсин!

Болам!

Кел энди баъзи насиҳатларни берайин. Уларни яхшилаб ўрганиб, чиройли амал килсанг, умр бўйи роҳатда яшайсан. Умр йўлдошинг билан ҳеч қачон орангиз бузилмайди. Бу дунёда баҳти ҳаёт кечирганинг каби, охиратда ҳам абадий саодатга эришасан.

1. Қаноатли бўл! Яъни умр йўлдошинг келтирган озиқ-овқат, кийим-кечакнинг ҳаммасини мамнуният билан қабул қил. Чунки қаноат қалбга хузур-ҳаловат бағишлайди.

2. Айтилган гапларни доимо дикқат билан эшит ва ҳамиша итоатда бўл. Умр йўлдошингга эътиroz билдирма, у билан ҳамфир ва яқдил бўлишга ҳаракат қил. Бундай ҳаракатларинг билан Жаноби Ҳақнинг розилигига ҳам етишасан.

3. Умр йўлдошинг кўзи тушиши мумкин бўлган ҳамма жойга эътибор бер, шундай килки, унинг кўзи зинҳор ножӯя ҳолатларга тушмасин.

4. Ёмон ҳид чиқиши эҳтимоли бўлган нарса ва ерларга дикқат қил. Уларни топиб, тозала. Уйингдан ҳар доим хушбўй ҳидлар тараалиб турсин.

5. Шуни яхши бил: тозалик ва латофат сувга боғлиқ. Ҳар қандай нарса сув билан тоза бўлади. Уйда сувларнинг тоза туришига аҳамият бер.

6. Эрингни овқатланиш соати ва уйқу вақтига диккат қил. Овқатни ҳамиша унинг одати бўйича тайёрла. Вақтида ухлаши учун ишларингни вактида тамомла. Чунки очлик кишини тажанглантиради, уйқусизлик эса, хафаликка сабаб бўлади.

7. Уйингдаги мол-мулк, жиҳозларни эҳтиёт қил, бу нарса сенинг ишбилармонлигинги кўрсатади.

8. Эрингни яқинларига чиройли муомалада бўл. Бу нарса сенинг яхши уй бекаси эканингни билдиради.

9. Эрингни сирларини зинҳор бировга айтма. Агар сирларини атрофга ёядиган бўлсанг, сендан ранжиди. Бевафолик йўлига кириб кетиши мумкин.

10. Эрингни ҳурмат қил, буйруқларини бажар, гап қайтариб унга қарши чиқма. Агар қарши бориб исён этсанг, жаҳли чиқиб ранжишига, ҳатто душман каби ҳаракат қилишига сабаб бўласан. Эринг фамгин ва хафа бўлган вақтида ўзингни хурсанд тутма, унинг фам-ташвишига шерик бўл. У хурсанд бўлса, сен ҳам шундай кайфиятда бўлишга ҳаракат қил.

Қисқаси:

Қизим! Эрингга қанчалик ҳурмат ва итоат этсанг, шунчалик суюкли бўласан. Қанчалик рози қилсанг, шунчалик муҳабbat кўрасан. Шуни ҳам таъкидлаб ўтишим лозимки, бу айтганларимни фақат унинг истакларини ўз ҳоҳиш-ҳавасларингдан, унинг розилигини ўз орзуларингдан устун қўйиш билангина уddeлай оласан».

Олимнинг хотини ўз турмуш тажрибаларига асосланиб қизига қилинган бу панд-насиҳатлари умуман эри билан ширин ҳаёт кечириш, оилани яхши бошқариш ва хузур-ҳаловатда хотиржам яшашни хоҳлайдиган ҳар бир аёл амал қилиши лозим бўлган ишлардандир. Бу насиҳат барча хонимларнинг қулоқларига қўроғиниң куюлиши, ўзлари мана шу ўгитларга мувофиқ йўл танлашлари керак.

Ояти каримда шундай тафсир қиласидилар: «Эр-хотин ўртасидаги севги фақат инсоний лаззатдан иборат эмас. У муҳабbat бевосита Аллоҳнинг лутфига оид кайфиятдир. Чунки нафсоний лаззатсиз ҳам муҳабbat давом этаверади. Агар эр-хотин орасидаги ришта фақат шахватдангина иборат бўлсайди, шахват бўлмаган вақтларда ўзаро келишмовчилик кучайиб айрилишлар юзага келарди». Демак, никоҳ севгига, муроса ила яшашга ва яхши ҳаёт кечиришга сабаб бўладиган ягона боғдир.

«Аёллар эркакларга Яратганинг омонатидир»

Пайғамбаримиз алайҳиссалом мусулмон эркак ва аёл ўртасидаги муомала-муносабатларни куйидаги Ҳадиси шарифларида баён этганлар: «Аёллар қовурға сұяғига ўхшайды. Уни түғриламоқчи бұлсанг, синдирасан. Ўз ҳолига құйсанг, яна ҳам әгилади. Эгри холда ундан фойдаланишиңг мүмкін».

«Бир киши аёлиға мұхаббат билан боқса ва аёли ҳам унга шу қайфиятда юзланса, Аллоҳ таоло иккаласынға ҳам раҳмат назары билан қарайди. Ва құлларини құлларига қўйғанларида иккисининг ҳам гуноҳлари бармоқлари орасидан тўкилиб кетади».

- Овқат еяётганда атрофдагиларга ҳатто кўз қирини ҳам ташламасин.
- Овқатни ўз олдидан есин.
- Секин-секин, яхшилаб чайнаб ейиш керак.
- Кийим-бошига тўқмасдан ейиши керак.
- Йўқчилик нималигини англаш учун ора-орада фақатгина куруқ нон едириш керак.
- Очкўзликка ўргатмаслик керак.
- Тушган нон ушокларини тўплаб ейишни ўргатиш лозим.
- Кося тагида овқат қолдирмасликка ва яхшилаб тозалашга тарғиб қилиниши керак.

Оддий кийим кийиш тавсия этилиши керак. Бола шулар асосида тарбияланмаса, овқатланиш одобидан хабарсиз улғаяди. Болага буларни ота-онасидан бошқа ким ўргатиши мүмкін? Болага булардан ташқари, ёлғончилик, ҳасад, ғийбат, қайсарлик, тарбиясизлик, одобсизлик ва қулоқсизлик каби ёмон хулқларнинг нималиги ва булардан қандай сақланиш кераклигини атрофлича тушунтириш. Уларнинг заарларидан қочиш йўлларини кўрсатиш керак.

Бола туғиши суннат, уни соғлом эътиқодда тарбиялаш фарзdir.

Тотув яшаш учун эрлар ҳам назарда тутиши лозим бўлган баъзи хусуслар бор:

- Ҳеч бир эр динимизнинг амр ва тақиқларидан ташқаридаги ишга хотинини зўрламаслиги керак.
- Ўзининг ҳам айбизз эмаслигини ҳеч унутмаслиги лозим.
- Ташқаридан жуда чиройли кўринган дилбарларнинг ҳам аслида фоят ёмон хулқлари бўлиши мумкинлигини доимо эсда тутиш даркор.

• Хотинига ҳамиша очик чөхра ва ширин тил билан муомалада бўлиши керак. Аёлнинг ҳамма хато-камчиликларини ҳам бетга айтавермаслик лозим. Ташки гўзаллик ўткинчи бўлгани учун эркак киши уйланётганида ахлокли, диёнатли, қалби гўзал аёлни танлаши керак. Яна оиласда ҳузур-ҳаловат бўлиши ва болаларининг яхши вояга этиши учун ота-оналар ҳадеб ёмон муомала ва азиятлар билан уларни осий қилиб қўймасликлари, ризога уйғун ишларида ёрдам беришлари даркор. Бу ишлар ҳар бир ота ва онага вожибдир. «Le Figaro Magazine» журнали (1999 йил 5 июнь) гарбда оиласнинг таназзулга юз тутганини, ажрашишлар сони тез суратда ошиб бораётганини ва инсонларнинг баҳтсиз эканликларини айтиб ўтади. Диндан узок, ҳаётни ўйин-кулгудан иборат деб билган оиласларнинг таназзули ҳақида тўхтади. Францияда 1975 йилда ажрашган оиласлар сони 50 мингтани ташкил этган бўлса, 1998 йилга келиб бу рақам 120 мингтага етган. Шунингдек, журналда католик мазҳабига мансуб христианларнинг ажрашиш ҳолатлари нисбатан камрок экани таъкидланиб, турмуш қуришни фақатгина жинсий эҳтиёжни қондириш воситаси деб биладиганларнинг фарзанд қўришига жиддий эътибор қаратмаслиги, уларнинг оиласи бузилиб кетишига сабаб бўлаётгани айтиб ўтилади.

ТИНГЛАШ ВА ГАПИРИШ

Аксарият мутахассисларнинг фикрига кўра, бугун оиласларнинг тинглашлари энг катта муаммо қарши томонни эшига билмаслик муаммосидир. Жуфтлар бир-бирини тушунишлари учун албатта, тинглашлари лозим.

Ўтказилган тажрибаларга кўра, инсонлар бир-бирларининг гапини 100% эшилсалар ҳам фақатгина 65% тинглашар экан.

Инсон эшилганларининг ҳаммасини ҳам англайвермаслигини хисобга оладиган бўлсак, бу миқдор яна ҳам тушиб кетиши маълум бўлади. Яхши тингловчи бўлиш учун дикқатни жамлаш лозим. Шунингдек, жуфтлар «тузоқли тинглаш»дан ҳам ўзларини тийишлари лозим. Яъни «гапирса-да, сўзларидағи хатони топиб овозини ўчирсан» деган фикрдан узок туришлари керак. Олиб борилган тадқиқотда 98 фоиз аёлларнинг эркаклардан кўпроқ «сўзли яқинлик» кутишлари, жаҳвларини чиқарадиган ҳаракат бу эрларининг уларни тингламаслиги экани маълум бўлди.

Албатта, бу қувонарли ҳолат эмас. Бироқ яхши тингловчи бўлиш ҳам у қадар мушкул эмас. Бунинг учун мутахассисларнинг тавсияларига риоя этишнинг ўзи кифоя.

- Турмуш ўртоғингиз билан сўзлашар экансиз, кўз алоқасини узманг.

Бу хаёлингизни жамлаб олишингизга ёрдам бериши билан бирга турмуш ўртоғингизни бутун дикқатингиз билан тинглаётганингизни билдиради. Кўзларига тикилиб уни тинглар экансиз: «Сен мен учун муҳимсан, фикрларинг ҳам мен учун аҳамиятли» деган бўласиз. Шунингдек, уни тинглаш вақтида бошқа машғулотга берилманг. Агар сизни жудаям қизиктириб кўйган бирор нарсани уқиётган, томоша қилаётган ёки бажараётган бўлсангиз буни унга тушунтиринг. Яъни: «Мен билан гаплашишга уринаётганингни биламан ва бу мени қизиктиради. Сени бутун дикқатим билан эшишишга тайёрман, бирок ҳозир эмас. Ҳозир мана бу ишни қилишим керак. Ишимни битириш учун ўн дақиқа кифоя, сўнг бирга ўтириб гаплашамиз» дейишингиз мумкин ва кўпчилик бундай муомалани хурмат қиласи.

- Тана «тили»ни кузатинг.

Тугилган мушт, титраётган қўл, кўз ёшлари, чимирилган кош ва кўз харакатлари қаршимиздаги кишининг нимани ҳис этаётганини билдирадиган аломатлардир. Баъзида тил бир нарсани айтар экан. тана тили бошқа нарсани сўзлайди. У аслида нимани ҳис этаётганини билиш учун ундан изоҳ талаб қилинг.

- Эътиборингиз сезилиб турсин.

Турмуш ўртоғингиз билан гаплашганда уни эътибор билан (масалан, тик, ўтириб, олдинга эгилган ҳолда) тинглаб ҳурматингизни кўрсатинг. Бир оила эканлигингиз унга нисбатан қўпол муомала қилишингиз мумкинлигини билдирамайди. Қўп йиллар ўтгач, турмуш ўртоғингиз сиз учун бошқалардан кўра кўпроқ қадрли кишига айланади.

- Тўйгуларни тингланг.

Ўзингиздан сўранг: «Турмуш ўртоғим нималарни ҳис этмоқда?». Саволингизга жавоб топсангиз буни тасдиқлатинг. Бу унга туйгуларини ошкор қилиш имконини беради. Айни пайтда унинг сўзларини дикқат билан тинглаётганингизни билдиради.

- Гапини яқунлашга имкон беринг.

Тадқиқотлар натижаси кишилар сухбатдошининг сўзини бўлмасдан ва ўз фикрини баён этмасдан, ўртача 17 сониягина чидаб тура олиши мумкинлигини кўрсатади. Ваҳоланки, хаёлимиздаги сўзлар гапни бўлиш ёки унинг гапини тугатишга уриниши алоқа бузилишининг энг осон йўли саналади. Тингланг ва такрор тингланг.

Умр бўйи бирга яшашни режалаштирган экансиз жавоб бериш учун, албатта имкониятингиз бўлади. Тинглаш сўзлаш қадар

аҳамиятлидир. Түрмүш ўртоғингиз билан сүзлашар экансиз, сизни банд этган турли хаёлларни четга суриб туринг. Кулок ва күзларингиз факат унга қаратылган бўлсин.

- Туйгуларингизни унга билдиринг.

Таъсирли алоқанинг энг муҳим ва кўпинча аҳамият берилмайдиган жиҳати туйгуларнинг тил воситасида ифодала-нишидир. Туйгуларни бор ҳолича ифодалаш яхши, аммо уларни назорат қилиш афзалроқдир. Түрмүш ўртоғингизнинг характеристи ва шахсияти ҳақида гапирганда ҳақорат сўзлардан фойдаланманг. «Сен ҳеч..» «Сен... қилмайсан», «...қилишинг керак», «...қилмаслигинг керак» каби сўзларни «лугатингиз»дан чикариб ташланг.

- Ечим топишда эҳтиёт бўлинг.

Карши томонга баъзида факатгина уни тингловчи қулок, жон йўлдош лозим. Муаммолари ҳақида сўзлаётган кишининг кўпинча гапиравчига эмас, тингловчига эҳтиёжи бўлади. Йўл кўрсатувчига эмас, эътиборга мухтожлик сезади. Куйида сўзлаётганда эътибор қилиниши лозим бўлган жиҳатлар санаб ўтилади:

1. Түрмүш ўртоғингиз билан гаплашганда, хаёлингиздан ўтаётган фикрларни ва туйгуларингиз (кўркув, ташвиш ва истаклар)ни тилга олинг. Зоро, туйгуларни ўзаро баҳам кўриш ўзаро якин алоқа ўрнатилишига йўл очади. Бироқ хаёлга келган нарсани гапириш түрмүш ўртоғингизнинг сўзларингизни ижобий қабул қила олишига ишонсангизгина мумкиндир. Сизнинг тўғри сўзлигинги ва очик кўнгиллигинги ижобий қарши олинмоғи лозим.

2. Ишора қилиш, воситали алоқадан ўзингизни тийинг. Хаёлингиздагини уқиб олишини кутманг.

3. Унинг фикрини билишга қизикиш ёки тахмин қилиш ўрнига ундан сўранг: «Нималарни ўйляпсиз?», «Нималарни ҳис этајапсиз?» сингари саволлар бўринг. Шунингдек, чегарадан чиқиб кетманг. Яъни агар түрмүш ўртоғингиз нималарни хаёл қилаётганини уқмоқчи, «Ишончим комилки, фильм сенга ёқмади», «Жаҳлинг чиқаяпти», «Худбин ва золимсан» деб танқид қилаётган бўлсангиз, ўғит бермоқчи ёки йўл кўрсатмоқчи бўлсангиз бу чегарадан чиққанингизни билдиради.

СЕВГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

- Уйга келганингизда ҳамма нарсадан олдин түрмүш ўртоғингиз билан сұхбатлашишга ҳаракат қилинг;
- Түрмүш ўртоғингизни кўзларингиз билан ҳам тингланг;
- Баъзи тортишувларда мағлуб бўлишга урининг;

- Түрмуш ўртогингизнинг бирор жойга бориш истагини қондиринг, яъни ҳеч бўлмаса ҳафтада бир марта бирга сайрга ёки овқатланишга боришга харакат қилинг. Кўпроқ бирга бўлишга интилинг;

- Туғилган куни ёки турмуш қурган кунингиз муносабати билан бўлмасада, турмуш ўртогингизга гул олинг. Ҳар куни уйғонганимизда заҳирамизда 1440 дақиқа бўлади. Бу дақиқаларни мазмунли сарфлаш ўзимизга боғлик. Унутманг, вакт инсонга ортиқча берилмайди. Бироқ вақт доимо мана шундай қисқа, бизнинг турмуш ўртогимиз ҳамда фарзандларимиз билан чиройли муносабат ўрнатишимишга имкон бермайди, деган фикр билан ҳам яшай олмаймиз.

Ҳар куни нималар қилганини кўрсатишнинг йўли

Кечқурун чарчаб уйга қайтган эр уйни бетартиб ҳолда кўрди. Идиш-товорқлар ювилмаган, дастурхон йиғиширилмаган, ўринлар бетартиб ҳолда, хамма нарса сочилиб ётарди. Устига устак, кечки овқат ҳам тайёрланмаган. Бу ҳолатдан ҳайрон бўлган эр балконга чиқарилган креслога ўрнашиб олиб китоб ўқиётган хотинидан сўради:

– Тинчликми, сенга нима бўлди, хотин?

– Тинчлик, – деди хотин маъноли кулиб. Ҳар куни кечқурун келиб менга «Кун бўйи нимаям қиласдинг?» дер эдингиз-ку. Мана нималар қилаётганимни бир кўриб қўйинг, деб бугун ҳеч нарса қилмадим.

Бола ўзини муҳаббатга тўлиқ ва қобилиятли ҳис этиши учун нима қилиш мумкин? Қуида ўзига хурматни шакллантирадиган йўллар кўрсатилган:

1. Фарзандингиз нима қилишидан қатъи назар уни қадрлашингизни билишини таъминланг. Уй уни назарида хавф-хатарга тўла дунёдан қайтганида севги ва ишонч маскани бўлсин. Сиз берадиган сигнал «Хона ифлос бўлишига, баҳоларинг паст бўлишига, қилган ишларинг нотўғри эканига қарамай, барибир, сени яхши кўраман», тарзида бўлиши керак. Уни яхши кўришингизни кўрсатинг ва фарзандингизнинг нотўғри хатти-ҳаракатларини тўғирлаш учун у тўғри бажарган юмушдан ишни бошлишингиз мумкин. Масалан, хонаси бетартиб ётган бўлиб, фақатгина ётоғини йиғиб қўйган бўлса, унга «Ётогингни йиғиб қўйганингдан хурсанд бўлдим, энди столингни йиғишириб қўй» деб айтинг.

2. Жаҳлингиз чиқишига нима сабаб бўлганини билдиринг. Тўрт ёшли фарзандингиз ўйинчогини бешикда ётган укасига отгани учун жаҳлингиз чиқкан, дейлик. Бу ҳолатда жаҳлингиз чиққанини қандай билдирасиз? Профессор Томас Гордон таклиф этган энг содда йўл «мен» дейишдир. Яъни «Сен жуда ёмон боласан!» ёки «Сен ахмоқсан» дейиш ўрнига «Сен шундай қылганингда мен ...ҳис этаман», «Сен ўйинчокларингни отганингда менинг жаҳлим чиқади. Ахир унга зиён етказишинг мумкин эди», дейишингиз мумкин. Яъни сиз бу билан фарзандингиздан эмас, унинг ножӯя ҳаракатидан жаҳлингиз чиққанини ифодалаган бўласиз.

3. Истагингизни очик ифодаланг.

Фарзандингиз ундан нимани истаётганингизни билиши лозим. Бу унга ёндош ҳаракатларни ўрганиши учун имкон беради. Масалан, «Ўйинчоқларингни уканг ётган бешикка қараб отмаслигинг керак. Бунинг ўрнига уканг ўйғонганида унга поездингни кўрсатишинг мумкин» шаклида изоҳлашингиз лозим. Истакларингизни очиқласига баён этишингиз ундан нимани кутаётганингизни тушунишини осонлаштиради.

4. Тинглашни ўрганинг.

Болаларнинг туйғулари, кузатишлари ва қабул қилиши тинглашга арзийди ва бу боланинг ўзига бўлган ҳурматини оширади.

Сизга бирор нарса айтмоқчи бўлганида ҳақиқатдан ҳам унга вакт ажратса олмасангиз ҳозир банд эканингизни ва албатта, вакт топишингизни айтинг. Гордоннинг «Фаол тинглаш» услубида кўрсатилгандек, фарзандингизни ёнингизга чакириб, уни эшитаётганингизни ва нима демокчи эканини тушунганингизни айтинг. Масалан, 7 ёшдаги қиз бола шундай дейиши мумкин:

Қиз: «Дада, сиздан жудаям жаҳлим чиқди, бошқа хонамга кирманг.»

Ота: «Жаҳлинг чиқдими?»

Қиз: «Ҳа, чунки сиз мени сирпанишга олиб бораман деган эдингиз, энди эса кеч бўлиб қолди».

Ота: «Ҳа тушундим. Сенга ваъда берган эдим, аммо устидан чиқолмадим. Бундан хафаман. Кечгача ишлаб сенга қўнғироқ килишини унутибман. Истасанг эртага боришимиз мумкин».

Фаол тинглашда оила бошликлари воқеаларга кўпроқ боланинг кўзи билан қарашга уриниши керак. Шунда бола ҳам ўз туйғуларига аҳамият берилаётганини англайди.

5. Фарзандингизнинг туйғуларига жиддий қаранг.

Фарзандингизнинг кўркув ва салбий туйғуларини рад этишдан кўра уларга жиддий қараб, уларни ўзи енгишига ва ҳал этишига изн беринг. Ўғлиниңг кўрқинчли ҳайвондан кўрқишини билган отанинг ёндашуви кўйида берилган.

Ўғил: «Дада, хонамга боролмаяпман, чунки у ерда маҳлуклар бор».

Ота: «Қани кўрайлик-чи, балки улар билан дўстлашиб олармиз. Маҳлуклар нима ейишни яхши кўради, биласанми?»

Ўғил: «Ширинликларни бўлса керак»,

Ота: «Бўлиши мумкин. Кел биргаликда уларга овқат берамиз. Улардан нима ҳоҳлашларини сўра. Нега сўрамаяпсан?»

Ўғил: «Улар инсонларни кўрқитишни ҳоҳлашади».

Ота: «Нима сабабдан?»

Ўғил: «Ўзларини кучли хис этиш учун».

Ота: «Агар у билан дўстлашсанг, сенга нима қиласди?»

Ўғил: «Мени ҳимоя қилиши мумкин».

Ота: «Менимча, у яхши дўст бўла олади, сенингчачи?»

Ўғил: «Ҳа».

Бу диалог орқали оилалар фарзандининг туйғуларини ёки нимага эҳтиёжи борлигини билиб олиши мумкин, бола энди маҳлук унга зарар бера олмаслигини кўриб янада ижобий фикрда бўлади. Энг муҳими эса боланинг хаёлида жонланган маҳлукдаги куч унга энди ҳамроҳ бўлади.

6. Боланинг мавжудлигини қабул қилинг. Мутахассислар оналарнинг баъзида дардга чалиниб ё бирор ҳаракат сабаб «Кошки эди бола туғмаганимда, у ортиқча юкнинг ўзгинаси, ортиқ чидай олмайман» тарзида нолишларининг хато эканини, айниқса, бу гаплар бир исча бор тақрорланганда бола ўзининг қабул этилмаётгани ва эътиборсиз қолаётганини сезиши мумкинлигини эслатиб ўтишади.

Айниқса, уйда янги туғилган чакалоқ бўлса ҳам, онанинг бундай сўзларни тилга олиши, ҳатто ёш гўдакка ҳам сезилиши мумкин. Бундай пайтларда болалар алоҳида эътиборга муҳтоҷ бўладилар. Оилалар яқинлари томонидан қўллаб-куватланиши ва фарзандининг борлигига эътибор қаратилиши лозим.

7. Ҳар куни таҳлил этиладиган бирор нарса топинг. Болалар ёмон иш қилганларида дикқатни тортиш ва яхши иш қилганларида эса макталишни истайдилар. Қилган ишлари кундалик бажариладиган оддий ҳаракат бўлса-да, унинг кимматини оширадиган нарса ҳаракатларининг тасдиқланишидир. Боланинг севги ва кобилиятларини уларга эслатиб турадиган баъзи ҳолатлар қўйида санаб

ўтилган. Интизомдан холи бутун оила биргаликда ейдиган кечки овкат. Ҳамма ўша куни қилган ишларини, ўрганганларини ёки ҳиссиётларини баҳам кўриши мумкин. Масалан, «Мактабга вактида бордим» ёки «Битта тошбақа топиб олдим» сингари. Ота-оналари ҳам уларга қўшилиб фарзандларининг муваффакиятларини тасдиқлашлари мумкин. Муаммоси бор болаларга бу орада «Бугун сенинг ажойиб иш қиласётганингни кўрдим. Оёқ кийимингни кийдинг ва боғичларини ўзинг боғладинг» деб уни суюнтириш. Яна овқат маҳали навбат билан ҳар бир фарзандга эътибор қилиниб, бошқалар унинг қайси томонини яхши кўришини айтиши мумкин. Масалан: «Сен ўрганган янги қўшиқ менга жуда ёқди» ёки «Бугун эрталаб айтганларинг менга қаттиқ таъсир қилди».

Фарзандларингизнинг хонасига, ваннахонадаги ойнага ёки фарзандингизнинг кўзи тушадиган бирор жойга уни севишингизни билдирадиган бирор расм ёки сўзлар ёзиб қўйишингиз мумкин. Кроватининг бошига эса унинг ўзига жудаям ёқадиган ёки бутун оила тушган битта ёки иккита расм кўйиб қўйилиши мумкин. Бу билан бола ҳар куни ётишдан аввал ўзининг қобилияти эканини ва яқинлари у билан бирга эканликларини эслайди.

8. Фарзанд билан ёлғиз вакт ўтказинг. Қўпчилик ота-оналар учун вакт жудаям тифиз саналади. Шунга қарамай, мутахассислар ҳар бир фарзанд билан алоҳида вакт ўтказиш лозимлигини билдирадилар. Дам олиш куни ташқарида нонушта қилиш ва нонуштадан сўнг табиат кўйнида бироз сайр қилиш мумкин. Баъзан эса у билан бирга ўйинчокларини ўйнаш ҳам фойдали бўлади. Укасидан қизғанадиган ва янги туғилган чақалоқ сабаб қуи ўринга тушиб қолган фарзандингиз билан алоҳида вакт ўтказишга ҳаракат қилишингиз лозим.

9. Фарзандингизнинг баъзи нарсаларни ўзи бажаришига изн беринг. Ота-оналар кўпинча, фарзандларининг бажаришга қийналётган юмушларини ўз зиммаларига олиб унга ёрдам бердим деб ўйлашади. Бу ёрдам «Сен бу ишни қилолмайсан. Бу сенинг қўлингдан келмайди» деган маънони билдиради. Бу эса фарзандингизнинг ўзига нисбатан хурматини пасайтиради. Болалар бирор ишни бажаришга чақирилиши лозим. Шунингдек, болаларга ўз муаммоларини ҳал этиш ва қобилияtlарини кашф этишлари учун фурсат бериш лозим. Ёрдам сўраганларида, аввало, уларни бу ишни бажара олишларига ишонтириш керак. «Қани, тугмангни ўзинг қадай оласанми, кўрамиз» дейиш мумкин. Ёки тўғридан-тўғри йўналтирилмаган тавсиялар

билирилиши мумкин. Масалан, «Бош бармогингни тешикдан ўтказсанг, тугмангни осонрок қадайсан».

10. Фарзандингизнинг шахсий буюмларига ҳурмат кўрсатинг. Ота-оналар фарзандларига берган ўйинчоқ ёки китобларни тез-тез назорат килиб турадилар. Масалан, бирор буюмнинг ташлаб юборилишига боладан кўра кўпроқ ота-оналар карор қиласдилар. Фарзандингиз ўша ўйинчоқни ўйнаш давридан ўтган бўлса-да, унга ҳали яна кўп йиллар давомида керак бўлиши мумкин. Шу боисдан. унинг буюмларини ташлаб юборишдан олдин рухсат сўранг.

11. Боланинг фикрларига ҳурмат кўрсатинг. Фарзан-дингиздан бирор мавзуда фикрини сўрашингиз унинг туйгулари, кузатишлари ва ўйлари сиз учун аҳамиятли эканини англатади. Айтайлик, базмга кетаётib нима кийишини ёки тушликка нима қилишини ундан сўрашингиз мумкин. Албатта, ҳар доим ҳам фарзандингиз билан фикрингиз бир хил бўлавермайди. Бироқ унга нима сабабдан бошқа қарорга келганингизни изоҳлаб берсангиз фикрлари бутунлай фойдасиз эмаслигини англайди.

12. Фарзандингиз ўз қобилиятини намоён қилишига имкон беринг. Ҳар бир муваффақият ва бирор ишни уддалаш боланинг қобилиятили экани ҳақидаги фикрини мустаҳкамлайди. Қанчалик кичик бўлишидан қатъий назар унинг муваффақияти қабул қилиниши ва болага у бажара оладиган юмуш берилиши лозим. Шунингдек, ота-оналар фарзандидан баъзи нарсаларни ўргатишини сўраши мумкин. Мисол учун янги компьютер ўйини қандай ўйналишини сўраш. Бунда мақсад аниқ, яъни унга «Сен қобилиятлисан» дейилмокда. Қариндошларга совға тайёрланар экан, унинг фикрини олиш ёки қўнғирок соат ёрдамида ўзи уйгона олиши кўрсатилиши мумкин. Фарзандингизнинг баҳолари унчалик яхши бўлмаса, унинг бошқа ижобий томонлари тақдирланиши лозим. Айтайлик, физика фанидан баҳолари паст бўлса, аммо вазифаларини бажаришга ҳаракат қилаётган бўлса ёки сиздан ёрдам сўраётган бўлса бу томонлар эътиборга олиниши лозим. Шунингдек, илмий салоҳияти яхши бўлмаган бола спорт ёки санъатда қобилиятили бўлиши мумкин. Уни қобилиятили эканлигини айтиб мақташ ва рағбатлантириш лозим.

13. Фарзандингизнинг танловларига ҳурмат кўрсатинг. Боланинг ўзига бўлган ҳурматини орттиришнинг яна бир йўли унинг танловлари ҳамда туйгуларини қабул қилишдан иборат.

14. Болаларга муҳими таналари эмаслигига ўргатинг. Болалар улғаяр экан, юзларида пайдо бўлган турли сепкил ва доғлардан ўзларини безовта ҳис қиласдилар. Ота-оналар уларга тана факатгина

устки қобиқ эканини, ҳақиқий аҳамиятга эга нарса эса ички дүнёлари эканини билдиришлари даркор. Уларни қийнаётган бу муаммолар вактнинчалик эканини ва унинг ёшида бизнинг ҳам бошимизга тушганини, аслида эса улар назоратимиз остида бўлган нарса эканини билдиришимиз лозим. Агар боланинг вазнида ва тери кисмида бирор муаммоси бўлса, уни қандай бўлса, шундайлигича яхши кўришимизни билдиришимиз керак. Агар у тўлишиб бораётганлигидан безовта бўлса, уни қўллаб-кувватлаш учун ўз ёрдамингизни таклиф қилишингиз мумкин. «Вазнингдан ташвишланаётганга ўхшайсан, агар ҳохласанг бундан кутулишнинг имкони бор» дейилса тўғри бўлади. Бирок «Рахмат, керакмас» деган жавобга ҳам тайёр туриш керак. Унга парҳез ёки машқ қилиш орқали озишини маслаҳат берсангиз мақсадга мувофик бўлади.

15. Бола одамови бўлса, унга кўмаклашинг. Айтайлик, фарзанд одамовироқ бўлиб вояга етаяпти. Бундай пайтларда ота-оналар эътиборни кучайтириш орқали уларга ёрдам беришлари мумкин. Уларни жиддий туриб тинглаш ва нима демоқчи эканликларини англаш, шундан сўнг нима демоқчи эканингизни билдиришингиз керак. Масалан, фарзандингиз «Мен аҳмоқман, ҳеч нарса қўлимдан келмайди» деганда «Аммо мен бундай деб ўйламайман, баъзи нарсаларни ўрганишинг учун ҳали кўп вакт керак бўлади, аммо шуниси аниқки, сен қобилиятлисан. Эслаб кўр, ўйинчок Камазингни ўзинг тузатган эдинг. Бунинг учун қобилият керак» деб жавоб беришингиз мумкин.

16. Мухаббатингизни жисмоний тарзда ифодаланг. Ота-оналар кучоқлаб эркалаши болада ўзига бўлган ҳурматнинг шаклланишига кўмак беради. Болалар бундай хатти-ҳаракатларга нисбатан ўта таъсирчан бўладилар. Уларга «Сени яхши кўраман» дегандан кўра, меҳр билан кучоқлаб ўпиб кўйишишингиз кўп нарсани ифодалайди.

17. Болалар билан бир савияда туриб гаплашинг. Болалар билан гаплашганда улар билан бир мавқеда туриб, юзма-юз сўзлашишга урининг. Шундай қилинмаса, у ўзини кичкина ҳис этиб, ота-онаси билан ўзи ўртасида масофа бор деган фикрга келиши мумкин.

18. Бир-бирига зид келадиган хатти-ҳаракатлардан тийилинг. Ота-оналар сўз орқали бошқа нарсани, хатти-ҳаракатлари билан эса бошқа нарсани ифодалаганларида мана шундай вазият юзага келади. Масалан, жаҳлингиз чиккан холда фарзандингизнинг юзига қарамай «Сени яхши кўраман» дейишишингиз, кўркканида кечаси ёнига келишишингиз мумкинлигини айтиб, бундан жаҳлингиз чиқиши фарзандингизни иккилантириб қўяди. Аввало, болага нисбатан

тўғрисўз бўлиш лозим. Жаҳлингиз чиқиб турганида буни унга сездирмаслигингиз керак. Фарзандга намуна бўлиш, унга айтган гапларингизга ўзингиз ҳам риоя этишингиз лозим. Берган ваъдангизнинг устидан чиқинг. Нимани ҳис этаётганингизни ёки ўйлаётганингизни унга айтишингиз лозим. Тилда ва амалда бир хил бўлишга интилинг.

19. Туйғуларингизни у билан баҳам кўринг. Болалар учун отоналарининг хотиралари, уларни хурсанд қилган ёки қўркитган эсдаликлари, қандай танишганликлари, фарзандли бўлиш қандай эканлиги ҳақидаги ҳикоялари қизик. Оиласвий ҳикоялар фарзандларнинг ўз аждодлари билан ғурурланишини таъминлайди.

20. Ҳар бир фарзанд ягона эканини уларга билдиринг. Болаларнинг ҳар бирига хос бўлган хусусиятларни ота-оналар кашф этиши ва буни уларга айтиши лозим. Бу билан болага яратувчанлик ҳамда ўзини шакллантиришга имкон берилган бўлади.

Болаларда ўзига бўлган ҳурматни шакллантириш у қадар осон иш эмас. Бунда иккита мухим омил синалган севги ва қобилиятни унутмаслик лозим. Бу икки туйғу озиқлантириб борилиши керак. Фарзандларимиз билан самарали муносабат ўрнатишимиш учун баъзи тавсиялар:

- Фарзандингизни эътибор билан тингланг;
- Фарзандингиз гапираётганда гапини бўлманг;
- Фарзандингиз гапираётганда жавоб беришга тайёрланманг;
- Фарзандингиз гапини тугатиб, сиздан жавоб талаб этгунига қадар фикрингизни билдиримай туринг;
- Эҳтиёж туғилганида доим фарзандингиз ёнида бўлишингизни билдиринг;
- Фарзандингиз сиз билан гаплашмоқчи бўлганда ўқиётган газетангизни ёпинг, телевизор кўраётган бўлсангиз, ўчиринг ва уни тинглашга тайёрланинг;

-Бошқалар олдида фарзандингизни танқид қилишингиз ёки огоҳлантиришингиз фарзандингизнинг сиздан ранжишига ва жахли чиқишига сабаб бўлиши мумкин ва бу билан унинг сизга бўлган ишончини йўқотган бўласиз. Фарзандингиз билан гаплашар экансиз, имкон қадар бошқаларни сұхбатингизга аралаштирунг ва у билан ёлғиз гаплашишга ҳаракат қилинг;

– Фарзандингиз билан сұхбатлашганда жисмоний жиҳатдан у билан бир савиядга бўлишга ҳаракат қилинг, тепадан қараш ўрнига эгилинг ёки тиз чўкиб кўзларига қаранг;

- Агар фарзандингиздан жаҳлингиз чиқкан бўлса, у билан гаплашишни кейинроққа қолдиринг. Акс ҳолда объектив муносабатда бўлолмай қолишингиз мумкин;
- Жуда ҳам чарчаган бўлсангиз, фарзандингизни эътибор билан тинглашингиз қийинлашади. Шу боисдан фарзандингиз билан сухбатлашишни ҳорғин бўлмаган пайтингизга белгиланг;
- Нотўғри ҳаракатларининг сабабларини эмас, уни келтириб чиқарган асл ҳолатларни суриштиринг;
- Мен сўзларимни тугатгандан сўнг гапирасан, сен учун нима яхши эканини яхши биламан, фақатгина айтганларимни қил сингари гапларни камайтиришга ҳаракат қилинг, чунки бундай муомала очик муносабат ўрнатишга тўсқинлик қиласи ва кейинчалик фарзандингизнинг сиз билан очик муносабат ўрнатиш эҳтимолини камайтиради;
- Ҳақоратловчи, шахсиятга тегадиган гапларни ишлатманг;
- Муаммонинг ҳал этилиши учун фарзандингизнинг аста-секин чора кўришда ёрдам беринг;
- Қилган ёки қилмаган ҳаракатлари билан улар устидан ҳукм чиқарманг. Фарзандингизга уни қандай бўлса, шундай қабул қилишингизни кўрсатинг;
- Фарзандингизнинг сиз билан муносабат ўрнатиш ҳаракатини қўллаб-қувватлаб, унинг давом этишига кўмаклашинг.

Бир мактаб очилса, бир қамоқхона ёпилади.

Бахт сенга тухфа қилиб берилмайди, йўл топиб, унинг кошига ўзинг борасан.

Одамларни қузат, ким ҳаммага ёқаётган бўлса, ўзинг кимни ҳавас қилсанг, сездирмай ўшанга тақлид килавер. Буюк янгиланишлар ҳамиша тақлииддан бошланган. Кийинишу ҳатти-ҳаракат, яшаш тарзигача яхши одамлардан зимдан ўғирлагинда, ўзингга юқтириб боравер, кимдан ўрганганинг эсингдан чиқкан кундан ўша билим ўзингники ҳисобланади.

Рўзгорингдаги энг катта бахт эр-хотиннинг бир-бирига ишончидир! Жуфти қўримсиз аёл баҳтсиз эмас, яхши едириб, яхши кийдиролмайдиган эркакка йўлиқкан аёл ҳам баҳтсиз эмас. Ҳатто фарзандсизлик доғини тортаётган аёл ҳам унчалик бетоле эмас. Аммо ўғлим, қулоқкинантда шу сўз жаранглаб турсинки, эри ичкилика берилган аёл дунёда энг баҳтсиз, энг ғамгин, энг бечора аёлдир!

Қиз бўлиб камолга етиб, сочини бирор марта майда ўрдирмаган ойим ўзбекликни даъво қиладими?

Кулокларингда бўлсин, ойим:

Оёкларинг остини жаннат деб баҳолайдилар, кийинишларингда, кўринишларингда уни ҳиди анкиб турсин. Умрингнинг поёнигача уйда юрсанг ҳам, кўзларингга сурма тортиғлиқ, қошларингда ўсма, чаккангарайхон қистириғлиқ бўлсин!

Атрофингдагиларни кўзини зериктириб, бир кийимни кунда кияверма, қиммати баланд бўлсада, ранггинга мос тушмаса, у либосни харид қилма. Оёқ, бош, устки кийимларнинг рангидабирбирига мутаносиблиги бўлсин.

Этаги ёки кийимнинг чоки сўклилиб юрадиган аёл – эпсиз ва завқсиз аёл, унинг қўлидан келадигани –борни йўқ қилиш!

Матонинг ёки кийимнинг ярашмайдигани йўқ, у шудсиз, зеҳнисиз аёлнинг қўлига тушсагина хунуклашади!

Жуфтингнинг кийимларини ечган заҳоти тозалаб, эртанги кунга ростлаб қўй.

Ой қизим, эътибор бер: тиш аталган тошдан кўргон ясаб. лаблардан дарвоза қуриб, тилни қамаб, бу ҳам етмагандек аклни унга пойлокчи қилиб қўйилмишdir! Бу чандон эҳтиёткорлик сени хушёрликка чорласин! Тилинг дилингдагини сотиб қўйгувчидир. Ногаҳонда хавфу-хатардан куткариб қоладиган ҳам, аксинча, бошиннинг балолар соладиган ҳам шу тилингdir! Бой бўлмасанг, сени бой қиладиган, ой бўлмасанг-да, сени ойдай қўрсатадиган-шу тил. Дунёда ким севимли бўлиб яшабди, тили туфайлиdir.

Тилинг омадингдир, қизим!

Сознинг, хонанданинг овозига қараб хуш кўрадилар, шундайми? Сен ҳам сўзлашганингда, аввало, овозингни энг чиройли пардасинитопиб гапир.

Сен одам танламагин, сўз танла. Топиб айтилган сўз душманни ҳам дўстга айлантира олади.

Кишини ўзига чорлайдиган –хусн, итарадиган эса сўздир! Дунёда сўзинг ёқимли бўлсин.

Телефон жиринглади. Гүшакка «Ало!» ёки «Эшиштаман!» ва ё русча усулда «Да!» эмас, «Лаббай!» дегин, жаҳл билан турган одам хам мумдай эрийди.

Рўпарангдаги одамга лутф қил, яъни кийими ёки иши ва ёки унга тегишли нарса ҳақида ёқимли фикр билдири. Аммо савол бераверма! Сўралмаган нарса ҳақида хикоя қиласкерма! Қиз боланинг яхшиси –кам гапириб, кўпроқ тинглайдигани!

Ҳеч қачон жуфтимни эгиб оламан деб ният қилма! Бу ёмон аёлнинг иши! Эрни ҳаммага маъқул бўладиган, хайрли ишларга етаклаш бошқа, бу ҳаракатнинг номи-дўсти содиқлик! Аммо уни факат ўзининг яхши-ю ёмон истакларини ижро этадиган лакмага айлантириб олиш олчоклик, хиёнатдир! Бундай аёл қайтимни фарзандларидан олади: яъни куни келиб ўғлонлари унга терс қараб кетадилар, қариганда ғарип бўлади.... Қўлинг буюрган ишингни ижро киласяпти, тилинг хоҳлаган кишингни эритиб бераяпти, оёқларинг истаган жойингга олиб бораётти. Бунинг шукронасини туну тонг айт!

Хулоса шу: никоҳ ўқилдими, бир рўзгорга кирдингми, мослашишинг керак. Бу ичувчи, урувчи ё лапашанг эрга ёки бўлмаса ивирик, шаллақи хотинга кўниб яшаш дегани эмас!

Ширин рўзгор яратиш учун, болаларинг армон қилмайдиган ота-она бўлиш учун, тинмай ўзингни қайта ишлашинг шарт! Ва жуда эҳтиёткорлик билан, дилини оғритмайдиган тарзда жуфтингни ҳам ўзгартириб боришинг бурчингдир!

Тил топиша олган, бир-бирига ҳурмати, муҳаббати (мехри) бўлган қайнона-келин нақадар баҳтиёр!

Келинларнинг вазифалари:

– Вақти келиб ўзлари ҳам қайнона бўлишларини асло унумасликлари лозим. Турмуш ўртоғи ҳам бир онанинг, яъни қайнона(си)нинг боласи эканлигини, ўзлари болаларига қандай боғланганлигини эсда тутишлари зарур.

– Қайнонага ҳурмат ва муҳаббат бўлиши лозим. Чунки у севган инсоннинг онаси. Қайнонанинг хурсандлиги эрни мамнун қиласди, оилани мустаҳкамлайди.

– Қайнонанинг баъзи терс гапларини ўзига олмаслиги, эътибор бермаслиги керак.

– Ёшдаги фарқни хисобга олиш, қайнонанинг хоҳиш-истаклари, ҳаракатлари шунга боғлиқлигини унумаслиги зарур.

– Қайнонаси билан муносабати яхши бўлганида эри билан кўнгилдагидек яшашни хис килиши керак.

– Байрамларда, одатий кунларда қайнонани тез-тез йўқлаб, кўнглини олиши керак.

– Эрининг ота-онасини тез-тез кўргиси келишидан норози бўлмаслиги лозим. Ўзининг ўғли оиласи бўлгач, тез-тез йўқлаб турса курсанд бўлишини тасаввур килиши керак.

– Қайнонаси билан сен-менга бориб қолса, аввало, ўз харакатларини ўйлаб кўриши лозим. Маъноли нигоҳлар, чақиб оловучи сўзларнинг сабаби ҳақида фикр юритиш зарур. Масалан, келиннинг кийими қайнонасига ёқмаса нима бўлибди, асосийси ўзи ва турмуш ўртоғига ёкишидир.

– Дастлаб бундай йўл тутиш, эшитиб эшитмасликка олиш қийин бўлади, аммо аста-секин кўницилди. Оиладаги осойишталикини таъминлаш учун шундай харакат қилиш керак бўлади. Гоҳо ноўрин ранжитса-да, қайнона эрнинг онаси, фарзандларининг бувиси-да!

Қайнонанинг қилиши керак бўлганлар:

– Ўзлари хам бир пайтлари келин бўлганликларини, анча-мунча азият чекканларини унутмасликлари лозим.

– Ҳадеб келинни тергайвермаслиги керак.

– Инжиқлик қилавермаслиги, ҳар нарсага аралашавермаслиги лозим.

– Келинларига алоҳида яшаш ҳуқукини беришлари лозим. Уларни ўз эркига кўйиб карорларини ҳурмат қилишлари зарур.

– Келинларнинг арзимас хатоларини кўрмасликка олиши, ёмонини яшириб, яххисини ошириши хайрлидир.

– Келинни ўзи билан ўғли орасидаги бегона деб билмаслиги зарур.

– Келинни ҳурмат қилиши, қизи деб ҳисоблаши керак.

– Келини билан орасида ёш ва авлод фарки борлигини назарда тутиб ўзига маъқул келмаган гап-сўз ва ҳаракатни шундай кўриши лозим.

– Ўзининг келинлик пайтларини эслаб, келинидан айнан шундай эҳтиром ва меҳр кутмаслиги лозим. Вакт ўтганини, муносабат ва мезонлар ўзгарганини унутмаслиги керак

– Келинни паноҳ излаган сифиндиц кўрмаслиги, ранжитмаслиги лозим.

– Келиннинг яхши ишларини мақтаб кўнглини кўтариши зарур.

— Келиннинг қариндош-уруғлари билан тез-тез кўришиб туришидан жаҳли чиқмаслиги керак. Ўзининг турмуш қурган қизи уйга келганида қанчалар қувонишини унутмаслиги лозим.

Ўғил нима қилиши керак?

Эр тинчлантирувчи бўлиши, рафиқаси ва онасининг гапларини бир-бирига етказмаслиги зарур. Рафиқаси ва онасининг бир-бири хақидаги ёмон тасаввурларини йўқотиш керак.

Янада баҳтлироқ бўлиши учун қурилган иккинчи оила олдинги баҳтдан ҳам маҳрум қилиш баробарида эр-хотинни депрессия (рухий инқироз, зўриқиши)га ҳам маҳқум қилиши мумкин. Тарихий манбалар пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг куёви Алининг иккинчи хотин олишига қаттиқ қарши бўлғанларидан хабар беради. Ҳазрат Али Абу Жаҳлнинг қизи ал-Авра (ёки Жувайрия) билан турмуш курмокчи бўлади. Бу масалада ҳазрат пайғамбаримиз билан кенгашдилар. Пайғамбар алайҳиссалом бунга изн бермайдилар ва «...Абу Толибнинг ўғли (яъни Али) қизим билан ажрашади, шундан сўнгина уларнинг қизига уйланади» дейдилар. Ибн Саъд «Пайғамбарнинг бу фикрлари-га қарши чиқиши қизи Фотиманинг хафа бўлиши сабабли» дейди.

Бошқача изоҳлар ҳам мавжуд. Фикримизча, бу ривоят пайғамбаримизнинг якка никоҳ тарафдорлари бўлғанларини ифодалайди. Лекин ўша даврдаги шарт-шароитлар, вазият пайғамбаримизнинг кўп маротаба уйланишга мажбур қилган.

Пайғамбаримизнинг кўп хотинликлари Мадинада яшаган пайтларида бўлган. Мадинада ташкил топган ислом давлати бир томон-у, бутун Арабистон бир томон эди. Курайш қабиласининг Араб ярим оролидаги нуфузли ва пайғамбар алайҳиссаломнинг Янги давр бошланганлиги бу минтақада яшовчи кишиларни Мадинадаги давлатга қарши оёққа турғизган эди. Пайғамбар алайҳиссалом ҳамма билан сулҳ тузиш, келишишни истар эдилар. аммо ракиблар курашни афзал кўрдилар. Бу кураш битиши кийин бўлган ижтимоий жароҳатларга йўл очди. Арабистонни жаҳолатдан қутқариш ва бу минтақада исломни ёйиш пайғамбар алайҳиссаломнинг Мадинада кўп хотинли бўлишларининг асл сабаби ана шу эди. «Куръон»да Мадина даврида бўлиб ўтган Аҳзаб жангига ҳақида сўз юритилади. Баъзи тарихчилар уни «Хандақ жангига» ҳам дейдилар. Бу жангда бир томонда 3000 кишилик ислом қўшини, бошқа томонда эса «Куръон» таъбири билан айтганда бутун Арабистоннинг тимсоли бўлган азҳаб (партиялар, гурухлар) бор эди. Мақсадлари Мадинада ташкил топган

бу давлатни тарих саҳнасидан ўчириш эди. Лекин буни амалга ошира олмадилар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом исломга қарши турган кўшин йўлбошлиси бўлган Абу Суфённинг тул қизи Умму Ҳабибага уйландилар. Ибн Аббос «Балки Аллоҳ орангизда дўстликни пайдо қилас» ояти шу воқеа ҳақида эканлигини айтади.

Ҳандақ жангиди маккаликлар билан иттифоқ тузган душман жамоалардан бири яҳудийлардан ташкил топган эди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом яҳудийлар сардорларидан бири Ҳуей Аҳтабнинг тул қизи Сафия билан ҳам турмуш курғанлар. Бу ҳаракатнинг сабаби ҳам сиёсий барқарорлик эканлиги маълум.

Ҳандақ жангиди Мусталик ўғилларининг душманликларини янада кучайтиради. Пайғамбаримиз бу қабиланинг бева аёлларидан бири бўлган Жувайрияга ҳам уйланадилар. Бу никоҳдан сўнг мусулмон аскарлари Мусталик ўғилларидан асир тушганларини озод қилдилар. Шундан сўнг қабила исломни қабул қилди. Ҳазрати пайғамбарнинг хотинларидан бири Зайнаббинти Ҳузаймадир. 7-8 ойлик оиласидан ҳаётдан сўнг вафот этган. Кейинроқ пайғамбаримиз алайҳиссалом Зайнабнинг ўғай синглиси Маймуна бинти ал-Хорисга уйланганлар. Маймунанинг турли қабилаларнинг хурматли кишилари билан оила курган саккизта синглиси бўлганлиги ривоят қилинади. Бу ривоят пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳам Зайнабга, ҳам Маймуна га уйланиш сабабларини изоҳлади.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг икки жорияси бўлган. Булардан бири Мисрлик Муқавқас ҳадя қилган Мориядир. Пайғамбари миздан Иброҳим исмли ўғил кўрган. Иккинчиси асирлардан бўлган Райхонадир. Пайғамбаримиз уни озод қилганлар ва унга уйланганлар. Қўриниб турибдики, пайғамбаримиз жория тутишга иштиёқманд бўлмаганлар. Бу икки жория ҳам исталмаган шароитларда олинган, кейинчалик озод этилган.

Хулоса қилиб айтганда, «Қуръон» соглом муҳитда бир никоҳлиликни ёклайди. Агарда жангу жадаллар ёки бошқа сабаблар билан эрқаклар камайиб кетган бўлса, бева аёллар, етимлар қаровчисиз қолган бўлса биттадан ортиқ никоҳга ҳам изн берилган.

1839-1876 йилларда Бурсадаги архив материалларини ўрганган доктор Абдураҳмон Курт усмонли оиласидан ҳақида шундай ёзади: «Биттадан тўрттагача хотин олиш мумкин бўлса-да, 361 эрқакдан 353 тасининг (97,8%) бир никоҳли, 8 тасининг кўп хотинли (2,2%) эканлиги назарда тутилса, жамиятда бир никоҳлилик амалда экан дейиш мумкин. Ислом кўп хотинлилик изни турли вазиятларни

назарда тутади, албатта. Аммо тавсия этиладигани бир хотин билан яшаш».

Эр-хотин турмуш ўртогини бошқаларга қиёсламаслиги лозим. Чунки ҳар бир нарсада ўзига хослик бор. Ўз турмуш ўртогининг яхши томонларини кўриб, шу билан ўзини баҳтли хис қилишга харакат қилмоғи зарур.

Аёлнинг оиласи садоқати ҳар қандай маданиятнинг илк босқичи ва чўккисидир.

– Эрингизга ёқтирадиган исм ва сифатлар билан мурожаат қилинг.

– У яхши кўрадиган таомларни ширин қилиб пиширингки, у уйини соғинсин.

– Эрингиз уйдан чиқаётганида уни кузатиб қўйинг, кечқурун ишдан қайтганида эса очиқ юз билан кутиб олинг.

– Эрингизга гўзал қўринишга харакат қилинг.

– Иффат ва ҳаёни сақланг. Энг гўзал либос тақво эканини унутманг. Ҳар бир ишимизни кузатиб турадиган Аллоҳни ўйланг.

– Эрингиз ва фарзандларингиздан меҳр-муҳаббатингизни аяманг. Ўйнинг суюнчиғи бўлинг. Эрингиз уйда йўқлигига бехавотир, қўнгли хотиржам бўлсин.

– Эрингизга доимо ташаккур айтишни унутманг. Кучи етмайдиган ишларга ундуманг, бошқаларга шикоят қилманг.

– Эрингизнинг ишларидан боҳабар бўлиб, унинг қувонч ва қайғуларига шерик бўлинг.

– Эрингизнинг рухсатисиз у изн бермаган жойларга борманг.

– Камхарж бўлинг, исрофгар бўлманг. Оғир дамларда ҳам эрингизга қарши бош қўтарманг.

– Озода ва тартибли бўлинг. Эрингизнинг кийимларини тоза ва дазмолланган ҳолатда сақланг.

– Эрингизнинг қариндошлари ва яқинларига яхши муомалада бўлинг.

– Қайнонангизни тажрибали она сифатида кўриб ҳурмат қилингки, эрингизнинг сизга нисбатан меҳри ошсин.

– Онангизнинг уйига кераксиз ва кўп бормангки, уйдаги ишларингиз оқсамасин.

– Фарзандларингизни одоб-аҳлоқли қилиб вояга етказингки, бошқалар ҳам сизни яхши инсон сифатида тилга олсин.

Күёвга мактуб.

– Уйдан чикаётганингизда хотинингиз билан хайрлашинг. Унинг кўнглини хуш тутиング.

– Хотинингиз кўзларини тўрт қилмай, ўз вақтида ишдан вақтлироқ қайтинг.

– Ташқарида еб-ичганингиздан уйингизга ҳам олиб келинг.

– Хотинингизнинг камчиликларини бошқаларга айтманг, унинг яхши томонларини эсланг.

– Оиласигизни пулсиз қолдирманг, уларни бошқаларга муҳтож қилманг.

– Ишдаги муаммоларни уйга кўтариб келманг.

– Тўй ёки саёҳатга борганда, иложи бўлса, хотинингизни ҳам олиб боринг.

– Уйга салом бериб, табассум билан келинг. Уйдагилар сизнинг келишингиздан севинсин.

– Ғайратли ва рашкчи бўлинг, аммо ёмон шубҳага борманг. Айб ва камчилик қидириш билан машғул бўлманг.

– Инсофли бўлинг. Кучи етмайдиган ишларни хотинингиздан кутманг. Зарур бўлса унга кўмаклашинг.

– Бирор нарсага қарор килишда хотинингиз билан ҳам маслаҳатлашинг. Кутилмаган совгалар бериб унинг кўнглини олинг.

– Уйланиш дунёга муқкасидан кетиш дегани эмас, охиратингизни унутманг. Ватан ва инсонийлик йўлида меҳнат қилишни тарқ этманг.

– Яхши билингки, ҳалол меҳнат билан топилган пул оз бўлса ҳам ҳаромдан топилган кўп пулдан баракали бўлади. Ҳаром еманг, хотинингиз ва фарзандларингизга ҳам едирманг.

Келиннинг онасига мактуб.

– Қизингизни ҳимоя қилманг. Оиласидан шикоят қилиб келса, бунга аҳамият берманг. Күёвингизнинг яхши томонларини гапиринг.

– Қизингизни уйига кўп борманг, ҳурматингиз ошади. Аммо невараларингиз бўлса, ёрдамлашишни эсдан чиқарманг.

– Қизингиз ва невараларингизда күёвингиз ота-онасининг ҳам ҳаққи борлигини унутманг.

– Қудаларингизни қариндош деб билинг. Уларга ҳурмат кўрсатинг.

– Күёвингизни ўғил ўрнида кўринг. Уни вақти-вақти билан йўқлаб, кўнглини хушлаб туринг.

Күёвнинг онасига мактуб.

– Келиннингизни қизингиз ўрнига қўйинг.

– Келинингизга оналик қилинг, унинг камчиликларини қидирманг, кўп насиҳат қиласверманг. Сизни яхши қўришига эришинг.

– Ўзгаларнинг келинингиз ҳақидаги миш-мишларига дарҳол ишонманг.

– Уйдаги оддий ишларни ўзингиз бажаринг, ҳамма нарсани келинингиз зиммасига юкламанг. Умумий ҳолатни ўз даврингиз билан қиёсламанг.

– Келинингиздан яширинча ўғлингиз билан сухбатлашманг, келинингиз хавотирга тушмасин. Унинг ишончини қозонинг. Ҳар икки оила аъзоларига, келин ва куёвга саодат ёр бўлсин.

Икки ёш турмуш қурганларидан сўнг уларнинг асосий мақсади фарзанд қўриш ва баҳтли ҳаёт кечириш бўлиб ҳисобланади.

Аёл киши ҳомиладор бўлганидан сўнг айрим қайнота, қайнона, эрлар бўлажак фарзанд неварани ўғил бўлишини хоҳлайдилар. Агар фарзанд ёки невара қиз бўлиб қолса, ҳатто ранжийдилар ва айрим ҳолларда эр-хотин орасига совуқчилик ҳам тушади. Наҳотки норози бўлган қайнота, эр ўзи хотин кишидан пайдо бўлганини, дунёда энг азиз инсон она деб юрганини ёддан чикарса. Ҳўп майли, худо қиз фарзанд ато этса баҳтли ҳаётни барбод этиш керакми, деган савол туғилади. Йўқ албатта. Айрим қизлар, оиласа ўғил болаларга нисбатан қўпроқ завқ, шавқ, баҳт келтиришлари мумкинлигини эсдан чиқариш номардликдир. Номардлар севикли шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг қўйидаги «Қай ўғилдан камдир қизингиз» номли шеърини ўқиб, ёдлаб олишини хоҳлар эдим:

Қай ўғилдан камдир қизингиз

Қиз йўқ уйда сарин сабо эсмайди,
Қиз йўқ уйда жамбил-райхон ўсмайди.
Гоҳо ўғил ўз ишидан ортмайди,
Қиз отасин ҳар қадамда эслайди.
Қўзларига сургай юрган изингиз,
Қай ўғилдан камдир, айтинг, қизингиз.

Қиз бор уйда тонглар эрта отмайди,
Томда офтоб, айвонда ой ётмайди.
Ўғил қандай дўст бўлади, билмадим,
Қиз дўст бўлса-сирингизни сотмайди.
Оғир кунда жовдиратмас қўзингиз,

Қай ўғилдан камдир, айтинг, қизингиз.
Умр дарё, толега ким кафилдир,
Қизнинг борар жойи бўлак соҳилдир.
Қиз дардига етмаганлар ғофилдир,
Қиз бор уйда ёруғ бўлар юзингиз,
Қай ўғилдан камдир, айтинг, қизингиз.

Дунё кўрки шу кўзлари шахлолар,
Қизлар билан чаманзордир сахролар.
Бир қайрилиб, Қайсни Мажнун айлаган,
Тоҳирларни Тоҳир қилган Зухролар.
Қиз туфайли бутдир ризку рўзингиз,
Қай ўғилдан камдир, айтинг, қизингиз.

Айтинг, кимнинг паймонаси тўлмаган,
Қиз бор-ота ёт бағрида ўлмаган.
Ўғлим йўқ деб ўқинганлар адашган,
Қай ўғилдан камдир, айтинг, қизингиз.



Мактабдошлар ҳаётидан.



Никоҳдан ўтиш маросими.



Акам Мирортиқ Мұмінов географ – профессор.



Аспирантлик даври.



Оиламиз орасида.



Академик Восиқ Қобулов билан анжуманды.



Ўзбекистон Қаҳрамони –
Эркин Воҳидов мажлис президиумида.



Ўзбекистон Қаҳрамони офтальмолог –
профессор Холидбек Комилов.



Акам Рихситилла, Лолахон,
Асаджон ва мен Москвада.



Менинг 50 ёшлик юбилейимда.



Полковник Абдусали Ғаниев (чапда)
профессор Қаҳрамон Аллаев (ўртада)
профессор Шавкат Раҳимов (ўнгда).



Академик Тўлқин Бекмуротов билан бирга.



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов билан суҳбатда.



Неъматилла Мўминов Наврӯз байрами шодиёнасида.



ТАТУ нинг 50 йиллик юбилейи тантанасида.



Олинган натижадан мамнунлик профессор Содиқжон Қосимов.



Мосстанкин институтида тажриба ўтказиш жараёни.



Мирюнус, Мирюсуф, Миразам, Мирҳайит, Миразиз,
Мирмўмин ва Мирабдулла сулолалари.



а)



б)

Неъматилла Мўминов
а) шахсий кутубхонада, б) иш жараёнида.



Каминанинг 70 йиллик юбилейида.



Китобнинг 1-Тошкент педагогика колледжининг педагогик кенгашида таҳлил этилиши. Чапдан: 1. Кафедра мудири Ш.Шоҳамидов, колледж директори Ш. Қурбонов, ўкув ишлари бўйича директор ўринбосари М.Мирхусанова, мен ҳамда колледж директорининг маънавият ишлари бўйича ўринбосари М.Тошев



Оромгоҳда оилавий дам олиш оила бахтидир

ХХ. УМР САБОҚЛАРИ

Она ҳақида ҳар қанча улуғ фикрлар билдиримайлик оз, албатта. Чунки түккиз ой давомида ўз бағрида сақтайди ва даҳшатли жар ёқасида туриб болани туғади. Уни озиқлантиради, ювади, кийинтиради, ардоқлайди, ҳар бир нафас олиши ва қадамида бевосита қатнашади. Ҳар бир мулокотда болага у ёки бу тарбия сабоқларини ўтказади. Шунинг учун бола тарбиясида онанинг роли бекиёс деб айтилади. Албатта, бунинг учун онанинг ўзи тарбияланган, одоб, ахлоқда ўрнак бўладиган, идрокли, зукко, дунёвий, хушфеъл бўлиши талаб этилади. Шунинг учун бўлса керакки, мархум академик М.Т.Ўрзобоев Тошкент политехника институтида ректор бўлиб ишлаганида, абитуриентларни қабул этиш жарённида қизларга кўпроқ имтиёз беришни таъкидларди, унинг бу фикрига «вилоятдан келиб таҳсил олаётган қизларга имтиёз берган билан улар иккинчи ёки учинчи курсдан турмушга чиқиб, ўқишини ташлаб кетадилар» деган эътиrozларга, академик шундай жавоб берар экан: «иккинчи, учинчи курсдан ўқишини ташлаб турмушга чиқиб кетсалар ҳам, ушбу қизлар бўлажак оналардирлар, фарзандли бўлиб болаларни боққанида, озгина бўлса ҳам институтда олган билимлари аз қотади-ку, бу жамият тараққиётига қўшилган хисса эмасми», деган эди.

Бола тарбияси она қорнидаги вактдан бошланади, демак она боланинг тарбиясига қизлик давридаги хулқи, ахлоқи, ҳомилалик давридаги унга оила аъзоларининг муносабати ва қолаверса атроф мухитнинг, ётиш-туриш шароитининг, мусиқа садоларининг бевосита таъсири бўлади.

Масалан, Исройлда боланинг З ойлигидан мулокотли тарбияси бошланар экан. Шунинг учун ҳамма, фарзандларга ҳам инчунун қиз болага ёшлигидан алоҳида эътибор қаратиш, жамият ривожининг асосларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шу боис қиз болага ҳам, оналарга ҳам қадр-қиммат ва ҳурмат билан қарашимиз уларни доимо эъзозлашимиз ҳаёт талабидир.

Инсонларнинг айримлари тарки дунё қилишга аҳд қилишади. Бунинг сабаблари қуйидагича бўлиши мумкин:

- биринчиси дунё воқеаларидан воз кечиш;
- иккинчиси ўзини-ўзи ҳаёт учун курашда бошқара олмаслиги;
- учинчиси унинг ёнида тарки дунё ўрнига, бирор бир касб эгаси бўлиб ҳаёт кечириш йўлини тушунтирувчи инсон бўлмаслиги;

– тўртингиси – тарки дунё қилиб дарвешлик қилишда илоҳийликка ишонмаслиги.

Айрим инсонлар ўз-ўзига қасд киладилар. Бунинг сабаби қуидагича бўлиши мумкин:

– Биринчиси – ўзини ўзи бошқара олмаслиги;

– Иккингиси – ўзи содир этмокчи бўлган воқеликни тагтомирини тушуниб етмаслиги;

– Учинчиси – хаётдан безганлиги сабабларини саёз тушуниши ва тахлил этиш қобилиятининг етишмаслиги;

– Тўртингиси – психологик носоғлиги;

– Бешинчиси – меҳрибон оила аъзолари ёки дўстларининг йўклиги;

– Олтинчиси – зурриёти йўклиги ва бўлса ҳам унинг келажагини ўйлай олмаслиги;

– Етtingchisi – аҳмоқона (аҳмоқ бўлмаса щундай қиласмиди) аламзадалиги;

– Саккизингиси – Куръонда ўзига-ўзи қасд қилишилик дўзахга равона бўлишлик эканлиги таъкидланганлигини билмаслиги.

Ҳамма ғоянинг ижобий ва салбий томонлари бўлганидек, ҳамма янгиликнинг ҳам ижобий, салбий томонлари мавжуддир мисол сифатида:

Музлатгич – маҳсулотларни бузилмаслигини таъминлайди, бу ижобий томони, салбий томони эса электр энергия сарфини кўпайтиради, бехос терлаб келиб музлатгичдан суюқлик ёки бошқа нарсани истеъмол қилиб кўйсангиз сизни касалликка чорлайди.

Кондиционер – хонани совитиш ёки иситиш учун хизмат қиласди. Бу унинг ижобий томони, салбий томони эса хонадаги кислород микдорини камайтиради, ёз даврида кишини қаттиқ шамоллатиб кўйиши, электр энергия сарфини кўпайтириши мумкин.

Памперс – болаларни ҳўлланиб қолишдан сақлайди бу ижобий томони, салбий томони эса памперс мўлжалдан узоқроқ тутилса, бола жинсий органига нохуш таъсир этади

Компьютер – турли хил маълумотлар базасини яратиш, хоҳлаган ахборотни киритиш ва керак бўлганда ўз вақтида олишга хизмат қиласди, бу ижобий томони, салбий томони эса электр энергия сарфини кўпайтиради, инсон соғлигига, кўзига, мия ва юрак фаолиятига нохушликлар келтиради.

Бундай мисолларни чексиз келтириш мумкин.

Хулоса: абсолют ижобий, абсолют салбий инсон, гоя, раҳбар, маҳсулот ва шу кабилар бўлмаганидек, абсолют ижобий ёки абсолют салбий янгиликлар ҳам бўлмайди.

Азал-азалдан оиласда энага тутиш одат бўлган, нима учун деган саволга жавоб бор, биз шу жавобни баён эттиришга ҳаракат киласиз.

Россияядаги зодагонлар энагани ҳатто Олмония, Франциялардан олиб келишган. Демак, энагага бўлган талабда цивилизация роль ўйнаган. Улар энагалар катори, оила фарзандларини турли хил касбларга, масалан, қиличбозликка, отда чопишга, кураш тушишга ва шу кабиларга ўргатувчи маҳсус жавобгарликни ҳам ўз бўйниларига олишган. Агар энага билан маҳсус шахслар бажарадиган ишларни, жумладан, она ёки отаси бажарса, масалан, оила кизи ёки ўғли отдан йиқилиб тушса ёки қиличбозликда фарзанднинг у ер, бу ери тилиниб кетса, бунга она гувоҳ бўлса, иккинчи марта фарзандини отга миндирмаган, қиличбозликка йўл қўйдирмаган бўлар эди.

Демак, фарзандлар тарбиясида маҳсус шахслар, энагалар, муаллим-у, домлаларнинг тутган ўрни бекиёс экан. Айтишларича, Муҳаммад пайғамбаримиз ҳам 5–6 йил энага қўлида, тоғ шароитида тарбияланган эканлар.

Хозирги кундаги репетиторлик касби ҳам фарзандни билимга, касбга ўргатишдаги муҳим босқичлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бир инсон жуда кўп ташкилий лавозимларда фаолият кўрсатиб, охир-оқибат ўз фаолияти ўзига ёқмай қолибди. Ва кунлардан бир куни донишманд олдига бориб, ўз ҳасратини тўкиб солибди. Шунда донишманд билан мурожаат этувчи инсон орасида куйидаги мулокот бўлиб ўтибди:

Донишманд: – Сен янги келин тушган хонасини кўрган-мисан ?

Мурожаат этувчи: – Ха, кўрганман.

Донишманд: – Келин уйида қандай нарсалар бўлади?

Мурожаат этувчи: – Кўрпа, ёстиқ, кўрпача мебеллар бўлади.

Донишманд: – Яна нима бўлади?

Мурожаат этувчи: – Гиламлар бўлади.

Донишманд: – Келин эрта тонгда нима иш билан машғул бўлади?

Мурожаат этувчи: – Келин эрта тонгда туриб, хонадаги гиламни, хона остонаси ва ҳовлиларни супуриб тозалайди.

Донишманд: – Гилам, остона ва ҳовлиларни келин нима ёрдамида тозалайди?

Мурожаат этувчи: – Супурги билан.

Донишманд: – Энди мени синчковлик билан тингла. Супурги алмашаверади, гилам эса ўзгармай қолаверади, ҳоҳишинг ва интилишишинг бўлса ёки бир касбнинг эгаси бўл ёки илм билан шуғуллан. Ана шунда сен узоқ вакт гиламдек сақланишишинг мумкин.

«Туккан она эмас, боқкан она», деган накл айрим ёшларга ёкиб қолганми, ҳомиладор бўлиб олиб, фарзандини қаерга беркитиш ёки ташлаб кетиш йўлини қидириб юришади. Фарзандларининг ахволи эмас, бир кунлик маишатни устун кўрадиганлар ҳам бор.

Киши бошига ташвиш тушганида оила аъзолари, ёрудўстларнинг кимлиги қўёш нуридек аник бўлиб колади. Демак, ҳар кунги гурунглашиб, ҳарала-тараладан ташқари «ёмон» кунингизни ҳам эсдан чиқаришишингиз керак эмас.

Ибн Сино тўрт ёшида Куръонни ёд олган.

Александр Толстой олти ёшида француз, немис, лотин ва грек тилларида шеър ёзган.

Паскал ўн беш ёшида биринчи илмий ишини ҳимоя қилган.

АҚШнинг Ганадаги элчиси бўлган Ширли Темил тўрт ёшида фильмга суратга тушган, олти ёшида «Оскар» мукофотини олган.

Бундай истеъоддга эришишда аввало худонинг марҳамати, отонанинг ирсияти, ҳомиланинг ривожланишидаги яратилган шартшароит, ниҳоят истеъоддни ривожланиши учун ота-она яратиб берган шарт-шароити катта роль ўйнаган бўлиши керак.

Ижод қилиш ҳаммага ҳам насиб этавермаса керак. Ижод кишисида олло таолодан ҳикмат ўтган бўлади шекилли. Чунки ҳақиқий ижод кишиси ижоддан бошқа нарсани ўйламайди. Унинг бойлиги ҳам, келажаги ҳам, юриш-туриши ҳам, муомаласи ҳам ижоддир. Бундай инсонларнинг нафси ҳар куни яшаш мумкин бўлган озиқ-овқатдан нарига бормайди. Чунки ижод кетидан ижод келаверади, бошқа нарсаларга чалғитолмайди, бойлик, ғаламислик, шон-шуҳрат ўрнига эс-хуши ижодда бўлади. Бундай ижодкорлар сони чексиз алломаларимиз: Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Ал-Форобий, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Ҳамид Мухамедович Абдуллаев (академик), Ҳамид Сулаймон (Навоийшунос), Восил Қобулов (академик), Чўлпон, Авлоний ва жуда кўплар шулар жумласидандир.

Аксарият ҳолларда ҳақиқий ижодкорлар узок умр күришади. Сабаб уларнинг руҳи ижод билан сугорилган бўлиб, ғийбат, ғафлат, иллат, ғурбатлардан узок бўлишган. Шунинг учун ҳам уларда нуроний кўриниш акс этган. Улар булоқ сингари ҳамма вакт тўхтовсиз ҳаракат ва яхшиликка интилишда бўлганлар. Уларнинг рухлари ҳар қандай чанг ва тўзонлардан тозаланиб ўта олган. Илоҳий куч бундай инсонларга куч-қувват ато этган.

Бойликка ишқивоз одамчи?!

Унинг кечаю-кундуз ўйлатадиган нарса факат ва факат бойлик орттиришдир. Бойлик орттириш йўлидаги турли-туман ташвишлар инсонни инсульт, инфаркт касалликларига дучор қилиши ҳам мумкин. Буни тушунмаган одамлар «Егани олдида, емагани орқада-ку, уй-жойи зўр бўлса, машинаси бор бўлса, нима ғами бор экан-а», деб ўйладилар ҳам. Соғ одам касал дардини қандай сезиши мумкин ахир. Ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи билади. Бу табиийдир, албатта.

Рокфеллердек миллионер ривоят қилишларича, қариб қолганда чўнтакларига долларни солиб олиб етим-есирларга тарқатиб юрган экан. Агар шу ривоят тўғри бўлса, Рокфеллер ўз бойлигининг бир қисмини холисанилло одамларга тарқатиб ўз номини абадийлаштиришга ҳаракат қилгандир.

Хулоса: Ижод ахли жуда бадавлат бўлиб кун кўрмаса ҳам узок йиллар инсонлар қалбидан ўрин олиши мумкин. Бадавлат бироқ ҳомийлик қилмаган инсон бора-бора бойлигидан ҳам нишон қолмайди, ўзидан ҳам эсадалик қолмайди.

Ўлимини ўйламаган одамда маънавият бўлмайди.

Ўзгаларни ёмонлаб ўзини мақтайдиган инсон алвастидир.

Доимо ўзига чегарадан чиқсан ҳолда бино қўябериш ўзгаларни менсимасликка олиб келади.

Мусиқани севувчи инсоннинг асаблари ҳам созланувчан бўлади.

Ким мусиқани қанчалик севса, у ҳаётни ҳам шунчалик севади.

Ор-номусини йўқотган инсонни ёввойи тўнгизга ўхшатиш мумкин.

Тили нүнок кишини, қаноти майиб бўлган күшга ўхшатиш мумкин.

Кўзидан нур, юзидан табассум аримайдиган инсон меҳр ўчогидир.

Ал-Бухорий ҳадислари худди чақалоқни улғайишга чорлагандай инсонларни буюк ифтихорга йўлловчи қудратдир.

Оиласи шаънига хиёнат қилиш окни қора дейишдир.

Бехуда ҳадиксираш ўзини алдаш демакдир.

Ота-она қадрига ўзлари ота-она бўлганларида етишади.

Ота-онанг қариганда уларга ёғлиқ палов, жигардан қилинган кабоб, яхши пиширилган қази-картадан кўра ширин сўз ва меҳр керакдир.

Уйланишдан олдин яхшилаб ўйланиш керакдир.

Илм билан шуғулланган одам қаноат ва сабрга ўрганади.

Оловда ҳам куймайдиган қалб ўзгалар қаҳрига кувиши мумкин.

Нодонга яхшилик қилсанг асаби қўзийди.

Нокас ва нодон узок умр кўриши мумкин, чунки улар ҳеч қачон бирорнинг ғамини емайдилар.

Меҳмонга келгинди сифатида қарайдиган мезбоннинг ўзи меҳмондорчиликка кўп боради.

Нодондан узокроқ юринг, чунки у сизни ҳам нодонликка чорлайди.

Сирни сотувчи билан сирлашма.

Ҳалоллик учун умрнинг охиригача кураш, пасткашдан умринг охиригача қоч.

Агар иложини топсанг ғазабингни текинга бер, мулоимликни сотиб.

Илмсиз одам чироқсиз уйдир.

Илм бор жойда хиёнат бўлмайди.

Илм инсонлар меҳнатига меҳр уйғотади.

Фан номзоди, фан доктори, профессор, академик бўлиш мен ҳаммадан ақллиман дегани эмас.

Кимdir тадбиркорликда омади келиб қолса, дарров бошкалардан ажralиб қолиши керак дегани эмасдир, чунки вақти келиб омади кетиб қолса ажralган одамларига қўшилолмай қолиши мумкин.

Йиғинларда ўтирилганда даб-дурустдан ҳеч кимдан суриштирмай баланд овоз билан мурч, гаримдори, уксус олиб кел деб мезбонга буйруқ берувчиларни ўрмондаги ҳайвонга тенглаштириш мумкин.

Аёлларнинг аксарияти пардоз-андоз килиб, яхши кийиниб ўзига жалб этишга уринадилар, қани энди улар ҳаётнинг ҳар жабҳасида шу интилишларини доимийликка айлантиришга эриша олсалар.

Фарзандига, дарс берәётган ўкувчи, талабасига хар доим зулм, жаҳл, дўқ билан тарбия беришга уринадиган ўқитувчилар, домлалар, устозлар бу дунёда ўз мақсадларига эришишлари амри маҳол бўлса керак.

Тўхтовсиз насиҳат қилиш билан шуғулланадиган инсоннинг ўзини яхши насиҳатчи устозга шогирдликка жўнатиш керак.

Қайсар аёл эрини, қайсар эр бўлса хотинини эртарок ушбу дунёдан ўтиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Бирдан, тұсатдан ёнига мұмай пул тушиб қолған одамни пуфланаётган шарга үхшатиш мумкин. Шарни ҳам чексиз пуфлаш мумкин бұлмаганидек (ақс ҳолда ёрилиб кетади, албатта) бойликка эга бўлиб қолинса-ю босар-тусарини билмай қолса ундей одам охир-оқибат шармандаси чиқади.

Ёш авлодни мартабасини құтариш керак, агар у ўтган авлодни қадрлашни ўрганган бўлса.

Оломон ва тўполонга аралашиб қолған инсон сабаб-оқибатни сезмай кетаверади. Охир-оқибат пешонаси тақ этиб урилганида кўзи очилиб эси кира бошлийди (шунда ҳам омади келса). Аксинча гирифтор бўлиб кетаверади. Шунинг учун Абдулла Қодирий «Оломон эмас, халқ бўлайлик» деб даъват этган бўлса керак. Оломон ёки тўполонга аралашишдан олдин маънавиятга мурожаат этган маъкулдир.

Кўзи кўрмайдиган инсон маънавиятли бўлса қалби орқали кўзи очиқ инсондан ҳам кўп нарсани кўриши мумкин.

Рухи шод инсон қоронғулиқдаги чироқни эслатади.

Улфатларнинг яқинлиги, улар фарзандларининг яқинлиги пой-деворидир.

Иштайиб туриб алдагандан кўра, ўқрайиб туриб рост гапирган маъкул.

Фамли дамда қаноатли бўлиш ғамдан холи бўлиш йўлидир.

Пасткаш инсонга дардингни айтгандан кўра сувга нола қилганинг яхши.

Синалмаган инсонни сийлама.

Ёмонга яхшилик қилгандан гадойга садака берганинг маъкул.

Номардлик бебурдликдир.

Аччик гармдорини ширин сув билан сүғорсанг ҳам меваси аччик бўлаверади, чунки «қазисан, қартасан асл зотингга тортасан» деганлар.

Ҳар қандай тантанали тўй қилинса ҳам келин-куёв ирсиятини ўзгартириб бўлмайди.

Илм эгалари қанчалик кўп илм изласалар ўзларини шунчалик ушбу соҳада камбағал деб ҳис этадилар.

Агар «маънавият», «тарбия аҳлоқ» деб аталувчи вакцина ишлаб чиқарилганда олам гулистон бўлар эди!

Ҳар бир чумоли ўз оғирлигидан ўн баробар оғир юкни кўтара олар экан, қани энди одамлар ҳам икки кишилик тарбия-аҳлоқни эгаллаб юрсалар яхши бўлар эди.

Тилинг узун бўлса мақтанма, чунки уни калта қилиб қўядиганлар ҳам топилади.

Мавриди келмаган жойда акллилик қилиш, тушкунликка олиб келиши мумкин.

Одамлар «замон ўзгариб кетди» дейишганда замонни ўзгаришига ўzlари сабаб бўлаётганиларини унтутиб қўядилар.

Қизик ҳиссиёт мавжуд: ҳар қандай баджаҳл, қўпол, ўғри, ёўдайган, такаббур, бировларни менсимайдиган, манманлик шоншуҳратига берилган, муттаҳам одамлар ҳам бошига бир оғир кулфат тушса, худони эслаб унга сиғина бошлишади.

Қийшик терилган ғиштдан бунёд этилган пойdevor охир-оқибат қулаб тушганидек сўзларни жой-жойига қўймай баён этилган гапнинг ҳам маза-матраси бўлмайди.

Ётиб ейдиган молнинг семириши қассобга фойда, ётиб ейдиган одамнинг ўзига ҳам, оиласига ҳам фойдаси йўқ.

Шифокорни алдаш ўзини алдашдир.

Корнинг дам бўлса ўзинг айбдорсан.

Шоғирд тайёрламагунча устоз ким эканлигини тушуниш қийин.

Устоз шоғирднинг қанотидир.

Устози бор шоғирднинг кўнгли тўқдир.

Устоз шоғирднинг қуёшидир.

Устознинг табассуми шоғирдга малҳамдир.

Устозни қадрига етмаган шоғирд хор бўлади.

Устознинг этагини тутиш мардликдир.

Ҳаммага ҳам устоз бўлиш насиб этавермайди.

Устоз ўзидан ўтадиган шоғирдга кўк чирок ёкиб бера олсагина устоздир.

Устоз бақувват дарахтнинг ўқ илдизи бўлса, шоғирдлар ушбу дарахтнинг ёрдамчи илдизлариdir.

Мен ҳам устоз бўламан демаган шоғирд устоз бўла олмайди.

Устознинг меҳрига сазовор бўлмаган шоғирд бўлажак шоғирдларига меҳр нурини соча олмайди.

Устознинг розилиги шоғирднинг кувончидир.

Устоз эзгу ният булоғидир.

Устоз фарзанди билан шоғирдини бир даражада кўради.

Шоғирд бўлиш учун устознинг назарига тусиши керак.

Устознинг назари лазер нуридек ўткирдир.

Худонинг назари тушган одамгина устоз бўлиши мумкин.

Устоз дегани умрининг охиригача илм изла, меҳнат қил деганидир.

Севги, муҳаббат мадҳ этишни эмас, амалиётни яхши кўради.

Севиш, севилиш маънавиятли инсон бўлдим дегани эмас.

Буғдой йигиб қўйиб тегирмон тополмасанг ун ва хамир бўлмаганидек, севдим деган билан унга содиқлик бўлмаса бундай севгининг кераги йўқ.

Байрамларда намойиш этилиб оддий кунларда эсга ҳам олинмайдиган шон-шарафларнинг фойдаси йўқдир.

Тўйларда келин-куёвлар, уларнинг ота-оналари шаънига айтиладиган мақтов ва тилакларни ҳаётда бажо келтирилишини назорат қилиш имкони бўлганда эди, ҳаётимиз бундан ҳам чароғон бўлур эди.

Маънавиятли инсонда афсусланишга ўрин қолмайди.

Мажбурлаш ва зўрлаш маънавиятли инсонга хос бўлмаган хислатдир.

Сезгир, хушфеъл, очик чеҳраси бўлмаган келиннинг боши балога қолади.

Тартиби, интизоми йўқ инсоннинг ишида унум бўлмайди.

Инсон жисмонан чарчаганда чарчайди лекин эзилмайди, руҳан чарчаганда эзилади.

Масофавий севиш, севилиш, ёқиши ва ёқтириш инсонни руҳан тетиклаштиради.

Инсон тириклигига қанчалик пок ва маънавиятли бўлса у вафот этганидан сўнг пайдо бўладиган руҳ ҳам шунчалик пок ва маънавиятли бўлади.

Янглишган одамни чалғитиши анча осон, аммо уни түғри йүлга солиши ва маънавиятли қилиши анча қийиндири.

Ўз ғазабини, ўз вақтида жиловлай олмайдиган одам боши берк кўчага кириб қолиши мумкин.

Маънавият билан шуғулланувчи инсоннинг сўкиниши унинг қалби парчалангандиги нишонасири.

Бургут, калхат, лочинлар ўз ўлжаларини анча узокдан сезиб, кўриб сўнгра ўта катта аниқлик билан уни қўлга киритганларидек, ўта кучли маънавиятли инсон ўз орзу-умидига катта ишонч билан инилиб унга муваффақиятли тарзда эришади.

Таниш-билиш қилиб олий ўкув юртига жойлашиб олган талабалар ҳақиқатан ҳам ўз касбига сидқидилдан қизиқмасалар умумий олий маълумотлилар сонини кўпайтириб жамиятда бўқок ўсимтасига ўхшаб жамоани заҳарлаб юраверади.

Шифокорлар касалликни эмас, уни келтириб чиқарувчи омилларга шифо қидирсалар касаллар сони анча камайган бўлур эди.

Шоввозлик яхши нарса, агар унинг шўри чиқмаса.

Агар олимларимиз инсон маънавиятини аниқлаб берадиган асбоб яратганларида эди, қанчадан қанча ўқитувчи, домла, устозлар бошқа фахрли меҳнатга жалб этилган бўлар эдилар.

Муғомбирликни худди куёш нуридан сакланувчи кўз ойнакни сояда ўтириб тақиши деб таққослаш мумкин.

Фарзанд ҳаётига бепарволик, ҳаётга бепарволикдир.

Маънавиятсизликнинг чўққиси бу лоқайдликдир.

Маънавиятсизлик –аҳмоқлиқдир.

Имтиҳон топшириш жараённида нафакат талаба, ўқувчини асаби таранглашади, балки ўқитувчи, домла, устознинг ҳам асаби таранглашади.

Дарс бераётган ўқитувчи, домла, устоз, талаба ва ўқувчилар орасида ўзини энг билафон, истеъодли, иқтидорли инсон сифатида намоён этса демак у ношуд ўқитувчи, домла, устоз экан деб ўйлайверинг.

Талаба ёки ўқувчини мот қилиш мақсадида энг мураккаб саволни излаган ўқитувчи, домла, устозни номард дейиш мумкин.

Дарс бераётган ўқитувчи, домла, устоз, талаба ва ўқувчиларни ўз фарзанди ва невараисидек қабул қила олсагина ўз билимини тұғри талқин қилишга эришади.

Құлига микрофонни олиб ёқар-ёқмас товуш чиқарған одамни ашулачи дейиш қийин бұлғанидек, мактаб, касб-хунар коллежи, академик лицей ва олий ўкув юрти аудиторияларига қандайдир китобларни күтариб кириб ҳаёл суриб чиқадиганларни хам на ўқитувчи, на домла, на устоз деб аташ қийиндир.

Агар ўқитувчи, домла, устоз ўқувчи ва талабанинг қалбига боқа олмаса унда у касбини ўзgartириши керак.

Агар ўқитувчи, домла, устознинг карашидан, қилиғидан, қийинишидан, муомаласидан таълим бериш меморининг ҳиди анқиб турмаса унга бұлажак шогирдлар насиб этмайди.

Ибо, иффат, уят, одоби йўқ аёлнинг бахти уй бекаси бұламан деган орзусини «Туя ҳаммомни орзу қилибди» деган ибора билан тенгластириш мумкин.

«Шошилган қиз эрга ёлчимайди» деганларидек, шошилган ҳайдовчи ҳам манзилига бехатар етиб бора олмайди.

Бирорни менсимаслик ўзини менсимасликдир.

Инсон бой бўлиб яшамаслиги мумкин, лекин маънавиятли бўлиб яشاши лозим.

Маънавиятли инсон тўйда ҳам, амру-маъруфда ҳам, азада ҳам, туғилган кун маросимида ҳам маънавиятини ўзgartирмай мувозанатда сақланиб қолаверади.

Бутун дунё мутафакирлари, алломалари, олимлари айтиб ўтган хур фикр, насиҳат ва ўгитларни ҳамма одамлар ўқиб, уқиб амалга оширганларида дунёда шунчалик уруш-жанжал, келишмовчилик, норозилик, талашув, тортишувлар, адоварлар бўлмас эди, албатта. Бунга сабаб маънавиятнинг ҳамма одамларга тўлиқ ёки пала-партиш етиб боришида ва маънавият фаровон, тинч-тотув яшашнинг мезонига айланмаганлигидадур.

Бозор иқтисодиёти конун-қоидаларини чуқур таҳдил қилмасдан бойликка эга бўлиб қолган айрим тадбиркорлар ҳамма нарсани пул билан баҳолаш фикридан ҳам қайтмаяптилар, ҳамма нарсани пулга чақиш мумкин, лекин маънавиятни пулга чақиб бўлмайди, албатта.

Маънавиятсиз инсон ўлик инсондир, маънавиятли инсон париштали инсондир.

Маънавиятли оила баҳтли оиласидир, маънавиятсиз оила молхонадир.

Маънавиятли инсон ҳар қандай шароитда ўзини бошқара олади. Маънавиятсиз инсон ҳар доим ботқоқ ичидан бўлади.

Маънавиятли инсон қўшнисини ғийбат қилмайди. Маънавиятсиз инсон қўшниси билан чиқиша олмайди.

Дунёда танқидни ёқтирган одам бўлмаса керак. Шу сабабли ҳакиқий танқидчи ҳам душман орттиради. Шунинг учун танқид орқали амалга ошириладиган ишни маънавий йўл билан амалга оширган маъқул.

Маънавиятли инсонни тоғ бағридан тўхтовсиз ҳам совукда, ҳам иссиқда отилиб чиқаётган булоққа ўхшатиш мумкин. Чунки маънавиятли инсон ҳамма шароитда бир хилда ўзини тутиб, бир хилда муомала қилиб, бир хилда ҳаёт кечириб юриш қобилиятига эга бўлади.

«Демократия» сўзини нотўғри тушуниб, нотўғри талқин қилувчилар ичидан безорилар, бетофиқ, тайини йўқ, маънавиятсиз инсонлар тўдаси пайдо бўлиши мумкин.

Тасодифан уйланган, тасодифан турмушга чикқанлар сонсаноқсиздир. Бирок маънавият таъсирида бир-бирларини тушуниб хаёт куриб кетганлар ҳам кам эмас.

Қарға қанчалик совукқа чидамасин у пингвин бўла олмайди, худди шунингдек маънавиятсиз инсон қанчалик кўп пул топиб, яхши кийинмасин барибир у маънавиятли бўла олмайди.

«Олдингдан оккан сувнинг қадри йўқ» деганларидек, ҳар куни зимистонни ёруғликка айлантириб турли хил жихозларни ишга туширувчи, телевизор, компьютер, радионинг иш фаолиятини таъминловчи электр токи йилига тахминан 300 кун сочилиб турувчи қуёш нури, мушкулимизни осон қилиб турувчи табиий газ ва тоза сувнинг қадрига ҳамма ҳам, ҳамма вақт етавермайди. Хонадонда шағам, захира сув, захира газ ғамлаб қўювчи инсонлар ҳам кўп бўлмай мабодо қисқа вақт ичиде электр токи, тоза сув, табиий газ келмай қолса дарров кимнидир танқид қилишга, оҳ, вой-дод деб аюҳаннос солишга интиладилар. Инсон ҳам ёшлигида худо берган саломатликни мазмун моҳиятини тушунмай, ёши улуғлар маслаҳатига қулоқ солмай, ўзини гўёки бу дунёда абадий яшайдигандек тутиб, спиртли ичимлик ичib, сигарет чекиб эътиroz билдирувчиларга «Сени пулингга ичib, сенинг пулингга чекаяпманми?», деб муомала қилиб маънавият сабоқларидан узоқлашиб юраверади (ҳамма ҳам эмас, айрим маънавиятсиз инсонлар ҳакида гап кетаяпти). Инсон ички ресурслари тугаганидан сўнг, яъни поезд кетиб бўлганидан кейин соғлиги қадрига етишни ўйлай бошлайди. Шунинг учун бир одам 40–50 ёшда вафот этса, бошқаси 100–120 ёшга кириб вафот этади.

Глобаллашув жараёни шиддат билан ўсиб бораяпти. Бунга сиёсат, иқтисодиёт, интернет, диний экстремизм ва терроризм соҳасидаги жуда кўп воқеликларни келтириб ўтиш мумкин.

Менинг хоҳишим юксак маънавиятни ҳам ҳамма миллат, элат (қайси динга эътиқод қилишидан катъий назар) ларга глобаллашув жараёнининг мезони сифатида шиддат билан тарқатиб амалга оширилса-ю, ҳамма дунёвий жанжалли масалалар маънавият хисситуйғуси билан ҳал этилса. Ана шунда юксак маънавият гулдурос қарсакли олқишига сазовор бўлар эди.

Боғбонлар, дараҳт ва гулга ишқивоз бўлган одамлар гул ва дараҳтларнинг илдиз отиш жойларини ўз вақтида бўшатиб, илдизнинг ва ниҳоят дараҳт ва гулларнинг ўсишига зиён етказувчи заарли хашаротлардан холи қилиб туришни канда қилмайдилар-ку, инсонлар ўз соғлиқларига салбий таъсир этувчи иллатлар (организм ички аъзоларини емирилишига олиб келадиган заарли жонзот ва заараркунандалар)дан холис бўлишга эътибор беришмайди. Яъни ҳар бир инсон ўз соғлигини яхшилаш устида бош қотириши ва ўзи учун ўзи боғбон бўлиши керак.

Ҳар доим беминнат хайрли иш билан шуғулланиб юрувчи инсонни хоксор инсон деб аталса, ҳар доим фақат шахсий манфатини кўзлаб, ўзгалар дарди-ғами билан иши бўлмай юрадиган инсонларни шахсиятпаст, манманликка берилган инсон деб аташ мумкинdir. Хокисор инсонни ҳаётдаги ўрнини томоша қилиб шахсиятпаст инсон «шу ҳам ҳаёт бўлдими, катта бойлиги, шон-шуҳрати бўлмаса» деб гердайиб кўяди. Бироқ, бир марта дунёга келадиган инсон учун хокисорлик керакми ёки шахсиятпастлик керакми деган саволга тўғри жавоб топиш қийинлиги учун у манманлик қилиб юраверади, чунки бундай инсонда юксак маънавият йўқдир.

Кинони томоша қилиш, театрга, турли хил концертларга бориб дам олиш, кўнгил тортган китобларни мутолаа қилиш табиики инсонга хузур бағишлийди. Кино, театр, китобларнинг муаллифлари ўз олдиларига кўйган орзу-умид, мақсадларини баён этиб албатта ҳаёлан бўлиши мумкин бўлган вокеликларни ҳам акс эттиришга уринадилар. Улар томошабин, китобхонлар қалбida ҳали ушалмаган орзуларни ушалтириш йўлларини кўрсатишга, эришилмаган орзу умидларга эришиш йўлларини акс эттиришга уринадилар. Ушалмаган орзу умидларга, яъни севги, муҳаббатга эришиш, бой, бадавлат бўлиб яшаш, йирик олимлик даражасига кўтарилиш, бир ўзи бир неча одам билан куч синашда ғолиб чиқиш ва ш.к.лар.

Томошабин, китобхон томоша ёки ўқиган китоби асосида нималаргадир, кимларгадир тақлид қилишга уриниб кўради. Синовдан ўтказилмаган тақлидлар ўз навбатида ҳам ижобий, ҳам салбий натижаларга олиб келиши мумкин. Масалан, «Тарзан» деб номланган кинодан сўнг унга тақлидчилар ичиди, яъни дараҳтдан дараҳтга сакровчиларнинг майиб бўлганлари кўпайиб кетган эди, хинд

кинолари таклидчилари ичидә бир одам бир нечта ўн одам устидан жисмонан устун келишига таклид килювчиларни нөурин күпайишига олиб келган, бойлик орттиришга бағишлиланган кино воқеалари инсоф, раҳм-шафқатни, одамгарчиликни йўқотиб, бойлик кетидан кувишига тақлид қилювчиларни күпайишига олиб келган. Шунинг учун ҳар бир кино, театр, китоб муаллифлари ўз асарларидаги салбий образларнинг тақлид қиласликка олиб келувчи томонларини аннотация сифатида кисқа таърифлаб беришса яхши бўлар эди. Ёшларни ниҳол десак, кино-театр, китоблардаги воқелик ва образларни ниҳолга салбий, ижобий таъсир этувчи шамол деб билиш керак.

Инсон баландликка, айниқса, тоғ кирраларига кўтарилишида унчалик қийналмайди, бироқ тушишда жуда ҳам кийналиб кўтарилиганига пушаймон бўлади. Худди шунингдек катта амалга интилиб унга амаллаб эришгандан сўнг, амал курсисидан тушиш кутилмаган қийинчиликлар содир этиши мумкин.

Ранги билан ўзига жалб этувчи аммо хиди ва чидамлилиги билан ўзига мафтун эта олмайдиган гулларни «хашаки» гул дейишади. Худди шунингдек, башанг кийиниб, махмадонагарчилик қилиб юрадиган инсонларни ҳам «хашаки» дейиш мумкин.

Электр токининг нури камаймасин деб трасформаторга қанчалик хушомад қилиб уни таъмирлаб туришга ҳаракат қиласизку, кўз нурини камаймаслиги учун муолажа ишларига эътиборсиз бўлиб қоламиз. Онгли мавжудот деб аталмиш инсон ҳам ўзини-ўзи қадрлашда янглишар эканда....

Ажабо!

Инсон қачон ҳавога булат чиқар экан, қачон ёмғир ёғар экан деб кутиб ўтиришга ўрганиб қолган . Бироқ инсон соғ-саломат бўлиб, узок умр кўриши учун доимо интилишда, ҳаракатда бўлиб кутиб ўтириш ўрнига олдиндан башорат қилишга одатланиши керак.

Маънавиятсизликнинг энг чўккиси оилада онанинг келинни эрига рашк қилиши, ўғлини келинига рашк қилиши бўлиб ҳисоб-ланади.

Шариллаб ёккан ёмғир суви ерга шимилиши қийинрок бўлганидек, оғзидан боди кириб шоди чиқадиган инсоннинг гапининг мазмунини тушуниш ҳам қийин бўлади.

Ёмғир ҳар қанча сокин ёғасын, агар ер қатлами заранг яъни қаттиқ бўлса, унга шимилиши шунчалик қийин бўлганидек, одамнинг юзи қанчалик қаттиқ яъни без бўлса, унга бериладиган панд-насиҳатнинг фойдаси шунчалик кам бўлади.

Ҳаётда меъёрни билиш ёки тушуниш ҳаммага ҳам насиб этавермаса керак, яъни тўрт ошам ош ўрнига бир лаган ошни, иккита кабоб ўрнига йигирмата кабоб истеъмол қилиш, қиска, лўнда. аниқ қилиб гапириш ўрнига бир соат чайналиб, эзмаланиб гапириш, дадил қадам ташлаб борадиган жойга имиллаб секин юриб бориш, севгисини изҳор қилиш ўрнига кераксиз ҳавоий гапларни, энсани котирадиган воқеликларни баён этиши ва шу кабилар. Меъёрни билмаслик ва унга риоя этиб яшамаслик бу маънавиятсизликдир.

Беморнинг дардини тушуна билиш ва унга ҳамдардлик кўрсатиш маънавиятнинг ёрқин ифодасидир.

Катта амал курсиларида ўтириб ҳаётини декларатив кўрсатмалар бериб ўтказган баъзи амалдорлар амалдан бўшаганларидан сўнг осмонда учиб юрган қуш патидек ерга туша олмай юраверадилар. Шунинг учун халқимизда «Отдан тушса ҳам, эгардан туша олмайди», деган накл бор бўлса керак. Ана шундай отга миниб охиратда эгардан туша олмай юришдан худонинг ўзи асрасин.

Ношуд инсонни қаноти юлинганд қушга ўхшатиш мумкин.

Куруқ хохишдан амалий ишлар қилишга қадам қўя бошлаган инсонларга шон-шарафлар бўлсин!

Фақат маслаҳат беришдан оила, ҳаёт муаммоларини ҳал этишга ўтишни шахсий қаҳрамонлик деса бўлади.

Ёктирилмайдиган одамларни эшакка ўхшатишади, бироқ эшакнинг маҳнаткаш эканлигини унутиб қўйишиади.

Сувсизликдан тинкаси куриган инсон учун бир тогора сув океандек бўлиб туюлиши мумкин. Бошидан қийинчиликларни ўтказмаган инсон қадр-қиммат, увол нималигини билмаслиги мумкин.

Дабдабали сўз эгаси билан унинг ҳаётдаги иш тарзи орасида ер билан осмонча фарқ бор.

Ҳар қанча меҳнат қилган билан меҳр ва оқибатга эришмаса, инсон ҳар қанча афсусланса арзиди.

Футбол ўйнайдиган майдондаги ўйиннинг асосий мақсади тўпга ўз вақтида эгалик қилиб, уни мўлжалдаги нуқтага тушириш бўлиб хисобланади. Тўп барибир кимни оёғига ёки бошига тушади. Ҳаётда ҳам қалбакичилик, тадбиркорлик, мафиячилик ишларида айrim воситачилар кимнинг буйруғини бажаради, кимга нафи ёки зарари тегади ундан қатъий назар, мўлжалдаги фойда пулидан ўзига кераклигини ола олса бас. Бу ўйинда ким ютади, ким ютқизади унга барибир. Ҳаётда футбол тўпидек сарсон бўлиб охир-оқибат ёрилишдан худонинг ўзи асрасин.

Сифати ва таркиби мўлжалдаги вазифасига жавоб бермайдиган материаллардан ясалган сунъий қурилмалар оқибати бузилиш билан тугаганидек, сунъий муомала билан яратилган дўстликнинг оқибати ҳам бузилиш билан тугайди.

Жасорат мезони фақат мақтанишда эмас, жасорат мезони амалий иш натижасидир.

Ахборотнинг кучи қилич тифидан ўткирдир.

Курашиш яхши хислат, бироқ фақат янгилик ва осойишталик учун курашган маъқулдир. Безлик ва маҳмадонагарчилик охиратда иймонни эговлади.

Ҳар қандай шароитда ўзини мафтункор ҳолатда тутиб туроилиб, охири мафтун этишга эриша оладиган инсон бекиёс баҳт эгасидир.

Ҳар қандай чопкир от ҳам вақти-соати келиб куч-кувватидан айрилганда унинг эгаси ундан воз кечади. Инсон ҳам қариганида, куч-куввати камайганида уни ташлаб кетадиган фарзандлар ҳам учраб туради.

Инсон ёши улғайиб, қариган чоғида эс-хуши фарзандлари, неварапалари, чевараларида бўлиб ўзининг касаллигини сезиш дараҷаси сусайиб, соғлиғига бўлган эътибори ҳам камайиб бораверади.

Товуқлар ҳар қанча қакиллагани билан хўроздир марта бўлса ҳам қичқирмаса товуқхонанинг файзи йўқолади.

Итга ҳар қанча тарбия берганинг билан бир қуни эгасини қопганидек, аҳмоқ, безори, бетайн, шуҳратпарамат, манманликка берилган инсондан узокроқ юрганинг маъқулдир, чунки у бугун бўлмаса ўз аҳмоклиги, безорилиги, бетайнлиги, шуҳратпараматлиги, манманлигини намоён этади.

Уй зиндан, кўча хандонликка берилган эркаклар ҳам, аёллар ҳам бир хатоликни тан олгилари келмайди, у ҳам бўлса уйдаги зинданликка чидаб сабр қилиб келаётган инсон ҳар доим меҳнатга, меҳрга ташна инсон, кўчадаги хандонлик сабабкори бўлган инсон эса на меҳнат, на меҳрни тушунмай, вақтинчалик бошни айлантириб юрувчи мезондир холос.

Телефон, соат ва шу кабилар батареяси қучи пасайиб қолса ҳаракатдан тўхтайди. Худди шунингдек, инсон маънавияти кучсизланиб борган сари, унинг обрў эътибори пасайиб бораверади.

Ҳаётда ҳирс, шон-шуҳрат, манманлик каби хислатлар камайиб бормаса дунёда уруш-жанжал, ўзаро келишмовчиликлар кўпайиб бораверади.

Жимлиқ, тинчлик, осойишталиқда тингланган булбул ноласи ҳам класик мусиқа овози ҳам, ариқдаги сувнинг оқишидаги ёқимли овоз ҳам инсон қон томирларини бир меъёрда ишлашига шароит яратиб инсон умрини узайишига олиб келади. Ҳаловатли жойда баҳт, ҳаловатсиз жойда таҳт учун курашиш мавжуддир.

Машина ҳайдаётган ҳайдовчи кўчадаги ҳаракат қоидасини озгина бузган фуқарога нафрати уйғонади, кўча супурувчи кўчани тозалаш жараёнида турли хил чиқиндиларни сочилиб ётганини (ҳатто чиқиндилар ташланадиган маҳсус идишлар мавжуд бўлса ҳам) фуқароларга уларни тартибсизликлари, дид-фаросатларининг

камлиги учун лаънатлар ўқийди. Бироқ ўша ҳайдовчи ва кўча супурувчи мавжуд коидани бемалол бузаверадилар, кўчага турли хил чиқиндиларни сочиб кетаверадилар. Бу воқеликни аксепсиология дейилса керак.

Вафодорликнинг мезони меҳр ва виждан уйғоқлигидир.

Жамоа ва оила аъзолари орасида ҳурматни йўқотиш мезони маънавиятсизликдир.

Ўта замонавий бўлишга ишқивоз бўлган айрим Европа аёллари-ю, эркаклари дунёга келишдан мақсади пул топиш, айш-ишрат қилиш деб ўйлайдилар. Ҳатто уйланиш, турмушга чикиши хам ўзларига ор-номус деб ҳисоблайдилар. Ёшлари бир жойга борганда айш-ишрат ҳам, тасаввур этилган роҳат-фароғат ҳам ёқмай қолиб охиратни ўйлаб, фарзанд ҳурматига интизор бўлиб коладилар. Шунинг учун вақтида уйланиб, вақтида турмушга чиқиб, вақтида фарзандлар ҳурматига сазовор бўлган маъкулдир.

Суюқ овқат тайёрлаётганда, айниқса, мошхўрда тайёрлаётганда овқатнинг устки қисмida кўпикли модда хосил бўлади. Олимларнинг айтишича, ушбу кўпикли модда фойдасиз бўлиб уни овқатнинг асосий қисмидан ажратиб, кераксиз модда сифатида ташлаб юбориш лозим экан. Ҳаётдаги ҳар доим шов-шув кўтариб, ҳайбаракачилик ва сунъий обрў олиш учун курашиб, ҳаспўшлиқ ва декларатив таклифлар билан одамлар дикқатини ўзига жалб қилишга уринувчиларни қозондаги овқат устига йигилган кўпиксимон моддага ўҳшатиш мумкин. Шунинг учун бундай кишиларни ҳаётнинг ўзи ортиқча, кераксиз модда сифатида маънавиятли инсонлар қаторидан четлатиб қўяди.

Ўзбекларда «Гап» деган йиғилиш маросими бор. Ушбу йиғилиш ота-боболаримиз замонидан давом этиб келинаётган одатdir. Ушбу йиғилишдан мақсад дийдор кўриш, биргаликда у ёки бу тансик овқатни тайёрлаб, кадриятлар, намунали воқеликлар, одоб, маънавият сабоқлари ҳакида сухбатлашиб Саъдий, Бедил, Огаҳий, Навоий ва шу кабилар ижодларидан баҳраманд бўлинар эди. Ҳозирги кундаги «Гап»ларнинг аксарияти спиртли ичимлик ичиш, ортиқча овқатхўрлик ва энг даҳшатлиси фийбатбозликка айланиб бормоқда.

Худо хоҳласа, маънавият барк уриб «Гап»лар ҳам қадриятларимиз изига тушиб кетар.

Қизиқ хис-туйғу бор, айрим ота-оналар ўз фарзандларидан нолиб қоладилар, яъни мен ўйлаганимдек иш килмаяпти, оилани яхши уddyалай олмаяпти ва шу каби норозиликлар пайдо бўлади.

Аммо ота-онанинг ўзи фарзандига таянч бўлиб тургани, бу эса фарзандни тўлиқ қанот ёзиб учолмаётганлигини тасаввур қилмайди. Шу туфайли кўпчилик фарзандлар ота-оналари бу дунёдан ўтганларидан сўнг мустакил, ота-онаси ўйлагандан ҳам яхши ҳаётни кўриб кетадилар. Демак, ота-оналарнинг асосий вазифаси фарзандларини одобли қилиб келажакка ишонч руҳида тарбиялаш, бу йўлдаги учрайидиган айрим ноҳушлик ва тўсиқларга теран қарай билишлари талаб этилади. Яъни қозонда бўлса чўмичга чиқади.

Қисмат ва тақдир Ҳасан-Хусандир.

Эр-хотиннинг бир-бирига ўчкиши оилада пайдо бўлган дарзликдан далолатдир.

Хотинини урган, тепган эр –ҳайвондир.

Эр-хотин қанчалик ғижиллашмасин, ҳамма вақт ажралиш фикридан узоқ бўлиши керак.

Ҳаёт синовлари сизни қачон исканжага олишини ягона худонинг ўзига аёндир.

Эҳтиросли одам билан эҳтиёткорона муомала қилингиз.

Ўғрилик қилиб пул топгандан кўра, коровуллик қилиб ёки кўчани супуриб пул топган афзаладир.

Ёруғ дунёда яшаб, бирор-бир ижобий из қолдириш ҳақида кўп гапирилади. Бу тўғри. Охиратдан олдин қолдириладиган ижобий из аввало, оила аъзоларингиз, кариндош-уругларингиз, ёру-биродарларингиз, ҳамкасларингиз учун сезиларли бўлсин. Чунки биринчи бўлиб ана шу инсонлар сизнинг ҳақингизга дуо қилиб, фотиҳа қилишади ва сизнинг ҳаётда қолдирган изингизни тарғиб, ташвиқот

килувчилар ҳам, доим эслаб турдиганлар ҳам, керак бўлса изингизни кенгайтирувчилар ҳам шулардир.

Күёш бота бошлаганда осмонга қизил шуъла тушса эртаси куни ҳаво очик бўлади дейишади. Худди шунингдек, инсоннинг асосий умри ўтиб бўлганда оиласидан, фарзандларидан, қариндош-уруглару, ёру биродарлари ҳамда ҳамкасларидан кўнгли тўқ бўлса, ўзини поклигига ишонса, яхшиликлар гирдобида бўлса, дуога бой бўлса, ўтган ҳаётидан нолимаса ҳамма учун хушфeyл бўлса, шукроналиқ қила олса нариги дунёга равона бўлганида рухи шод ва жаннат гулдастасига мұяссар бўлса керак.

Дам олиш жойларида, истироҳат боғларида, кўчаларда юкори кайфият билан келаётган қизлар гурухини кўрган ҳом ҳаёл айrim йигитлар, «оҳ йигитлар, қидириб юришган қизларга учрадик», деб ҳаёлот қилиб дарров ўзларини саркардалардек тутиб қизларга ким биринчи бўлиб гап отиш ва ким кимни мафтун эта олишини бир ондаёқ келишиб олишади. Бундайларнинг кўпчилиги бетартиб, бачканга мулоқотлардан фойдасиз сафсаталардан сўнг сувга тушган мушукдек бўлиб қолсалар ҳам бошқаларга сунъий ғурур билан кўкракда турмайдиган лукмалар отиб кетадилар.

Хулоса: агар олдиндан ишонч ҳосил қилинган аниқ фикр-мулоҳаза бўлмаса, ўз ишингиздан ўзинг пушаймон бўлишинг мумкин.

Катта асфальтланган кўчаларда тинимсиз ҳаракат қилаётган турли хил машиналар ўзларидан чиқарган курумлар ва ёғлар билан қопланиб қолади. Саратон иссиғида ёки қаҳратон қиш пайтида ушбу қурумлар унчалик сезилмайди. Куз яқинлашиши билан биринчи бор ёғадиган ёмғир асфальтдаги ёғланган курумни юпқа пардага айлантиради. Ана шу юпқа парда устида машина кескин бурилса ёки кескин тормоз берилса, машина сирпаниб сизга кулоқ солмай қолиши мумкин.

Кулиб кутиб олиб, орқасидан ғийбат қилишдан худонинг ўзи арасин, яъни инсоннинг ақллилиги унинг сафсатасидан эмас, амалий ишидан маълумдир.

Шоир айтганидек:

Душманингни кулгани
Сенда нуқсон кўргани,
Кўзингда мактагани
Зимдан лаҳат қазигани...

Тарихни ўз сулолангиз тарихидан бошланг. Шундагина бошка тарих қадрига етасиз.

Яхши ҳамки, давлатларда прокуратура, ички ишлар вазирлиги, суд ва шу каби институтлар бунёд этилган. Мисол сифатида, давлат автоинспекция ходимини олайлик. Агар ушбу ходимлар бўлмаса, машиналар бир-бiri устига чиқиб юришар эди. Прокуратура. божхона, суд бўлмаса, одамлар мамлакат бойлигини талон-торож этиб, бир-бirlарининг гўштларини ейишлари мумкин эди.

Бир одамга иккинчи одам ёқмаса, учинчи одамни жазолаш ўта пастлиқдир.

Шундай инсонлар борки, бугун дўстлар даврасида гурунглашиб ўтириб, эртасига шу дўстлари ишлайдиган ишхонага маълум бир масала билан комиссия аъзоси бўлиб колишса, урди худо яқин деб юрган дўстига ҳам хушрўйлик қилмай қўяди. Тўғри. хизмат билан. дўстлик дўстлик билан – бу ҳаёт талаби. Лекин комиссия аъзоси сифатида ишни ўргангунча ҳакконий баҳо бер, бироқ дўстлик риштасига зиён етказма.

Афсуски, бундай килиш хамманинг ҳам қўлидан келмайди, чунки инсонда бекиниб ётган ғурурни қачон пайдо бўлишини билиш қийин.

Хайвонларнинг аксарият қисмини у ёки бу ҳулқ-одобга ўргатиб, циркка олиб чиқадилар. Айрим одамларни умуман ҳулқи, одобини ўзгартириб бўлмайди. Демак, ҳамма нарса ҳулқ-одобни яхшилаш усулига боғлиқ экан.

Ҳаётга умид риштаси билан боқингиз, ҳар куни жисмоний тарбия билан шуғулланинг, ҳеч қачон овқат кам деб ношукур бўлманг, қўлингиздан келгунча режимда овқатланинг, организмингизни ортиқча чиқиндилардан, хилтлардан тозаланг, тоза ҳавода кўп юринг. Организм кўтара олмайдиган ишга уринманг, узоқ умр кўриш учун узоқ вақт ўзингизни соғлиғингизни ўйланг. Моддий маблагингиз бўлмаса ҳам, руҳий маблагни сақлашга интилинг. Бола-чакангизроҳатини кўрай десангиз, уларни соғ юришини таъминланг.

Гап қоринни тўлдиришда эмас, балки уни тўйдиришдадир.

Буюк одам бўлиш учун, бошқаларни ҳам буюк деб қабул қилиш керак, чунки ҳар бир инсоннинг ҳеч бўлмаганда беш фоиз ижобий хислати бор. Демак, буюклик ҳар бир инсоннинг ижобий хислатини топа билишидадир.

Тентакка сен ҳам тентакча муомала қилмасанг, у сени тушунмайди.

Ўз соғлиғини эъзозлай билиш омад ва юқори лавозимлар пойдеворидир.

Ўзгалар ҳаққига хиёнат қилиш худони алдашдир.

Айёрликка қарши курашишнинг йўли зукколикдир.

Рахбар олдига кириб, бирор-бир муаммони ҳал эта олмай чиқсангиз, дарров унинг орқасидан ғийбат қилманг, хафа бўлманг, вакт ўтиши билан яна бир бор асосли тарзда мурожаат қилиб қўришга ҳаракат қилинг.

Ўзингизга ёқмайдиган мусиқани эшитганингиздан ёки сизга ёқмайдиган одам билан сұхбат ўтказганингиздан кўра, қўпол қилиб айтганда асосли тарзда калтак еганингиз афзалдек туюлади.

Биз, ҳамфир пахлавонлари улуғ классик шоирларимиз дастурхонидан ҳозирги кунгача ўз қимматини йўқотмаган руҳий озиқларни, умумбашарият аҳамиятига эга бўлган, то одамзот бор экан, үлмас, бадиий ва маънавий дурдоналарини ажратиб олиб, улардан фойдаланишимиз лозим.

Қадимдан маданият бешиги бўлган Шарқ классиклари ижодида эса бундай неъматлар бисёрдир.

Ҳар гиёҳнинг ўзи севган тупроғи бўлганидек, ҳар йигитнинг ўзи севган гўзали бўлиши шарт ва лозим!

Дамлаб қўйилган текин ош ҳеч қаерда йўқ. Сабр қилсанг тўрадан ҳолва битар. Сабр муваффакиятнинг калитидир.

Катта кўрмаганни кичик кўради, кичик кўрмаганни катта кўради, иккаласи биргаллашиб қараса ҳеч нарса кўздан қочмайди.

Катақда семириб ётган товук, учишнинг фойда-зиёнини қаёқдан билсин.

Захрини дилига солиб, асалини тилига чикариб ишлаган маъкул.

Эгилган бошни қилич кесмайди, эгилмаса бошдан ажралади.

Жаҳл келганда ақл кочади.

Инсон лақма бўлса, бошига ташвиш орттираверади.

Қўркув ҳамма муваффакиятсизлик гаровидир.

Шаддодлик ва таваккалчилик ярим муваффакиятдир.

Маънавий инсон каби, илоҳий нур сочиб турадиган бўлиш керак

Меҳр нури ҳар кандай тошни эритади.

Сизга муҳтоҷ инсонга сунъий муомала қилгандан кўра, унга очик ҳақиқатни айтиб, амалий ёрдам қўлини чўзган маъкулдир.

Инсонларни севги, муҳаббат, деб ҳаёлий ҳис-туйғулар билан кўнжини пуч ёнгоқка тўлдириш ўрнига, инсонларни бир-бирига мослашиши, бир-бирини ёқтиришга интилтиришнинг фойдаси кўпроқдир.

Аввало инсонга, ҳар кимсага раҳм, шавқат, меҳр беринг, унинг қўнглини олинг, унга Аллоҳ таолодан омад тиланг, сўнгра ундан бирор-бир нарсани талаб қилинг.

***.

«Янги ёрни топганда, эски ёрдан кечиш керак эмас», деган ибора мавжуд. Аммо янги дўстни топганда, эски дўстдан ҳам кечиш керак эмас, чунки янги дўстнинг дўстлиги қанча вақтгача давом этади. буни худо билади.

Ҳар бир янги ғоя, ҳаёлий фикр текис тоза қофозга туширилади. Аммо ғоя ва ҳаёлий фикр ҳаётга жорий этилишида турли хил синусоидал ғадир-будирликларга учрайди. Шунинг учун, янги ғоя ва

ҳаёлий фикрни амалга оширишда ўта сабрлилик ва синчковлик талаб этилади.

Бошқа инсонлар меҳрисиз, сиз бамисоли қуриган ва мевасиз дараҳтсиз, кўзингиз очик, тан-жонингиз соғ экан, оила учун, жамоа учун вужуддан виждан амри билан жавлон уринг.

Тилнинг суюги йўқлиги ҳақида жуда кўп гапирилган ва бунга қўшимча қилиш амри маҳолдир. Аммо бир нарсани эсдан чиқармаслик керакки, сиз ким билан нима ҳақида гаплашаётганингизни хеч қачон унутмангиз ва бўлиб ўтган сұхбатдан сўнг (тилинг айланиб бўлгандан сўнг) ўз сұхбатингиз мазмунини тахлил эта олиш кобилиятига эга бўлишингиз, хулоса чиқара билишингиз керак. Бу ҳаммага ҳам ёқавермайди. Бунинг учун маълум микдорда психологияк қобилиятга эга бўлиш керак.

Хоҳлаган табиат мўъжизаларига жонивор, ҳайвон, ўсимликларга синчиклаб қарасант, албатта меҳрни жалб қилувчи нимадир топасан. Инсонлар инсонлар билан учрашганларида, тўқнашганларида меҳр топа оладиган ҳолатда бир-бирларига муносабатда бўлганларида камрок уруш-жанжал, безориликлар содир бўлармиди.

Спортга, эрталабки жисмоний тарбия, енгил чопиш ва шу кабиларга мажбурий адо этиш керак деган мулоҳаза билангина киришсангиз, ишонинг нафи кам бўлади. Ушбу машқларга ва умуман ҳаётдаги ҳар бир керак деб хисобланган ишингизга сунъий эмас, табиий тарзда киришсангиз ёки кейинчалик уни одат қилиб олсангиз, очик чехра ва юракдан енг шимариб киришсангиз нафи кўпроқ бўлади, холос.

Бошқа миллат урф-одатига, айниқса унинг санъатига ўз миллатингиз урф-одати, санъати нуқтаи назаридан қарай олсангиз, албатта бошқа миллат урф-одати, санъатига бўлган интилишингиз ўзгариши мумкин.

Кимдир сиздан қаттиқ хафа бўлса ҳам, сиз у кишидан хафа бўлмасликка уриниб қўринг. Чunksi у одам ноҳақ бўлса, барибир исбот қилиб беришингиз амри-маҳол, қаршингиздаги одамни ноҳақлигини билиб туриб хафа бўлсангиз, бир марта берилган

ҳаётингизнинг маълум кисми асаблар қийналиши эвазига қисқаради, холос. Иложи борича буни эсда тутишга ҳаракат қилингиз.

Айрим эркаклар хотинларини хумга солиб қўйган бойликдек хонадан, остонасидан чиқармай, фақат уй иши ва фарзандлари билан банд бўлишини катъий талаб қиласидилар. Ҳатто хотини ўқиган, билими ёки бирор касби бўлса ҳам тутқунликда ушлаб турасидилар. Бизнинг фикримизча, аёл киши қандай лавозимда ёки касб эгаси бўлишидан катъий назар ишлаши керак. Сабаб:

Биринчидан: ўз билими, касбини кераклигидан аёлда ғурур пайдо бўлади;

Иккинчидан: кўчага чиқувчи аёл албатта афту-ангорига карайди;

Учинчидан: у ёки бу жамоада ишлаш унинг дунёвийлигини оширади;

Тўртингидан: худонинг ўзи сакласин-у. эри у ёки бу вазият таъсирида ишдан бўшаса ёки жисмоний бир фалокат юз берса, хотини, бола-чакаси бошқа инсонларга (жумладан бегона эркакка) қарам бўлиб қолмайди;

Бешинчидан: эрнинг хотинига бўлган ишончи ҳаёт синовидан ўтади;

Боққа кириб гоҳ у мевадан, гоҳ бу мевадан татиб қўриб гоҳ у мевани, гоҳ бу мевани мақтагандек, у ёки бу қизни ёки аёлни кўрганда уни ҳам, буни ҳам мақтаб хаммасининг ҳидини ҳидлашга интилиш инсофдан эмас. Чунки мева ҳар фаслда бир ҳосил берса, қизлар, аёллар худо берган умрининг охиригача битта эркакгагина ҳидларини ҳидлатишлари мумкинлиги ва хосиятини бузишга воситачи бўлмаганлигингиз маъқул.

Бугунги, эртанги ва ҳамма қунларингизни даҳлсиз, тинч, осойишта ўтишини истасангиз, химмат қилингиз ва ҳамма вақт химматли бўлиб қолинг. Ана шундагина сизга ҳам ҳиммат қайтади.

Ёруғ дунёда яшаб, бирор-бир ижобий из қолдириш ҳақида кўп гапирилади. Бу тўғри. Охиратдан олдин қолдириладиган ижобий из аввало оила аъзоларингиз, қариндош-уругларингиз, ёру-биродарларингиз, ҳамкасларингиз учун сезиларли бўлсин. Чунки биринчи бўлиб, ана шу инсонлар сизнинг ҳақингизга дуо қилиб фотиҳа қилишади ва сизнинг ҳаётдан қолдириган изингизни тарғиб, ташвиқот

қилувчилар ҳам доим эслаб турадиганлар ҳам, керак бўлса изингизни кенгайтирувчилар ҳам шулардирлар.

У ёки бу воқеликлардан сўнг, ҳар бир инсон ўқиниши мумкин. Ўқиниш шундай нарсаки, инсоннинг руҳини яралashi мумкин. Яхшиси ўқиниш асносида руҳни тетиклаш, ўтган ишларга саловат этиб, эртанги кун ташвишларини ҳал этиш учун шижаот қамчисини тайёрлаш керак.

Асабий ҳолати чўкқига қўтарилиган одамни худди спиртли ичимлик ичиб, машина ҳайдаётган инсонга ўҳшатиш мумкин, яъни йўлидаги тўсиқларни, ҳатто светофор чирогини ҳам кўрмай колиши мумкин.

Хулоса: асабийлашган инсоннинг дикқат-эътибори сусайиб, нима гапирганини сезмай, назоратни йўқотиб қўйиши мумкин.

Аввало, сиз ўзингизга бўлган талабингизни ҳаётий эканлигини исбот ва намойиш этиб, сўнгра бошқалардан талаб қилсангизгина, ўзгаларда ўзингизга нисбатан ишонч ҳосил бўлиши мумкин. Мехнаткаш, заҳматкаш, жафокаш эканлигингизни исбот этмасдан ўзгалардан хурмат талаб қилиш –бу зиёли инсонга хос бўлмаган хислатдир.

Агар фарзандларингиз, набираларингиз, ҳамкасларингиз, ишхонадаги ходимларга ноўрин муомала қилиб. қўполлик қилсангиз, албатта тез фурсатда акс-садосини қўрасиз.

Фарзандлар, неваралар, ўқувчилар, талабалар тартибига фақат яккаю-ягона қаттиқ қилиш ўйлаган мақсадга эришишимизда қўл келмаса керак. Агар униб ўсаётган ниҳолни нукул қоронғуда ушласак, у ранги синиққан, нимжон бўлиб ўсиши мумкин. Шунинг учун ушбу ниҳолга қуёш нури ва очиқ ҳаво ҳам даркор бўлганидек, тарбия ишида ҳам меъёрида эркинлик ва меҳр бериб турилгани маъқулдир.

Агар ипни ҳатто арқонни доим тарангликда ушлаб турилса, албатта титилади, сўнгра узилади. Худди шунингдек, асабни ҳам доимий тарангликда ушлаб турish уни жароҳатланишига олиб келиши, инсонни мувозанатдан чиқариши мумкин.

Ҳасадчини, ғийбатчани худди юмронқозикқа ўхшатиш мүмкіндір, чунки юмронқозик кавламай юролмайды, бу унинг қонжонига сингиб кеттән касбидир.

«Йиқилғанни урма», деган нақлға бўйсуниш ҳам қарз, ҳам фарздир. Энг муҳими онгли тарзда эмас, у ёки бу тасодиф билан хатоликка қўйган одамни ҳар доим эзавериш, унга дакки беравериш инсофдан эмас.

Персонални бошқариш учун, раҳбар персонал билан шуғуллангани маъқул.

Классик, мумтоз мусиқа ва ашулаларни мириқиб тинглай олмайдиганлар ёки тинглашга хоҳиши бўлмаганларни миллат ошига тушган пашшаларга ўхшатиш мумкин.

Иши битмаса эшикдан ҳайдасангиз деразадан келиб, сизга хирадлик қиласиган одамни хира пашшага ўхшатиш мумкин. Аммо ушбу одамсимон хира пашшани тутиб ғижимлаб ташлай олмайсиз.

Деҳкон йилнинг тахминан ўн ойи давомида бутун оила аъзолари билан қилган меҳнати эвазига етиштирган ҳосилини икки қўли билан умрини чойхонада, ресторан, кафеларда айш-ишрат билан ўтказадиган ва кўчада бойвачча бўлиб, тўйларда артистлар бошидан пул сочадиганларга энг камида беш-ўн баробар кам нархга топшириб келиб, яна худога беадад шукур деб, кейинги йил ҳосилини етиштириш тараддудини кўра бошлайди. Пешона ҳам шунчалик шўр бўладими, ахир!

Ранги-ангори кетиб қолган инсонга тикилиб олиб, жуда мазангиз қочибди-ку, тинчликми ўзи ёки бирор-бир нохуш воеа юз бердими, деб мурожаат этиш ўша инсонга ханжар ургандек, илон заҳрини сочгандек туюлиши мумкин. Агар сиз одамгарчилик қилгиниз келса ва ҳақиқатан у инсонга меҳрингиз бўлса, қандай бўлсада унинг руҳини кўтаришга уринганингиз минг чандон афзалдир. Шу ишни амалга ошира олсангиз, гуноҳ ўрнига савобга эга бўласиз.

Ҳаётда ҳар доим жүшкін, шижаатли, ташаббускор бўлиш учун, ҳаётнинг энг қизғин жараёнларида чўчимай, тап тортмай, қатнаша олишга уриниш керак.

Ҳаёт –курашдан иборат, бу табиий ҳодиса. Бироқ шундай қурашиш йўлини топингиз-ки, белингиз синиб, бошингиздан айрилиб қолишингиз керак эмас.

Бу дунёдан шаҳаншоҳлару-амалдорлар, гадойлару-улуг олимлар, мутафаккирлар, фузалолар ўтдиilar ва ўтадилар. Ҳеч ким бу дунёга устун бўла олмаган ва бўла олмайди ҳам, бу дунёга устун бўлар, фақат яхшилигу-эзгулик, меҳр, шавқат ва одамийлик, Устун бўлиш осон эмас, чунки садоқат, меҳр, шижаат, келажак авлодлар учун нимадир ёзиб қолдиришга интилиш, чидам, сабрга эга бўла олиш керак.

Ҳамма ҳам бошқа одамга дўқ уриш, қўпоплик қилишдан олдин, уни тинглашга вақт ажратиб, ўзини уни ўрнига қўйишга ҳаракат қилиши керак.

Эшита билиш, инсон қалбига кулок сола билиш ва беасос уни жазолай олмаслик- олийжаноблик белгисидир, акс ҳолда бу – худбинлиkdir.

Сизга насиҳат қилувчи одам, ўзи бераётган насиҳатнинг маълум кисмини ўзи амалга оширмаслиги ёки ошира олмаслигини ҳар доим назарда тутганингиз маъқул.

Эътиқод бу: оиласа ҳурмат, иззат; фарзандларга оқибат; дўстларга, ҳамкасларга ишониш; миллатни эъзозлаш; Ватанни ёддан чиқармаслик; эл-юртга муҳаббат; ҳалқни эъзозлашдир.

Йирик давлат арбоблари, подшоҳлар ҳаётини орзу қилишга жуда ҳам ошиқманг. Сабаб ўша лавозимларда бўлмасдан, улар ҳаётини тассавур қила олмаслигингиз мумкин.

Улар (яъни подшоҳлар) бошидан ўтган турли хил можаролар, азоб-укубатларни чуқур таҳдил этиб чиқа олиш имконига эга бўлсангиз, ўз ҳохишингиздан қайтишингиз ҳам мумкин.

Инсонни жазолашдан олдин бериладиган жазонинг ижобий ёки салбий оқибатини тасаввур этишга харакат қилиш керак.

Бидъат инсоният бошига битган вабодан ҳам кучли касаллик-дир, фақат бидъатгина мутафаккиримиз Улуғбекни ўз камари палагининг нишонаси бўлган Абдулатифни ўз отасига қилич кўтаришга олиб келган.

Дўстларга дўстларча, худбинга худбинларча муомала қила билиш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди, яъни шоир айтганидек:

Ёмон бўлса дўстлари, дўст кунига ўт салар,
Яхши бўлса дўстлари, дўсти учун ўч олар.

Ўз соғлиғига ўз вақтида эътибор берадиган, соғлиғининг қадрига етадиган инсонлар баҳтга карши кам ёки бунинг оқибатини кейин тушунадилар.

Воқелик ижобий ёки салбий бўлишидан қатъий назар, қанчалик сир тутилса, унга бўлган интилиш геометрик прогрессия асосида кучайиб боради.

Кўнгил изҳорини, фикрени ўзгага баён этиш учун, ўзганинг ўрнига ўзингизни кўйиб кўринг.

Муғомбирлик инсон кайфиятини бузса, алдашлик кишини даҳшатга солади.

Ашула ёки мусиқани эшитган билан уни тушунилмаса ёки одамга руҳий таъсир этмаса, вақт бекорга сарфланади, дейиш мумкин.

Маҳаллада қўлингдан келмайдиган ваъдани берма ва ўзингни бошқа фуқаролардан сунъий ажратиб юрма, аксинча маҳалла куйдаги обруйинг тагига сув кўйилади.

Иш бор жойда камчилик бор, аммо йўл кўйиладиган камчиликнинг ҳам чегараси бўлиши керак.

Шундай домлалар ҳам борки, талаба унинг олдига ўтириб саволга жавоб берса бошлагач, ҳаёли берилаётган жавоб мазмунидан четлашиб, талабадан қандай қилиб ва қанча пул ундиришга ўтиб кетади.

«Пул бўлса чангалда шўрва» мақолини, «Сабрингиз, тоқатингиз иймон, эътиқодингиз бўлса албатта максадга эришасиз», деб аталган бўлар эдим.

Фарзанд тарбиясига худди қаровсиз қолган томорқадаги дарахтга қарагандек қараш керак эмас. Фарзандни ҳам вакти-вакти билан у ёқ, бу ёғини буталаб чакалакзорлардан тозалаб туриш, керак бўлса тарбия. одоб озуқасидан бериб туриши керак.

Аския ва қизиқчилик ўрнатилган чегарадан чиқиб кетса, уни бачканалик деб айтиш мумкин.

Уйда хуфтон, кўчада шодон бўлиб, юрувчи эркак кишиларга «уйғунлик» деган вирусдан юқтирилса яхши бўлур эди.

Ҳар бир хонадон рўзғор билан шугулланади. Имкон қадар шундай қилиш керак-ки, у ёки бу нарсани камроқ харид қилинса ҳам, у ёки бу нарсани вакти-вакти билан заҳиралик қилиб харид қилиб турган маъқул. Чунки кўз тўймагунча корин тўйиши амримаҳол.

«Қишиғамини ёзда, ёз ғамини қишида кўр», деган нақлга итоат этмайдиган одамни лоқайд одам дейиш мумкин.

Терроризмга, ваҳобийлик ва шу каби оқимларга қарши курашишда асаларилар принципини амалга ошириш маъқулга ўхшайди. Асаларилар ўз жамоасидаги тартибузарликларни аёвсиз жазолайдилар. Инсонлар ҳам шундай қилишлари учун юксак маънавиятга эришиш керак.

Экология ўзгариб бориши билан ёзги ва қишки чиллалар ҳам режимини ўзгартириб юбориши, каттиқ совуқ, кор ёғишлар баҳорга кўчиб, ёзги чилладаги қаттиқ иссиқлар куз мавсумига яқинлашиб қолаяпти. Ўзбекистонни жаннатмаконлиги шундан иборатки, охирги

150 йиллик тадқикотлар бўйича энг каттиқ совук тахминан 10 кун. Энг иссиқ ҳам тахминан 10 кун давом этади.

Хозирги қишки ва ёзги чиллалар характерини айрим бетайин инсонлар характерига ўхшатиш мумкин.

Битта масала бўйича бир нечта одамга мурожаат этаверсангиз ҳам, илтимосингиз кабул этилмай қолиши мумкин, чунки акс-садо деган ҳис-туйғу бор.

Биринчи мақоласи чоп этилган тадқикотчи, изланувчи хис-туйғусини, худди биринчи учирма этилган қушнинг қувончига ўхшатиш мумкин.

Интилиш, севги, муҳаббатни ўчай деб турған оловни авж олдириб юборувчи шамолга ўхшатиш мумкин. Аммо бундай шамол качон бўлиши мумкинлигини билиб бўлмаганидек интилиш, севги, муҳаббатни ҳам тайнинли ва тайнисиз эканини факат Аллоҳ таолонинг ўзи билса керак...

Машина ҳайдовчининг сергаклиги, ҳаёлпараст бўлмаслиги пиёдалар умрининг ва ўз умрининг гаровидир.

Инсон орқасидан тош отиш номардликдир.

Ўта жигибийронлик инсонни мувозанатдан чиқариб, асабларини таранглаштириб, асосий бажарилиши керак бўлган ишни ўз вақтида бажарилмаслигига асос бўлиб қолиш эҳтимоли бор.

Оний мақсад, оний муваффақият учун курашиш жараённида ўз навбатида оний ижобий, оний салбий натижаларга еришиш мумкин. «Ўйловчи ўйлагунча, таваккалчи йишини битиради», деганларидек оний интилишни ҳам бутунлай рад этиш қийиндир.

Инсонда олтинчи ҳис-туйғу бор дейишиди. Кимда агар олтинчи ҳис-туйғу ривожланган бўлса, у кўпроқ истикбол ва ҳаёлий воқеликлар, режаларни олдиндан сеза олади. Олтинчи ҳис-туйғу мия остидаги онгга ишониш, унга кулок солиш ва уни ривожлантира олиш мумкин экан. Мия остидаги онг фаолиятига кулок sola билиш ва унинг ёрдамида башоратларни амалга ошириш ҳам мумкин, ҳам керакдур деб ўйлаймиз.

Фарзандларга, набираларга бўлган муҳаббат – келажакка бўлган муҳаббатдир.

Фарзандлар қувончи, кулгуси энг улуғ байрамдир.

Инсонга роботга муомала қилгандек муомала қилиш, кўрсатма берувчи кимсанинг ҳам роботсимон ҳис-туйғули қилиб қўйиши мумкин.

Бемор руҳий ҳолати ёмонлашганда, унга қариндош-уруғлари, ёр-у биродарлари хабар олмаётгандек туюлади. Бу психология холос. Аслида табиий ҳол. Чунки ҳаёт ғилдираги айланишда давом этаверади. Бемор ўз ҳолича, соғлар ўз ҳолича яшайверадилар. Бу табият қонуни, хафа бўлиш ўрнига руҳий ёрдам кўникма олишга интилингиз.

Зукко қарияларнинг осоиишта ва маъноли қарашларида бир дунё маънавий, маърифий маъно бордир. Чунки тажрибали, зукко қариялар кўп гапирмай мавжуд психологик, социологик, педагогик, раҳбарлик қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда мийигида кулиб, қиска, лўнда ўз фикрини баён этиб, ҳаёт сабоқларини белгилаб бера оладилар.

Қозилик қилган яхши, бироқ одамларни сарсон қилиш, алдаш, уларнинг нафсига тегмасагина.

Суриштирмай, ўйламай бировга қарз бериш, айбингиз бўлмасада, бўйнингизга сиртмок солиш билан баробардир.

«Арzonнинг шўрваси текин» деганларидек, эркакка тез илакишиган аёлдан ва шунингдек, аёлга тез илакишиган эркакдан ҳаётингиз жабҳаси қимматга тушмасдан қочингиз.

Шундай вақтлар бўлади-ки, ким биландир ширин сухбат кургингиз, қандайдир овқатни егингиз, қаергадир боргингиз келиб колади. Менимча, вақти-вақти билан кўнгил ноласига ҳам қулоқ солиб турган маъкул. Агар шу ишни амалга ошира олмасангиз кайфиятингиз бузилиши, юрагингизда йигилиб қолган ҳис-туйғулар зардобга айланиши мумкин.

Яхиси соғлиғингиз ёмонлашса күпчиликка, айниқса ғийбатчи, құланса инсонларга билдиримангиз, чунки бундай кимсалар сизни касаллигингизни ҳам ғийбатға айлантириб, шундоқ ҳам маъюс қўнглингизни бадном этиши ва керак бўлса ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланиши мумкин.

Оила аъзоларидан бири касал бўлса, ҳамма касалдек туюлади. Аҳиллик, оила охунлик, эр охунлик, хотин охунлик, фарзанд охунлик бўлса камроқ касаликка чалинади, камроқ сиқилади ва ниҳоят умр узаяди.

Агар бемор сифатида касалхонага, шифокорга маслаҳатга борсангиз, касалхонадагиларни кўриб, гўёки ҳамма сизни касалингиз билан оғригандек туюлади.

Умуман, bemор кўпчиликка ёқмайди, яхиси касал бўлмасликка харакат қилган яхши.

Сиз шифокорга учрашганингизда, айрим шифокорлар гўёки сизга жиддий эътибор бермаётгандек туюлиши мумкин, чунки сиз ўзингизни ягона bemор деб ҳисоблашингиз мумкин, шифокор эса сизга ўхшаш bemорлар бисёрлиги сабабли, сизга бўлган муносабати файри-табиий бўлади. Сиз бундан хафа бўлмангиз.

Мақсади аниқ, интилиш ёрқин, зукко, иқтидорли одамлар улғайиб қолган бўлсаларда. уларнинг ёшини суриштиргмаган маъкул.

Тақдир билан ўйнашиб, ҳазиллашиб бўлмайди.

Оптимистик руҳ сизни тарқ этмаса, албатта, мақсаддга эришасиз.

Ҳатто пешонангизга пистолет тақалса ҳам, ўзингизни йўқотмасликка урининг. Бу сизнинг жасоратлигингиз белгиси бўлади.

Ҳар доим ўзини яхши кайфият ва тетик тутиб юриш омад келтиради ва ўзига хос дипломатиядир. Давлат арбобларининг энг жанжалли ва ечилиши қийин бўлган масалаларни ҳал этишдаги ўзларини тутишларини эсланг.

Русларнинг «Сила есть, ума ненадо» деган мақолини, «Пулинг бўлса, чангалда шўрва», деб таржима қилса ҳам бўлса керак.

Айрим шошқалоқлик билан иш бажарувчилар ва шошқалоқлик билан қарор қабул этувчиларни меъёрига етиб ивимаган қатикқа ўхшатиш мумкин. Меъёрида ивитилмаган қатик фойда ўрнига зарар келтириши мумкин...

Ўзини енгган зўр.

Одамларга раҳмат айтмаганга, Аллоҳ раҳмат айтмайди.

Одамларни рози қилиш, англаш қийин фалсафадир.

Оиладами, ишхонадами, у ёки бу нохушлик асосида сиқилишга, руҳий азобланишга олиб келувчи сабабларни қидириб, топиб уни бартараф эта олиш олийжаноблиқдир.

Бу дунёга келиб яшар экансан, албатта яхшилик сари интил ва яхшиликка яхшилик билан жавоб беришга ҳаракат қил.

Бефарқлик, лоқайдлик, қўпоплик ва ҳасадгўйлик инсон танасида пайдо бўлиши мумкин бўлган чипқон каби ҳаётни емириб, албатта, ўзидан салбий из қолдиради. Бу табиат қонунидир, чунки Худо таоло ҳамма нарсани кўради ва билади.

Энг аввало руҳни тозалаш ва даволаш керак, сўнгра шифобахш ўсимликлардан истеъмол қилиб, ундан кейингина тиббиётнинг бошқа муолажаларига мурожаат қилиш керак.

Омад(карьера), бахт ўзидан-ўзи келмайди. Худо таолонинг «сендан ҳаракат, мендан барокат» деган иборасини ҳар доим ёдда тутиб келажак, истиқбол сари ҳаракатлана олиш қобилиятига эга бўлишимиз керак.

Бошқа кимсадан ҳақсиз, асоссиз гумонсираш, шубҳаланиш унга таъни тошини отиш, уни сабабсиз қатл этишга тенгдир.

Хаётдаги ғаразлик, ғурбатлилк, аламзадалик белгиларига эга бўлган инсонлардан эҳтиёт бўлинг ва улардан узокроқ яшашга интилинг.

Ҳаддан ташқари, яъни ўрнатилган чегарадан, тартибдан чиқиб кетадиган сунъий талабчан инсонни албатта ўз манфаати ҳам бўлади. Бироқ ушбу манфаат ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин, ижобийси жамият манфаати, салбийси шахсий манфаатdir.

Шошма-шошарлик ишнинг белига тепишdir.

У ёки бу йиғилишда ҳар қанча гапириш мумкин, аммо хусуматсиз гапирилса.

Миш-мишлар, фисқу-фасодларга ишониб яшаш инсофдан эмас.

Агар раҳбар атрофий таҳлил эгаси бўлмаса, ишхонада ходимлар билан қиласидиган мулоқотини уйда ҳам амалга оширадиган бўлиб колади. Бу албатта оила аъзоларига маъқул бўлиши қийин.

Агар бир эркак киши бошқа бир аёл билан ширин, эркин сухбатлашиб турганини кўриб дарров нотўғри хulosса чиқариш, ана шу инсонларни ўргимчак инига яқинлаштиришdir.

Синашта бўлмаган гўзал аёлга сунъий илакишиш, худди ёниб турган оловга билмасдан қадам босишdir.

Оиладаги бетартиблик парокандаликка олиб келиши мумкин.

Албатта ҳар бир инсон ўзига ташқаридан боқиб кўришни ўргана олса, яъни бошқа инсон нуқтаи назаридан қарай билса, жуда одилона хulosалар чиқариш имконига эга бўлади. Ўзига ташқаридан боқиш, сизни ўз ходимларингиз, оила аъзоларингиз билан бўлган муносабатингизни қандай эканлигини аниқлаб беришга ёрдам беради.

Қарға тахминан 300 йил умр кўришига қарамай, булбул бўла олмайди, яъни булбулдек сайрай олмайди.

Хulosса: агар тагида бўлмаса ёки хоҳиш иктидори бўлмаса, мақсадга эришиш амримаҳол.

Танишингизми, яқин одамингизми, шогирдларингизми сизга раҳбар этиб тайинланса, дўстлик ришталари сийқалашмай, аксинча сиз бундан хурсанд бўлишингиз керак.

Кимdir янги foя ёки ташаббус билан чиқса, албатта камчилик топиб, танқид килувчилар пайдо бўлади. Буни табиий ҳол деб қабул қилингиз, чунки сизнинг миянгиздаги foя ва ташаббус танқидчи миясида йўқ-да... Шунинг учун ҳам сизни foя ва ташабbusингиз янгилик бўлиб хисобланади. Бундан сиз хурсанд бўлиб енгни шимариб, кўтаринки руҳ билан жавоб тайёрлашга урининг.

Ўз Ватанинг бойликларини ҳимоя қила олмаслигингиз билан тенгдир.

Айрим инсонлар ўз сухбатини «Сиз биласизми?, деган ибора билан бошлайдилар. Агар асосий мақсадни баён этмаган бўлса нимани билиш мумкин. Ажаб ҳангома!...

Ўз-ўзини тарбиялаш деб, шахсиятнинг энг ижтиомий қимматли сифатларини ўзида мукаммаллаштириб, салбий хислат ва сифатларни енгишга қаратилган фаолиятни айтилади.

Инсон қалби тоза бўлсагина, бажарган иши ҳам мусаффо бўлади.

Дейдиларким, инсон –инсон билан учрашганда оёқ кийимиға бок, менимча инсоннинг кўзига бокиши керак.

Фақат сендан гина қиласидиган одамдан ҳам узокрок юр, ҳам эҳтиёт бўл.

Бюрократия –тинкани қуритувчи омилдир.

Давлат раҳбарига биринчи навбатда ҳалқ тинчлиги керак.

Агар айрим оилаларда уч-тўрт фарзанд ташвиши бўлса, давлат раҳбарида миллионлаб ҳалқ ташвиши ётади.

Шукроналик яхши нарса, бироқ шукроналикка берилиб, беларволик касалига дучор бўлмангиз.

Сиз рақибингиз, сизга ёқмайдиган одамдан хафа бўлиб юрганингиздан кўра, яхшиси сизни эзувчи ҳис-туйғуни эсдан чиқарганингиз маъқулдир.

Хулоса: фойдасиз асабни қийнашдан наф йўқ.

Турналар, ғозларнинг буюк мақсад сари тартибли учишларини худди катта буюк саналарда саф тортиб ўтадиган ҳарбийларга ўхшатиш мумкин.

Азаларда сунъий тарзда ув тортиб, сунъий кўз ёшини тўкувчиларни, йиғилишларда минбарга чиқиб олиб, ўзини кўрсатиш учун сафсатабозлик қилиб, куруқ ваъдалар берувчиларга ўхшатиш мумкин.

Рақсга тушадиган, ҳеч бўлмаса ашулани ҳиргойи қила оладиган инсон бағри кенг, кўнгли тоза ва ҳамдўстлик ҳиссига кўпроқ эга десак, янглишмасак керак.

Бўлар-бўлмасга дағдага қилгандан кўра, битта сигарет чекиб, ўз асабини тинчлантириб олинган маъқулдир.

Асабий одамга, асабий эмас, бамайлихотир муомала қилингиз.

Қор ёққанида пайдо бўладиган излар қуёш нурида эриб, йўқ бўлиб кетганидек, ғаразлиз аразлар ҳам меҳр нури билан ювилиб кетади.

Сув тошқинидан сўнг, пайдо бўлган чиқиндиларни тозалаш керак бўлганидек, ғаразли инсон ғаразини ҳам тозалашингизга тўғри келиши мумкин. Бу муаммо албатта, бу инсон қалби тоза-лигига бевосита боғлиқ нарсадир.

Аввало, сиз ўзингизга бўлган талабингизни ҳаётий эканлигини исбот ва намойиш этиб, сўнгра бошқалардан талаб қилсангизигина, ўзгаларда ўзингизга нисбатан ишонч ҳосил бўлиши мумкин. Мехнаткаш, заҳматкаш, жафокаш эканлигинизни исбот этмасдан

Үзгалардан хурмат талаб қилиш –бу зиёли инсонга хос бўлмаган хислатдир.

Рашк ўти дўстларни душманга айлантириб қўйиши мумкин.

Коррупция билан қурашишни, инсон томирларидағи холестеринни камайтиришга оид қурашга ўхшатиш мумкин. Холестиринданд бир йўла ҳоли бўлолмаслик каби, коррупциядан ҳам юз фоиз кутулиш мураккаб муаммо. Доимий қурашда чарчамаслик ва мавсумий қурашдан кўра чидамкорлик билан қурашиш муваффакиятга олиб келиши мумкин, холос.

Самовар ёки тефалдаги сув оловсиз қолмагунча ушлаб туриладиган бўлса, қайнайвериб сув тугаганидек, асабни асабийлаштирувчи омиллар таъсири давом этаверадиган бўлса, инсон ҳолдан тойиши мумкин.

Иморатнинг асоси (фундаменти) пишик бўлса, узоқ вақт чидамли бўлиши аниқ бўлганидек, инсон ирсияти (гени) яхши бўлса, у узоқ вақт жамиятга фойдали бўлиши мумкин.

Кимдир сенга қитмирлик қилса, сен унга қитмирлик қилма.

Инсон яхши нарсага ҳам, ёмон нарсага ҳам одатланиш қобилиятига эга.

Одатдан чекиниш осон иш эмас, бунинг учун зукколик талаб этилади.

Эркак киши уч хил йўналишда ўзини тута билиши, талтайиб кетмаслиги, суистеъмол қилмаслиги, беш панжани оғзига солмаслиги, дўстлар, оила аъзолари ва ниҳоят ўз шахсий келажагини ўйлай олишини синаш мумкин. Ушбу йўналишлар:

- Юқори лавозимга эришганда;
- Мўмайгина пул эгаси бўлганда;
- Чиройли аёлларни ўзига жалб этганда.

Юқорироқ лавозимга эришган шахсларга бир томондан кувонаман, иккинчи томондан ачинаман, ачинишам сабаби: табрик устига табрикловчи хушомадгўйлар ўз шахсий мақсадларига эришиш учун ҳар қандай жирканчликлардан қайтмасликлари мумкин. Муболага қилиб айтганда, Хитойдаги қариндош-уруғи, таниш-

билиши мурожаат этиб, раҳбар ходим лавозими чегарасига кирмайдиган илтимосларни қилиб, ё ўзи қариндош уруғчиликдан кечиб кетади, ё танишини лавозимидан четлаштирилишига сабаб бўлиши мумкин.

Оқибатнинг натижаси, раҳбар лавозимидан кетганидан (дўстлар, ходимларга тегишли) сўнг, ота-онанинг қадри бу дунёдан кўз юмганидан сўнг (фарзандлари, қариндош-уругларига тегишли) билинади.

Қандай кўринишда бўлишидан қатъий назар, бирор-бир ютуқقا эришилганда ховлиқишига йўл қўйиш ортиқча ташвишdir.

«Пичоқни олдин ўзингга ур, огри маса бирорга ур», деганларидек ўзгаларга дўк уриш, дакки бериш ва қўпол муомала (асоссиз бўлса албатта) қилишдан олдин озгина мулохаза қилиб олинган маъқулдир.

Иморат куришни шахмат ўйинига ўхшатиш мумкин. Дўппини олиб қўйиб, осойишта ўйлаб иш қилинмаса «мот» бўлиб қолишингиз ҳеч гап эмас.

Бачканга ашулани эшитгандан кўра, дилкаш инсон билан сухбатлашиш яхши дам бериши мумкин.

Яхши ният билан бошланган ишни амалга оширишда бўладиган тўсиқлар учун жиги-бийрон бўлмай, яхши ниятга етишга интилаверинг.

Яхши ҳис-туйғу баҳорни эслатади.

Ўзгалар кайғусидан ғуурурланувчи инсон охирати – дўзахдир.

Шахсий манфаат йўлида бошқа одамни азоблаш бу – номардликдир.

Инсонни инсонга бўлган хуружи, ҳайвонларни бир-бирига бўлган хуружидан даҳшатлироқдир.

Ота-оналарнинг бир-бирига бўлган фирибгарликлари фарзандлар шўридир.

Котиба, муовинларнинг иш юритишнинг замона талаб этган тарзда олиб бора олмаслиги, зийраклиги, хушмуомалалиги, зукколиги, чаққонлиги, тилининг бийронлиги бўлмаса, раҳбарнинг шўридири.

Ҳаётнинг ҳақиқий нашидасини топиш, яъни ёрга етишиш, фарзандлар қўриш, дўстлар орттириш, ота-она ҳурматига сазовор бўлиш, ижод натижаларига эришиш, армонларни камайтириш, ёргуғ дунёга келганига шукроналик қила билиш ва шу кабилардан ҳамнафас бўла олишдан ортиқ баҳт бўлмаса керак.

Миннатлик ошдан беминнат мушт афзалдир.

Ғалчани иззат қилсанг, чориги билан тўрга чиқади.

Бекорчидан ҳамма безор.

Дунёдан умид бўлмаса, дарча қийшиқ бўлди нима, тўғри бўлди нима. Бунақа нарсалар ҳаммаси дилга, орзу-ҳавасга боғлик. Дунёдан умиди бўлмаган одамда дид ҳам, орзу-ҳавас ҳам сувга уриб кетади.

Эркак киши уйга келганда, турмуш ўртоғи ва фарзандларининг уни яхши кайфият ва табассум билан кутиб олиши баҳти бўлиб, оила бошлигининг руҳий бардамлигини оширади.

Хом ғиштни ёки гувалак қуяётганни кўрмасдан, лойлигидан куладиган инсонлар ҳам топилади.

Қалтис йиқилиб бирон жои майиб бўлган киши бунинг оғригини ўша тобда эмас, кейин билганидек, можаронинг бутун даҳшати кечаси қўрпага кирганидан кейин сезилиши мумкин.

Ўзи тўймаганнинг салқити корин оғритади, очқўздан ортгани бизга жир бўлармиди?

Ёқимли қўшиқ ва ғазаллар кишида ўзи нима эканини билмайдиган ҳислар уйғотиши мумкин.

Хавф-хатарга юзма-юз келиб, унга чап бериш қандай яхши!

«Мен бу мол-дунёни, ер-сувни қўлим билан топган эмасман, ақлим билан топғанман», деган эди академик Х.М.Абдуллаев.

Жон керак бўлса, ўлимга чап бериш пайида бўл. Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ!

Шифокорлар тавсифича, умуман чой, кофе, турли хил ичимликлар истеъмол қилиш ўрнига ҳар куни икки ярим литр сув истеъмол қилинса, бошқа суюқликнинг кераги бўлмас экан. Бу дегани ҳар бир ишни бошлашдан олдин, шу соҳалардаги сабокларни ўрганиш фойдадан ҳоли эмас.

Тулки: «бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур», деган экан.

Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр. Раҳбар дангаса бўлса, бошқалар нима қилишлари мумкин.

Гапни айтгин уққанга, жонни жонга суққанга, гапни айтиб нетарсан, онаси бемаҳалда туққанга!

Бир одам куйиб-пишиб гапириб турганида, сигири маъраб қолиб, унга эмас сигирга қарайдиган одамга гап таъсир қилинмайди, албаттат!

Бетга айтганинг заҳри йўқ.

Бошқаларга қарааш керак эмас, бошқалар бизги қарасин, кўрсин, ўйласин.

Уни ҳаёл ахмоқ қилаётган эди.

Жаҳл келганда, ақл қочади.

Элдан қолгунча, эрдан қолган яхшироқ.

Уй эгаси товуққа ўзининг тухумини бостирадими, ўрдакнинг тухумини бостирадими унга барибир, очиб чиқаверади.

Камбагал бош күтарса, бой тош күтаради.

Хўроздан «тонг отишини нимадан биласан?» деб сўралса, «ёр қанотининг қимирилашидан биламан» деган экан.

«Ўзи қилолмайди, қилганни кўролмайди», шу тоифадаги инсонларни худбин дейиш мумкин.

Деҳқон ўзига ажратилган ерни эъзозлайди, ҳурмат қиласди, ундан меҳнатига яраша ҳосил олади. Экилган кўчатларни, дараҳтларни парвариш қиласди. Томорқасидаги сув оқиб ўтадиган ариқларни тозалайди. Бироқ ўз организмини парвариш қилиш, уни тозалаш ишлари билан ёки шуғулланмайди, ёки ҳоҳламайди ёки тушунмайди. Ўйлаб қоласан киши: наҳотки инсон ўзига душман ёки ўзига бўлган ҳурматни жойига кўя олмайди.

Зерикиш –умрни бекорга ўтказишдир.

Соф одам носоғ одамни тушуниши осон эмаслиги аниқ, аммо айрим соғ одамнинг ўзи касал бўлиб қолсами, берди худо, ҳаммага арз-дод қилиб, унга бутун жаҳон қоронғудек туюлиб, ўзгалар унинг ахволидан хабар олмаётгандек бўлиб туюлади.

Қаршиングизда ўтирган айрим фирибгарларни гоҳ у тарзда, гоҳ бу тарзда ўзини турли оҳангга солишни худди душманидан бекиниш учун гоҳ рангини, гоҳ шаклини, гоҳ кўзини ўзгартириб турувчи жониворга ўхшатиш мумкин.

Ёрдам, туртки ижобий тавсия ҳаётда муҳим рол ўйнайди, яъни у ёки бу шахсни, у ёки бу лавозимга тайинланишида, у ёки бу шахснинг тавсияси, ёрдами кўл келиши мумкин. Ёрдам ва тавсия ёрдамида ўз ҳолатини ўнглаб олган шахс мустақиллик, иқтидор, зукколик, келажакка ишонч каби хислатларга эга бўлмаса, эришган мавқеидан албатта ажралади. Агар ушбу хислатлар билан қуролланган ва мавжуд мавқега қўтарилишида воситачи бўлган шахсга содик бўлиб қолса, баҳти очилиб келажаги порлоқ бўлиб кетиши мумкин.

Хозирги кунда тезкорлик билан тараққий этиб бораётган фанлар ривожи кишини хайратга солади. Бир фаннинг ривожланишида иккинчи ва бошқа фанларнинг таъсири, яъни интеграция жуда катта

аҳамият кашф этиб келмоқда. Бунинг мазмун моҳияти шундан иборатки, «бирлашган ўзар, бирлашмаган тұзар», деган мақолга мос ҳолда фанлар, олимлар интеграциясисиз умуммуваффакиятларга эришиб бўлмайди.

Ҳаддан ташқари ўзига бино қуювчи эркаклар аёлларга хам ёқмай қолиши мумкин.

Бефаҳм аёл эрнинг шўридир.

Дунёнинг ташвишлари билан овора бўлавериб, оилани назардан чиқариш инсофдан эмас.

Шаҳардаги кўп қаватли бинонинг битта йўлакчасида ёнма-ён турувчилар бир-бирини танишмаслиги ва бир-бирлари оиласарида бўлиб, ўтаётган воқеликлардан хабардор бўлмасликлари мумкин. Қишлоқда эса ҳамма бир-бирини танийди, битта оиласида бирор-бир воқелик юз берса, ҳамма қишлоқ аҳли воқелигига айланади.

Аҳмоққа «сен аҳмоқсан» десангиз хафа бўлади, уни сунъий тарзда мақтасанг, аҳмоқлигига бўй баробар аҳмоқлик қўшилади. Муросаю-мадора дегани шу бўлса керак.

Ўзгага сен «аҳмоқсан» дейишдан кўра унга бошқа «аҳмок» тафсилотини тушунириб берган маъқул.

«Мен у одамни, бу одамни яхши биламан, у билан дўстман, ҳоҳлаган илтимосимни амалга ошиrolаман» дегувчилар сўзига лак этиб тушманг. Сиз билан гаплашаётган одам гарчи сиз билан дўст бўлмаса-да, сиз ҳақингизда ҳам ўзгаларга шундай дейиш мумкин. Бундай инсонларни фирибгар десак янгишмаган бўламиз.

Бирорга берган қарзингизни узок вақт оломай, сўнгра олишиниз насиб этса, худди катта бир даромад олгандек шукроналик ҳистайғуси пайдо бўлиши мумкин.

Хеч қачон ўзгалар фарзандларини уларнинг ота-оналари иштирокида танқид қилманг, чунки ота-она бари-бир сизни тушуниши амримаҳол. Чунки қора қўнғиз ҳам ўз боласини оппоғим дейди.

Ҳақиқий ижодкор ғийбатдан холис бўлади.

Шифокорларнинг ёзib берган рецептни эмас, унинг меҳри ва ширин сўзи асосий даводир.

Ўкувчини ўқитувчи, талабани домла, айбланувчини прокурор сўрок қилаётганда ўзини энг ақлли, энг доно ва қолаверса ҳеч қандай камчилиги йўқ инсондек ҳис этади.

Бошингизга қанча ташвиш тушмасин, изланишдан чекинманг.

Ғийбат, маломат, фисқу-фасодлари мавжуд бўлган инсонлар ийғилишидан киши билмас ғойиб бўлганингиз яхшидур.

Қўшнингиз, маҳалла ахлингиз олдида қанчалик бесуқум бўлсангиз, шунчалик обрўйингиз ошади.

Мусофиричилик кишини сергак қиласи, ҳаёт қийинчиликлари билан курашишга, дўстлар, қариндош-уруғлар, оила қадрига етишга энг муҳими – Ватанни саждагоҳ эканлигига бўйсунишга мажбур этади.

Оилага содиқлик Ватанга, элга содиқликдир, чунки ушбу содиқлик сабабли, Ватанга, эл муҳаббатига, хурматига сазовор бўлади.

Инсонни инсон деб тан олинишида, унинг бойлигигина эмас, балки унинг маънавияти, одоби эътиборга олинадиган бўлса маъқул бўлар эди.

Гапда ҳам, ишда ҳам ўзгаларни камситувчи инсон худбиндир.

Китоб ёки илмий асар яратиш бу машқ эмас, балки бутун вужудини алоҳида олинган максадга йўналтиришдир.

«Кўза ҳар куни эмас, кунида синади», дейилгандек, келин билан куёв ўртасидаги муносабатга дарз кетса, албатта, узоқ йиллар унинг изи қолади. Ушбу дарзни пайдо бўлмаслигига иккала томоннинг отоналари зийраклиги катта ўрин тутади.

Келин-куёв тарбиясини шундай олиб бориш керакки, уларга ҳеч қаочон бир-биридан ажралиш фикри көлмасин, тахтни ота-оналар яратиши мумкин, баҳтни ёшларнинг ўзлари яратишлари керак. Келин-куёв ҳәти янгидан қурилган бинони эслатади. Унинг пойдевори устига тушадиган ёмғир, дўл, шамоллар таъсирида иморат бузилмай, чиникиб мустаҳкамлиги ошиши керак. Келин-куёв ҳәётида 1966 йил 26 апрелдаги зилзилавий ва жаннатий кунлар бўлади. Ҳамма гап зилзилавий кунлар билан жаннатий кунларни уйғунлаштира олишдадир.

«Якин» одамингиз деб ҳисобланган инсон билан раҳбаринг ғийбатини килма, чунки вакт ўтиши билан «якин» одамингиз билан раҳбар муносабати яхши бўлиб кетса сизни ўзингизни ўзини яхши кўрсатиш максадида раҳбарга сиз ҳақингизда ғийбат қилиш эҳтимоли бор.

Кек саклаб, ўзини ҳаммадан ақлли, билимдон, тажрибали деб ғўдайиб юриш шу инсоннинг ўзига кони зарардир.

Хали тилга кирмаган болани хали ҳеч нарса тушунмайди деб, турли хил сўзларни (ҳам қил, нанна,чув-сув ва ш.к) нотўғри талафғуз қилмай, адабий тилда мурожаат этилгани маъқул. Чунки ниҳонни қандай тарбия қилинса у шундай улғаяди.

Мўғомбирлик – мўғор босган қалбнинг аксиdir.

«Саёқ юрсанг таёқ ейсан», деган ҳаклга итоат этадиган бўлсак, ота-она назоратидан четга қолган фарзандлар таёқ еб қолиш эҳтимоли йўқ эмас.

Инсон ўз соғлигини яхшилаб юриши, кўпроқ дори-дармондан кўра унинг ўзини тутишига боғлик, яъни энг аввало тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтиб туриш, ҳар куни жисмоний тарбия билан шугулланиши керак. Япониянинг Окинава ороли аҳолиси узоқ умр кўриши билан машҳур. Уларнинг сири қорин тўйишини ҳис қилишлари биланоқ овқатланишини бас қилингиз, чунки тиш тозалаганда юрак қон томири касалликларини келтириб чиқарувчи заҳарли бактериялар ювилиб кетар экан. Танани ҳар куни поклаш, ички кийимларни алмаштириб туриш, тоза ҳавода сайд тишиш Окинаваликлар одати экан.

Битта ширин сүз билан инсон рухини еттинчи осмонга күтариш, битта күланса, күпол сүз билан ернинг остига киритиб юбориш мумкин.

Айрим вактда профессор-ўқитувчи ва ходимларга шунчалик кўп ортиқча жамоатчилик кўрсатмаларини бериб юборамизки, гўёки олий ўкув юртида ўқиш жараёни иккинчи даражалидек туюлиб колади.

Худди темир моддаси турли хил омиллар таъсири остида занглағанидек, мия ҳужайралари-ю, тана асаблари ҳам турли хил омиллар таъсири остида занглаши, ўтмасланиб колиши мумкин.

Ҳамма нарсани заҳирасини олдиндан имкон қадар тайёрлаб қўйган яхши, масалан озик-овқатни олайлик. Худо кўрсатмасин у ёки бу талафот (кор ёғищ, сув тошиш, кучли совук ёки иссиқ бўлиш ва х.к.) юз берса аз қотади.

Ўткир Ҳошимовдан:

Шер оч қолмаслик учун кийикни ейди. Аммо бир-бирини ўлдирмайди. Кийик оч қолмаслик учун кўкатни ейди. Аммо бир-бирини ўлдирмайди. Баъзи одамлар кўкатни ҳам ейди, кийикни ҳам ейди, кўнгил хуши учун шерни ҳам ўлдиради... Кейин бир-бирининг пайини киркади. «Табиат гултоjisига шон-шарафлар бўлсин!»

Яхшига ҳам, ёмонга ҳам бирдек яхши кўринишга уринадиган одам энг хавфли одамдир.

Дарвин зўр олим бўлса бордир. Аммо унинг назарияси хато. Маймун миллион йилда ҳам одамга айлана олмайди. Одам эса бир зумда маймунга айланиши мумкин.

Истеъдодлилар ҳадеганда ковуша қолмайди. Улар юлдузга ўхшайди. Ҳар бир юлдузнинг ўз меҳвари бўлади. Юлдузлар бир-бирини инкор этмайди. Аммо бир-бирининг меҳварига кирмайди ҳам. Истеъдодсизлар эса бир замбил шағалдек гап. Дарров тўда-лашади. Тўда бўлиб жим ётса-ку, майли. Тош отавериб безор қилгани чатоқ.

Ҳайвонлар, қушлар ўз бўлажак ёрларига етишишлари учун бир-бирларини ўлдирадилар. Бирок уларнинг доимий ёрлари бўлмайди. Ҳатто фарзандлари ҳам рафиқалик вазифасини бажариши мумкин.

Инсонлар ҳам ўз ёрларига (севгилиларига) етишиш учун дуэллар ташкил этишган, бир-бирларини ўлдирганлар. Ҳозир ҳам ушбу жараён қандайдир тарзда давом этмоқда (ўлдириш, жабрлаш, пичоқбозлик қилиш ва ш.к.). Ана энди айюҳаннос солиб биз ҳайвон эмасмиз, инсонмиз ақлли мавжудотмиз деб юрган инсонларга нима дейсиз? Шунинг учун бўлса керакки, аёлларга ўта қўполлик қилган одамларни «ҳайвонга ўхшама» дейишса керак.

Худди сиз севган гулнинг уруғи тасодифан тупроққа тушиб кўмилиб қолиб, анча йиллар ўтиб, униб чикқанлигини кўриб канча чексиз хурсандчиликка эга бўлсангиз, биринчи муҳаббатига эришолмаган инсон уни ёши улғайиб қолганида, собиқ севгилисини учратиб ҳам шундай хурсандчиликка эга бўлади деган фикрдамиз.

Кимгадир маслаҳат ёки қўрсатма берганингизда бетингизга чопиб, гапингизни бўлиб турадиган инсонлардан эҳтиёт бўлганингиз маъқул.

Икки киши санъат ҳақида сұхбатлашиб ўтириб улардан бири Коммуна Исмоилова юракдан чиқариб куйлади дебди. иккинчи сұхбатдош эса Муножат Йўлчиева кўнгилдан чиқариб куйлади, дебди.

Хулоса: ҳар бир қўшиқ бир қулоқдан кириб, иккинчи қулоқдан чиқиб кетадиган бўлса, у қўшиқ қўшиқ эмас, ашулачи санъаткор ҳам ашулачи, санъаткор эмасдир. Кўнгилдан, юракдан айтилган ашула кўнгилга, юракка албатта, ўтириб колади ва инсонни жонлантиради.

Агар инсон бошига ташвиш тушиб ёки ўзи тушунмаган ҳолда турли хил гумонларга берилиб, бессаромжонлик (депрессия) ҳолатига тушиб қолса, бундай инсон биринчидан ўзини ўзи еб тугатиши ёки бошқа бир инсонга руҳий, жисмоний жароҳат етказиб қўйиш эҳтимоли туғилади. Бундай инсонларга оталарча, акаларча, раҳбарларча меҳр изҳор қилинса, худди кучли бўрондан сўнг ҳаммаёқ осойишта бўлиб қолганидек депрессияга тушган инсон кўзи очилиб, ҳужайра ва асаблари яхшиликка хизмат қилишга отланиши мумкин.

Дунёда яхши ҳалқ йўқ, ёмон миллат бор, ёмон миллат йўқ, ёмон одам бор, ёмон одам йўқ, ёмон характер бор, ёмон характер йўқ, ёмон ҳис-туйғу бор, ёмон ҳис-туйғу йўқ, ёмон шарт-шароит бор. Чунки,

инсон энг кўпи беш фоиз иктидор билан дунёга келиб, қолган ҳулки-автори, иктидори борлиқ шарт-шароитга боғлик тарзда ривожланади.

Миллатчилик офат эмас, чунки унинг иллатлари сув юзига чикқан пуфакдек маълум бўлади. Маҳаллийчилик эса миллат бошига тушган вабодир. Ушбу вабо вирусларини ривожлантирилиши хориж душманлари учун ялангочланган қиличдек хизмат қилиши мумкин.

Шеваларнинг мавжудлиги бетофиқлар, шахсиятпастлар, барийбат ришталари билан тўлганлар учун катта қуролдир. Ушбу қурол ёрдамида миллатни парчалаш мумкин.

Инсон факат инсондан эмас, жониворлардан ҳам ўrnак олиши мумкин. Масалан асаларидан, чумолидан ва бошқалардан.

Таникли давлат арбоблари, олимлар, инсонлар, санъаткорлар мухлиси бўлиш яхши нарса, аммо факат мухлисгина бўлиб қолмай, шу инсонларга эргашиб, интила билиш ва қолаверса, шахсий ташаббус ва хисса қўшишга интилиш умум жамият ривожига қўшилган хисса бўлади.

Жамоада биринчи сафда бориш яхши, аммо ҳар доим биринчи сафда бўламан деб қоқилиб тушиш керак эмас.

Ҳавас яхши нарса, бироқ факат куруқ ҳаваснинг ўзи сизга наф бермаслиги мумкин.

Ҳаёт шу нарсани тақозо этмоқдаки, ит ва мушуклар ҳар доим бағрини ерга бериб ётадилар, шунинг учун бўлса керакки, улар ер силкинишини биринчилардан бўлиб сезишса керак.

Таҳлиллар шу нарсани кўрсатмоқдаки, ит, мушук ва шу каби ҳайвонлар ҳаво юқори даражада исиб кетса ёки совиб кетса, салқин ёки иссик жой топиб, иложи борича кам овқатланиб суқунатда вақт ўтказишар экан. Инсон эса ҳаво исиб ёки совиб кетса эътибор бермай иш фаолиятини баралла кўтариб юришга уринади, натижада иш унуми ҳам камайиб энг ёмони соғлиғига путур етказади.

Ҳар бир инсон эрталаб туриб, ойнага боқиб ўз аксини кўрганда, ўзини дунёдаги энг гўзал ва нуқсонсиз инсон деб ҳис қиласди, чунки

ҳамма нарса солишириш асосидагина тан олинади. Ойнадаги акс солишириш эмас, албатта.

Сизнинг олдингизга бирор бир илтимос билан келган кимса сунъий тарзда ўзини камсуқум, мулојим тутиб худди сувга тушган мушукдек тасвирланиб ўтирасою, аммо иши битмай колса ёки сизнинг муомалангиз унга мос тушмаса, кабулингиздан чиқкан захотиёк шерга айланиб, сизни янчиб ташлаш ҳолатига кириши мумкин.

Ўзгаларни воситачилар ёрдамида жазолаш, бу раҳбарнинг кучли эмаслиги, яъни ожизлиги белгисидир.

Ҳаёт курашдан иборат дейилади. Бу аксиома. Аммо ҳайвонот дунёсидаги жумладан, ўмондаги ҳайвонлараро курашдан, инсонлараро курашнинг ер билан осмондек фарқи бор.

Маҳмадона кишидан узокроқ юриш керак.

Мактанчоқ инсонни мактагин-у, қоч.

Найрангбоз найрангини амалга ошираётганда мен дипломатман деб ўиласа керак, шунинг учун найранги ҳамма вақт ҳам амалга ошавермайди.

Айримлар орзулас ҳаёлига чўмиб, гўёки шамол у томон боқсаю, худди варрак сингари орзулати сари парвоз қилишини хоҳлайдилар, бироқ осмон-у фалакка учган варрак билан ўзининг вазни ва шамолни қабул қилиш санъатини тасаввур этолмайди.

Айрим севиб қолган йигитлар уйланишдан олдин севгилисига ойни, қуёшни, ўлдузларни олиб беришни ваъда қилиб, тўй ўтганидан сўнг ҳатто хўроқсанд ёки музқаймоқ олиб беришни ҳам хоҳламай қоладилар.

Бузғунчилик бу оғат эмас, унга одатланиб қолиш оғатдир.

Фарзандингни сен эмас, бошқалар мактасин.

Ваъдабозга ишонма, ундан қоч.

Аёллар күчага ўзини күз-күз қилиш учун эмас, аёллигини билдириш учун чиққани маъкул.

Аёл киши ҳар куни оиласда энг гўзал, саришта, иффатли бўла олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Албатта, бошқалар учун яшайдиган аёлларга бу иш ёддир. Чунки бундай аёлларга эридан ажралиш муаммо эмас.

Ўзингизни тасаввурингиз ва била олмаган нарсангиз ҳақида ходимларингизга кўрсатма берманг.

Раҳбарга бошқалар ҳақида ғийбат қилишдан ўзингизни тийинг. Бу яхшиликка олиб келмайди. Бунинг ўрнига раҳбар берган кўрсатмаларни сифатли бажаришга интилганингиз маъқулдир.

Агар мухим мўлжаллаган ишингиз сиз ўйлагандек натижа билан тугамаса, бироз вақт такозоси билан ушбу натижага эришсангиз, ўзингизни худди узок пиёда юриб чарчагандан сўнг, майса устига ташлаб ётиб мовий осмонга боқиб мазза килгандек хис-туйғуга эга бўлишингиз мумкин.

Инсон ҳайвонларга, жониворларга, уларни йўқотиш ёки улардан фойдаланиш мақсадида «қопконлар» кўядилар. Шу билан бирга, инсонлар инсонларга ҳам, уларни йўлдан қоқилтириш ва ҳатто уни йўқотиш мақсадида «қопконлар» кўядилар. Шу алфозда инсон ва ҳайвонларга бўлган муносабат фарқини ажратиш қийин бўлиб қолади.

Ижод жавҳарига шўнгигиб кетиш қўлидан келадиган инсон дунё ташвиши, тўполон-жанжалларидан четлашиб, руҳи шодланиб, хаётга худди қуёш нурига боққандек хур фикр ва қувонч билан боқади.

Ижодкор машина ёки робот эмас. Унинг ишини машина ва роботдаги сингари олдиндан дастурлаб, белгилаб сўнг тугмачани босса ҳаракатга келадиган ҳодиса деб тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ижодкорга тазиик ўтказиш ортиқчадир ва ижодкорнинг ўзи ҳам илҳоми келмаса ўзини ижодга мажбур эта олмайди. Шунинг учун бўлса керакки, таникли олимлар, ёзувчилар, шоирлар яъни, ижодкорлар ҳақида халқимизнинг «Ҳавоий» инсонлар деган гаплари ҳам маълум. Айтишларига қараганда марҳум Ҳабиб Муҳамедович

Абдуллаев енгил машинада кетаётганида хаёлига бир фикр, янгилик келиб қолса шу заҳотиёк ручка, қозоз олиб машинани тұхтаттириб қоғозга ўз фикр-мулоҳазасини ёзиб қўяр экан.

Тўйларда, маъракаларда, катта жамоа йиғилишларида масла-хатгўйлар кўпайиб кетиб, амалий иш қиладиганлар анқонинг уруғи бўлиб қоладиган ҳолатлар ҳам учраб туради.

Башарият яратиб, кўз корачигидек эҳтиётлаб келаётган бадиий дурдоналар ҳазинасига муносиб ҳисса қўшган Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Носир Ҳисрав, Саъдий Шерозий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби мутафаккир шоирларимизнинг пурхикмат сўзларидек улуғ кучдан жой-жойида фойдаланар эканмиз, уларни бу кун ҳам тирик ва елкадошдек ҳис этамиз.

Большевизм наркотик модда қабул қилиб олган кўчадаги бир тўда муттаҳамларни осойишта яшаётган фуқароларга ҳужум қилиб улардан қўл сифатида фойдаланиш ҳодисасига ўҳшатиш мумкин.

Қуёш бота бошлаганды, осмонга қизил шуъла тушса, эртаси куни ҳаво очик бўлади дейишиади. Ҳудди шунингдек, инсоннинг асосий умри ўтиб бўлганда оиласидан, фарзандларидан, қариндош-уруглару, ёру биродарлари, ҳамда ҳамкасларидан кўнгли тўқ бўлса, ўзини поклигига ишонса, яхшиликлар гирдобида бўлса, дуога бой бўлса, ўтган ҳәтидан нолимаса, ҳамма учун хушфеъл бўлса, шукроналик кила олса нариги дунёга равона бўлганида руҳи шод ва жаннат гулдастасига муюссар бўлса керак.

Айрим Олий аттестация комиссияси аъзолари дарахтни бир тепсант педагог, шифокор, иктисадчи дув этиб тўклилади, дейишиади. Бундай дейиш ноҳақликдир. Ушбу ибора ижод аҳли кўнглига ханжардек тақалиб, ёш олимлар интилишига тўғаноқ бўлиши мумкин. Ҳамма гап шундаки. шундай дегувчилар буортма тарзида мавжуд диссертацияларни салбий қилиб қўсатишга кўрсатмалар бериб, ўзларини қандай химоя қилганларини тушларида ҳам кўрмай, битта ҳам илмий мақола ёзмай, илмий анжуманларда қатнашмай, ғудайиб юрадилару, амалдан кетгандаридан сўнг ҳар бир ижодкорга муаллиф дош бўлишга уриниб юрадилар. Бунинг ўрнига диссертациялар сифатига одилона ва ҳаққоний, ҳаётий қўйиладиган талаблар устида бош қотиришганида ҳаммага фойда бўлур эди.

Ким прагматик, ким романтик, унинг дунё карашига боғлиқ. Ҳам прагматик, ҳам романтик бўлиш, ҳозирги кунда модага айланмоқда.

Ўн беш насиҳат. Бир донишманднинг ўз фарзандига қилган насиҳатлари:

1. Ватанпарвар бўлиш, ҳаётда муваффакият қозониш, жисман ва руҳан мукаммал бўлиш учун меҳнатни сев, иш одами бўл.
2. Ялқовликдан узоклаш, гайратли бўл, вужудингни ҳаракатга бағиша, тинма, тириш, олга бос!
3. Эҳтиёт бўл, ҳамма ишингда тартиб ва интизомга риоя қил.
4. Сенга жамият томонидан топширилган вазифани бекаму-кўст адо қил.
5. Шарафинг, номусинг ва ҳаётингни қўриқла, бошқаларнинг ҳам шараф ва номусларини хурмат қил.
6. Ҳақиқатни сев, юриш-туришингда содда ва табиий йўлни тут.
7. Самимий, пок қалбли, виждонли ва ҳақшунос бўл.
8. Мулойим, лутфкор, марҳаматли ва дўстпарвар бўл.
9. Мутаассиб бўлма, хур фикрли бўл.
10. Мутолаа ва текшириш билан ақлингни, зеҳнингни, фаҳм ва идрокингни тарбия қил, ўстир.
11. Қаноатли, ҳаммага меҳрибон ва ғамхўр бўл.
12. Хурматга сазовор бўлган кишилар ва нарсаларга эҳтиром қилишни унутма.
13. Мардлик, жасорат ва шиҷоатни ўзингга шиор қилиб ол.
14. Шараф ва номусингга доғ тушириш эҳтимоли бўлган ҳар турли завқ-сафодан кеч.
15. Гўзал ахлоқнинг матонати, ҳиссиятнинг олийжаноблиги билан вужудингга сиҳат ва латофат бағиша.

Бошқа бир одамнинг ички ҳис-туйғуларини тушунишга унга қалбининг ички торларини сезиб ёрдам беришга интилмайдиган инсонни маънавий тўлиқ инсон деб қабул этиш қийин.

Одатда одамлар радио, телевидения, интернет орқали об-ҳавони билиб шунга яраша кўчага чиқишига, кийим танлашга ҳаракат қиласидилар, аммо, бир инсон билан учрашганда унинг ҳис-туйғуси, ранги-ангори ва умуман соғлиғига қараб муомала қилинса маънавийлик руҳи акс этган бўлармиди...

Онасининг қўлига тикон санчилиб қолса ҳамма шифокорларни оёкка турғизадиу, ўз рафиқаси касал бўлиб қолса, тошга сув саҷрагандай бепарволик касалига учраган эркаклар ҳам мавжудлиги инсонни хайраттга солади. Ахир шу эркакнинг ўзини ҳам рафиқасидек она дунёга келтиргани хаёлига ҳам келмаслиги ажабодир, албатта.

Инсон маънавияти билан улуғдир.

Очкўзлик қилмасанг кам хасталанасан.

Қанча кўп зарда қилсанг, шунчалик қўнглингдаги зардоб кўпаяди.

Қанча кўп меҳр сочсанг, шунча кўп ҳикматли бўласан.

Оиланг аъзоларига қанчалик яхшилик қилсанг, шунчалик кўп яхшилик қайтади.

Раҳбар сифатида сен билан бирга ишловчиларга ҳасад билан эмас шавқат билан қарасанг мартабанг балганд бўлур.

Олимнинг қадрига етмаслик, ҳаётнинг қадрига етмасликдир.

Кўп пул эгаси бўлиб қолсанг манманликка берилма, чунки эрта баҳорда энг кўп гуллаган дараҳт ҳам ўзини қўз-қўз қилиб туради-да, Наврўздан сўнг тасодиф тарзда келадиган совук ҳаводан сўнг шалпайиб қолади.

Хомхаёллик қилиш ички дунёси, иродаси бутун бўлган инсонларга ярашади.

Нафсими тия олмайдиган одам бамисоли саратонда сувсиз қолган балиқдек қийналиши мумкин.

Айтилган сўзни устидан чиқа олмаслик бебурдликдир.

Тиббиёт олий ўкув юртларида одобсизлик, ахлоқсизлик касалини даволовчи шифокорлар тайёрлашни иложи бўлганда, жамият қандай яшнаб кетар эди.

Ороми йўқ одам қўупол одамдир.

Хар доим яхшилик қилувчи инсонни қуёшга ўхшатсак, ёмонлик қилувчи одамни кора булутга ўхшатиш мумкин.

Илмли кишини тонгда қўтарилаётган қуёш нурига ўхшатсак, нодон кишини қуёш ботаётгандаги пайдо бўлган булутларга ўхшатиш мумкин.

Ҳасадчилик оқиб ати душман орттиришдир.

Гийбат худди ловуллаб ёнган оловдек қалбга урилади-ю. кейин узок вақт ҳўлланган тўнкадек тутаб тураверади.

Ғийбатчига ғийбат билан эмас, балки ҳаётдаги хурсандчилик, комиллик, ишдаги муваффақиятлар ва оиласдаги баҳт чироги билан жавоб бериш керак.

Ҳадяларнинг энг улуғи китобдир.

Европа усулида ўпишишнинг бошланиши, ибо-иффатнинг кўмилишидир.

Ҳасадсиз, ғийбатсиз инсон ҳар доим чехраси очиқ бўлади.

Одамлар ўртасидаги дўстлик ипларининг пухталиги бирга сафарга борилганда син овдан ўтади.

Тоғга қўтарилиб теварак-атрофга мириқиб бокилганда юракдаги андуҳлар йўқолгандек сезилиб ҳаётдаги майда-чуйда келишмовчиликлардан холис бўлгандек ҳис этасан ўзингни.

Зиёли одам умрининг охиригача китобга тўймаса, маънавий одам меҳрга тўймайди.

Орттирилган бойлик, шон-шуҳрат вақт ўтиши билан эскириб ва ҳатто йўқолиб бориши мумкин. Ёзилган китоб ва рисоланинг аҳамияти вақт ўтиши билан кучайиб боради.

Узок истиқболни ўйлаб, эзгу ниятларни орзу қилган инсон биринчи навбатда соғлиғига зәтибор бериши керак, акс холда эзгу ниятлар түч ёнғоққа айланыб қолиши мүмкін.

Рахмдил инсонни ҳар доим әгилиб салом беріб турувчи мажнунт-ғолга ұхшатиш мүмкін.

Ақжили, доно зиёли кишилар суҳбатида күпрөк бўлиб туриш эзгу ниятларга эришиш йўлидаги кўк чироқдир.

Қайнонасиға ҳар доим мўлойим табассум билан боқиб турадиган келиннинг иззат-хурмати жойида бўлади.

Ҳаддан ташқари ғуурланиш оқибати тушкунликка олиб боради.

Суяги йўқ тилни хаддан ташқари эркаласанг, ҳудди томоққа тиқилған сүяқ сингари азоб бериши мүмкін.

Олимлик даражасини олиб, қиладиган иши факат мақтанишу, ғуурур бўлса бундай олим маънавияти йўқ олимдир.

И мон –зэтиқодли киши иродали ва қаноатли бўлади.

Гиначи одамдан узоқроқ юр.

Ибо ва ҳәёси йўқ аёл куйиб тугаган тўнкани эслатади.

Бир қанча кўкатлар ургини экишдан олдин қайси бири қайси касалга даво эканлигини аниқлаш мураккаб масала бўлганидек кўчада, маҳаллада, ишхонада, бозор-ўчарда танишган инсоннинг синалмаганларидан бошқасини қандай инсон эканлигини фарқига бориш ҳам мураккаб масаладир.

Бахти оилани бахти бекаси бўламан деган қиз тўхтовсиз шу йўналишда меҳнат қилиши, чарчамай оила истиқбол учун курашиши керад.

Аргимчоқда баланд учиш мүмкін, агар орзуинг баланд бўлса.

Сўз ва қалбнинг бирлиги инсонни бутунлигидир.

Бемаҳал санғиб юриш инсон хаёлини чалғитади.

Фарзанд кўриш бир карра баҳт, невара кўриш ўн карра баҳт,
эвара кўриш юз карра баҳт, чевара кўриш минг карра баҳтдир.

Қадру-кийматингга етмаган одам сенга эл бўлмайди.

Фақат ўзининг шон-шуҳратини ўйладиган одам сенга дўст
бўлмайди.

Манманликнинг охири ох-войликдир.

Ҳаётда меҳр ўчган куни қиёмат бўлса керак.

Пингвин деган жонзорот ўттиз -кирқ даражаси совуқда тухум
қўйиб онаси овқат излагани кетиб отаси боласи тухум очиб
чикқунича ҳам совуққа, ҳам очликка чидаб тухумни асрайди. Инсон
эса ўттиз-кирқ даражаси иссиқ бўлиб ёки шу ҳароратдаги совуқ бўлса
ҳам туғруқхонага бориб фарзанд кўриб фарзандини бўғиб
ўлдирайпти, латтага ўраб ахлатхонага ташлаб кетаяпти. Қани энди
хайвон билан инсоннинг фарқи? Демак, қушнинг онги айрим
инсонлар онгидан кучли эканда... Ажабо!

Онанинг фарзандига бўлган меҳрини намоён этишда факатгина
инсонлар эмас, балки хайвонлар ҳам яхши намуна курсата оладилар.

Севиш бошқа, севилиш бошқа.

Севиб қолдим дегани оний ҳис-туйғу бўлиши мумкин, ёқтириб
қолдим дегани доимий ҳис-туйғу бўлиши мумкин.

Шамол иссиқ, илиқ, совуқ бўлганидек инсон ҳам ақлли, нодон,
яхши, ёмон, аҳмок, тайинли, бетайнин, худбин, қаллоб, шайтон,
одамхўр ва одамохун бўлиши мумкин.

Инсон об-ҳавога қараб кийимини ўзгартирганидек, бир-
бирининг кайфиятига қараб муомаласи ўзгариши мумкин.

Ташқи гўзаллиги билан қалб гўзаллиги мос тушган инсоннигина гўзал инсон дейиш мумкин.

Аёл кишининг ҳамма учун ҳам бир хилдаги майин муомаласи эрида табийи рашк уйғотади.

Машина ҳайдаш ишқибозлик эмас. балки меҳнатни енгиллаштиришдир.

Чақалоқнинг йиғиси ҳаёт йиғисидир.

Чақалоқ йиғисини тушунмаган она сунъий онадир.

Қизларнинг муштипар она бўлишига асосий пойдевор –бу сабр ва шукрдир.

Фарзандига меҳр қўймаган аёл дунёга тасодифан келган аёлдир.

Эркакнинг энг зўри ҳам аёлнинг кошига боқади.

Эркак киши ҳар қанча зўр бўлмасин аёл сийнасига бош эгади.

Ҳаётида дўсти бўлмаган одамнинг душмани кўп бўлади.

Табиатан бойликка ҳирс қўйган одам ҳаёт мазмунини англамай ўтади.

Ёнида ёқтирган ёри бўлиб ўзганинг ёрига кўз олайтириш хайвонлиқдир.

Энг ёмон одат ўзини-ўзи алдашдир. Ўзини-ўзи алдаган одам охир-оқибат ўз кўл ва оёғига ўзи киshan солади.

Илмга интилиш баҳтга интилиш бўлса, билимга интилиш таҳтга интилишдир.

Миллатидан қатъий назар ҳар бир инсон даҳрийми (худосизми) ёки худогўйми вафоти олдидан худога илтижо килади, худога нола

қиласы, қилған гунохларини кечирилишини ҳохлайды ва унинг авлодлари албагта у ёки бу күринишда ўтганлар рухи шодлигини ҳохлаб эхсон қиласылар, дуюй-фотиҳа ўқийдилар. Демак, хар бир инсон охир-оқибат худога ишонади. Шундай экан, нега инсонлар тирик пайтларидан худогүйликни бажо келтириб юрмайдилар деган савол туғулади. Балки бунинг сабаби шукроналикнинг қадрига етмасликтир.

Асаларилар тұдасига захарлы қовоқары кириб қолса, асалариларнинг ҳар бирига захар сочиб ularни нобуд қилиши мүмкін. Бирок асаларилар күпчилік бўлиб қовоқарига қарши курашаолсалар қовоқарининг енгилиши табиийдир. Худди шунингдек, жамоада қандайдир жанжалкаш, гийбатчи, чакимчи, безори пайдо бўлиб қолса унга қарши яккана-якка әмас, балки бир мушт бўлиб биргаликда курашилсагина заарли, мусибатли воқеликлар олди олинади.

Агар инсонда ҳайвоний ҳис-түйғу бўлмаганда эди, у бир-бири билан уришмас эди.

Инсонни яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам етаклашда мол-мулк ва пулнинг тутган ўрни бекиёсдир. Авваллари итлар, қушлар, ҳайвонлар урушини ташкил этиб бизнес қилинган бўлса, кейинчалик бокс ва шу каби спорт турлари пайдо бўлиб одамларни одамлар билан уруштириб бизнес қилишга ўтилди, кирғин куроллари ишлаб чиқилиб бизнес қилинаяпти. Наҳотки бу дунёга бир марта келадиган инсон ўз-үзини йўқотишдан бошқа машғулот ўйлаб топа олмаса...Ажабо.

Ўликлар нафас олмайдилар, қора қозон қайнатиб овқат тайёрламай-дилар, айш-ишрат қилмайдилар, бировларнинг ғийбатлари билан шуғуллан-майдилар, мол дунё учун курашмайдилар ва ҳ.к.

Тириклар ўликлар бажармайдиган ҳамма ишларни бажаришга қодир, бирок ўликлар умидвор бўлиб кутиб ётган дуони қилмай ўзларини ўликлардек ҳис этувчилар ҳам топилиб қолади.

Бозор иқтисодиёти ҳар бир жараён сингари ўрнатилган тартибда ўз қонун-қоидаларига биноан тарақкӣ этиб бораверади. Бирок бозор иқтисодиёти тартиб-қоидаларини эсдан чикариб бошқа қонун-қоидалар билан кун кечираётган тадбиркор ва бизнесменлар бир сўм учун аза очиб юбориш йўлига тушиб қолганларини ўзлари ҳам билмай қолаётганларни ачинарли ҳолдир. Кўпол қилиб

айтганда босган қадаминг, олган нафасинг учун ҳам пул талаб қилювчилар ҳаракатининг охири войдир, албатта.

Биз ҳақиқатда ҳаётда ким эканлигимизни турли хил белгилар билан аниқлашга уриниб қўрамиз. Ҳар бир белгида ҳам ўзига хос хислат бўлиш эҳтимоли бор бўлса керак. Аёллар ҳарактерини унинг тирноғи шаклига қараб ҳам аниқлаш мумкин. Синааб қўринг ушбу ҳазил тести қандайдир даражада тасдиқланиши мумкиндири. Шундай қилиб тирноғингиз шакли:

1. Трапеция қўринишида

Ўзингиз ҳақингизда жуда ҳам ижобий фикрдасиз, ўз кучингизга ишонасиз, ўз афзаллик хислатингизга ишонч туйғуси мавжуд. Ушбу хислатни ҳамма тасдиқламаса ғуур билингизда қабул қилиб одамларга яқинлашишга ҳаракат қилинг.

Сиз ҳар бир нарсадан таъсиrlаниш, чиройли санъатга ишкибозлик (мутика, поэзия), ҳаракатчанлик, бакувватлилик хислатларига эга бўлиб, хоҳлаган одам билан хоҳлаган вақтда сухбат қура оласиз. Фақат ўз тўғрингизда ўта мустақил фикрингиз мавжудлигидан ўз-ўзингиз ва атрофдагилар билан алоқ-чапоқ бўлиб кетишингиз кийинроқдир.

2. Тўғри тўртбурчак қўринишида

Фаолиятнинг ҳамма жабҳасида ўта иш бажарувчисиз. Сизга нотаниш бўлган ҳар бир предмет, вокеликни синчиклаб тадқиқ этасиз, тугамас энергия хис этасиз, ҳаётга оптимистик руҳда бокасиз. Янгиликларни ёқтирасиз ва уларга ишонасиз, қийинчиликлардан чўчимайсиз, уларга фалсафа нуқтай низардан қарайсиз ва ҳаётингизда кам учраса ҳам ҳар бир баҳтли дақиқалардан мамнун бўласиз.

3. Квадрат қўринишида

Ўта оғир одамсиз, энг нохуш шароитда ҳам сокйнлик саклай оласиз. Дилингиз пок ва соғломдир, бунга ҳавас қилиш мумкин. Оркада қолган нарса, воқеликка эътибор бермайсиз, афсусланмайсиз, сизнинг нигоҳингиз факат олдинга бокади, осойишта ва озгинагулли ҳамдир.

Бошқаларга боғлик бўлмаган ҳолда фаолият кўрсатишга ҳаракат киласиз. Эрингизга иффат ва оқибат билан муносабатда бўласиз. Яқин одамларингиз сизнинг эътирозингиз билан ҳисоблашишади ва қийин шароитда сизга маслаҳат билан мурожаат этиб хотиржамликка олиб келувчи фикрларингизни қабул этишади.

4.Думалоқ қўринишида

Сиз осонгина эҳтиросга бериласиз, хафа бўласиз, амалга ошиши қийин ёки мумкин бўлмаган ҳаёлотларга бериласиз, ҳақиқат-

сизликка чидай олмайсиз, ҳамма вақт ҳам мuloҳазангиз түғри бўлиб чиқмайди.

Бахтга қарши сиз «ўзини кўрсатиш» қобилиятига эга эмассиз, шунинг учун имконингизга қараганда анча ютказув холатида бўлиб қоласиз. Ўзингизни бўш томонларингизни тез билиб оласиз, бироқ оғир вазиятлардан чиқиб кетишида қийналасиз, ошна-офани, қариндош-уруглар олдида арзимаган нарса учун узок вақт қийналиб юрасиз.

Шунга қарамай, сизнинг дилингиз ҳис-туйғуингизни түғри баҳолай оладиган киши билан бахтли турмуш қуриб кетишингиз мумкин.

Цивилизация ривожланган сари ҳар бир нарсани безаб кўрсатиш, сунъий тарзда безаш ва таъсир этиш йўли билан ташки қўринишни ўзгаришиш жараёни ҳам бизнесга айланиб бормоқда. Бунга ҳаётий мисоллар жуда кўп:

1. Хориж мамлакатларидан олиб келинадиган ҳўл меваларни шундай зўр қўриниш билан сотувга тайёрлайдиларки, биринчи қўришдаёқ баҳосини суриштирмай сотиб олгинг келади. Бироқ уни истеъмол қиласошласанг савлат бошқа-ю. сифат бошқа эканига ишонасан. Барибир меҳмон кутганда беш баробар қиммат бўлса ҳам дастурхон ясатиш мақсадида Ўзбекистон қуёши нурини олмаган бемаза ҳўл мевани олинаверади.

2. Қовун полизларида сунъий ўғитлар ёрдамида семиртирилиб, муддатидан олдин етиштирилаётган қовунларнинг ҳар бири 10-15 кг бўлиб ялтираса-да, истеъмол қилганингиздан сўнг соғлиғингга салбий таъсир этиб хафсаланг пир бўлиб, шу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Сони, безаги кўпайиб, сифати камайиб кетяпти.

Кизиги шундаки, ушбу жараён инсон ҳаётига ҳам тезлик билан кириб бормоқда. Шундай инсонлар борки, ҳамма истеъодони кийган кийими, қилган пардоз-андози билан намоён этишга ҳаракат қиласи. Бироқ амалий ишни бажаришда инсонийликни намоён этишида нўноқлик қиласи. Чунки бундай инсонларда маънавият этишмайди.

Ҳиссиёт, тафаккур, тараккиёт (Қисқа аннотациялаштирилган маълумот)

Инсон психикасининг сирли томонлардан бири ҳиссиётдир. Ташки мухит, умуман ҳаёт таассуротлар билан тўлиб-тошган.

Шундай экан, таассурот ҳиссиётсиз бўлмайди, албатта. Қандай ҳиссиёт бўлса, шундай амалиёт бўлади.

Таассуротнинг кучига, кишининг ҳиссиётига қараб Л.Н.Толстой кўзнинг 85 хил, қулгининг 97 хил турини кузатган. Леонардо да Винчи йигининг сабабига қараб қошнинг чимирилиши ҳам ҳар хил бўлади, деган.

Аммо ҳиссиёт ҳаммада бир хил бўлавермайди. Ҳиссиёт кишининг индивидуал психикасига боғлик. Айрим шахслар таъсирга тез берилади. Айримлар эса, аксинча «тошга сув сасчрагандай» назар-писанд қилмайди. Бальзак Аустерлиц жангни тасвирлар экан, гўё уриш майдонини қўриб, ярадорларни ох-фарёдларини эшитиб тургандек, ҳаяжонга тушган, М.Горький «Окуров шаҳарчаси» қиссасини ёзаётган чогида столдан чалқанчасига йиқилиб тушган экан. Маълум бўлишича, рашкчи эрнинг ўз рафиқасига пичок санчиш воеасини тасвирлаётган экан. Шунда худди унинг ўз кўксига ҳам пичок санчилгандай бўлган.

Психиканинг бардам бўлиши онгга, савияга боғлиқдир. Чунончи, Гёте баландликдан қўркар, Демосфер дудук, Байрон эса оксоқ экан. Машаққатли машқлар туфайли бири чўқкисевар, иккинчиси байрон гапирадиган, учинчиси текис юрадиган бўлган. Архимеднинг тиши оғриса, у математика билан шуғулланиб, оғриқни унутиб қўяр экан.

УМУМАН ҲИССИЁТНИНГ – сезги аъзоларнинг вужудга келиши ҳамда ҳиссий инъикос ва унинг шакллари ҳақида буюк мутаффакирлар Форобий, Абу Али ибн Сино, Беруний каби алломаларнинг илмий меросида ажойиб фикрлар илгари сурилган. Форобийнинг таъкидлашича, сезги-сезилувчи нарса табиатга боғлик, агар нарса сезги аъзоларига кучли таъсир қиласа, унинг образи узоқ сақланади.

Н. Мўминов «Кибернетика» илмий ишлаб
чиқариш бирлашмасинингбош директори
биринчи ўринbosари Ўзбекистон адабиёти ва
санъати газетаси 1986 йил 14 февраль

Эр хотин. Ушбу иборани турли қўринишда ишлатилади. Эркак ва хотин, эр ва унинг турмуш ўртоғи, эр ва унинг рафиқаси. Ҳеч ишлатилмаган янги иборани ҳам ишлатишга уриниб қўрамиз. Масалан: эр ва ер. Эштилишидан жуда қўпол бўлиб туюлган ушбу иборада ҳам мазмун бор. Эр деганда оиланинг бошлиғи, раҳбари,

хўжайини деган тушунчаларни ҳам ишлатилади. Турмуш ўртоғи, рафиқа дегандা оила раҳбарининг кўрсатмаларига қулоқ солувчи, унинг айтганларини бажарувчи, қолаверса оила хўжайинига сўзиз бўйсунувчи, унинг атрофида гиргиттон бўлувчи шахсни тасаввур қилинади. Энди эр ва ер деган иборани ишлатиб кўрсак эшитилиши қўполрок бўлса ҳам мазмунан тушунарлига ўхшаб туюлади. Аммо мазмунан тўғри ибора дейиш мумкин.

Ер деган сўз ҳаммага тушунарли, яъни у инсонга керакли озиқ-овқат меваларини етказиб берувчи дараҳтлар, ўт-ўланларни ўстириб моддий бойлик яратади. Ерга қанча яхши қарасанг шунчалик кўп ҳосил эгаси бўласиз. Гулми, сабзавотми, мевали дараҳтми ёки оддий қўкатми экилган ерни вақтида чопиб, юмшатиб, ўғит, сув бериб турилса ҳамда қуёш нуридан баҳраманд бўлиб турсагина ернинг эгаси муроди-мақсадига эришади. Эр ҳам турмуш ўртоғига ширин муомала қилиб турса, ҳолидан ҳабар олиб турса, кўнглини ранжитмаса оила баҳтли, саодатли бўлиб бораверади, меҳр, ҳурмат ошиб боради, фарзандлар комил инсон бўлиб етишишига замин яратилади.

Хулоса: эр ва ер дегани қарс икки қўлдан чиқади дегани бўлса керак.

Бизнес деган сўзнинг ҳам назарий, ҳам амалий мазмунни намоён бўлаяпти. Назарий асоси ақл-идрок билан янгилик яратиб, ширин муомала билан савдо-сотик қилиб меҳнатига бир сўм сарфласа сарфидан бир неча бор кўп фойда олишдир.

Амалий қисми эса йўқ жойдан даромад олишга интилиш, қаллоблик қилиш, бироннинг ҳақини ейиш, табассум қилиб туриб алдаш? Имом Аъзам мазҳабининг асосий қоидаси бўлган кўнгил ва тил бирлигини йўқотиш каби хислатларга айланиб кетмокда. Бириллиант, олтин, кумушларни сунъийлаштириш ҳам оддий нарсага айланиб қолмоқда. Яна бир мудҳиш ҳолат бизнес деб инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи озиқ-овқат, турли хил ичимликлар, дори-дармонларни ишлаб чиқариб қиммат баҳода сотилишидир. Қани инсоф, қани диёнат, қани мусулмончилик, қани иймон-эътиқод. Энг даҳшатлиси қалбаки йўл билан пул топаётгандарда уят, одоб, ибо-иффат, севги, муҳаббат деган нарсалар йўқолиб бораяпти

Ҳаж сафарини адо этиб келган фуқароларимиз ҳам ушбу хислатлардан холи эмасликлари кишини ҳайратта солади.

Ибо-иффат, одобни пулга алмаштирувчилардан худонинг ўзи асрамаса баҳтли оиласалар сони камайиб кетаверади. Маънавият ҳам чекинаверади. Илоҳим фуқоролар маънавиятини ошишига худо таолонинг ўзи мададкор бўлсин. Иншолло.

Давлат борки, унинг ички ва ташки хавфлардан асраб турдиган қўриқчилари мавжуд. Айрим одамлар мудофаа, ички тартибни саклаш учун жуда кўп харажатлар бўляпти деган мулоҳазани ўртага ташлайдилар. Ташқаридан қараганда бундай мулоҳазанинг ҳам жони бордек туюлади. Бироқ тарихга назар ташласак ҳокимият учун қураш йўлида миллион-миллион одамларнинг нобуд бўлганини гувоҳи бўлиб ҳозирги кунда ҳам ҳокимият учун қурашиш йўлида миллионлаб одамларнинг нобуд бўлаётгани намоён бўлиб турибди.

Александр Македонский, Чингизхон. Рим империяси, СССР деб аталмиш қизил салтанат империяси ўз мафкурасини амалга ошириш йўлида, фашизм йўлбошчиси Адольф Гитлер немис миллатини улуғ миллат килиб белгилаш баҳонасида иккинчи жаҳон урушини бошлаб ҳалқлар бошига қирғинлик келтиргани давлатни бошқариш нақадар мураккаб ва давлат раҳбарининг ҳалқ фаровонлигини таъминлашдаги ўрни ўта юқори эканлигидан дарак беради.

Яна ёрқин мисол шовинизм, миллатчилик, ақидапарастлик, экстремизм ва терроризмнинг мудхиш ҳокимиятпарастлик асносида миллионлаб аҳолининг тинч ҳаёти хавф остида қолиб келмоқда.

Табиатни бузиш ўрнига унинг оқилона сабокларидан фойдаланиши ёддан чиқариб қўйиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Асаларилар ҳаёти инсоннинг тинч-тотув яшаши, раҳбарларнинг оқилона сиёsat олиб боришлири учун катта сабок бўлиши мумкин. Асалари инига кириб чиқиши учун албатта қўриқчилар текширувидан ўтишлари керак. Агар асалари асал олиб келаётган бўлса ҳам тартиб қоидани бузса, асал томчисини заҳарли ўсимликдан олиб келса инига қўйилмайди ва ҳатто ўлим жазосини олиши мумкин. Бу ҳокимият учун қураш эмас, жамоанинг тинчлигини сақлаш, насл тозалигини таъминлаш, босқинчиликни олдини олиш демакдир.

Қани энди демократияни пеш қилиб дунё мамлакатларини ўз қарамига ўтказишга интилаётган америкалик, европалик корчлонолар ҳам асаларилар ҳаётидан ўrnak олиб окни оқ, корани қора дейишга ўргансалар.

Ҳалқлар, элатлар, миллатлар худо таоло буюрганидек иймон-эътиқодли бўлиб жирканч ишлардан воз кечганларида ва жирканч

хокимиятпастларни асаларилардек биргалашыб жазолаш қобилиятыга эга бүлганиларида олам гулистон бүлар зди.

Янги оила қурилганидан сүнг, табиий тарзда қатор муаммолар пайдо бүлади. Оила раҳбарининг келинга муносабати, келинга янги хонадонга кўникиш, келин-куёвнинг ўзаро муносабатлари, янги фарзанд пайдо бүлганидан сүнг уни боқиш ва шу кабилар.

Хозирги ёшларнинг аксарияти, у ёки бу ташкилотда фаолият кўрсатишиб нисбатан доимо банд бүладилар. Туғилган фарзанд тарбиясига агар қайнона бўлса ва у неварохун бўлса, жони-дили билан неварани бағрига олиб қарай бошлайди (илоҳим шундай бўлсин). Агар қайнона неварасига қараш ўрнига у ҳам иш билан банд бўлса, сатанглик қилса, невараға қарашга вакти етмайди. Бунинг устига фарзанд онасининг ўзи (келин) ҳам сатанглик қилиб, ишга чикишим керак, деб оёқ тираб олса борми, ҳамма кўрадиган томоша бошланади, яъни фарзанд ҳали оёққа туриб олмай, уни яслига беришга киришилади. Давлат бекорга ясли, боғчаларни ташкил этмаган, албатта. Оилавий ҳомийликдан маҳрум бўлган келин-куёвлар фарзандларини яслига беришлари яхши, аммо бунинг кетидан мурғак болани тарбияси айниқса, соғлиғига оид қатор муаммолар пайдо бўлади. Масалан, болани она сутидан ажратиш, болани онаси ишдан кечга колмаслиги учун эрталаб ширин уйқусидан уйғотиб, агар йигласа ҳам қулоқ солмай амаллаб, яслидаги тарбиячисига тутқазиб кетишга тўғри келади. Яъни бир ёки бир ярим яшар бола асабийлашади, она меҳрига тўймайди. Шифокорларнинг тавсиясига кўра, чақалоқ энг камида икки йил ёки уч йил она сутидан баҳраманд бўлса илиги пишиқ, ақли расо, асаби жойида бўлар экан. Фарзандини шунча азобга солиб, онасининг ҳаётдан топган фойдасини ҳаёт тарозисига солиб кўрилса, тарозининг қайси палласини босиши аён-ку ахир! Сатанглик, ҳаёт мазмунини тушунмаслик, қайнонанинг қайсарлиги қанчалар қимматга тушишини билиш аксиомадир, албатта.

Бунинг устига қайнона, қайноталари билан келиша олмай, биз алоҳида яшаймиз, деб ўз сўзида туриб олиб, айрим яшаш азобини тортаётган келин-куёвлар ҳақида ҳам кўп фикр юритиш мумкин.

Хулоса: меҳр, бир-бирига оқибат иплари мустаҳкам бўлса, манманлик ўрнига ҳаёт талабига кўнишка хосил этилса, оила тинч, фарзандлар комил инсон бўлиб қолаверади.

Ёзиш бошқа, ижод бошқа уни амалга ошира билиш бошқа, нотиқлик санъатига эга бўлиш бошқадир. Мархум, ҳурматли шоир

Собир Абдуллани билмаган, унинг шеърларини ўқимаган, шеърига басталанган қўшиқларни эшитмаган одам кам бўлса керак. Ушбу шоир минбарга чиқиб нотиқлик қилиш санъатидан узок бўлган. Айрим академикларимиз оламшумул аҳамиятга эга бўлган ихтиrolар, янгиликлар муаллифлари бўлатуриб оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидениедан келиб интервью оламан дейишганда мухбирлар қийналиб кетадилар. Улар ўз ихтиро ва янгиликларини оддий халқка тушунарли тилда изохлаб беришга қийналадилар. Ҳаммага маълумки, Уэлснинг фантаст (ҳаёлот) асарларини ўқимаган мухлис кам бўлса керак. Уэлси ҳамма таникли ёзувчи деб қабул қилган. Аслида УЭЛС таникли физик олимлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бироқ лабораторияда тадқикот ишларини олиб боргандан кечётган жараёнларни кенг халқ оммасига етказиб бериш муаммосига дуч келиб, бу муаммони ёзувчилик касби орқали ҳал этишга аҳд қилиб ҳақиқатдан ёзувчилик даражасига эришган. Бироқ, бундай хислатларни худо ҳаммага ҳам беравермайди.

Бироқ на олим, на ижодкор, на ёзувчи, на шоир бўлмай туриб ўзини олим, санъаткор, ижодкор, ёзувчи, шоир деб кўрсатиб юрадиганлардан худонинг ўзи арасин.

Аёлларимизни ибоси, иффати, дилобарлик ҳамда кийинишлари ҳакида қанча кўп ёзсан шунча камдир. Йигирманчи асрлар бошида оиласиз истикомат килган масканда (ҳали ҳам хеч ўзгармай сакланиб туриди. Форобий кўчаси, ободончилик кичик кўчасида, яъни эски шаҳарда) бува ва бувиларимиз яшашар экан. У пайтда аэроплан деб аталувчи ҳаво лайнери кам бўлсада, парвозга чиқиб турар экан. Кунлардан бир куни бувимлар қўшни аёллар билан ҳовлида чой ичиб ўтиришганида, осмонда аэроплан пайдо бўлиди. Шунда бувимлар кўлларини кўтариб, қўшни аёлга аэропланни кўрсатганида ҳатто кўл бармоқларини ҳам ёпиб турадиган кўйлак енгидан бармоқлари чиқиб колганда, Миразиз бувамиз номоздан келиб қолиб, «ибоси, иффати йўқ, кўлингни бармоқларингни аэропландаги одамларга кўргазма килаяпсанми» деб роса дакки берган эканлар. Яна бир ривоят: Кўқон хонлиги даврида унинг ҳарамидаги аёллар навбатма-навбат куёш ботганидан сўнг хон хузурига киришар, хоннинг устки, бош ва оёқ кийимларини ечиб сұхbatлашишар экан. Бироқ воситачиbekага ҳар беш-олти кунда битта аёлни қайта-қайта хузурига келишини сўрар экан. Ҳамма ҳайратланиб, бу ерда бир сир бор деб ушбу воқеликни таҳлил этишга тушушибди. Хоннинг хузурига кирадиган аёллар берилган имкондан фойдаланиш учун ибо,

иффатни бир ерга қўйишар экан. Хон ҳар беш -олти кунда навбатдан ташқари таклиф қиласидан аёл ибо, иффатда, одобда хон кутмаган даражада ўзини тутиб, ҳатто қўлини ҳам кўрсатмас экан. Хон эса ҳар гал кейинги сафар аёл иффатини бузиш маъносига уни таклиф этаверар аёл эса жуда усталик билан бунга йўл қўймас экан.

Хулоса: агар боболаримиз, айниқса, хонлар, беклар, козилар ҳозирги айрим ибосиз, иффатсиз Оврупо қўринишида юрган қизларимиз, аёлларимизни кўриб қолишгандами. ўша заҳотиёқ инфарктга учарар эдилар. Ана шуни «замон сенга боқмаса, сен замонга боқ», десалар керак-да....

«Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур», деган наклга итоат этган ҳолда ҳар бир ижодкор, раҳбар, ҳодим ўз асосий ишини бошлашдан олдин қалам, ручка, коғоздан тортиб мавжуд ишга оид материалларни ҳозирлаб, келажак режаларни ёзма тарзидағи нусхасини тайёрлаб қўйса, ҳеч қандай асаб қийналишисиз кундалик ишни кўтаринки рух билан бошлаб юбориш имкони туғилади.

Шундай одамлар борки, ҳоҳ оиласда бўлсин, ҳоҳ кўчада бўлсин, ҳоҳ ишхонада бўлсин, ҳоҳ ўқиш даргоҳида бўлсин, ҳоҳ казармада бўлсин албатта ё тегажоғлик қиласи, ё ўғрилик қиласи, ё қитмирилик қиласи. Ишқилиб, бундайларга худо инсоф берсин. Инсоф, инсоф ва яна инсоф. Бетофиклардан худонинг ўзи асрамаса, бандаси бардош бера олмайди.

Тадбиркорлик қўлингиздан келмаса, ўзингизни изтиробга солманг. Биринчидан, асоссиз изтироб ила соғлиғингиз йўқолади, иккинчидан худо берган умрни осойишта ўтказолмайсиз, учинчидан оиласиз безовта бўлади. Энг кераги ношукур бўлманг.

Маълум бир мақсад билан (илмгами, хунаргами, касбгами) бирор нарсага аҳд қилдингизми, аҳдингиздан қайтмай бу йулда жанжалсиз, тўс-тўполонсиз, сидқидиллик, событқадамлик билан харакат қилингиз. Аммо осмондаги юлдузни оламан, дегандек амалга ошириш ҳаёлот бўлмаган хис-туйғуга берилеманг. Акс ҳолда сиз эришмоқчи бўлган чўқки йўлидаги тўсиклар ичida янчилиб кетишингиз эҳтимоли бор.

Агар сен юриб кетаётганингда орқангдан бир одам келиб бир тепса, саросимага тушма, чунки:

- у ёки адашган;
- у ёки танланган;
- у ёки телба;
- у ёки касал;
- у ёки маст.

Сен аввал жилмайиб оёғингиз оғримадими дегин, агар түшүнмаса жазолаш керак.

Үрта хисобда хаётимизнинг 25 иили уйқуга сарфланар экан. Овқатланиш, машинада кетаётганды светофорни кутиш, ювиниш, бефойда сафсатабозлик, бирони ғийбатини қилиш ва эшитиш, бефойда телевизор ёки компьютер олдида үтириш, сигарет чекиш, асоссиз жанжалкашлик, ланжлик қилиб осмонга қараб ётишлар ва шу кабилар инсон ҳаётидаги вактни неча фонзини ташкил этишини хисоблаб чикиш мумкин. Бирок ёруғ дунёда оиласынгиз, фарзандларингиз, касбингиз, илмингиз ривожи учун, ҳаётда бирор-бир из қолдириш учун кураша олсангиз олий химмат иш бўлур эди.

«Олдингдан оқкан сувнинг қадри йўқ», деганларидек ёнингизда зукко, аклли, иктидорли, замон кадрияти тимсолларидан бири турганини сезмай қолишингиз табиий бўлиши мумкин, чунки у кишининг сизга берадиган ўғитларини шу заҳотиёқ қабул қилиб олиш ҳаммага ҳам насиб этмаган десак янгишмаган бўламиз. Чунки ҳар бир инсоннинг қабул этиш таҳлил этиш қобилияти худо беришига қараб ҳар хил бўлади.

Сизга ҳаё билан ширин муомала қилган аёл ҳақида дарров бошқа фикрға бормант, самимийлик деган хислатни ишга солишга урининг, акс ҳолда ушибу аёл ибоси, иффати, ҳаёси ва ширин суҳбатидан абадий хайрлашишингиз мумкин.

Аёл бўлиб туғилиш ҳам шарафли, ғам мураккаб жараёндир. чунки ҳақиқий аёл уйда ҳам, ишхонада ҳам, кўчада ҳам, овқат тайёрлаш ва овқатланиш вақтида ҳам, бозорда, тўйда, чалларда, дам олиш даврида ҳам, бошига ташвиш тушганида ҳам, фарзандларига ўғит беришда, эри билан турли шароитда суҳбатлашганида, расмий жамоа йиғилишлари ва шу каби шароитларда ўз ибоси, иффати, ёқимли кийиниши, мулойимлиги, ақлу-заковати, иқтидори, лобарлиги, хуш бичимлилиги, кўзини чақнаши, ширин муомаласи билан ажралиб туриши керак: аёл –аклли, ёқимли, лобар. Аёл бошида қанча вазифа! Уни адo этувчиларга тасанно!

Доим китоб ўқийвериб, телевизор қўравериб, радио эшитавериб, интернетни титкилайвериб, асоссиз ҳаёлотга бериладиган бўлиб қолиш мумкин.

Хулоса: Ҳаётдаги ҳар бир ахборот, воқеликни шахсий ҳаётга, ўз ички имкониятига, ҳаётни яхшилашга йўлланмалар билан тақкослай олиш кобилиятига эга бўлган маъқул. Акс ҳолда ҳаёт тафсилотларидан сёғингиз узилиб қолиши мумкин.

Асабий ҳолати чўққига кутарилган одамни худди спиртли ичимлик ичиб, машина ҳайдаётган инсонга ўхшатиш мумкин, яъни йўлидаги тўсикларни ҳатто светофор чироғини ҳам кўрмай қолиши мумкин.

Хулоса: асабийлашган инсоннинг диққат-эътибори ҫусайиб, нима гапирганини сезмай назоратни йўқотиб қўйиши мумкин.

Қадриятлар учга бўлинади:

Биринчиси – ўтган қадриятлар – бунга ўтмишдаги улуғ инсонлар, олимлар, фузалолар, ёзувчилар, шоирлар, мутафаккирларимиз киради. Ушбу қадриятни қандай авайлаб-асраш ва эъзозлаш кераклигини Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустакиллик йилларида олиб борилаётган маънавий тадбирлар исбот қилиб турибди.

Иккинчиси – хозирги кунда ҳаёт бўлиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида фидоийлик қилиб келаётган келажакда ўз улуғлиги изини колдиришга қодир бўлган Ўзбекистон қаҳрамонлари, фузало-ю зиёлилар, мутафаккир олимларимиз, фермерлар-у, турли соҳа ижодкорларидир.

Ушбу фидоийлар дунёдан ўтганидан сўнг ҳар қандай дод-фарёд қилишдан кўра, тириклигида қадрига етиш керак деган нақлга итоат этган ҳолда хурматларини ўз жойига қўя олишимиз керак. Яъни,

Максуд Шайхзода айтганидек:

Дўстлар тирикларни асрант,
Салом деган сўзни салмоғин англанг.
Ўлганда юз соат йиглаб тургандан,
Уни тиригида бир соат йўқланг.

Учинчиси – баркамол авлод. Ушбу авлод ўтган ва хозирги қадриятларни эъзозловчи, келажак пойдевори бўлган севикили ва азиз ёшларимиздир. Учинчи қадрият яъни, ёшларга таъзим қилиб уларга баркамоллик тилаш, ҳаммамизнинг вазифамиздир.

Инсон борки овқатланади. Овқатсиз яшаш мүмкін зemas. Айримлар (камчилик) бу дунёга келиб түйіб овқат емасдан яхши овқатланиш орзусыда бу дунёдан үтиб кетади. Айримлар эхтиёжи ва имконига яраша овқатланиб яшайдилар, айримлар ушбу дунёга факт овқат ейиш учун келгандек эс-хуши овқат истеъмол қилиш, истеъмол қилғанда ҳам бетартиб ва керагидан ортиқ овқатланиш билан машғул бўладилар.

Инсон бош миясида 15–16 миллиард хужайралар бўлса, инсон танасида 15–16 миллиардга яқин асаб толаси бўлади.

Инсон тартибсиз овқатланганда организм аъзоси ишлаш фаолиятини тасаввур эта олмайдилар масалан, ошқозон, ичаклар, ўт пуфаги, буйрак, жигар, ошқозон ости бези ва шу кабилар тартибсиз овқатланганда гүёки иккинчи жаҳон урушида бўлганидек жангга киришишади.

Хўш ким, ким бўлан жанжаллашади ва курашади. Организм аъзолари бетартиб, худди бироннинг томоркасига отиб юборилаётгандек, ошқозонга тартибсиз тушаётган овқатларни ҳазм қилиш ва уни парчалаш бўйича кураш олиб борадилар. Инсон организми ўзини-ўзи бошқарувчи мураккаб тизимдир. Имкон қадар кучи етгунча курашиш организм аъзолари куч-куватини йўқота бориб охири мадори куриганда оғрик бера бошлайди. Шундан сўнггина инсон шифокорга мурожаат этади. Бироқ, шифокоримиз ҳам факт организмнинг бетоб организма локал таъсир этиб уни вактинча даволашга ўтадилар. Аммо организмнинг бир органини даволаб, бошка органга бўладиган салбий таъсири кам ўрганилади ёки эътиборга олинмайди. Нимага деган саволга шифокорларнинг аксарияти мен факт ошқозон, ўт пуфак, жигар ёки буйракни даволаш бўйича шифокорман деб жавоб бериши мумкин. Бу ҳам табиийдек туюлади. Бироқ универсал, бурро, тажрибали, Ибн Сино билимини эгаллаган шифокор мутлоқ бошка фикрда бўлади. Яъни биринчи бўлиб руҳни даволаш, иккинчи бўлиб овқатланиши ва умуман яшаш тартибини ўргатиш, учинчи ушбу инсон ҳаётта бир марта келганилиги, жисмоний тарбия билан шуғулланиши кераклиги) унинг олдида катта улкан орзу-умидлар борлиги, бола чақасига узоқ йиллар раҳнамолик қилиш вазифалари турганини тушунтириши керак. Ва албатта, организм вазифалари ҳақида қисқа маълумот бериши керак. Энг кераги худди сув оқадиган ариқдаги сув ифлос бўлса ёки оқмай колган ариқнинг ахволини худди инсон ичаклари, ошқозони, томири, жигари, буйраги ва турли хил безлари мисолида тушунтириб беришга уриниши керак. Агар инсон

организмидаги турли-хил ёпишиб қолган чиқиндилардан ўз вактида холи бўлиб бормасангиз кабул этаётган овқат маҳсулоти-ю, доридармонлар нафи сезиларли бўлмайди, албатта.

Яъни тоза ҳаво бўлмаса яшаш мумкин бўлмаганидек, инсон организми бетартиб овқатланиш ва бошқа сабабларга биноан ифлосланиб бораверса. уни тозалаш чоралари кўрилмаса, инсон организми ҳам табиий тарзда чириб боради ва умр қисқаради.

Ҳар куни қовурдок, қази-қарта, ёғлик овқатларни меъёридан ортиқ истеъмол қилиб юрувчиларни ёши улгаймасдан тўсатдан вафот этиб колганлари кўпчиликка маълум. Умр бўйи тўйиб овқат емай 80-90 ёшида икки букилиб, кўлини белига қўйиб юрган кампир чоллар, Ленинград блокадасидан очликка чидаб чиккан инсонлар табиий тарзда организмлари органлари шикастланмаганлиги сабабини балки билмаслар.

Хулоса: ўзингни ортиқча овқат билан боғлама руҳингни тетик тутишга урин.

Ҳаётга умид риштаси билан бок, ҳар куни жисмоний тарбия билан шуғуллан, ҳеч қачон овқат кам деб, ношукур бўлма қўлингдан келгунича режимда овқатлан, организмингни ортиқча чиқиндилардан. хилтлардан тозала, тоза ҳавода кўп юр. Организм кўтара олмайдиган ишга уринма, узоқ умр кўриш учун узоқ вакт ўзингни соғлиғингни ўйла. Моддий маблағинг кўп бўлса ҳам, руҳий маблағни саклашга интил. Бола чақанинг роҳатини кўрай десанг уларни соғ юришларини таъминла.

Қамчи, дўқ, калтак билан тарбияланган фарзанд ичи зардобга тўла бўлади. Унутманг, болани иложи бўлса гўдаклигидан ширин муомала билан тарбиялаш, уни ҳар доим табассум билан мuloқот килишга, руҳини кўтаришга, келажакка катта интилиш туйфуси билан тарбиялашга харакат қилиш керак.

Айрим миллатлар ўз фарзандлари, невараларини тонгда уйфотаётганда «Туринг келажак президенти», «Туринг мени асалим, новвотим, менинг келажагим», деган иборалар билан бекорга эркаламасалар керак.

Хориж мамлакатларидан бизнинг юртимизга саёҳат қилгани келган чол кампирлар, турли хил обидалар, санъят дурдоналари билан танишиб ҳайратланиб юрганларини гувоҳи бўламиз.

Айрим ватандошларимизни эса «жуда кизиқде, шу ёшга бориб йиғилған пулни сарфлаб маза килиб уйларида дам олиб ётишмайдими» деганларини эшитиш мүмкін. Гап шундаки, инсон гұдаклық давриданок рассомчилик, санъатшунослик, тариха, спорт турларига қызықиб боргани яхши, тұғрироғи гұдакларимизни ёшлиқданок турли соҳалар бүйіча иктидорини ривожлантириб боришига шаронг яратиб беришимиз керак. Ана шундагина ушбу ёшларимиз ҳам қариганларидан башқа мамлакатлар эсқи обидаларини санъат дурдоңаларини завқ билан томоша килиб, хузур қилиб юришга эришадилар.

Инсон табиатан ҳамма нарсаны камрок пишириб, камрок қовуриб табиий тарзда истеъмол қилишдан ўз ҳәётини бошлаган бұлса, цивилизация ривож топған сари табиат эксонларини қайта ишлаш ва үндан бир неча күринишдаги маҳсулоттар тайёрлашни бошлаган. Бирок «табиатни ўзига бүйсундирувчилар» ташаббуси билан экология бутқул таниб бұлмас даражада ўзгариб кетди. Ва шу тарықа табиатан бошқачароқ бұлған маҳсулоттар етиштира бошланди. Эволюция йўли билан инсон организмидаги овқат ҳазм қиувлечи органлар ҳам бунга мослаша бошлаган, ва окибат натижада тоза табиий маҳсулоттар (овқатлар)ни ҳазм кила олиш қобилияты ҳам ўзгариб борган. Бунинг номини экологияни ўзгариш ҳолати ва қолаверса, инсон организмига таъсир этувчи интиклик ҳолатларини кучайиб бориши деб қабул этиш мүмкін. Цивилизациянинг ўзига «хос» маданий ҳәёти ривож олған сари ҳам тушуниб, ҳам тушунмай ўз организми қобилиятини эсдан чиқариб, фойда ўрнига зарап келтирүвчи маҳсулотларни истеъмол қилиш ривожланиб бормоқда.

Ушбу жараённинг хунук окибатларга олиб келинишини назарда тутиб мутафаккиримиз Абу Али ибн Сино кам овқат ейиш, кам асабийлашиш, кам гапириш, кам ухлаш фойда эканлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтган.

Пол Брег цивилизация окибати бұлған турли хил овқатлар, ичимликлар инсон организмига кони зарап эканлигини конкрет мисолларда исбот этиб, ўзи-ўзининг мұлоҳазаларига итоат этиб қандай натижаларга эришгани ҳам күпчиликка маълум. Пол Брег бундан қирқ йил мұқаддам озиқ-овқатларни Америка ахолисига қайта ва қайта ишланиб истеъмолға тортилаётганини, бунинг орқасида кимдир миллионер бұлаётгани хакида бонг урган эди. Хүш, Пол Брег ҳақ здими? Ҳа Пол Брег ҳақ эди. Милионлаб ахоли Пол Брегнинг тавсияларини тұғри қабул қылдими? Йўқ албатта. Дунёда бир

миллиард ақоли очлык ҳолатда бўлиб турган ҳолда, америкаликлар озиш йўлини қидиришга тушиб, ҳатто ушбу муаммони ҳал этиш учун ошқозонни операция қилиб, унинг учдан икки қисмини олиб ташлаш йўлини ҳам топдилар. Ажабо! Кимдир бир бурда нонга зор, кимдир озиш учун операцияга розидир, чунки бундай семиравчилар табиат тақдим этган натуран овқат маҳсулотларини эмас, гормонсимон овқатларни истеъмол қилишга одатланиб бўлдилар. Инсон тегирмони бўлмиш ошқозонни кийнашга ўтдилар. Ушбу ҳолат Буюк Британия ва бошқа давлатларда ҳам давлат миёсидағи муаммога айланиб бўлди. Буюк Британияда маҳсус қасалхоналар семирганларни, факат икки юз килограммгача семирганларнига операция қилишга (текинга) карор килишган.

Америка Қўшма Штатлари Президентининг турмуш ўртоғи Мишел Абама 2010 йилда озиш муаммолари билан шуғулланишга аҳд килди. Цивилизация маҳсули бўлган ҳозирги истеъмол қилинувчи овқатлар таркиби табиийликдан кўра гормонга ўтиб бораётпти.

Нима учун оддий туршак, жийда, турли хил қокилар, қора нон, жўхори, нўхот, ловия ва шу кабилардан фойдаланиб, истеъмол қилинадиган овқатлар камайиб кетмоқда, чунки бу ҳам бизнеседир. Оддий буғдойни қайта ишлаб кучини йўқотиб, ичаклар ишига ёрдам берадиган моддалардан ҳалос этиб, факат гормонга айланани қоладиган моддалар инсонлар организмида семиришга ва қанд қасаллигини кўпайишига йўл очиб бериб миллионер бўлаётган бизнесменлар кўпайиб бормоқда. Колбаса, сосиска ва шунга ўшаган овқатларни истеъмол килганингизда, албатта, уларнинг таркибига эътибор бермайсиз ҳам ёки эътибор бериш эсингизга ҳам келмайди. Бунга вақтингиз йўқ, нукул шошиб юрасиз ва шу пайтда ҳазм қилувчи органларингиз ҳолидан хабар ҳам олмайсиз.

Ажойиб, бир килограмм гўштнинг баҳоси саккиз минг бўлса-да, ҳеч ким суяқ аралаштирилмаган колбаса, сосискаларнинг бир килограмм гўшт баҳосидан арzon бўлса! Шунинг ўзидан ҳам хулоса чиқарса бўлади-ку, сиз мириқиб истеъмол қилаётган колбаса ва сосискаларнинг неча фоизи гўшт-у, неча фоизи. Лекин организмнинг чекаётган азобини фақат бошингиз бетонга бориб урилгандагина сеза бошлайсиз. Бу ҳодисани билиб бўлганингизда кеч бўлмасмикин, яна бир органин-гизни даволайман деб, бошқа бир органингизни кимматбаҳо бузилган дорилар билан қийнаётганингиз бизни ташвишга солади.

Табиний ҳаёт нашидасидан унумли фойдаланиш, натурал овкатларни (иложи борича, албатта) истеъмол килишга интилиш узок-умр кўриш гаровидир. Ҳар қандай уйга келиб тушган келинга келин тушган уйдаги оила қизига қандай муомала килинса, шундай қилиниши керак, чунки келин бегона хонадон икир-чикирларига, қайнота, қайнона, эри ва оиланинг бошқа аъзоларига кўниши керак. Янги келинни иложи борича эъзозлаш, руҳини кўтариш, хеч қачон камситишга йўл кўйиш керак эмас. Энг асосийсидан бири, қайнотанинг келинга бўлган ҳурматини қайнона рашк сифатида эмас, ота бола муносабати сифатида қабул кила олиш руҳига, қобилиятига эга бўлиши керак. Қайнона ўғлини ҳам келинга нисбатан бўлган муносабатини рашк эмас, севги, муҳаббат тимсоли сифатида тушуниши келинга табиий эркинлик бериши керак.

Агар келин ҳамма ижобий, виждоний муносабатини тушуниб етмаса ва тескари хулқ-атворга ўтса, ҳурматсизлик белгиларини намоён этса, биринчи айб уни тарбиялаган ота-онасида бўлиб ҳисобланади (куш инида кўрганини килади), шу сабабли тарбияга бўйсунмайдиган келин албатта ҳаётий жазоланишга лойиқdir.

Ривоятга қараганда бир йигит ўртоклари билан чойхонада ошхўрлик қилиб, гурунглашиб ўтиришганида бирданига бехузур аҳволга тушиб қолиб, тезликда тез ёрдам машинаси чақиририб, уйига олиб келинибди. Онаси бечора гиргиттон бўлиб, йиғлай бошлабди. Тез ёрдам вакиллари ўғлига заҳар берилгани хақида шубҳа билдиришибди. Ўғли катта тадбиркор экан. шунинг учун унга қасдлик қилишган деган гумон бўлибди. Онасига бир қария этган маслаҳатни эслаб, югуриб махалланинг ҳамма хонадонига кириб, кимда қанча катик бўлса ҳаммасини йигиб келиб, ўғлига ичира бошлабди. Ўғлининг соғлифи яхшиланиб, оёққа турибди.

Хулоса: қатик ҳатто заҳарни енгар экан. Шунинг учун ҳар куни уйқудан олдин қатик ичиб ётишни тарқ этманглар.

Бир дам олиш йигилишида ўтирган эдик, ҳамроҳимиз қўл телефонига уйидан рафиқаси телефон қилиб, ҳаммамиз сизни кутиб ўтирибмиз, овқат тайёр, деди. Буни эшитган бошқа бир ҳамроҳимиз унга (рафиқаси билан гаплашган ҳамроҳимизга) қараб, қизик экансизку, рафиқангизга айтиб қўйинг сизни уйга қачон ва соат нечада боришингиз сизнинг ихтиёргингизда, шариат бўйича сиз уч кунгача ҳисобот бермай уйга бормаслигингизга хукукингиз бор деди.

Хулоса: оилани иккинчи даражали муаммога чиқариб қўйиб, ўзи кайфу-сафода юрадиганлар албатта, худо олдида жавоб берурлар.

Ривоят қиласидарким, бир бадавлат инсон ёши улуғлашиб, қариб қолганда ўғлини чакириб ажойиб кошоналар ёнига бир оддий ошхона қуришни таклиф этиби. Факат тайёр уй-жой, егани олдида емагани орқасида бўлиб юриб дангасаликда авжига чиқкан, текин пул эвазига ҳаётини майшат билан ўтказиб келган ўғлига, отасининг боласига қилган таклифи асло ёқмайди. Бироқ отаси зўрлик билан ошхонани қурдириб, ўзи ёруғ дунёдан ўтиби. Отаси вафотидан сўнг ўғли айш-ишратдан қўли тегмай, отасидан қолган бойликларни сарфлаб тугатиби. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганлари идеқ, ўғли кошоналарни сотишга етиб келибди. Кошоналарни харидорлари келиб савдо қилишаётганда ўғли ўзи қурган ошхонани сотмайман, деб туриб олибди.

Хулоса: ўз меҳнатини эъзозлаш табиийдир.

Дунёдаги истеъмол қилинадиган жониворларнинг энг чидамлиси балиқ бўлса керак. Чунки бошқа истеъмол қилинадиган жониворларнинг қариб ҳаммаси уларни ўлдиришдан олдин қандайдир товуш чиқарадилар. Балиқ эса ҳикилдоғигача кармок санчиб қўйилса ҳам жозибали тарзда лапонглаб ғинг деган товуш ҳам чиқармайди. Балиқнинг ўлими олдидан қилган ноласини худодан бошқа ҳеч ким билмаса керак. Эртаклардаги гапирадиган олтин баликлар факат эртаклардагина гапириш имконига эга бўлсалар керак.

Оила бошлиғи вояга етиб ҳеч қаерда ишламай, дангасалик килиб юрган ўғлини чакириб «Сен катта йигит бўлиб қолдинг. Мен топган давлат, мулк кўп вактга етмайди, шунинг учун уйда ўтиравермай кўчага чик иш топ, меҳнат кил, уйга д. помад олиб кел», – дебди ва хотинига юзланиб», – ўғлинг ишламаса булмайди», дебди. Эртаси куни онаси ўғлига раҳм қилиб эрталаб унга бир танга бериб кўчани айланиб келгинда бир тангани отангга бергин дебди. Кечқурун ўғли кўчада ййнаб келиб, онаси берган бир тангани отасига олиб келиб берибди. Отаси бир тангани олиб танчадаги кул устига иргитиби. Ўғил ҳайрон бўлибди-да онасидан пул олиб кечқурун адасига бериб юраберибди. Отаси эса тангаларни кулга отаберибди. Онасининг пули тугаб, «ўғлим энди ростдан ҳам меҳнат қилмасанг шарманда бўламиз», дебди. Ўғил кўчага чикиб бозорда ҳаммоллик килиб ҳориб-чарчаб келиб бир тангани отасига берибди. Отаси бир

тангани кулга отиши билан ўғли ҳам ўзини кулга отибди. Ана шунда отаси «бугунги бир тангани ўз меҳнатинг билан топибсан, энди уйга даромад олиб келишингга ишонаман», дебди.

Хулоса: шахсий меҳнат қадрияти юксакдир.

Бир оила ўта ночор экан, кундалик турмуши аранг ўтиб, эр хотин бир-бирига оқибати кучли экан. Эркак киши ночор хаёт кечирганлиги учун улфатларга қўшилмас, чойхонага гурунглашишга чиқмас экан, сабаби улфатга қўшилиш, гурунглашиш учун моддий маблағ талаб этилади-да. Кунлардан бир куни оила аёли, «дадаси, уйда ўтира бериб сиқилиб кетдингиз-ку, куни кеча жиянимиз келиб оиласа майда-чуйда ва бир тарвуз олиб келди, чойхонага чиқиб озгина гурунглашиб келсангиз бўлар эди», дебди. Эр ҳам хотинининг таклифига рози бўлибди. Чойхонага чиқиб маҳалладаги қўшнилар билан уйдан олиб чиқсан икки дона ёпган нонни баҳам кўриб, у ёки бу ёқдан гаплашиб кўнгли бўшаб анча вакт ўтгач, чойхонадаги қўшнилари билан уйга равона бўлибди. Қайтиб келатуриб, уйга яқинлашганида оғайниларига илтифот қилмоқчи бўлиб уларни уйга таклиф этибди. Маҳалладошлар ҳам анчадан бери унинг уйига ташриф буюришмаганини айтиб уйга киришибди. Хотини хурсанд-чилик ва қўтаринки руҳ билан меҳмонларни кутиб олиб, уларга чой дамлаб кечагина жияни олиб келган нарсалардан меҳмон қилибди. Озгина вакт ўтгач эри хотинини чакириб болхонадаги тарвузлардан бирини олиб туш дебди. Хотини яккаю-ягона тарвузни олиб кирибди. Эри эса тарвузни чертиб, икки кафти орасига олиб сиқиб кўриб, бу тарвузинг мазаси йўқка ўхшайди. бошқасини олиб келақол дебди, хотини эса ҳурлик ва чакқонлик билан болхонага чиқиб ҳалиги тарвузнинг ўзини қайтариб олиб келибди. Шу воқелик тўрт марта қайтарилиганидан сўнг, эри: «баракалла, энди ширин тарвузни танлабсан», дебди. Буни сезиб қолган маҳалладошлар хонадон аёлининг топкирлиги, диди, фаросатига койил қолишиб, бундай аёл бор оиласа ҳеч қачон тушкунлик, етишмовчилик бўлмайди, деб хонадонни эгасига миннатдорчилик билдириб уни тарк этишибди.

Тарихдан маълумки, инсонлар бу ёруғ дунёдан ўтишдан олдин турли хил мазмун ва мақсадда васият колдирадилар.

Васият отанинг кўз нури кетмасдан, оғирроқ дардга йўлиқ масдан олдин бўлгани маъқул. Чунки кўзи ёруғлигига фарзандларига уй-жой ва мол мулкни холисона, фарзандлари розилиги, хокисорлик билан бўлиб бериши ҳам ўзининг ҳамма оила аъзоларининг баҳти,

тинчлигидир. Йўкса, ота вафот этганидан сўнг оила аъзоларининг ўзаро келиша олмаслиги ва шу тариқа келиб чиқадиган уруш жанжаллар мархум руҳини ҳам қақшатиб қўйишига олиб келиши ҳеч гап эмас.

Айтишларича дид, фаросат ҳаммага ҳам тўлиқ тарзда насиб этавермас экан. Ўзбек одати бўйича тўй қилаётган одам ҳаммани уйига бориб, тўйга шахсан таклиф қилиб келмаса тўйга борилмас. яъни тўйга этилувчини ҳурмат қилмаган бўлиб хисобланар эди. Тўй маросими арафасидаги санаб бўлмайдиган ишлар, муаммолар қолиб кетиб ота-онаси, куёв отга миниб (ҳозир енгил машинада) тўйга таклиф этишар эди. Шундайлардан (тўйга айтувчилар) бири вақтини иқтисод қилиш учун оғайнисига эрталаб қўёш чиқар-чиқмас тўйга айтгани бориб, эшик зулфини қоққан ва уйдан таниши эркак киши пешвоз чиқиб тўйга айтувчини уйга таклиф этади. Тўйга айтувчи вақти камлиги шунинг учун уйга кира олмаслигини айтади. Мезбон эса зўр бериб бир пиёла чой ичиб кетишини қатъий сўрайди. Мезбон тўйга таклиф қилгани келган кимсани хонага олиб кириб, фотиха ўқишлари биланоқ хона эшиги қия очилиб, аёл қўли кўриниб икки дона кулча нон, чойнакда чой ва пиёлани қўйиб кетади. Шунда тўйга таклиф этувчи кимса мезбонга қараб «сени хотинингни яхшилиги ҳақида кўп эшитган эдим, ҳақиқатдан хонадонингда аёл бўйи олтин бор экан» деб икки пиёла чой ичиб бир бурда нонни истеъмол қилиб, энди фотиха ўқишига хозирланган экан яна хона эшиги очилиб, уй бекаси икки ликопчада ҳолвайтар қўйиб кетибди. Шунда мезбон ҳолвайтарни истеъмол қилгач, фотиха ўқилишини тавсия этибди. Ҳолвайтар истеъмол қилиб бўлинганидан сўнг, тўйга айтувчи фотихага қўл очатуриб мезбонга «хотининг жуда ҳам дидли экан-у, озгина фаросати камрок экан, чунки ҳолвайтар тайёрланиш жараёнида озгина тагига олибди» дебди.

Хулоса: дид, фаросати бўлмаган инсонлар оиласда ҳам, ишхонада ҳам қилинаётган ишни белига тепиши ва бошқалар кўнглини оғритиб қўйиши мумкин.

Атамалар маъносини тўла аниқ тушуна олмасак, у ҳолда ҳаётимиз ва бажараётган ишимиз моҳиятини ҳам чуқурроқ англамай қолишимиз мумкин. «Сўзларнинг асл маъносини тушунмай яrim олам адашиб юрибди», деган иборани жуда тўғри келади. Бу иборани баъзилар А.С.Пушкинники десалар, баъзилар Ренс Декартники деб айтадилар. Эҳтимол бу ибора Шарқ ва Ўрта Осиёда яшаб ижод этган

улуг алломаларимиз, шоирларимиз, фозилларимизга таллуклидир?! Буни тарих ҳукмига ташлаймиз. Янги-янги техникавий атамалар турли хил миллат ва эллатларнинг тилларирига сингиб уларда умумийлик ва бирлик хис-туйғуларини, тушунчаларни келтириб чиқаради.

Шундай килиб янги техника фан тармокларининг ривожи, техниканинг тараққиёти, саноат тармок технологиясининг ўсиши ва янги техникавий атамаларнинг келиб чикиши табии ҳолдир. Ушбу жараёнда назарий техника фанларининг ривожи асосида ҳали ҳалк тилига, онгига сингмаган техникавий атамалар пайдо бўлади ва улар факат айрим олинган миллат жумладан ўзбек атамаси бўлмай, балки жаҳон фани ва техникаси ютукларининг ҳосиласи қўринишида намоён бўлади. Масалан, «Космонавтика», «Аэронавтика», «Космонавт», «Космик тиббиёт», «Космик биология», «Кибернетика», «Техник кибернетика» ва шунга ўхшашлар. Ана шу каби атамалар, ҳалкаро атамага айланиши ва шу соҳа олимлари, ижодкорларининг бир-бирлари билан ҳамкорликда, дўстликда иш олиб боришларига қулайлик туғдиради.

Ўзбек ҳалқининг шаклланиши каби, ўзбек тилининг вужудга келиш томирлари ҳам қадим замонларга бориб тақалади. Шунингдек, тил тарихи шу тилни яратувчи ҳалк тарихининг ажралмас кисмидир.

Шунинг учун, ўзбек тилига давлат мақоми берилниши муносабати билан, соф ўзбек тилига ўтиш, яъни она тилимиздаги атамаларни бунёд этишда унинг муқобилларини топиш, кенг жамоатчиликка сингдириш ўзига хос мураккаблик, чигаллик, тушунмовчиликларни келтириб чиқариши табиийдир.

Қисқа вакт ичидаги фаолияти шу нарсани қўрсатмоқда-ки, атамалар луғатини ишлаб чикиш жараёнида айрим муаммолар кўндаланг бўлиб колаяпти, яъни айрим муаллифларимиз ҳар нима бўлса ҳам, фақат «соф ўзбек атамасини» кидириб топишга ва уни тавсия этишга уринмоқдалар. Умуман, бундай ташаббусни қўллаб-кувватласа ҳам бўлади, бирор бу йўлдаги хавф-хатарни албатта, инобатга олишимиз ва ҳар бир атамани ҳалқ тилига, онгига сингишини эътибордан чиқармаслигимиз керак.

Атамалар луғатини ишлаб чикиш, миллий хис-туйғуларини нотўғри жилгадан кетиб қолишига олиб келиши мумкин. Мальумки, хис-туйғу, жаҳолат аралашган жойда қирғинлик содир бўлиши мумкин. Биз ана шу хавф-хатардан четлашган тарзда иш олиб боришимишиз керак.

Атамалар тараққиёти ва уни ишлаб чиқиши масалаларига илмий жиҳатдан ёндошиб, шу соҳада аспирантура очиб, илмий ходимларни

тайёрлаш масаласини жумхурият фанлар академиясида маҳсус масала килиб қўйиш ҳаёт тақозосидир.

Хулоса килиб айтганда, техника атамалари соҳасида фаоллик кўрсатаётган олимлар, инженер-техник ходимлар, шу соҳанинг қўпгина мутахассислари ҳозирги кунгача фан, техника, технологияга кириб келган ва шу соҳада ҳалқимиз онгига сингиб кетган атамаларни мумкин қадар кўпроқ қолдириб, агар соф ўзбек мукобил вариантини топилса, уни кенг мутахассислар муҳокамасига қўйиб кўпчиликни тасдигидан ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди, акс ҳолда чалкашлик ва кийинчиликларнинг гувоҳи бўлиб коламиз.

Бошқарув усуслари ўзининг тавсифига кўра иктиносидий, ташкилий-маъмурый, ижтимоий-руҳий босқичларга бўлинади. Ҳар бир раҳбар ушбу босқичларни мукаммал амалга оширишида ўзига хос усусларни ишга солади, ташабbus кўрсатади ва ундан оқилона фойдаланишга ҳаракат қиласди. Бошқарув жараёни ўта мураккаб жараён бўлғанлиги учун, дунё миқёсида ўзига хос жуда кўп йўриклар ишлаб чиқилиб, такомиллаштириб борилмоқда.

Раҳбар корхонадаги тизимни мукаммал ўрганиши ва ҳар бир структура учун аник-равшан жорий режа ва истиқбол режаларни тасдиқлаб қўйиши талаб этилади. Ҳаёт шу нарсани тақозо этиб келмоқдаки, корхона, ташкилот, муссасадаги ҳар бир структура бирликлари ўз вазифаларини тўла ва тўғри бажара олмаслиги сабабли, раҳбарга ортиқча юклама йигилаверади. Масалан, кадрлар бўлимини олайлик. Ушбу бўлим кадрларни жой-жойига қўйиш, бўш ўринларга мутахассис топиб, раҳбарга тавсияномалар бериш ўз камровида тегишли фармойиш ва буйруқларни тайёрлаши талаб этилади. Аммо ушбу ишларни бекаму-кўст бажариш учун ва умуман ташкилот қоғозбозликлари, шартномаларни конунлар муҳофазасида ишлаб туриш учун адлия маслаҳатчиси ҳам тайин этилади. Хориж мамлакатларида бошқарув жараёнини мукаммаллаштириш мақсадида адлия маслаҳатчиси, раҳбар маслаҳатчиси ва ниҳоят социолог, психолог лавозимлари киритилган. Мақсад битта, раҳбарни ўзига боғлиқ бўлмаган юкламалардан озод қилиш, корхона, ташкилот, муассасаларнинг иш унумдорлиги ва сифатини ошириш, ортиқча мажлисбозлик, бюрократик тутқунлардан саклаш бўлиб ҳисобланади. Бу дегани, раҳбарнинг ўзи ҳам ушбу жараёнга тайёр бўлиши, кадрлар бўлими тайёрлаган тавсияномаларга, адлия маслаҳатчиси ёки бошқарув ишлари бўйича маслаҳатчи розилигисиз, у ёки бу карорни қабул қиласликка ўрганиши, одатланиши керак. Айрим раҳбарлар у

ёки бу фармойиш, бүйрүк шартномаларни тайёрлаб (ёки тайёрлатиб) бўлганидан сўнг кадрлар бўлими, аддия маслаҳатчиси ва бошқарув ишлари бўйича маслаҳатчини таклиф этиб имзо чекишини сўрайди (бўйруқ тарзида). Агар улар имзони қўйишга рози бўлмаса-да қўйишдан бош тортса, раҳбар шундай қараш ёки мумонала қиласиди, ундан агар имзо қўймаса ишдан бўшашингиз мумкин деган холоса чиқади. Шу аснода раҳбар билан ёрдамчилари ўртасида киши билмас руҳий низо пайдо бўлади, ёрдамчиларнинг ўз ишларига бўлган масъулияти ҳам камайиб бориб, охир-окибат совуқконлик, локайдлик юзага келиши мумкин, ташкилот, корхона иши киши билмас орқага кетиши, раҳбарнинг обрўси кетиши мумкин.

Корхона ишини яхшилаш учун фақат социолог, хатто психологдан ҳам фойдаланиш тавсия этилади. Психологнинг вазифаси аник, яъни ходимлардаги психологик оғишлар, стрессларни йўқотишида ўзига хос йўл-йўриклар ишлаб чиқиб ўрнатилган тартибда уни амалга ошириш бўлиб ҳисобланади. Социологнинг иши анча мураккаб. Социолог ҳар бир ходимнинг ижтимоий ахволини чукур ўрганиб чиқиб, ҳар бир ходимни самарали ишлаши учун қандай омиллар ижобий ёки салбий таъсир этишини аниқлаб, раҳбарга тавсиялар тайёрлаб уни ҳаётга жорий этиш йўлларини кўрсатиб бериши керак. Масалан, Япониядаги ишлаб чиқариш корхоналарида фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходим иш шароити, ижтимоий ҳаёти ўрганиб чиқилиб ҳар битта ходим учун ўзига хос конкрет тавсиялар ишлаб чиқилган бўлиб ушбу тавсиялар бевосита иш фаолияти ва оила ҳаётида жорий этилади. Мисол тариқасида саноат корхонасини олсак, ҳар бир ишчининг иш унумдорлиги ва сифатига салбий, ижобий таъсир этувчи омиллар ўрганиб чиқилган ва шу омиллар таъсир кучини мувофиқлаштириш режалари ишлаб чиқилган. Фараз қилинг, бир ишчи эрталаб соат 8:00да бошлаб соат 11:00га боргандга, унинг иш унумдорлиги ва сифати кескин камая бошлайди. Шунда социологнинг олдиндан белгилаб қўйган тавсиясига мувофик, қуйидагилар танланган тарзда амалга оширилиши мумкин.

Ишчи у ёки бу спорт турига жуда қаттиқ қизиқса, шу соҳа бўйича сухбатчи унга 11:00да яқинлашиб, тахминан 10-15 минут юракдан сухбат қилиб, руҳини кўтариб кетади;

Ишчи олдига соат 11:00да психолог келиб, унинг дўстлари, қариндош-уруглари, ҳамкаслари, фарзандлари ҳақида сухбатлашиб кўнглини кўтариб кетади;

Ишчи олдига соат 11:00да тайинланган бир шахс келиб дунёвий, халқаро ва мамлакатнинг ўзида содир бўлаётган қизиқарли воқеиқлар хақида суҳбатлашиб кетади;

Ишчи олдига соат 11:00да яна бир олдиндан белгиланган шахс келиб ҳазил-хузул, асия килиб кетади;

Ишчи олдига чиройли, келишган ёш қизлар келиб, салом-алик килиб бир пиёла чой ёки кофе тақдим этиб шириналик ҳам бериб кетадилар;

Сизда фикр туғилиши мумкин шунча сарфланадиган ҳаражатлар ўзини окладими, йўкми?

Олиб борилган хисоб-китоблар шу нарсадан дарак бераятики, ушбу жараёнга сарфланувчи сарф-ҳаражатлари ўз навбатида меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифати эвазига бир неча бор кўп бўлар экан.

Хулоса: раҳбар маслаҳатгўй бўлса, маслаҳатга қулок солса, юридик, психологик, педагогик ва социологик қобилиятларини ташкиллаштира олса, корхона, ташкилот, муассаса, идора ишлари олдиндан башорат қилинганидек гуллаб-яшнайверади.

Раҳбар билан ўйнашмаган маъқул, чунки унинг ўйин услублари сизнидан кўп бўлиши мумкин. Сиз қанчалик қўпол бўлманг амалий ишларингиз билан виждонингиз тозалигини исбот этсангиз, қўполлигингиз салбий таъсири камайиб бораверади.

Инсон бошига бир оғат келса, келаверади, деган ибора бор. Ҳамма гап шу ердаки, инсон бир талафотга учраса, ўзини ўнглаб олиб шукур қилиш ўрнига яна шошилинч ҳаракат қилиб, ховлиқиб бошқа хатоликларга йўл қўявериши мумкин.

Ривоятларга қараганда бир чол янги уй-жой солиб фарзандлари билан эски уйидан кўчиб кетаётган экан. Чол юқ машинаси ҳайдовчиси ёнида кичик ўғли билан жойлашиб олиб, катта ўғлини юклар ортилган очик жойга ўтказибди. Йўлда машина катта тезликда кетатуриб чуқурликка равона бўлибди. Машина тепасидаги катта ўғли отилиб кетиб ўша заҳотиёқ оламдан ўтибди. Чол кичкина ўғли билан вафот этган ўғли тепасига келиб худога шукур дебди. Атрофда йиғилганлар «чол жинни бўлиб қолибди шекилли», деб чолга саволомуз тарзида қарашган экан, чол уларга караб «агар иккала ўғлим вафот этганда нима қиласи эдим, шунинг учун худога шукур деяяпман», деб жавоб берган.

Хулоса: шукур қилишлик – рухни йўқотмаслик, тинчлик, хотиржамлик гаровидир.

Ўтган умрдан ҳеч афсусланманг ва хафа бўлманг, чунки унинг фойдаси йўқ, ўтган умрни баҳтга қарши қайтариб бўлмайди. «Бўлган ишга саловат», деганларидек, ўтган умрни факат таҳлил этиб ижобий хулоса чиқара билиш фойдаидар.

Армонсиз инсон йўқ. Бироқ армонга ўралашиб рухни туширгандан кўра келажак режаларини тузиб, енгни шимариб ишга шўнғиб кетган маъқулдир. Баҳона қидириш билан овора бўлгандан кўра, ишни бажариш йўлини излаш маъқулдир.

Хали дунёга устун бўлган инсон бўлмаганидек, дунёга устун бўладиган империя ҳам йўқдир. Рим империяси, кизиллар империяси (СССР), мустамлакачилиқда донғи кетган Америка, Буюк Британия. Франция, Германия, Россия давлатларининг қилган ишлари қандай бошланиб, қандай тугагани ва тугаётганлигини тарих сабоқлари яққол кўрсатиб турибди. Гап империя ва мустамлакачилар қанча вақт хукмрон бўлганликлари устида эмас, улар хукмронлик қилган даврда миллионлаб инсонлар курбони, миллатлар маънавияти тортган азоби устида кетаяпти. «Дунёга устун бўламан», деб хаёл қилган шахслар ва умрининг охирида худога тавба қилганлари сингари, империя, мустамлакачилик, фашизм, шовинизм, миллатчилик, маҳаллачилик ташаббускорлари ва уни бошқарувчилар тақдирни ҳам бошқача тугаши ва охиратда худога нола қилишга мажбур бўлишлари табиийдир. Демак, яхши ёки ёмон ишни бошлашдан олдин охиратни кўз олдига келтириш, тақдирга тан беришга мослашишга ўрганган маъқулдир.

Алломаларимиз ва ота-боболаримизнинг ҳеч бўлмаса ҳафтада бир марта йигилишиб, Саъдий, Шерозий, Навоий, Оғаҳий, Жомий ва шу каби мутафаккирларимиз дурдоналарини ўқиб, ўрганиб, таҳлил этиб хулосалар чиқариб, ўзларига, фарзандларига тегишли ўгитларни олиб яшар эдилар.

Хулоса: сұхбатга йигилганда маънавият, маърифат, тарих асосий руқн бўлса, келажак порлоқ бўлса керак.

Буюк саркардалар бир неча дўзах (бу дунёдаги) ўтини қўрганларидан ва ундан мардонавор чиққанларидан сўнгги саркардалик унвонига сазовор бўлганлар, шунинг учун шуҳрат қозонганлар ва обрўга эга бўлганлар.

Хулоса: шахсий намунасиз саркарда ҳам, раҳбар ҳам обрўга эга бўлиши қийин.

Совчилликка борганда борувчилар ва совчиларни қабул қилувчилар, яъни оила раҳбарларининг бир-бирини тушуниши, психологик дунёкараш якинликлари асосий мезон бўлса, сўнгра бўлажак келин-куёвнинг бир-бирига ёкиши таҳлил этилгани маъқулдир. Чунки келин билан куёвнинг учрашувидан асосий мезон бир-бирига ёкишдадир. Ишқ, севги, муҳаббат яшаш давридаги пайдо бўладиган шарт-шароит, икlimга боғлиқдир.

Куда-андачилик шундай мураккаб нарса-ки, керак бўлса айрим вактда кўзингизни кўр, кулоғингизни кар, ўзингизни бефаҳм, бефаросат ва кучли, сабр тоқатли инсон қилиб кўрсатишингизга тўғри келади.

Сиз ракибингиз, сизга ёқмайдиган одамдан хафа бўлиб юрганингиздан кўра яхшиси сизни эзувчи ҳис-туйғуни эсдан чикарганингиз маъқулдир.

Хулоса: фойдасиз асабни қийнашдан фойда йўқ.

Суюқлик, овқат, музқаймоқларни хўплаб, озгинадан истеъмол қилиш тилни, оғиз бўшлиғини шикастланмаслиги гаровидир.

Хулоса: ҳовлиқиш жароҳат олишга сабабчи бўлиши мумкин.

Хориж географларидан бири (исми, шарифи эсимда йўқ) дунёнинг кўп мамлакатларини зиёрат қилиб, Ўзбекистонга келганидан сўнг ўзбек аёлларининг гўзаллиги ҳақида ёзган экан.

Хулоса: аёлларимизни имкон қадар эъзозлаб, уларни оғир жисмоний меҳнатдан озод қилиб, ибо-иффатига тасанно айтиб, кафти-мизда кўтариб юрайлик.

Тонгда узокдан эшитиладиган най навосидан олинадиган завқни худди жуда узоқ туйилган горнинг охири йўқдек туюлиб, горнинг охирини акс эттирувчи нур пайдо бўлганидек хурсандчилик, эзгулик ҳис-туйғусига ўхшатиш мумкин.

Хулоса: умуман эзгу мусиқа айниқса, эрта тонгдаги най, ғижжакнинг майин навоси эзгу ниятли инсонни, албатта юқори парвозларга олиб чиқарадигандек ҳис-туйғу беради.

Қўшнингиз ҳовлиси худудидан бир қарич ерни ортиқча эгаллашга ҳаракат қилиб гуноҳга ботгандан кўра, икки қарич ерингизни

ҳадя қилганингиз маъқул, чунки вафотингиздан сўнг сизга бор-йўғи икки метр жой керак бўлади, холос.

Хулоса: фойдасиз тарзда одамлар билан ғижиллашгандан кўра, асабни авайлаб, тинч яшаган маъқулдир.

Ҳалок этганлар хотирасини эъзозлаш мақсадида денгизчилар океанга, денгизга гулчамбар оқизишади. вафот этганлар монументларига, ҳайкалларига таъзим билан гуллар қўйилади.

Айрим одамларимиз чойхонада ош ейиш, ресторон, кафеларда гурунглашишни яхши кўришади-ку, мозорга бориб уч дона гул қўйиб дуои-фотиҳа килиб келишга вақт топа олмайдилар ёки эсларига келмайди.

Хулоса: Охиратни ўйлаш ҳаммага ҳам насиб этмаса керак.

Душман босиб келганда ватанпарварлик, фидоийлик хислатлари сув юзига чиқади, холос. Демак, ҳамма иш гапда эмас, амалда бўлиши керак. Бошга ташвиш тушганида дўст ва душман кўринишлари яққол кўзга ташланади, яъни шоир айтганидек:

Миллион йиллик савдо бу инсонлар тараф-тараф
Донолар ёлғизammo, нодонлар тараф-тараф.
Бошга қилич келса гар, мардлар доим мард улар,
Ёлғончи бу дунёда номардлар тараф-тараф.
Куёш меҳри самодан баробардир ҳаммага,
Дўзах-жаннат, во ажаб қабрлар тараф-тараф
Орзиқиб кутганларинг келди истиклол сабаб,
Мустақил Ўзбекистон энди бўлгин буюк бир тараф.

Хон бир бегуноҳ одамни ғазабига олиб, тошбурон қилдирибди, «тош отмаган одам қолмасин», деб ўзи тепасида турибди. Оломоннинг ичидаги ўша одамнинг укаси ҳам бор экан. Ука тош отай деса, жигарчилик, отмай деса хон турибди, нихоят тўнидан увада олиб отибди. Шунда тош текканда «вой» демаган бояги одам укаси отган увада текканда «дод» деган экан.

Хулоса: шундай, душман отган тошдан, жигар отган увада қаттиқ тегар экан.

Ҳозирги вактда дабдабали тўйларга ҳар ярим соатда келиб тўртта-бешта ашула айтиб кетадиган ашулачиларни қатнашиши модага айланиб қолди, яъни ашулачи ҳам мириқиб ҳамма ашуласини айтолмайди (чунки ушбу ашулачини бошқа тўйда ҳам кутиб туришади), бунинг устига тўй иштирокчилари ҳам майли, қизиқчилар

ҳам таклиф этилиб, улар тўйхона ўртасига чиқиб олиб, «мана менинг олтита чўнтағим бор, ҳаммаси ҳам кенг ва чукур чўнтаклар, пул қистириувчилар уялмасдан чикаверишсин, факат икки юзалик эмас, мингталиклар қистиришсин», деб айюҳаннос ҳам солиб қўядилар. Гапирадиган гаплари куракда турмайди, тўй қатнашчилари оми, саводсиз деб ҳисоблаб мурожаат этадилар. Бир тўйда энсаси қотиб турган дўстим қизиқчининг пул қистириувчиларга караб қилган муомаласини кўриб шундай деди, «бундан кўра гадойлик қилганинг яхши эмасми?. Келин-куёв умуман эсдан чиқиб, ҳамма гапни айлантириб пулга тақашади. «Ўғри бўл, ғар бўл, инсоф билан бўл», деган мақол бекорга айтилмаган-ку.

Танноз ва сатангларга танноз ва сатангларча муомала қилсангиз, у ҳаддидан ошиб кетаверади. Яхшиси уларга таннозлиги ва сатангларни ўзига қандай зарар етказишини очиқ тушунтириб қўйган маъкул (у ҳатто вақтинча хафа бўлса ҳам).

Бўлган воеа: бир гўзал аёл, кейинчалик таникли олимга ўта танноз, ўта сатанг, ўта гўзал экан. Ҳали мен турмушга чиқадиган эркак йўқ деган фикр-мулоҳаза билан ҳаёти ўтиб бораверибди. Охири ўзи хоҳлаган эркаклар ҳам уни ёқтирмай колишибди. Ўша «гўзал» аёл қариш арафасида «ҳеч бўлмаса эркак киши ҳидини хидлаш имкони бўлса беармон бўлар эдим», деб афсусланган экан.

Инсон туғилганда ҳеч қандай кийимсиз дунёга келади. Танасининг ҳамма қисми иссик, совукка бир хил таъсирчан бўлади.

Гўдакнинг юзи, қўл ва оёқ учларини очиқ қолдириб, қолган қисми кийим билан муҳофаза қилиниб, очиқ жойларига қараганда совук ва иссикқа кўпроқ таъсирчан бўлиб боради. «Асраган кўзга чўп тушади», деганларидек, кийим билан ўралган жойлари кўпроқ таъсир-чан бўлиб боради. Умуман кийим киймай ҳаёт кечираётган инсонлар ҳайвонлар табиий ҳаёти шу нарсани исбот этмоқдаки, муҳит қандай бўлса, унга бўлган акс-садо ҳам шундайдир.

Худди шунингдек, инсон ёшлигидан у ёки бу нарсага одатланиб қолса, ушбу одамнинг (ҳоҳ ижобий, ҳоҳ салбий бўлсин) кейинчалик одатни тарк этиши амри-маҳол бўлиб қолади. Масалан, хушмуомалик, яхши одоб, тарбия, катталарга хурмат, кичикларга иззат, илмга, билимга берилиш; ўғрилик қилиш, сигарет чекиш, беъмани қиликлар қилиш, локайдлик, дангасалик, енгил ҳаётга ўрганиш, наркотик мoddаларни истеъмол қилиш, одобсизлик, имон-эътиқодсизлик ва шу кабилар.

Инсон, одам деган сўзларни тўхтовсиз ишлатамиз, уни бошқа мавжудотлардан фаркини таҳлил этамиз. Кўп гапдан иш яхши, деганларидек эслатиб ўтилган икки сўзга маъно беришга ҳаракат килиб кўрамиз:

Инсон –бешта ҳарфдан иборат, яъни инсоф, нафосат, содиклик, орасталик, нағислик.

Одам –тўртта ҳарфдан иборат, яъни одоб, диёнат, ақл, муҳаббат. Ушбу талқинни хоҳлаганча давом эттириш мумкин, албатта. Чунки инсон ва одам сўзи ҳар қанча ардоқлашга арзиди.

Қаттиққўллик кўпчиликка ёқмайдиган усулдир. Ҳаётнинг, турмушнинг шундай жабҳалари бўладики, раҳмдиллик, мойиллик, лакмалик, чегарадан ташқари оқибат ва меҳрлилк асосий ишга, яъни ёнаётган олов, кўзғалмоқчи бўлган оломон (халқ эмас), ёнаётган ёнғинни ўчиришга кучи етмай қолади. Ана шундагина одилона қўлланиладиган каттиққўллик фойда беради.

Хулоса: қамчинни ҳар вақт эмас, фақат керак бўлган вактда ишлатиш керак.

Биз талабалар маънавиятини ошириш йўлида қанчалик катта ишларни событ қадамлик билан олиб бораётган бўлсак, шунчалик унга салбий таъсири этувчи омилларни унутмайлик. Аудиториядаги доимий олиб борилаётган назарий-маънавий машғулотлардан сўнг, талабалар ҳаётда маънавиятга ёд ҳодисаларни гувоҳи бўлмоқдалар. Масалан, кўчадаги айрим милиционерларнинг номаъкул муносабати, жамоа транспортидаги турли хил маданиятсизликлар, ресторон, клублар ва кафелардаги номаъкулчиликлар ва шу кабилар албатта талаба мағкурасини ўзгартиради! Минг гапиргандан кўра бир кўрган яхши, деганидек талаба эшитган ва кўрган нарсаларини таққослайдида... Бундан ташқари талаба 30 соатдан кўп бесабаб дарс қолдирса, у олий ўқув ютидан четлаштирилиши керак деган кўрсатма бор. Бироқ вазирлик, ҳокимият кўрсатмалари билан машғулот вактида ўёки бу «ёни» турган тадбирларга машғулотдан ажратиб олиб борилади. Унинг устига, айрим пайтда режалаштирилган тадбир содир ҳам бўлмайди.

Ана энди талабаларнинг ўрнига ўзимизни қўйиб ўйлашимиз ҳам карз, ҳам фарздир.

Ҳаётнинг бўсағаси кўп: туғилиш, яслига, боғчага, мактабга, академик-лицей ва касб-хунар коллежига, олий ўқув ютига бориш ва

ҳоказо. Илм нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак, ушбу босқичларни ўзига хос модели бор десак бўлади. Ушбу модел таркиби, унинг кўрсаткичлари вақт ўтиши билан фан-техника тараққиёти, цивилизациянинг ўзгариши билан ўзгариб бориши табиий. Босқичлар модельга таъсир этувчи омиллар фарзанд ота-онаси, ўқувчининг ўқитувчилари ва умуман ҳаётда (ишхонада, кӯчада) учрайдиган дунё қарашига қараб ўзгариб бораверади. Бу дегани, ҳаётимиз кўп омилли тизимдир. Аммо ҳар бир босқич моделининг асоси ўзгармай қолаверади. Ҳамма гап шундаки, у ёки бу омил таъсирларида моделлар ўзгариши ва умуман ўз ресурсини йўқотиб кераксиз, фойдасиз ҳолга келиб қолиш эҳтимоли ҳам бор. Ушбу моделлар ўзаги албатта маънавиятдир.

Худди шунингдек, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий жараёнлар ҳам ўзига хос моделга эга. Масалан, жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозини кўрайлик. Ушбу инкироз ҳар бир давлат иқтисодиётининг маълум бир муддатга ривожланиш моделининг ўз кучини йўқотганлигидадир, яъни ушбу моделни барқарорлигига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларнинг турғун эмаслиги ва ушбу омиллар таъсирини ўз вактида англаб олинмаслиги оқибатидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарида инкирознинг келиб чиқиши сабаблари, оқибатлари ва уни бартараф этиш йўл-йўриклари жуда оддий ва тушунарли тилда баён этиб берилган. Яъни Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар моделини барқарорлиги лўнда қилиб изоҳлаб берилган. Демак, ҳар бир жараённинг моделини унга таъсир этувчи турли хил омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилса, истиқбол режалар ҳам, инсоннинг умр бўйи барқарорлигини ҳам бекаму-кўст таъминлаш имкони туғилади.

Худо берган оламда ҳаёт кечираётган хоҳлаган раҳбар, олим, сиёsatчи, савдогар, дарвеш, гадой, касбдорлар ва шу кабиларнинг ҳаммасини «ўйинчига» ўхшатиш мумкин. Спорт соҳасидаги ўйинчилар тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Спортдаги ўйинчининг ўзига хос чегараланган қонун-қоида, тартиб ва назорат қилиш ҳислари бор бошка ўйинчилар ўзлари ўйлаб чиқкан foя ва бу foя остидаги мақсадни амалга ошириш учун ташкил этилган бир груп инсонлар (команда) билан иш бошлаб миллион-миллион инсонлар тақдирини ўзларининг «соғ» ва «ифлос» тарзидаги даъватномалари билан хоҳлаган томонга буришга ҳаракат қиладилар. Ҳара-

катлари натижаси ижобийми, салбийми суриштириб ўтиrmайдилар, орзулари битта: очарчилик, бемаънилик, ўлим биланми қўйилган максадни амалга ошириш. Бу йўлда ҳатто такозо этилса, ўзлари ўлим ҳукмига рози бўлсалар-да, бошланган ўйинни тўхтата олмайдилар. Ўйинда факат икки йўл бор. Бири ютиш, иккинчиси ютқазиш. Бошқа йўл йўқ. Фояси бузук ўйинчилар ютқазганлари маъкул, агар ютсалар яна бир неча хатарли вакт ичидаги миллионлаб фуқаролар шўри қурийди.

Умуман, тараққиёт, цивилизация ҳакида кўп гапирамиз ва бу ҳақдаги мулоҳазалар ҳам кўпdir. Цивилизация деганда, Марказий Осиё, яъни Турон ўлкасидаги цивилизациядан тарихийси бўлмаса керак. «Замон сенга бокмаса, сен замонга бок», деган нақлга мос холда, Чор Россиясининг Марказий Осиёни забт этиб олганидан кейин. Турон ўлкасидаги ҳалклар, элатлар ҳаётига Овруподан Россияга кириб келган ва Россиянинг ўзида у ёки бу тарзда ўзгартирилган цивилизация оқимлари (мен одоб, маданият, маънавият, маърифат ҳакида фикр юритаяпман) Турон ўлкасига gox табиий, gox тазиий тарзда кириб кела бошлаган. Ушбу ўзгаришлар ҳалқимиз ва айниқса ёшлар ҳаётига зудлик билан таъсир эта бошлаган. Ёшлик ғурури, жўшкинлиги жилови қўйиб юборилса, кутилмаган воқеликларга дучор бўлиши мумкин, ёшликнинг нозик жойи шундаки, ўз мамлакатидаги иболи, иффатли қизлар, аёллар кўзига кўринмай сийнаси очиқ, тиззаси, бели кўринадиган ажнабий қизлар ва аёлларга ёпишиб қолади. Сабаби аниқ, албатта: ушбу ёшларнинг маънавияти пастлиги, ҳаётни тушунмаслиги, келажакни тўлиқ тасаввур этолмаслиги, имон-эътиқоди бўшлигидир. Бунинг устига, ушбу воқеликларни замон талаби деб тушуниши ажабланарлидир. Бундан ташқари, спиртли ичимликлар ичиб раксга тушиш, дискотекаларда қатнашиш, эркинлик белгиси деб аталмиш тунги аиш-ишратларга берилиши одат тусига кириб қолади.

Шундай килиб, ўзини «цивилизация» деб аталмиш ўргимчак тўрига тушиб қолганини сезмай ҳам қолади. Бу ҳам етмагандек, унга ахлоқ, одобдан тарбия берувчи ота-оналари уларнинг кўзига саводсиз, замон тараққиётини тушунмайдиган инсонлар бўлиб кўриниб қолиши ҳам мумкин.

Бу йигит ва қизларимиз салла ўраб, паранжида юрсинлар деганимиз эмас, албатта. Бу деганимиз, дунёвий цивилизацияни кўр-кўрона эмас, ақлан қабул қилиш керак деганимиздир, холос.

Айрим ёшларимиз хориж мамлакатлари нони, тузи мазасини тотгандан сўнг, ўзларини худди бошқа дунёга келиб қолгандек ҳис эта бошлайдилар. У ер, бу ерларини нимадир чимчилаганидан сўнггина Ватан тупрогини кўмсаб, афсуслана бошлайдилар.

Қизик воқеликлар гувоҳи бўлиб туришга тўғри келади. Ҳаммага маълумки, олий ўкув юртига тест топшириб, ўқишига кириш осон эмас. Ўқишига киришда давлат гранти ва контракт усуслари мавжуд. Контрактга кириб ўқиши, ўз вақтида контракт пулини тўлаб туриш осон эмас. Ҳамма оиланинг ҳам моддий имкони етарли эмас. Бирок контракт бўйича ўқишига кирганлар ичида бошқа миллат вакиллари контракт пулини муддатидан олдин ёки ўз муддатида тўлаб қўядилар. Яна қайтараман, бу осон иш эмас. Бирок шу нарсани гувоҳи бўлаяпмизки, контракт пулини тўлай олмай ўқишдан четлашиб кетган талаба оиласида бир йилдан кейин бадабанг карнай, сурнай чалиниб, дабдабали тўйлар ўтади. Эмишки, бу юрт олдидағи қарз, маҳалла, қариндош-уруглар, таниш-билишлар олдида уят бўлмаслик, обрў туширмаслик учун қарзга ботиб бўлса-да тўй килиш шарт экан.

Хулося: маҳалла, қариндош, таниш-билиш олдида обрў олиш учун қарзга ботиш, тўй ўтказиш мумкин ва зарурмиш, лекин жондан азиз фарзанди келажаги учун қарз олса бўлмайди. Ўқишдан қайтиб келган фарзанди йиллаб ёлланиб ишлаб, пул топиши учун умри азобда ўтиши мажбурийдек туюлади.

Менимча, бу цивилизацияни оркага тортувчи, тараккиётга тўсик бўладиган энг ёмон одатдир. Бу менталитет инсонни олдинга эмас, оркага юришига сабаб бўлади.

Янги оила қурилганидан сўнг, табиий тарзда катор муаммолар пайдо бўлади. Оила раҳбарининг келинга муносабати, келинга янги хонадонга кўнишиш, келин-куёвнинг ўзаро муносабатлари, янги фарзанд пайдо бўлганидан сўнг уни бокиши ва шу кабилар.

Ҳозирги ёшларнинг аксарияти у ёки бу ташкилотда фаолият кўрсатишиб нисбатан доимо банд бўладилар. Туғилган фарзанд тарбиясига агар қайнона бўлса ва у неварохун бўлса жони-дили билан неварани бағрига олиб қарай бошлайди (илоҳим шундай бўлсин). Агар қайнона неварасига қарашиб ўрнига у ҳам иш билан банд бўлса, сатанглик килса, неварага қарашибга вакти етмайди. Бунинг устига фарзанд онасининг ўзи (келин) ҳам сатанглик қилиб, ишга чиқишим керак деб оёқ тираб олса борми, ҳамма кўрадиган томоша бошланади, яъни фарзанд ҳали оёқка туриб олмай уни яслига

беришга киришилади. Давлат бекорга ясли, боғчаларни ташкил этмаган албатта. Оилавий ҳомийликдан маҳрум бўлган келин-куёвлар фарзандларини яслига беришлари яхши, аммо бўнинг кетидан мурғак болани тарбияси айниқса соглиғига оид қатор муаммолар пайдо бўлади. Масалан, болани она сутидан ажратиш болани онаси ишдан кечга колмаслиги учун эрталаб ширин уйқусидан уйғотиб, агар йигласа ҳам қулоқ солмай, амаллаб яслидаги тарбиячисига тутқазиб кетишга тұғри келади. Яъни бир ёки бир ярим яшар бола асабийлашади, она меҳрига тўймайди. Шифокорларнинг тавсиясига кўра чақалоқ энг камида икки йил ёки уч йил она сутидан баҳраманд бўлса илиги пишиқ, ақлирасо, асаби жойида бўлтар экан. Фарзандини шунча азобга солиб, онасининг ҳаётдан топган фойдасини ҳаёт тарозисига солиб кўрилса, тарозининг қайси палласини босиши аёнку ахир! Сатанглик, ҳаёт мазмунини тушуниаслик, қайнонанинг қайсарлиги қанчалар қимматга тушишини билиш аксиомадир, албатта.

Бўнинг устига қайнона, қайноталари билан келиша олмай биз алоҳида яшаймиз деб ўз сўзида турив олиб, айрим яшаш азобини тортаётган келин-куёвлар ҳақида ҳам кўп фикр юритиш мумкин.

Хулоса: меҳр, бир-бирига оқибат иллари мустаҳкам бўлса, манманлик ўрнига ҳаёт талабига кўникма ҳосил этилса, оила тинч, фарзандлар комил инсон бўлиб вояга етаверади.

У ёки бу айбни қилиб қўйган кишига (ўғрилик, фирибгарлик, айёрлик, алдаш ва х.к.) айбини бўйнига қўйилгандан сўнг, кечирим сўрайди, биринчи марта шундай айбни амалга ошираётганини, ушбу айбни бошқа қайтармаслиги ҳақида ўкиниб кечирим сўрайди. Ушбу ўкиниш, самимий кўнгилдан чиқарилаяптими ёки навбатдаги фирибгарликми, бу фақат худога маълум. Бундай инсонларни кечириш бир томондан гуманизмга кирса, иккичи томондан кишини ҳайратга солади. Хоҳлаган одам олдига илон заҳарини қўйиб истеъмол килгин деса, албатта каршилик кўрсатади. Бирок инсонларга қонунни бузсанг жазоланасан, деса хўп дейди-ку, лекин ёдидан чиқаради.

Хулоса: инсонларга ҳуқукий саводхонликни ошириб, агар конун бузилса, илон заҳаридек таъсир этиши ҳақидаги аксиомани тушунтириш ҳақида тинмай иш олиб бориш керак.

Дин пешволарининг битта катта афзаллиги бор, у ҳам бўлса, нотиқлик ва Куръон сураларини кироат билан ўқиш қобилиятидир.

Бу албатта, мадрасанинг ижобий хислатидир. Қироат билан ўқилган Қуръон мазмун-моҳиятидан қатъи назар, инсон асабларининг нозик пардаларига бориб урилиб, асаб тизимини осойишта қилишга олиб келиб, инсон қалбини тинчлантиради. Шунинг учун бўлса керак-ки, айрим одамлар руҳий безовталикка учраганларида, «домлага бориб ўқитиб келгин», деган ибора қўлланилса керак.

Хулоса: инсон руҳидек нозик нарса йўқ. Руҳ яхши бўлса ва уни тўғри йўналтирилса, инсон ҳар кандай шижоат, ботирлик, мардлик, ташаббусга ҳатто ўз жонидан кечишдек даражага тайёр бўлиши мумкин.

Худди шунингдек, ҳурматли профессор-ўқитувчиларимиз, домлаларимиз, устозларимизда ҳам тингловчилар, талабалар билан бўладиган машгулот ва учрашувларда нотиқлик санъатини ишга солишлари ва инсон руҳига дунёвий илмларни жойлаштира олиш усуулларини жонлаштиришимиз керак.

Ижодкор машина ёки робот эмас. Унинг ишини машина ва роботдаги сингари олдиндан дастурлаб, белгилаб, сўнг тугмачани босса, харакатга келадиган ходиса деб тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ижодкорга тазиик ўтказиб бўлмайди ва ижодкорнинг ўзи ҳам илҳоми келмаса ўзини мажбур эта олмайди. Шунинг учун бўлса керакки, таникли олимлар, ёзувчилар, шоирлар, яъни ижодкорлар ҳакида ҳалқимизнинг «ҳавоий инсонлар» деган гаплари ҳам маълум. Айтишларига қараганда, марҳум Ҳабиб Мұхамедович Абдуллаев енгил машинада кетаётганида ҳаёлига бир фикр, янгилик келиб қолса, шу заҳотиёқ ручка, когоз олиб машинани тўхтаттириб, қоғозга ўз фикр-мулоҳазасини ёзиб қўяр экан.

Қушлар, ҳайвонлар ва ҳатто дараҳтларни тили йўқ, улар билан гаплашиш мумкин эмас, деган мулоҳаза бор. Ушбу мулоҳазани нотўғри дейишимиз мумкин. Улар одамлар талаффузида бўлмаса ҳам инсон муносабатини, яъни кўрсатмасини, ғазабини ва хушрўйлигини bemalol тушуниб, унга жавобни ўзларининг қиликлари, айрим машқларни бажаришлари билан намоён этишади-ку. Масалан, дельфинлар, цирклар учун ўргатилган ҳайвонлар буларни яққол исботи. Японияда кўнгилдагидек ҳосил бермаган дараҳтларни кузда қаттиқ сўқиб, ёғоч билан калтакланса кейинги йили яхши ҳосил бериши исботланган.

Хулоса: қушлар, ҳайвонлар, дараҳтларга ҳам яхши мумомала кила олсак табиат ва ҳайвонот дунёсининг туллаб-яшнашига эришиш мүмкин экан.

Жуда кўп хориж сериаларини кўрамиз. Умуман қандай китобни ўзиш, кимнинг сухбатини олиш, театр спектаклларини, кинофильмларни томоша килмайлик ушбу сухбат, китоб, театр, кино, кўрсатувлар тўлиқ бизга ёқадими, йўқми ундан бизга ижобий туюлган қисмларнигина ўзимизга ола билиш қобилиятига эга бўлишимиз керак. У кино, китоб, театр, спектакл, сухбати ёмон экан, менга ёқмади деб юрганимиздан ва ҳатто айрим вактда айюханнос солишимиз нотўғри бўлса керак. Айникеа глобаллашув даврида интернет тизими ривожланган бир вактда окни корадан, корани оқдан ажратса олиш ўзи яшаётган юрт келажаги, оиласининг баҳти. Ўзининг келажаги ҳакида қайғурувчи инсон албатта ўзи тушиши мумкин бўлган тўрдан чикиб кетиш ҳис-туйғусига эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов айтганидек, «Биз интернетга мурожаат этамиз. Буни тақиқлаш мумкин эмас. Аммо дўконга кирганимизда, хоҳлаган молни сифатини, баҳосини суриштирмай олмаганимиздек, интернетдаги маълумотларни ҳам ўзимизга кераклигини танлай олиш қобилиятига эга бўлишимиз керак». Бунинг учун эса юксак маънавият керакдир, албатта.

Шу аснода хориж кино сериаларида акс эттирилувчи бир ходисага тўхталиб ўтишимиз керак.

Ҳар бир жанжалли ёки тортишувли масалалар (ҳоҳ оиласа, ҳоҳ ишхона муаммоларига тегишли бўлсин) албатта, оила, ишхона адвокати ёки адлия маслаҳатчиси билан амалга оширилади. Ташқаридан қаралганда хориж мамлакатлари ахолисининг ярмига яқини адвокат, адлия маслаҳатчисидек туюлади. Ҳақиқатан ҳам, бу тасаввур тўғри. Тизим шундай тузилганки оила, ишхона ёки шахсий муаммоларни ҳал этишда оиласадаги, ишхонадаги ёки шахсий ташвишларни улоқтириб адвокатма-адвокат юриш учун вакт керак. Ва ушбу вакт давлат миқёсидаги масалаларни ҳал этиш учун ҳам сув, ҳам ҳаводек зарурдир. Шунинг учун ҳамма ўз ишини ўзи бажариши керак, деган накл асосида иш олиб борилади.

Бизнинг корхоналаримизда фаоллик кўрсатаётган фуқаролар ўз муаммоларини ҳал этиш учун давлатни алдаб, асосий иш вактида ўз муаммоларига вактларини ажратишади. Бу дегани, жамиятни орқага суриш десак янглишмаган бўламиз. Бу дегани, ўз ҳуқукларимиз ва бошқалар ҳуқуқини эъзозлай оладиган даражага кўтарилишимиз керакдир.

Ҳаёт шу нарсаны тасдиқламоқда-ки, аёллар күпроқ умр күришар экан. Сабаби, аёллар уй юмушлари билан банд бўлиб, табиий бадантарбия билан шуғулланишар. спиртли ичимликларни истеъмол қилишмас (ёки кам истеъмол қилишар) экан, у ёки бу ижобий ёки салбий воқеликлар таъсирида тез кўнгиллари бўшаб, йиғлаб турар эканлар. Йиғлаганда эса заҳарли моддалар кўз ёши билан ташқарига чикиб кетар экан.

Хулоса: эркаклар ҳам ҳуда-бехудага эмас, табиий ҳолда кўнгиллари бўшаганда, юрак гашликларидан фориг бўлиш учун йиғлаб турганлари маъқул экан.

Бетоб бўлиб қолган одам, шифокор чакиртирилганда, у ёки бу дориларни қабул этиш учун тавсия берганидан сўнг, албатта, очик ҳавода бўлишни тавсия этади, чунки очик ҳаводаги кислород организмни тўйинтириб ўпка ва бошқа аъзоларни яхши фаолият кўрсатишига ёрдам беради. Айрим беморларга очик ҳавога чиқдингми деса, чиқарман деб жавоб бериши ҳам мумкин. Шундай экан, албатта очик ҳаводан (тоза ҳаводан) нафас олишни унутмаслик керак. Тошкент вилоятидаги Оқтош санаторияси жойлашган ҳудуд нафас йўлларини ва кўкрак кафаси яллиғланишларини табиий даволаш учун ажойиб маскан бўлиб хисобланади. 1980 йилларда мен Оқтош санаториясига икки кунга айланиб чиқкан эдим, кечаси соат бир-иккilarда шошилинч тарзда юриб келувчи тез ёрдам машинналари пайдо бўлиб, унинг ичидан россиялик бир академикни олиб чиқишиб, коттежга ётқизиши. Кейинчалик билсам, ушбу академик нафас сиқилиш (астма) касалига дучор бўлган ва россиялик шифокорлар уни зудлик билан Оқтош санаториясига бориш кераклигини тавсия этишган экан. Орадан бир кун ўтиб даволангани келган академик ўзига келиб аҳволи яхшилана бошланган.

Минераллар фақат тошда, сувларда эмас, ҳавода ҳам бўлади. Оқтошдаги иқлим, у ердаги ўсаётган дараҳатлар ўзига хос яхши, даволи ҳаво иклимини вужудга келтириб, нафас йўлларини даволаш қобилиятига эга экан.

Хулоса: хаётни ортиқча уйқу, ортиқча борди-келдилар ўрнига очик ҳавода ўтказишга, ҳамда республикамизнинг оҳанграбо, оромбахш ҳудудларида бўлиб умрни узайтириш, соғлом ҳаёт тарзини ўтказсак яхши бўлар эди.

Инсон инсонга дўст дейилади. Бироқ инсон инсончи заҳарлайдиган моддаларни ишлаб чиқиб, инсонни ўлдиришда фойдаланилади.

Дунё миқёсида оладиган бўлсак, бир давлат иккинчи давлатга ғаразлиги билан қурол ишлатади. Яна инсонни ўлдиради. Шу тарика, инсонлар айрим гурух раҳбарлари кўрсатмаси билан бир-бирларига душман бўлиб қоладилар, яъни ҳокимият учун курашда инсонлар онги ўзгариб бир-бирларига душманлик қиласидар.

Хулоса: инсон-инсонга дўст бўлиши мумкин, бирок ҳокимиятни кўлга олувчилар инсонларни инсонларга қарши қўя оладилар.

Бола тарбияси мураккаб жараён. Боланинг тарбияси она қорнидан бошланади. Ясли, боғча, мактаб, академик-лицей, касб-хунар коллежи, олий ўқув юрти, фаолият олиб борадиган корхона, муассаса, ташкилот, идора мұхитида давом этади. Тарбиянинг ҳар бир босқичида ўзига хос ва мос талаб бўлиши табиий. Шундай экан, ҳамма босқичдаги тарбияга жавобгарлар ўз вазифаларини тўлик бажаришса, ҳаётдаги тарбиявий муаммолар ҳажми анча камаяр эди. Энг ёмони, тарбиянинг ҳар бир юкори босқичидагилар, қуйи босқич мутасаддиларга эътиroz билдириб, уларни айбор деб хисоблаш билан муваффакиятга эришиб бўлмайди. Энг кераги, шахсий жавобгарликни масъулиятни ва келажаги маънавий тўқис, баркамол инсонни тарбиялаш ва ушбу жабҳадаги жонкуярликни кучайтириш даркордир.

Маълумки, ҳар бир мусулмон инсонни худо олдида амалга оширувчи фарзлари бор. Шундай фарзлардан бири бу рўза тутиш бўлиб хисобланади.

Рўза тутишдан асосий мақсад покланиш, организмни хилтлардан тозалаш бўлиб хисобланади. Араб ва умуман мусулмонлар мавжуд бўлган жойда рўзани ўрнатилган тарзда тутиб борилади, яъни эрталаб қуёш чиққунча ва кечкурун қуёш ботганидан сўнг овқатланилади.

Кундузи имкон қадар дам олинади. Бирок айрим мухлислар касал бўлса ҳам, иш шароити оғир бўлиб, қариган, ночор бўлсалар ҳам, ҳомиладор бўлсалар ҳам, рўза тутиб касалликка дучор бўлсалар, айримлар кун бўйи овқатланмай юришини пеш қилиб, турмуш ўртоғига дўк уриб, уни ухлатмай ҳар куни палов қилдириб, қоринлари тўйганидан сўнг зўрлаб ортиқча овқатни истеъмол қилиб, энг ёмони қўча-куйда, ишхонада, қариндош-уруғлари олдида рўза тутаётганини пеш қилиб юрадилар.

Буниси ҳам майли, кечкурун оғиз очиши вақтида кундузи билан суюқлик, овқат қабул қилмаган ичак ва ошқозонни қийнаб, бирварақайига энг камида икки, уч хил овқат истеъмол қилиб, дам

олаётган ички органларни кийнокқа солади. Агар ифторлик бўлса-ю, унда тўрт хил овқатни ҳаммасини истеъмол қилиб, устидан нишолда ва десертга оид ширинликларни ҳам истеъмол килиб, сўнгра кекириб ўтираверадилар, ҳарсиллайдилар, кечаси яхши ухламайдилар ва нохуш ҳолатларга тушадилар. Шундай қилиб, яхши ният билан бошланган иш организм учун жаҳолатга айланади. дейиш хато бўлмайди.

Миср Араб Республикасида (айтишларича) рўза бошланишидан бир ой олдин, мамлакат миқёсида қанча овқат маҳсулотлари истеъмол қилиниши аниқланиб чикилади, ҳудди шу статистик маълумотлар рўза даврида ҳам олиниб, таққосланганда рўза вақтидаги истеъмол қилинган овқат маҳсулотлари рўза тутилмаган ойга нисбатан уч марта кўплиги аниқланган.

Қариганингизда афсусланмаслигингиз учун ҳаётда афсусланмай яшаши оdat қилганингиз маъқул.

Айёрликка қарши курашишнинг йўли зукколикдир.

Мехр нури ҳар қандай тошни эритади.

Инсонни жазолашдан олдин бериладиган жазонинг ижобий ёки салбий оқибатини тасаввур этишга ҳаракат қилиш керак.

«Қишиғамини ёзда, ёз ғамини қишида кўр», деган нақлга итоат этмайдиган одамни лоқайд одам дейиш мумкин.

Тақдир билан ўйнашиб, ҳазиллашиб бўлмайди.

Оптимистик рух сизни тарк этмаса. албатта, мақсадга эришасиз.

Энг аввало, руҳни тозалаш ва даволаш керак, сўнгра шифобахш ўсимликлардан истеъмол қилиб, ундан кейингина тиббиётнинг бошқа муолажаларига мурожаат қилиш керак.

Оиладаги бетартиблик парокандаликка олиб келиши мумкин.

Инсон қалби тоза бўлсагина, бажарган иши ҳам мусаффо бўлади.

Бюрократия –тинкани куритувчи омилдир.

Қор ёққанида пайдо бўладиган излар қуёш нурида эриб, йўқ бўлиб кетганидек, ғаразсиз аразлар ҳам меҳр нури билан ювилиб кетади.

Зерикиш –умрни бекорга ўтказишdir.

Гапда ҳам, ишда ҳам ўзгаларни камситувчи инсон худбиндир.

Кек сақлаб, ўзини ҳаммадан ақлли, билимдон, тажрибали деб ғўдайиб юриш шу инсоннинг ўзига кони заардир.

Битта ширин сўз билан инсон руҳини еттинчи осмонга кўтариш, битта қўланса, қўпол сўз билан ернинг остига киритиб юбориш мумкин.

Андишани отини қўрқоқ дейишса, ҳурмат ва мулойимликни ҳам қўрқоклик деб тушунувчилар йўқ эмас.

Ўз сўзига содик бўлмаслик инсонга содик бўлмасликдир.

Ҳурматни тушунмаган кудадан бегона яқиндир.

Қудачилик минг йилчилик дейилади, агар ўзаро ишонч бўлмаса қудачилик бир кунчилиkdir.

Такаббурлик билан обрў олишга интилиш тuya ҳаммомни орзу қилишдек ишдир.

Эр-хотиннинг уруши дока рўмолнинг куриши бўлса, ака-уканинг уруши ўртада ғишт деворнинг курилишидир.

Меҳр бор жойда табассум бўлса, хўмрайиш, ўқрайиш бор жойда ғам бўлади.

Тоғ тоғга қовушмаганидек такаббур инсонлар ҳам қовушмайди.

Дўст ачитиб, душман кулдириб гапиради деганларидек, қанчалик bemаза бўлмасин ўзинг тайёрлаган овқатинг шунчалик ширина туялади.

Вахимачилар ҳар бир гапни совун күпигидек ошириб юборадилар.

Сирни саклай билиш катта санъат ва қобилиятдир, доимо бидир-бидир қилиб нафақат сирни ҳатто тилига келган нарсани тинмай гапиравериш довдирлиkdir.

Текин бойлик қидирувчи инсонни йиртқич қафасига киравучи инсонга ўхшатиш мумкин.

Хунари, билими йўқ инсонни дарахтнинг қуриган шохига ўхшатиш мумкин.

Интилган инсон оч қолмайди.

Ёшлиқда олган таълим куч бағишилар гўёки ҳалм.

Жафоли ўқишиш вафоли келажакдир.

Тиконсиз гул ва машаққатсиз хунар излаган инсонни орзусиз инсон дейиш мумкин.

Билим ва хунар эгаларини баҳт эгалари дейиш мумкин.

Билимни эгаллашдаги қунт ва сабот қаҳрамонлик белгисидир.

Билмаган гапни гапириб энсанни қотиргандан кўра оғзига талқон солиб ўтирган маъкул.

Тилни билиш дилни билишга йўл. (Мақол).

Ўқишини билиб уқишини билмаган одамни адашиб юрувчи сайёҳга ўхшатиш мумкин.

Доно одам меҳнатдан бош кўтармайди, нодон одам ғамдан бош кўтармайди.

Нодон билан юриш номусни йўқотиш билан тенгдир.

Тарбия Фотима бўлса, таълим гўёки Зухродир.

Пул топиб ақл топмаслик аҳмоклиkdir.

Аҳмок билан тенглашиш тентаклиkdir.

Ақлдан ортиқ бойлик йүк дейилади, бирок аксарият ҳолатларда ақллilar эзилишади ва турли хил моддий бойликлардан маҳрум бўлишади.

Хулоса: Ақл тезда бойлик келтирмасдан вакт ўтиши билан бойликка айланар экан.

Доно дурдан аълодир, аммо дурни ўз вақтида англовчиларни ҳам тарбиялаш керакдир.

Нодондан ақл, бебурдан номус кутгандан кўра, бир етимнинг бошини силаган афзалдир.

Катта гапириб бебурдлик қилгандан кўра, кам гап бўлиб кўп иш килган маъқулдир.

Ҳар қанча шошсанг ҳам йўлинг аниқ ва равон бўлмаса, манзилингга ўз вақтида етиб боролмайсан.

Манманлик, шон-шуҳратга берилиш обрўнинг эговидир.

Манманлик ва мақтанчоқлик охир-оқибат мусибатга айланиб шайтон йўлига олиб боради.

Қуруқ ғуурланиш оқибати ғурбатлиkdir.

Ўз айини ўз вақтида англай олиш қобилияти мардлик белгисидир.

Ҳар бир одам бу дунёдан яшаб ўтгунча чидашига оид бўлиб ўтган воқеликларни тахлил қилсанг уни темирдан ҳам қаттиқ эканлигига ишонасан, бироқ унинг кўнгли гулдан ҳам нозик эканлигини унутишимиз керак эмас.

Номардлик билан узок умр кўришга интилгандан кўра, мардлик қилиб худо берган ёшни яшаган маъкул.

Амалинг баланд бўлмаса ҳам, номинг баланд бўлгани маъкул.

Кўрқиб, чўчиб бойигандан кўра, ҳалол ва тинч яшаган маъкулдир.

Муҳаббат чиройни, уйку ўринни танламаганидек, билим инсон танламайди.

Кўнгил пулга топилмаганидек, илм пулга топилмайди.

Олимнинг сариштаси, билимнинг фариштасидир.

Олтин-кумушнинг эскиси бўлмаганидек, устознинг баҳоси бўлмайди.

Кудалик бўлгунча хоҳлаганча синаш мумкин, қуда бўлгач, хоҳлаганча сийлаш мумкин.

Оила роҳатини кўра олмаган одам кўча фароғатини ҳам кўриши мушкулдир.

Рўзгорни яхши билган аёл оила роҳатидир.

Сўкиш, уриш билан тарбиялаш – оқибат-натижада без бўлиб қолишга олиб келади.

Уйи кенг бироқ кўнгли тор инсонларга яқинлашма.

Айрим одамлар қанчалик кўп хушчақчақлик ҳиссига эга бўлса, шунчалик ўзини тута олмаслик (истерик) ҳиссига ҳам эга бўлади.

Ҳақни ноҳақ деган одамнинг ўзи ноҳақ.

Асл одам ўлса ҳам унинг руҳи ўлмас.

Қасдлик пастлиқдир.

Чақимчи қўшнидан қутулишнинг ягона йўли кўчишдир.

Биревга жаҳл қилсанг у сенга захар бўлиб қайтади.

Биревга тухмат қилсанг ўзингга бўхтон бўлиб қайтади.

Безорилик озор келтиради.

Чексиз орзуга эга бўлиш чексиз умрга эга дегани эмас.

Отангни эъзозлашинг ўзингни эъзозлашинг.

Мехнат килиб эришилган орзу талаб этмас торозу.

Мехнат бор жойда йўқдир ўрин ғийбатга.

Мехнат билан баҳт гўёки эр ва хотиндир.

Эр ва хотин баҳтини меҳнат оширад.

Вақтида тупрокқа қадалмаган уруғ қушлар учун сепилган дондир.

Худога нола қилиб сўнг меҳнат қилсанг ошиғинг олчи бўлур.

Кийик қанчалик кўп югурмасин, чайир бўлмасин, унинг гўшти ётагон кўйнинг гўштидан шириндир.

Инсон канчалик бегам, беташвиш ва ётагон бўлса унинг кўзига бошқалар дангасадек бўлиб кўринади.

Ишинг юришмаса биревни танқид қилмай ўзингдан кўр.

Кўпчилик фикрига қўшилган инсон ҳар доим омадли бўлади.

Кўпчилик фикрига эришган одам эгри фикридан қайтади.

Ариқдаги сув кечаси билан тиниқлашиб қолганидек, мирикиб ухлаш мияни тозалайди.

Лавозимга ҳурмат билан боқиши, савлат, давлатнинг нишонаси-
дир.

Ёшлиқдаги меҳнат- қарилиқдаги роҳат.

Миннат ўрнига меҳнат қилишни ўрган.

Ҳаётда доим сададек соябон бўламан дегандан кўра толдек хода
бўлиб турган ҳам яхшидир.

Бугунги ишни эртага қўювчи одам омадсиз одамдир.

Инсон ҳаётга қанчалик ёш, тез ва онгли боқа олса шунчалик эрта
баҳтли бўлади.

Ҳалол меҳнат инсонга оромли уйқу баҳш этади.

Тарбияли фарзанд ота-онага ёғ бўлса, бетарбия фарзанд ота-
онага доғ бўлур.

Дехқон юзи қорадур, қаллоб бағри корадур.

Панжара ортига, яъни қамоқхонага тушишдан олдин тарбия-
ланишга мойиллиги бўлмаган инсоннинг қамоқхонадан чиққанидан
сўнг тарбияланиши амри маҳолдир.

У ёки бу дипломга эга бўлиш у ҳали ақлга эга бўлди дегани
эмас.

Мухолифатчилик ғалаёнчилик ҳис туйғусига йўналтирилган
хатти-ҳаракатдир.

Ҳомхаёллик масаллиқсиз овқат тайёрлаш хиссидир.

Ҳар доим руҳий тетикликда яшаш учун ҳар доим яхши, ширин
орзулар қанотига эга бўлиш керак.

Ҳар қанча кўп овқат истеъмол қилган билан руҳинг тетик
бўлмаса саломатлигига путур етаверади.

Хаётдан нолиши ўрнига хушрүй орзуни амалга ошириш учун енг шимариб меҳнат қилишга интилган яхшидир.

Олдингда ёниб турган оловнинг қадри қанчалик кучли бўлишдан қатти назар, олов кулга айлангач қадри йўқолганидек, айрим шогирдлар устози мададкор бўлиб турган вақтда уни қадрига етиб, устозлари вафот этганларидан сўнг унга бўлган ҳурматни эсдан чиқариб қўядилар.

Худо берган ёмғир сувини ер қанчалик қадрласа, худо берган фарзандлар ҳам ота-оналарини ердек қадрлашлари керак.

Ўликлар руҳини қанчалик шод этишга уринмайлик унга тириклигига қилган ҳурматимиз тенг келмаса керак.

Ҳар бир инсоннинг улуғ орзуларидан бири бу дунёдан кўз юмиш арафасида ўзидан кейин қолаётган фарзандлари, бола-чақала-рининг тинч-тотув яшашларига ва ҳаётларининг фаровонлигига ишонч ҳосил қилиш керакдир.

Темирни кизитилганда унинг ҳароратини меъёрда ушлаб турилмаса керақли сифатга эришилмагандек, инсон ҳам лавозимда ўтирганда меъёрдан ошиқ сусистеъмолликка йўл қўйса унинг ошиғи олчи бўлмай қолиши мумкин.

Сунъий кучаниш белни майиб қилиши мумкин, сунъий муомала обрўни йўқ қилиши мумкин.

Кабутар қанчалик баландга кўтарилиб ўйнамасин барибир охир-оқибат ерга қўнади, инсон ҳам ҳар қанча баланд лавозимга кўтарилиб шоду-хуррамлик қилмасин бирибир охир-оқибат ерга дағн этилади.

Пинҳоналик билан орзуга эришаман дейиш, ёғочдан олтин ясайман дегандек орзудир, холос.

Вайроналик билан ҳукмдорлик қиласман деган раҳбарнинг охирати куяди.

Инсон орзуга бой мавжудот. Чексиз орзуладар режасини тузиб уларга эришиш йўлида шошқалоқлик ва манманликка берилиб кетса, олдин эришилмаган орзуладар натижасидан ҳам маҳрум бўлиши мумкин.

Дўстининг хотинига кўз олайтириш, дўстининг кўксига пичок уриш билан баробардир.

Хоҳиши бўлмаган тингловчига маъруза ўқиш тошга сув сепиш билан баробардир.

Сўмрайиб турган одамдан мулоимлик билан боқиб турган хайвон яхшидир.

Ёшликни қадрига етмаган одам гўёки қақраб колган чўлга экилган бодомдир.

Доим ҳасратидан чанг чиқувчи одамни сассик ҳид чиқарувчи гулга ўҳшатиш мумкин.

Мен ҳар доим зўрман деб юрувчи одамни шамол эсганда парвоз этиб шамол тўхташи билан кулагаб тушадиган варракка ўҳшатиш мумкин.

Бозордаги даллолни иши қаллобликдир.

Коллектив аъзолари билан самимий, очик кўнгилли ва сирдош бўлган маъкул, чунки «Даладан келган ўғрини тутиш осон, уйдаги ўғрини тутиш қийин», деган мақол бор.

Одоб бузилса, таълим ҳам бузилади.

Кичкина қингир ишни бошлаган одам катта қингир ишга ҳам кўл уради, чунки «Игна ўғирлаган сигир ҳам ўғирлар», деган мақол бор.

Корнинг оч қолса сабр қил, лекин ўғрилик қилма.

Коллективда бир киши нобоп иш қилиб қўйса ҳамма шубҳа остига олинади.

Манманлик билан камтаринлик тарози палласини бир хил босмайди.

Күнгли очикдан гул ҳиди келса, писмиқдан қул ҳиди келади.

Муғомбирлик хоксорлик душманидир.

Найранглик билан кун күришни афгон қуши ҳаётига ўхшатиш мумкин.

Очкүзлик бойлиқдан маҳрум қиласи.

Сурбет бўлгандан кўра тавба дейишни ўрганган маъкул.

Ҳар бир устоз бошидан ўтганини ўргатади.

Ёшлиқдаги ҳалол меҳнат қаригандаги ҳузурдир.

Ҳаромлик йўли билан топилган мол, ҳаромлик йўлида сарф бўлади, чунки ҳаром одам буғдой кўрсатиб арпа сотар экан.

Билмаганини билдим, қилмаганини қилдим деган одамдан узокроқ юрган маъкул.

Тулкилик қилувчи инсон эҳтиёт бўлмасанг албатта бир куни панд беради.

Аёллар билан ҳар доим самимий муносабатда бўлиб унинг қалбига ҳурмат кўзи билан қараб юрган маъкулдир, чунки «бир хотиннинг ҳийласи қирқ эшакка юқ», деган мақол бор.

Фирибгар алдаб еса, меҳнаткаш топиб ейди. Текинхўрнинг оғзи тинмайди, меҳнаткашнинг қўли тинмайди. Текинхўр чайнамай ютар. Текинхўрда одоб бўлмайди, меҳнаткаш бетоб бўлмайди. Текинхўрда тўғрилик йўқ, меҳнаткашда эгрилик йўқ. Текинхўр бойимайди, меҳнаткаш қаримайди. Текинхўрнинг миннати кўп, меҳнаткашнинг меҳнати кўп. Текинхўр ўз айбини текин пулга ёпади, меҳнаткаш ўз айбини қадоқ қўли билан ёпади.

Эшак Маккага бориб ҳалол бўлмас деганларидек ҳар қанча замонавий, чиройли кийим кийган билан аҳмоқ зиёли бўлиб қолмайди.

Юлгич юлиб тўймайди, алдоқчи алдаб тўймайди.

Кетма-кет товбаланиб иш битирадиган одам порахўр, нукул ийғлаб иш битирадиган одам мӯғомбирдир.

Текин гўштнинг суюги бурун йиртади деганларидек меҳнатсиз эришилган лавозим бир кун йикитади.

Бўш қоп тикка турадими деб ҳадеб овқат еб қоринни осилтириб юрувчилар қопда қовурға йўқ одамда қовурға борлигини билишмаса керакд...

Гапида, сўзида маза матраси бўлмаган инсонни қуруқ ариққа ўхшатиш мумкин.

Фарзандинг одоби зўр бўлса сени элга танитар, агар одобсиз бўлса юзингни ерга қаратар.

Тўғри юрсанг узок вақт баҳтли бўлишинг мумкин, чунки «Тўғри девор узокқа чидар», деган мақол бор.

Бир хонага юз маънавиятчи сифса, ўн хонага бир чақимчи сифмайди.

Мунофиқлик муттаҳамлиқдир, муттаҳамлик аҳмоқлиқдир.

Ёмонга яхшилик қил, тушунмаса ҳам яхшилик қил, чунки «Бир яхши билан бир ёмон келишар, икки ёмон келишмас», деган мақол бор.

Бир инсоннинг бармоқ изи иккинчи одам бармоқ изига мос тушмаганидек, абсолют бир хил фикрлайдиган одам ҳам бўлмаса керак.

Ҳар бир одат бўлиб қолган хислатни касб деб аташ мумкин, жумладан ўғрилик.

Эрталаб ишга, ўқишга кетаётганида яхши кайфият, табассумга эга бўлса, ишдан, ўқишдан уйга (оилага) яхши кайфият, табассум билан кайтса, жаҳл, ўқрайиш хислатларини чархлай олса бундан ортиқ баҳт бўлмаса керак.

Озодлик сўзи жуда кўп маънени англатади. Мамлакатнинг озодликка эришиши, маълум бир ҳудуднинг озодликка эришиши, маълум бир оиласинг, маълум бир шахснинг озодликка чиқиши. Озодлик деганда у ёки бу мамлакат, ҳудуд, оила ва шахснинг мустақил тарзда ўз хошигига яраша яшаш ҳислати тушунилади. Аммо ҳар бир вокеликни олдиндан ижобий ва салбий томонларини чуқур таҳлил қила олмаслик яхшилик ўрнига жаҳолатга олиб келиши мумкинлиги муқаррардир. Озодликка эришган давлат ўз маънавияти, миллий ғурурини саклай олиши керак. Озодликка чиққан ҳудуд аъзолари ўз бирлиги, ҳамжиҳатлиги, умумий максади билан ажралиб туриши керак. Озодликдаги оила, оила аъзоларининг бир-бирига бўлган меҳри, ҳурмати билан ажралиб туриши керак. Озодликдаги шахс эса ўзи яшаган ҳудуд, оила қадриятларини эъзозлаши, ҳурмат қилиши керак бўлса унга бўйсуниши лозим. Айрим озодликка эришган мамлакатлар, оилалар, шахслар ҳам босар-тусарини билмай қолиб қалб декларациясини намоён этолмай бесаранжом аҳволга тушиб қоладилар. Янги курилган оила айрим хонадон бўлиб яшашга ишкибозлик қилиб. ўзбошимчаликка берилиб яхшилик ўрнига жаҳолат ботқогига ботиб қоладилар. Айрим шахслар бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга ишлаш, мустақил турмуш қуриш, кўшимча даромад олиш учун кўчиб ўтар эканлар «озодлик» нашидасини тортаман деб, ота-она, қариндош-уруг назоратидан четлашиб, оёғига тикон кадалмагунча изгиб, тентираб юриб, боши бетон деворга текканидан сўнггина кўзи мошдек очилади. Озодлик нашидасини суриш учун бекорчилик, сангиф юриш эмас, етти ўлчаб бир кесадиган, яхши билан ёмонни фарқига бора оладиган, ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши коронғу эканлигини тушунадиган ақлли талқин талаб этилади.

Хулоса: Озодлик ҳам доимий ақлий назорат бўлгандагина яхши натижага олиб келади.

Маъноси йўқ гапни магизи йўқ данакка ўхшатиш мумкин.

Маҳмадона нотиқ тингловчиларни эснатади.

Үйламасдан гапириш бошга туширап ташвиш.

Фақат сунъий шириң гап билан иш битирувчилар бир күн эмас бир күн қафасга тушадилар.

Шошқалоқлик билан иш бажарувчи одамни тоғдан түшүвчи қор уюмiga үхшатиш мумкин. Бундай ишнинг охири фожиа билан тугаши мумкин.

Бахиллик ва хасислик бор жойда муттаҳамлик содир бўлади.

Эринчоқ инсон ўзгаларни ишдан қолдиради.

Кишда ёз, ёзда қишиғамини емаган одамни сузишни билмай туриб кўлга калла ташлаган одамга үхшатиш мумкин.

Ақл ўргатувчиларнинг кўпчилиги иш ёқмаслардир. Агар иш ёқар бўлганида кўп гапирмасдан ишни бажаар эди.

Хўрлик бор жойда инсоф йўқдир.

Бир кунлик ваъдабозлиқдан, бир соатлик меҳр яхши.

Қасдгўйлик ва ҳасадгўйлик охир-оқибат инсонни ақлдан оздидари

Тарбия ва таълим табиийликка эга бўлмаса бозорда сотилувчи ўтмас молга айланади.

Кари бор уйнинг зари бор дейишади, аммо қарияларнинг борлигида зарлиги сезилмай қолаётган оиласалар ҳам бор.

Ўрганиш ва ўргатиш гўё Ҳасан-Хусандир.

Ари чақди деб аразлама, боли бор деганлариdek, устоз уришди деб аразлама, чунки ўгити бор.

Мевасидан данаги шириң дейишади, бироқ ҳаётда шириң мевадан аччик данак ҳам пайдо бўлиб қолади.

Ваъдабозлиқ ўрнига далдавозлиқ, ишқивозлиқ бўлса яхши бўлар эди.

Дилозорлик безориликка олиб келса бағрикенглик дилхушликка олиб келади.

Тұхмат бироннинг бошпіні эмас, тұхматчининг ўзини бошини ёради.

Шарму ҳаёning йўқолиши иззат ва хурматнинг йўқолишига олиб келади.

Бир қунлик йўлга чиксанг, бир ҳафталик озиқ ол деганларидек, бир соатли ишга бир қун тайёргарлик қилингани маъқул.

Дардсизга дардни айтмоқ мусиқани ёқтирмайдиган одамга мусика чалиш билан тенгдир.

Кийимга ямок туширсанг ҳам, кўнглингга ямок туширмаганинг маъқул.

Пишмаган хом кишига бўлган хушомад ҳудди лойи пишмаган девор сифатдир.

Инсон салобатли бўлиш ўрнига саботли бўлса мақсадига эришади.

Томчи томни тешади деганларидек гийбат кишини қулатади.

Серваъдачилик ёлғончилик белгисидир.

Қадрлаш қобилияти ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Хушёрлик оғатнинг жазосидир.

Кишини гам қаритса, меҳр ёшартиради.

Қоқилмай, йиқилмай десанг кўпчиликни хоҳишига қара.

Хатосиз инсон йўқдир, хатони тузатмаслик ордир.

Бир құлтиққа икки тарвуз сиғмаганидек бир әркакка икки хотин түғри келмайды.

Гап қидириб сүнгра чақимчилик билан шуғулланувчилар балога йүлиқади.

Күп яшаш мумкин, лекин күп билмаслиги мумкин.

Иғвогар үзини ақлли деб даъво қиласы. Бу эса унинг ахмоқлигидир.

Ёмонликни үзига касб қилиб олганлар ҳамманинг күзида ёмондир.

Қандай эгри күчаларга тушиб қолсанг ҳам күнглинг түғри бўлса омад сеники.

Ёмондан узоқ юрмасанг кунинг кулфатдан чикмайди.

Бекорчилик бемазагарчиликка олиб келади.

Бетамизлик безориликка олиб келади.

Үгридан бой чиқиби десалар ишонманг.

Жуда қизиқ, хаётда кимдир ишлайди, кимдир тишлайди. Ажабо!

Оддий шўрва бўлса ҳам кўнгил тортиб истеъмол қилсанг кўнгил тортмай еган ёғлиқ палов егандан афзалдир.

Умуман инсон кечиримли бўлгани яхши. Айникса, ота-она фарзандларига нисбатан, фарзандлар ота-оналарига нисбатан кечиримли бўлишлари керак. Эр-хотиннинг кечиримли бўлиши баҳт мезонидир.

Бақириқ-чақириқ билан иш битириш худди гармдори чайнаб югуриб юргандек туюлиши мумкин. Чунки бақириб-чақириб бирорнинг кўнглини оғритиш, бажарилган иш чала бўлиши мумкин. Жаҳл билан гармдори чайнаш ҳам давосиз азобдир.

Фиштни қолипсиз күйіб бұлмаганидек режасиз ишни ҳам натижаси бўлмайди.

Кўпчилик фикрига қулоқ солмай манманлик ва шон-шуҳратлилик билан шуғулланиш бу кулфатдир.

Дарёдан ажраб чиққан ирмоқ қандай кулфатга учраса, коллективдан ажраб қолган киши ҳам шундай кулфатга учрайди.

Айрилик давосиз кулфатдир.

Гулнинг тиконига чидагандек, оиланинг ташвишлариға ҳам чидаш керақдир.

Шошилиб тўй қилиш, қоқилишга олиб келади.

Келинни қизим демаган қайнона баҳтли бўлмайди.

Қайнонаси билан тил топган келин баҳтли бўлади.

Шаҳарлик келиннинг қишлоқда, қишлоқлик келиннинг шаҳарда униши қийин бўлади.

Қайнотасини яхши кўрган куёв келажакда яхши қайнота бўлиши мумкин.

Фарзандлари ота-оналарига, ота-оналари фарзандларига суюнган оила бутун оила бўлади.

Оила вайрон бўлса умр ғамхона бўлади.

Дин ва эл эгизакдир. Диндан ажрасанг элдан ажрайсан, элдан ажрасанг диндан ажрашинг мумкин.

Халққа хизмат қилиш ҳақ иш мезонидир.

Мактансоқ бойвачча инсоннинг чираниши элнинг бир оғиз надомати билан чиппакка чиқиб кетади.

Булбул чаманни одам ватанни севади. Бироқ чаман ўзгарувчан, ватан доимийдир.

Тинчлигинг-бахтинг,
Тинчлигинг-озодлигинг.

Маҳалла доимий таянчинг. Таянчинг эса кўнглинг тўклигидир.

Дўстинг бўлса ғаминг йўқ,
Душманинг бўлса тинчинг йўқ.

Муз қанча қалин бўлса ҳам унга суюниб бўлмайди. Ёвинг битта бўлса ҳам унга ишониб бўлмайди.

Тоғ баланд бўлса ҳам ҳоҳиш бўлса унга чиқасан. Орзуинг катта бўлса ҳам ҳоҳишинг бўлса эришасан.

Ижодни, илҳомни булоққа ўҳшатиш мумкин. Булоқни қачон, қаердан пайдо бўлишини факат худонинг ўзи билганидек, ижод, илҳом ҳам худонинг амри билан келса керак. Чунки ҳомила ёки чақалокнинг ижодкор ва илҳомли бўлишини олдиндан айтиб бериш қийиндир.

Ўқитувчи, домла, устоз шогирдларига билим тарқатиб уларнинг олган билимлари даражасини талаб этаётганида ўзи эгаллаб бўлган билим даражасидан келиб чиқкан ҳолда талаб қиласди. Бироқ у шогирди билим даражасидан келиб чиқиб талаб этмайди. Шунинг учун устоз, домла, ўқитувчилар ҳар доим мен аклниман деган тушунча билан юрадилар.

Янги ўсиб келаётган мурғак, нозик дарахт билан бақувват бир неча ўн йил умр кўрган дарахт орасида ер билан осмондек катта фарқ бор. Ёш дарахт совуққа, иссиққа, шамолга, курғоқчиликка чидаб тажриба орттиргмаган, катта дарахт эса ҳамма офат, тўфонларни бошидан ўтказган ва ҳатто одамларда ўз сояси ва меваси билан меҳр ва хурмат орттиришга эришган.

Хулоса: Қари билганни пари билмас, деганлари тўғри наклдир.

Ўзининг териси рангига мос ўтлар ичидаги борлигини билдиримай туриб ўз заҳрини бир онда сочишга қабул бўлган илон каби айрим

«дүстлар» яралла-таралла, ҳазил-хузул қилиб юриб шундай душманлик қилиб күйишлари мумкинки, илон захри бундай душманлик олдида ип эшолмай қолиши мумкин.

Қанча күп ўргансанг шунчалик саводсизлигинг аён бўлиб бораберади ва бу камтариликка етаклайди. Қанчалик кам ўргансанг шунчалик билимсизлик фуури кўпайиб бориб гердайиш руҳи пайдо бўлиб зарарли маҳлукотга ёндошиб борасан.

Маънавий инсон (у лавозимдаги инсонми, спортчими, оддий одамми) ҳар қандай жанжалли ҳолатда ҳам ўзини осойишталиқда ушлай олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Унинг мақсади жаҳлини, кучини намоён этиш эмас инсонийлигини намоён этиш бўлиши керак.

Инсон инсон билан мулоқот килаётганида у ёқ-бу ёққа қараб, сочини тараб ёки бошқа қилиқларини намоён этмай тура олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Акс ҳолда мулоқотдаги мазмун пуч бўлиб колади.

Аламзадалик – ҳайвоний ҳисдир.

Ёмонлик дўстликни бузса, ёмон хотин уйни бузар.

Асалари қанча учмасин керакли гул мевасидан ололмаса асал бўлмайди, ёмон одамда оқибат бўлмайди.

Ёмон ном билан маҳаллага ош бергандан кўра, яхши ном билан уйда кичкина худойи қилған маъкул.

Бировга жабр қилиб иш битирувчилар ё давлатидан, ё фарзандидан ажралиши мумкин.

Ёмондан рост гап чиқса, тунда қуёш чиқибди деяверинг, чунки ёлғончи ўликни ҳам гувоҳ қилиб гапираверади.

Рост билан ёлғонни фарқига бормаган инсон довдирдир.

Азобсиз роҳат роҳат эмас.

Бойликнинг асоси сабр ва қаноатдир.

Ғалвали бир лаган ошдан ғалвасиз бир қошиқ ош яхши.

Ўзини мақтаган охири майна бўлади.

Фуурлик ғурбатга етакласа, камтарлик хурматга етаклайди.

Бепарво баҳона топгунча, тадбиркор чорасини топади.

Эринчоқ бор жойда ишдан оғиз очмаган маъқул.

Чарчамас, ҳаракатчан тадбиркорни ўчиқдаги ловуллаб ёнаётган оловга ўхшатиш мумкин.

Ваъдаси йўқ инсонни куриган дарахтга ўхшатиш мумкин.

Ёлғонни касб қилиб олган инсонни компассиз сайёхга ўхшатиш мумкин.

Одобсиз чиройга бокқандан кўра одобли хунукка бокқан маъқул.

Ёмонга давлат берса ўзини ҳоқондек тутиши мумкин.

Кам гап одам ниятга етса, манман одам уятга эришар.

Шухратпастнинг шуҳратини кўриш учун унинг тўйига ва маъракасига бориш керак.

Ҳаддан ташқари керилиш инсонни йиртилишга олиб келади.

Ҳар доим ўзига зеб бериб юрувчи инсон ҳаётдан четлашиб қолиши мумкин.

Рахмдилликнинг мазмуни шундан иборатки, агар бирор нарса беролмасанг унга тўғри йўл кўрсат, буни ҳам қилолмасанг ширин сўзингни аяма.

Инсонда ҳиммат қанча кўп бўлса, у шунчалик барака топади.

Ҳасад уругини тарқатган инсон бало мевасини ейди.

Ҳимматли барака топар, ҳимматсиз ерга бокар.

Дарахтнинг ҳусни барги ва меваси билан белгиланса, инсоннинг ҳусни унинг фарзанди ва одоби билан белгиланади.

Инсон қанчалик кўп сайёхлик килмасин, инсон қанчалик кўп фарзандли бўлмасин барибир ўз ватани ва ота-онасини қўмсайди.

Умрининг асосий қисмини биргаликда ўтказган эр-хотинлар ҳаёт тақозоси билан бир-бирларига ўта кечиримли бўлиб қоладилар.

Бир ота-онадан пайдо бўлган фарзандлар ота-оналари бу дунёдан ўтиб кетганиларидан сўнг бир-бирлари билан юз кўрмас бўлиб кетишлари ҳам мумкин экан. Сабаб ота-оналар тириклик вақтида фарзандларига бир хил меҳр тарқата олмаганликларидадир.

Енгил машина ташки қўриниши ҳар қанча чиройли бўлса ҳам бензинни кўп сарф этса кўзга хунукроқ бўлиб қўриниши мумкин.

Хомийликни тушунган тадбиркорга худо омад берса керак.

Ҳаётда ташвиш орттириш осон, бирок уни бартараф этиш қийиндир.

Беташвиш инсон – ҳис-туйғусиз мавжудотdir.

Рахбарлик лавозимидан кетган инсоннинг энг асосий ташвиши – умрининг қолган қисмини ўтказиш режасини тузишdir.

Томни тунука билан қопласанг ҳам унинг тагидаги таҳта сифатли бўлмаса томдан чакка ўтиши ва бузилиши мумкин. Худди шунингдек дабдабали тўй ўтказилгани билан келин куёвнинг насли паст бўлса оила бузилиши мумкин.

Худо инсон бошига ноҳақ ташвиш тушмасин. Ташвишли инсон букилган дарахт демакдир.

Инсон ҳар қанча дод-фарёд солмасин у виждонсиз бўлса унинг дод-фарёдига ҳеч ким қулоқ солмайди.

Товуши ҳар қанча яхши бўлса-ю, аммо у безори бўлса унинг ашуласини ҳеч ким ёқтирумайди.

Кўнгли торга кенг уй ҳам тор.

Қаллобнинг саройидан, сахийининг ҳужраси яхши.

Оддий ёғоч ёмғир, қорда, жазира маисида қолса ҳам очик ҳавода турса чиримайди. Худди шунингдек, инсон ҳам очик ҳавода кўп юрса узок вақт касал бўлмайди.

Худога ишондим деб фарзандни қаровсиз назоратсиз колдириш яхши эмас.

Қуёш нури инсонга қанчалик ижобий таъсир қилса, меҳр нури ҳам шунчалик ижобий таъсир этади.

Шаҳвоний хис-туйғу билан туғиладиган меҳр билан, кўнгил билан боғланган меҳрнинг ер билан осмондек фарқи бор.

Яхши шогирд устозга қувват келтирса, ёмон шогирд укубат келтиради.

Яхши фарзанд раҳмат келтирса, ёмон фарзанд лаънат келтирап.

Ўйноқи бўлган кўздан ойна ҳам қочар.

Ўғрилик оши танага юқмаганидек, безори бола оиласа сиғмайди.

Мехмон келгунча уялиб, кейин мезбон уялганидек, айрим шогирдлар билим олгунча мулойим бўлиб, билим олиб бўлганларидан сўнг ғўдайган бўлиб қоладилар.

Ош меҳмон билан азиз бўлганидек, бола одоби билан азиздир.

Бахилга ёндошгунча, гадойга дўст бўлган маъкул.

Бахил бор жойда боғ ўсмас, боғ ўсса ҳам меваси пишмас.

Занг темирни кемирганидек, ҳасад ҳам инсонни кемиради.

Кўнгли кенг инсон хужрада ҳам раксга тушаверади.

Сахий инсон тоғдек юксак инсондир.

Бахил одамлар факат олганларида гина суюнсалар, берганларида
куюнадилар.

Бахил бор жойда сахийга нон йўқ.

Ёшлигида кўзи тўйса, улғайганда ўзи тўяр.

Инсон туғилдими, яшаш учун курашади. Яшаш учун эса ўкиш
ва меҳнат талаб этилади. Демак, ҳаётнинг мазмуни ўкиш, меҳнат
қилиш, ўзингдан авлод қолдириш ва авлодни ҳам ўкиш ва меҳнат
қилишга ўргатиш керак. Ўкиш ва меҳнатга чин қалдан ёпишсанг
албатта, мақсадга эришишинг муқаррардир.

Инсон организми қанчалик тоза бўлса, у шунчалик соғлом
бўлиши кераклигини ҳар бир овкатни истеъмол қилишдан олдин
эслаш узок умр кўриш асосидир.

Порлоқ келажакка эришиш учун жавохир қидирма, тажрибали
устозни қидир.

Жоҳил, қайсар одамга раҳм қилиш, тошга сув сепиш билан
баробардир.

Беморнинг дардига қулоқ солмаслик, эшакка салом бериш билан
баробардир.

Тўнка одамга дардни айтиш сассик қўнғизга боқиши билан
баробардир.

Хузур-ҳаловатини ўйлаган одам бирорвга жаҳл қилмайди ва
бировнинг жаҳлини қабул қилмайди.

Аксиришдан олдин атрофингга бок.

Ручка сиёхи тугагунча керак бўлади, инсон ҳам куч-кудрати борича ҳаракатланади.

«Темирни иссиғида бос», дейишни биламизку, соғлиққа ўз вақтида бокиши билмаймиз.

Душманнинг катта-кичиғиги бўлмайди, дарднинг ҳам катта кичиги бўлмайди. Рентген орқали пайқашимиз мумкин бўлган организми-мизда сайр қилиб юрувчи вирус, микроблар ҳар қандай бало-қазони келтириб умримизга путур етказаёттанини сезмаслигимиз, билмас-лигимиз бизнинг ўта лоқайдлигимиздир.

Эр-хотиннинг ажралишига асосий сабаб улар дунёқарашлари-нинг бир хил эмаслиги, имон-эътиқод, ироданинг кучсизлигидир.

Дунё кўзи ожизга коронғу эмас, дунё кўнгли ожизга коронғудир.

Кимдир кимгадир ҳамтовок булиб турсагина ўзаро меҳр кучайиб боради.

Бозорга бориб аюханнос солиб келгандан кўра, мозорга бориб куръон ўқиб келган маъқулдир.

Ўз ҳузури ва тинчлигини ўйлаган одам, нодондан, ғийбатдан, ёмондан, чақимчидан узокроқ юради.

Инсонни инсонга ўқрайиб, бақириб, дағдаға билан гапириши ва унга мурожаат этганингда менсимасдан бокиши ёки тескари қараб олиши маънавиятсизликнинг энг ёмон белгиларидан биридир.

Яхшининг сўзлари билиш ва одоб бўлса, ёмоннинг сўзлари тилиш ва азобдир.

Яхши одам эл ғамини ўйлаеа, ёмон одам факат ўз ғамини ўйлайди.

Оқ билан қора бир-биридан қандай ажралиб турса, яхши ва ёмон одам ҳам шундай ажралиб туради.

Нодонлик ва ёмонлик илдиз отган жамоада тинчлик бўлмайди.

Яхшиликка интилсанг обрўга эришасан, ёмонликка интилсанг гўрга тушасан.

Яхшининг насиҳатига кулок солмаган, ёмоннинг касофатига колади.

Устоз ва қариялардан ибрат олиш келажакка ибрат тайёрлашдир.

Ғаразли бўлиш аразли бўлишдир.

Ёмоннинг яххиси бўлмас, яхшининг ёмони бўлмас.

Ариқни сув бузса, одамни сўз бузади.

Ёмон гапдан кўра тарсаки урган маъқулдир.

Дарё тўла бўлса ҳам ит тили билан сув ичганидек, ҳар канча кўп китоб чоп этилмасин нодон барибир китоб ўқимайди.

Меваси аччиқ дарахтнинг кўчати ҳам аччиқ мева берганидек, нодон тарбиясини олган фарзанд ҳам нодон бўлади.

Игна билан ип бир томонга юрганидек фарзанд ҳам ота-она тарбияси томон юради.

Иллатни тузатиш мумкинdir, аммо одатни тузатиш мушқулдир.

Катта арава сиғган жойга кичик арава ҳам сиғганидек ота-она қилган ишни фарзанд ҳам қайтаради.

Одамзод кўп нарсадан ва ҳатто одамдан қутилиши мумкин, бироқ ўз феълидан қутилиши осон эмас.

Устознинг ғайратли бўлиши, ўз навбатида шогирднинг ибратли бўлишига олиб келади.

Онанинг оқиласиғи кизнинг баҳтидир.

Сув бошидан яхши оқса, ҳосил яхши бўлганидек, ота-она яхши бўлса фарзандлари ҳам яхши бўлади.

Инсонни сўкиш, уриш билан тарбиялаш мумкин бўлганида ҳамма қуллар ва камоқдагилар аллақачон аклии бўлиб кетар эдилар.

Сўз ва одоб эгизакдир. Сўз кишининг ўзаги бўлса, одоб кишининг зебу-зийнатидир.

Устанинг олдида қўлини, устознинг олдида тилини тияолмаслик шогирд бўла олмаслик белгисидир.

Айрим инсонлар ҳар доим бирорнинг ғамини еб, бирор воқелик юз берса унга ачиниб, иложи борича кимгадир ёрдам қўлини чўзишга интилиб яшайдилар (бундай хислат худодан бўлса керак деб ўйлайман), айрим инсонлар бирор вафот этиб қолса ҳам, қўшнисининг уйига ўт тушса ҳам, кимдир оғир бетоб бўлса ҳам парвои фалак бўлиб юраверадилар. Серташвиш бўлиб бирорнинг ғамини еб юрадиган одамлардан яхши ном қолса, парвои фалак одамлардан умуман из қолмайди.

Яхши тилак қилсанг обрўга, ёмон тилак қилсанг мағлубиятга тортади.

Ёмоннинг кийими, юзи кўриниши яхши бўлгани билан унинг ўйи ёмон бўлади.

Сафсатасиз йиғин бўлмаганидек камчиликсиз инсон йўқ.

Қўлингдан фойдали иш келмаса, ҳеч бўлмаса бошқаларга эзгулик тила.

Мехр қўшиб овқат тайёрлаган хотин меҳрсиз қолмас.

Бир олим яратган янгилик кўпчилик меҳнатига малҳам бўлади.

Икки ёмон бирлашса, кенг дунё ҳам тор бўлар.

Иғвогарга қулоқ солма, чунки унга оқсут ҳам қорадир.

Дилозорга раҳм қилма.

Одамнинг яхиси беозорлиқдир.

Олмадан бодом бўлмаганидек, нодондан олим бўлмас.

Олқиши олиш осонмас, қарғиш олиш осондир.

Каттами, кичикми нодон бўлса нодонлигича қолаверади.

Яхши раҳбар бўлса жамоа унади, ёмон раҳбар бўлса жамоа сўлади.

Ҳаётда тиконли йўлдан юргандан кўра тикони бўлса ҳам гулзордан юрган яхшидир.

Нодон билан сирдош бўлгандан кўра тушингни сувга айтганинг маъқулдир.

Сирингни яхшига айтсанг унишинг ҳам яхши бўлади.

Ёмон билан улфат бўлгунча, ёлғиз юрганинг маъқул.

Ёмоннинг ёмонлигини унинг қўзидан ва сўзидан сезиш мумкин.

Ёмон ёмонга тортса, яхши замонга тортади.

Ёмондан ёр олгандан кўра бева ўтганинг маъқул.

Ёмоннинг фарқига боролмаган одам, яхшининг ҳам фарқига боролмайди.

Сассик гап ташиб юрадиган одамларни ўлакса истеъмол қилиб кун кечириувчи ҳайвонга ўхшатиш мумкин.

Ёмон одам ёмонликка тўймайди.

Ёмон эр хотинини сўкса, ёмон хотин никоҳини бузади.

Жоҳилни ўқитгунча эсинг кетар.

Замон ёмон бўлиб ўзгариб кетди дегувчилар замонга бока олишни билмайдиганлардир.

Вақт қадрини билмаган ўз қадрини билмайди.

Вақтни сезмаган одамда инсоний ҳис-туйғу тўла ривожланган деб айтиш қийин.

Бепарволик ҳайвоний хислатдир.

Амалга сунъий интилиш ўзини алангага ташлашдир.

Шўрвани шопириб ичсанг оғзинг қуймайди, ҳаётий ишларни шошмай режа билан адо этсанг қоқилмайсан.

Дараҳт бир жойда кўкаради деганларидек бир нечта хотинга уйланувчи, бир нечта эркакка турмушга чикувчилар ҳам бемалол яшашлари қийин.

Илм билан шуғулланишни игна билан сув қазишга ўхшатишади, бу меҳнат нуктаи назардан ўта тўғри мулоҳаза, бироқ игна билан қазилган қудукка бир машина тупроқ ағдариб юборилса, ҳамма меҳнат бекорга айланиши мумкин. Яъни игна билан кудук қазиган билан олинган илмга мос иш қилмаслик ҳамма меҳнатни бекор қилиши ҳеч гап эмас.

Кимдир кимнидур қонини зулукдек ичган, деган ибора бор. Қонини зулукдек ичса ҳам шифокор зулукдек соглиғига фойдаси тегса зўр бўлар эди. Қонини зулукдек ичди дегани кимдир кимнидур аёвсиз эзган, қийнаганлигини тушунилади. Ҳар қанча қийнаса ҳам унинг оёққа туриб олиши ва мустақил ҳаёт қуриб кетишига имкон туғдирса ундей қийноққа чидаса бўлади, албатта.

Узум дараҳтини баҳорда ва кузда ҳомтот қилиб турилганидек лавозимдаги шахсларни ҳам ҳеч бўлмаганда бир йилда бир марта йўл қўйган камчиликларини тўғрилашга оид сухбат қилиб турадиган устозлари ёки яқин дўстлари бўлгани маъкул.

Маънавиятли инсон тўйда ҳам, маъракада ҳам ўзини бирдек тутишга уринади.

Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси, умрнинг ҳар дамини ғанимат деб биладиган ва ундан ижобий хулоса чиқарадиган одамда маънавият белгиси бор деса бўлади.

Танасининг у ер бу ери оғриганда оҳ-воҳ қилиб, соғайганда эса уни эсидан чиқариб юборадиган инсон маънавиятдан узоқдир.

Гул инсонга рух бағишлайди, гўзаллик эса шодлик ва баҳт бағишлайди.

Ногирон инсон умрининг охиригача ногиронлигим йўқолса уни бундай, буни бундай қилиб юборар эдим деб орзу қилса, соғлом одам агар кўп бойлигим бўлса уни бундай, буни ундай қилиб юборар эдим деб орзу қиласи экан.

Инсон ёшларга ақл ўргатиш учун ўзи босиб ўтган йўлдан олган сабокларини таҳдил этта олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Айрим ўқувчи, талабаларни тўтиқушга ўхшатиш мумкин, чунки улар айрим фикрларни унинг мазмунини чакмай ёддан, кўр-кўронга айтиб берадилар.

Агар инсон ўз организмини қандай яхши ва мураккаб тузилганини била олганида ўз организмини билиб-бilmас шунчалик қийноққа солмас эди, яъни кам ҳаракатланиш, ҳаддан ташқари кўп овқат истеъмол қилиш, кераксиз нарсаларга асабни қийнаш, керагидан ортиқ ухлаш ва шу кабилар.

Ҳар бир инсон түғилганда Худойберди Тўхтабоев ибораси билан айтилганда қўйидаги туйғуларга эга бўлар экан:

- Адолат туйғуси;
- Ҳақиқат туйғуси;
- Маънавият туйғуси;
- Камоллик туйғуси.

Тарих шу нарсадан далолат бераятики, санаб ўтилган туйғулар ҳар хил одамда турлича акс этар ва ривожланар экан. Ушбу

түйгуларнинг қайси инсонда қайси бири ривожланиши жуда кўп олимларга жумладан инсон ирсиятига, яшаш шароитига, ота-она тарбиясига боғлиқ бўлар экан.

Карияларнинг гапига караганда, энг оғир касаллик қариликдир. Уларнинг фикрича, қариганингдан сўнг хоҳишингни амалга оширувчи омиллардан маҳрум бўлар экансан: кучинг-қувватингдан айриласан, қулоғинг яхши эшитмайди, кўзинг яхши кўрмайди, бардам юра олмайсан, тишингдан айриласан, ахборотни сақлаб қолиш қобилияти йўқолади, сўзларни дона-дона қилиб гапира олмайсан, ўзингни ўзинг эплашинг қийин бўлиб қолади ва шу кабилар. Энг ачинарлиси бошқа одам хизматига зор бўлиб қоласан. Ушбу мuloҳазаларнинг ҳаммаси тўғри. Бу табиий ҳол. Бироқ қаришнинг жуда кўп омиллари бор. Асосийси ташвиш, бетартиб яшаш, ҳаётдаги энг зўр нарса бўлган келажакка ишончни, руҳий тетикликни йўқотиш бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун қариялар билан бўладиган муносабат ва сухбатларда (айниқса, фарзандлари) ўта нозик бўлишлари талаб этилади.

Карияларга овқат ўрнига ширин сўз, табассум, мулойимлик, иложи бўлса унинг ўтган ҳаёти ҳақидаги қисқа мароқли сухбатлар керак. Қизиқ жойи шундаки, қарилик касали ҳар бир инсоннинг пешонасига ёзилган дардdir. Қарилик даражасига эсон-омон етиб боришинг ўзи катта баҳт, албатта.

Ривоятга караганда бир одам кайфияти йўқ бўлиб ўтирган экан, ўтиб кетаётган авлиёга ҳасрат қила бошлабди. Шунда авлиё унга караб «кўй ҳасрат килаверма, агар ўлиб қолсанг ушбу ёмон кайфиятдан ҳам айриласан», деган экан. Хулоса: яхшими, ёмонми ҳар бандани қариликка етказсин.

Лукмони ҳакимдан сўрадилар:

- Ул қандай оловки, ўз ёқувчисини куйдиради?
- Ҳасад.
- Ул қайси бинодурки ҳароб бўлмас?
- Адолат.
- Ул қандай аччиқликки охири ширин бўлур?
- Сабр.
- Ул қандай ширинликки охири аччиқ бўлур?
- Тезлик.

Ҳайрлик ишни қарамоғингдагилардан бошлагин.

Ўнгингни чапингга ёмонлама.

Очиқ кўзнинг юмуқ кўзни асрани катта бойлиқдир.

Омонатни ўлжа, садакани жарима деб тушунмас экан умматим ичра доимо яхшилик барқарордир.

Ақлнинг боши иймондан сўнг ҳалқ билан муроса қилишдадир.

Йўл ўртасида ўлтирма, гап ёқмаса ерга кара, саломга алик ол, адашганга йўл кўрсат, заифга ёрдам бер.

Бир-бирингизга ҳадялар қилинг, бир-бирингизни севасизлар.

Қадрини билган ҳалок бўлмайди.

Камситилган кучли одамга, омади кетган бойга раҳм қилинг. Сўнгра жоҳиллар орасида қолган олимга ҳам.

Ўлимни тез-тез эсланг.

Моли кетса ҳам гапининг субутини сақлаган одамга неъматлар бўлсин.

Болага болаларча муомала қил.

Ўзини енгган зўр.

Одамларга раҳмат айтмаганга Аллоҳ раҳмат айтмайди.

Одамларни рози этиш, англаш қийин фалсафадир.

Таомларнинг ёмони – корни очларни қолдириб, корни тўклар-гина чақирилган тўй зиёфатидир.

Ҳалол ризқ топиш ҳар бир мўмин учун возибдир.

Ёнаётган ўт ўтинни қандай кемирса, бирорларни кўра олмаслик ва ҳасадгўйлик савобларни ҳам шундай қийратади.

Ёши улуғларга ёшлар турлича мұомалада бўладилар ва нафакат ёшлар, инсон ёши улуғлашиб борган сари куч-куввати, ташабуси, ҳатти-харакати сусайиб боради. Бирок ҳаёт тажрибаси ошиб бораверди, ҳаёт сабоклари кўпаяди. Лекин ушбу жараён ҳар хил инсонда турлича содир бўлади. Шунинг учун ёши улгайганлар учун меҳнат фаолиятини чеклаб қўйишда ўта нозиклик талаб этилади. Хуллас, ҳар бир инсонда худо берган истеъдод ёш билан белгиланмайди.

Мисоллар:

-Рим сенатори Марк Катон 80 ёшга чиққанида юон тилини ўрганган экан.

-Сократ 70 ёшида жуда кўп мусика асбобларини мукаммал чалишни ўрганган экан.

-Микиланжело ўзининг дунёга машҳур асарларини 80 ёшида яратган экан.

-Гёте 80 ёшида «Фауст»ни тугатган экан.

-Немис тарихчиси Леопольд Ранке ўзининг «Дунё тарихи» асарини 91 ёшида тугатган экан.

-Исаак Ньютон 85 ёшида чарчамас фаолият билан банд бўлган.

-Лев Толстой 83 ёшида ҷалғи билан беда ўришда ёшларни орқада қолдирган. Шу улуг ёшда конъкида учеб, велосипедда юрган, от минган ва бир оёғи билан 40 марта ўтириб турган.

-Машҳур композитор ва дирижёр Игорь Стравинский 88 ёшигача ижод билан шуғулланган.

-Шоир Беранже 77 ёшгача, Виктор Гюго 83 ёшигача, академик Иван Павлов 87 ёшигача, қадим юон драматурги Софокл 90 ёшигача, Диоген ва Демокрит философлар, Тициан ва Микаланжело 90 ёшга яқинлашгунча ижодий иш билан шуғулланганлар. Бернард Шоу 94 ёшигача, академик Восил Қобулов 89 ёшигача, академиклар Т.Р.Рашидов 80 ёшида, Ф.Б.Абуталиев 80 ёшида, И.Искандаров 81 ёшида, Ж.А.Абдуллаев 83 ёшида, Н.Р.Юсупбеков 74 ёшида, Т.Ф.Бекмурадов 79 ёшида, Р.А.Зохидов 75 ёшида ва шу каби кўп олимларимиз С.Ю.Юнусов, С.Х.Сироҗиддинов, М.Хайруллаев, С.Саримсоқов, А.Азимов, Б.Бондаренколар ёшлари улуг бўлишига қарамай фаоллик ва шиҷоатда ёшларга ўрнак бўлиб келганлар. Акл ёшда эмас бошда дегандек, шиҷоат, фаоллик ёшда эмас маълум ва улуг мақсад йўлида хизмат қилишдадир.

Маданиятли одам деганда нимани тушуниш мумкин:

-шошмайдиган;

- юзи, күзи, бурнини сұхбат вактида үйнатмайдыган;
- енгилтак, ёкимсиз хазиллар қилмайдыган;
- бұлар-бұлмасга қиқир-қиқирлаб ёки хахолаб кулавермайдыган;
- ота-онаси олдидә сочини тараф пардоз-андоз қилмайдыган;
- бошқа бир одам гапираётганида уни гапи тугамасдан гапига аралаш-майдыган ёки гапини тұхтатиб қўймайдыган;
- бирор фикрни баён этишдан олдин чуқур үйлаб сўнг сўзлайдыган;
- аэропортда, вокзалда ва шу каби жойларда (магазинда, метрода, бозорда) навбат билан бориладыган жойда сукунат ва оралиғи таҳминан 30 см масофа сақлаб туриш тартибини бузмайдыган;
- бировни алдамайдыган. қаллоблик қилмайдыган;
- ғийбат билан шуғулланмайдыган;
- манманлик, шон-шуҳратдан узок;
- каттани ҳурмат, кичикни иззат кила оладыган;
- инсонни бойлиги ва кийган кийимиға қараб әмас, унинг ички ҳиссиётига қараб ҳурмат қиладыган;
- овқат истеъмол қилишда оғиздаги масаллиқни чайнаб бўлмасдан оғзига навбатдаги масаллиқни солмайдыган;
- овқатни чайнаб туриб гапирмайдыган;
- бировларга ўқраймасдан, лабини бужмайтиrmасдан табассум билан қарайдиган;
- олдига қўйилган овқатни ўрнатилган тартиб(этикет)да истеъмол қилишни биладыган;
- овқат исътемол қилишдан олдин албатта қўлни совун билан ювадиган;
- овқатланишда қўл артиш сочиғи билан пешонадаги, бўйнидаги терларни артмайдыган;
- хар куни тунги уйкуга кетишпдан олдин тишин тозалайдыган;
- хизматдан уйга қайтганидан сўнг оёқ пайпоги ва қўл рўмолчасини чайиб қўя оладыган;
- тантанали йиғилишлардаги овқатланиш вақтида бировнинг олдидан овқат олиб емайдыган;
- суюқ овқат, чой, сок, сувлар ичаётганды шошилмаслик, ортиқча товуш чиқармасликни биладыган;
- юрганда кийқонламасдан, лапонг-лапонг этиб юрмасдан, тўғриға қараб юрадыган;
- қўпол муомала қилмайдыган;
- ўз манфаатини бошқалар манфаатидан юқори тутмайдыган;
- шохона әмас оддий, содда кийинадыган;

- аввал оиласи аъзоларини кейин бошқаларни ўйлайдиган;
- Алишер Навоийнинг «Иzzат истасанг кўп дема, сиҳат истасанг кўп ема», деган нақлига итоат этадиган;
- кўпчилик орасида тананинг рухсат этилмаган жойларини намойиш этмайдиган;
- уїда, машинада кетаётганда, меҳмонлар қуршовида ўтирганда телевизор, радио товушини баланд қилиб қўймайдиган;
- ўзини, яшаётган ўйини, хизмат хонасини тоза ҳолда саклай оладиган;
- бошка бир инсон билан кўл бериб қўришганда катта куч ишлатмайдиган;
- аёл киши кўл узатмаса муттаҳамлик қилиб унга кўл узатмайдиган, чўллп этиб уни ўпишга ҳаракат қилмайдиган, иложи бўлса ўнг кўлини чап қўқрагига қўйиб тура оладиган;
- шайтонлик қилишдан узоқ бўлган;
- озгина қилган яхшилигини ҳаммага кўз-кўз қилмайдиган;
- йўқ ёки бўлмаган нарсани бор деб ишонтиришга уринмайдиган;
- кўпчилик олдида айрим шахсларга сифинмайдиган;
- мен ҳаммадан ақллиман деб айюҳаннос солмайдиган;
- ўзига ёкмаган шахсни кўпчилик олдида менсимай танқид қилмайдиган;
- лавозимга эришиш учун лаганбардорлик қилмайдиган;
- имкон қадар аёллар ҳурматини жойига кўя оладиган;
- ота-онасини тириклигида ҳурматини жойига қўйиб, ота-онаси вафот этганидан сўнг дабдабали эҳсонларга эътибор бермайдиган;
- бола-чакалари тўйларини шохона қилиб ўтказишга ружу кўймайдиган;
- ҳаёти мобайнинда кўпроқ адабий асарларни ўқийдиган;
- бўш вактини руҳан пок инсонлар билан ширин, самимий сухбатларда ўтказадиган;
- ўзидан моддий томондан кучсиз ва лавозими бўйича пастроқ инсонларга раҳмдиллик ва ёрдам бериш ҳисси билан яшайдиган;
- олдига улуг мақсад қўйиб, ушбу мақсадга камтарона интиладиган;
- дунёга яаш учун бир марта келганини унутмайдиган;
- вафотидан сўнг авлодларига яхши ҳулқ, одоб ва намунавий васият колдира оладиган;
- инсон шахсига тегувчи гап ва сўзлардан ўзини тия оладиган;
- сабр ва токатга эга бўлган;
- қўни-қўшниларга ҳурмат билан карайдиган;
- ёнига мўмай пул ёки бошка бойлик тушиб колса бошка одамларни менсимай кўймасликни одат қилмайдиган;

-майда-чуйда, икир-чикирларга асабийлашмайдиган;
-бошкаларга нисбатан шайтонлик қилмайдиган;
-хазил мутойибани түрти тушунадиган;
-иймон ва эътиқод эгаси бўлиб, кучли ирода эгаси бўлган;
-азада, маърака, эҳсон, амри-маъруфларда ҳазил-хузул қилмайдиган;
-метро вагонлари, автобус, трамвай, троллейбуслар эшигидан чикаётган, тушаётган фукоролар учун йўл очиб берадиган;

-купчилик олдида оғзини очиб эснамайдиган. баланд товуш билан аксирмайдиган;

-рафикаси, фарзандларига зулм қилмайдиган ва уларни ҳаддан ташкари талтайтириб юбормайдиган ҳамда шу каби катор яхши хислатларга эга бўлиб ёмон хислатларга қарши кураша оладиган;

-жамоат жойларида кавш кайтарадиган мол сифатида сакич чайнамайдиган;

Айтиб ўтилганлардан маданий одам ўта камсукум, камтарин, ҳамманинг олдида шахсий фикрга эга бўлмай елкасини кисиб юрадиган бўлиши керак, деган хулоса чикариш керак эмас албатта. Андишани отини кўркок дегувчилар учун юриш-туришига, муомаласига караб жавоб бериш ҳам керак, бу айб эмасдир.

XXI. ИБРАТОМУЗ ЛАВҲАЛАР

Мансаб билан баландмас одам,
Мансаб одам билан мухтарам.

Абдураҳмон Жомий.

Кимнинг иши бўлса ақлга пайванд,
Тақдир юлдузидан нолимас ҳар чанд.

Абулқосим Фирдавсий.

Ақл измидан ҳеч маҳал чиқмагил,
Пушаймондан азоб чекади кўнгил.

Абулқосим Фирдавсий.

Қуёш чикса уфқда зиё бўлур, бил,
Киши доно бўлса, дарё бўлур, бил.

Носир Хисрав.

Доно сухбатидан сира қочмагил,
Таъсирин ўтказар сенга ҳам у тил.

Носир Хисрав.

Нодон бўлганидан сенга дўст-ўртоқ,
Донодан душманинг бўлган яхшироқ.

Носир Хисрав.

Шундай ишни қил, кўтарсан ҳолат,
Келтирмасин у сенга хижолат.

Низомий Ганжавий.

Икки киши орасига ўт ташлар кези,
Бу ўртада ақлсизнинг куяди ўзи.

Саъдий Шерозий.

Орзу тилак йўли меҳнат тагида,
Хазинанинг мўли меҳнат тагида.

Абу Шукур Балхий.

Косибдан шоду ҳуррам йўқ жаҳонда,
Хунардин яхши дур ҳам йўқ жаҳонда.

Носир Хисрав.

Иzzат истасанг кўп дема,
Сиҳат тиласанг кўп ема.

Алишер Навоий.

Осонликча келмас шодлик фароғат,
Меҳнатсиз қозонмас ҳеч киши шуҳрат.

Фахриддин Гургоний.

Қийинчилик чекиб, одам ҳур бўлур,
Садафда камалаб, қатра дур бўлур.

Умар Хайём.

Ким машаккат чекди-топди ғазна ҳам,
Ким тиришқоқ бўлди-кўп топди қарам.

Жалолиддин Румий.

Ҳаракат бўлмаса бўшаб кишани,
Орзуга етолмас полвонлар тани.

Саъдий Шерозий.

Ўз меҳнатидан нон еган киши,
Ҳотам миннатидан озод ёз-қиши.

Саъдий Шерозий.

Ҳар тирик жон агар қилса ҳаракат,
Ҳаракатга қараб топар баракат.

Саъдий Шерозий.

Бир жойда ўтиранг, насибанг топиб маҳол,
Сув ва дон кетидан юр тегирмон тоши мисол.

Сайидо Насафий.

Ҳар кимки бекордир,
Бу оламда хордир.

Садриддин Айний.

Хунар бирла ақлинг бириккан ҳамон,
Ҳар иш бу жаҳонда юришгай равон.

Абулқосим Фирдавсий.

Отангга бўлмагил арзанда, банди,
Бандидан чиқиб, бўл ҳунар фарзанди.

Абдураҳмон Жомий.

Ҳеч кимга ялинимас ҳунарли инсон,
Ризқин ўз боғидан топади боғбон.

Сайидо Насафий.

Инсоннинг қиммати эмас симу зар,
Инсоннинг қиммати илм ҳам ҳунар.

Абдуқодир Бедил.

Илмдан яхшироқ ҳазина бўлмас,
Қўлингдан келгунча тера олсанг бас.

Абу Абдулло Рудакий.

Билиминг осмонга етган бўлса ҳам,
Бошқалар илмига қулоқ сол ҳар дам.

Абу Шукур Балхий.

Илм ўрганмай, яхшилик қилиб бўлмас хеч.

Носир Хисрав.

Жаҳолат – ўлимдир, билим – тириклик.

Носир Хисрав.

Насихатим ол, эй ўглим, якбор,
Ота пандидан бўлгил ҳосилдор.

Носир Хисрав.

Агар тарбият кўрмаса одам,
Эшак бўлиб қолур юзга кирса ҳам.

Саъдий Шерозий.

Ҳарчанд ўқибсан – билимдонсан,
Агар амал қилмадинг, нодонсан.
Устига китоб ортилган эшак –
На олим ва на донодир бешак.

Саъдий Шерозий.

Кимки билимсизлик зиндонида гум,
Гадодир тиллоси бўлса ҳам юз хум.

Хисрав Дехлавий.

Илмни ўғри ҳам ўғрилаёлмас,
Илмни ажал ҳам олиб кетолмас.

Рукнииддин Авҳадий.

Тунлар бошдан-оёқ уйкуда ўтса.
Ажабмас ярим умринг беҳуда кетса.

Абдураҳмон Жомий.

Аввал ғиштин қийшиқ қўяркан меъмор,
Юлдузга етса ҳам қийшиқдир девор.

Абдуқодир Бедил.

Нодонликдан ёмонлик келади фақат,
Нодонга ёндошма, босмасин ғафлат.

Абулқосим Фирдавсий.

Қариндош бўлса ҳам жоҳил, кеч андин,
Етар кўп роҳатидин заҳмати, чин.

Носир Хисрав.

Доно сухбатидан бош тортса нодон,
Даврондан яхшилик кўрмас ҳеч қачон

Абдураҳмон Жомий.

Ибодат- асли ҳалқа хизмат қилиш,
На масжит, на жойнамозда бу иш.

Саъдий Шерозий.

Эй, энг яхши одам ким, деб сўраган,
Айтайнин, ким бўлур энг яхши одам.
Энг яхши одам шу – кимдан ҳалқига
Қандайдир наф тегар, ҳар куну ҳар дам.

Абдураҳмон Жомий.

Үгилни отага ўхшатар жаҳон,
Бу иш ошкора ва ёки пинҳон.
Агар ерга урса ота номини,
Кеч ундаи үгилдан, дема номини.

Абулқосим Фирдавсий.

Кексаларни этсанг азизу ҳурмат,
Сени ҳам кексайгач этишар иззат.

Фарииддин Аттор.

Ахил бўлса олов ичра ҳам инсон,
Ахил кишиларга олов ҳам осон.
Ноахил кишилар сухбатидан қоч,
Ноахил сухбати ёмондин ёмон.

Умар Хайём.

Синамай биронни дўст тутсанг,
Нолима шу дўстдан кон ютсанг.

Абу Шукур Балхий.

Вафода ўхшама булбулга асло,
Ҳар он ул ўзга бошида шайдо.

Носир Хисрав.

Дўстлик садоқатга белингни боғла,
Кина-маломатдан тилингни боғла.

Саъдий Шерозий.

Ким айбингни айтса, у дўстинг ишон,
Ким яшириб юрса, заҳарли илон.

Рукнииддин Авҳадий.

Ҳар ким билан ошнолик истама,
Ҳар ошнодин рўшнолик истама.

Абдураҳмон Жомий.

Ўз нафсингга бўлсанг амир, мардасен сен
Кўру карни этмас таҳқир, мардсен сен.
Мард тепиб ўтмайди йиқилганларни
Улар қўлин тутгил, бир-бир мардсен сен

Абу Абдулло Рудакий.

Она насиҳатин қуйволсин қулоқ,
Дунёда ёмонлик истама мутлоқ.
Бағрида ўстириш жонидан азиз,
Жонингдек азиз тут кечаю кундуз.

Абулқосим Фирдавсий.

Икки юрак қўшилган замон –
Тоғларни ҳам этади талқон.

Низомий Ганжавий.

Кўп бил душман агар битта бўлса ҳам,
Дўстинг мингта бўлса, жуда камдир, кам.

Абу Абдулло Рудакий.

Синамай кишини тутмағил хамроҳ,
Дўстинг мингта бўлса, жуда камдир, кам.

Абу Абдулло Рудакий.

Дўстим қолсин десанг мангу дўст бўлиб,
Сўзлагил сен таъбу одатин билиб.

Абулмажид Саноий.

Икки кишидан сир бекитма зинҳор,
Бири яхши табиб, бири-садик ёр.

Фаридиддин Аттор.

Дўстларинг кўпаяр фаровонликда,
Уларни синаб кўр нотавонликда.

Хисрав Дехлавий.

Ҳақиқий дўстга жонингни фидо қил,
Ва лекин, дўсту душман фарқини бил.

Абдураҳмон Жомий.

Эй биродар, ёлғон гапирма зинҳор,
Ёлғончи бўлур хору безътибор.

Саъдий Шерозий.

Одобсиз юз киши билан ҳам ёлғиз.

Шоҳид Балхий.

Димоғ чоғлиқ, тан сиҳатлик бўлса бас,
Шу иккиси бахту иқбол ҳам ҳавас.

Абулқосим Фирдавсий.

Парилардек покдир яхши табиат,
Ёмон хулқ дев каби барчага офат.

Асадий Тусий.

Керак бўлса обрӯ оламда,
Яхши ахлок бўлсин одамда.

Фаридиддин Аттор.

Бошида ҳаёси бўлған ҳар инсон,
Исмати биландир ўзига посбон.

Бадриддин Ҳилолий.

Сўз кучидан йиқилур минбар ҳам, дор ҳам,
Сўз бирла чикар индан илон-мурдор ҳам.

Абу Шукур Балхий.

Ҳар ишда яхшидир юмшоқ сўзлассанг,
Яхшимас бошидан жанжал кўзлассанг.

Абу Шукур Балхий.

Агар кимнинг тили сўзламаса юмшоқ,
Кўпол сўзни асло эшитмас қулок.

Абулқосим Фирдавсий.

Аввал ўйлангиз, сўнгра сўйлангиз,
Девордин аввал кўйилур негиз.

Саъдий Шерозий.

Айтмаган сўз айтилганча бўлолмас,
Айтилган сўз ҳеч яширин қололмас.

Носир Хисрав.

Агар истамасанг ўзингга зарап,
Тилинг ёмон сўздан тийгил, биродар.

Носир Хисрав.

Нокасдан сир бекит, тилингни боғла.
Аблаҳдан яширин бўлмоқни чоғла.

Умар Хайём.

Бўшамаса тили ғибатдан,
Бўшамайди дил уқубатдан.

Фаридиддин Аттор.

Киришмоқчи эсанг ҳар қандай ишга,
Охирин ўйлаб кўр, колма ташвишга.

Носир Хисрав.

Бирор ишга кирмак истаганинг дам,
Чиқиш йўлин кўзлаб, сўнг ташла қадам.

Носир Хисрав.

Аччиқдир сабр кил деган панд,
Аммо сабр қилсанг бўлур қанд.

Носир Хисрав.

Айблама бировни андиша қилмай,
Ўз айбингни дўстим, яхшиrok билмай.

Носир Хисрав.

Кимнингки, бор эса, бир бурда нони,
Ўзига яраша уй-ошёни,
На биров унга кул, на у бировга,
Айт, шод яшайверсин хушдир замони.

Умар Хаём.

Ўғлим, тотимагил баҳил нонидан,
Узоқ бўл баҳилнинг дастурхонидан.

Фаридиддин Аттор.

Сабр қилган бўшар ҳар банддан охир,
Бандларнинг калиди сабрdir, сабр.

Низомий Ганжавий.

Агарчи эсанг қанчалик паҳлавон,
Урушдан яраш яхшидир ҳар қаҷон.

Саъдий Шерозий.

Хусуматга кўп куч сарф этма,
Тинчлик йўлидан жиндак ҳам кетма.

Абдураҳмон Жомий.

Яхшилик ва сулхга интилар доно,
Жаҳолат, жанжалга интилар нодон.

Абу Абдулло Рудакий.

Биродар бу дунё ҳеч кимга қолмас,
Қолур яхши номинг жаҳонда, шу бас.

Абулқосим Фирдавсий.

Беморга малҳамдек ҳаёт бағиша,
Чорасиз қолганга нажот бағиша.

Носир Хисрав.

Кишини ранжитмок жуда ҳам енгил,
Кўнглин олмок эса, ундей эмас, бил.

Носир Хисрав.

Ғамгин қаро кунда ким сенга ёр,
Шодлик кунингда ҳам унутма, зинҳор.

Фарииддин Аттор.

Нокас келдими ишнинг бошига,
Бормагил тилак бирла қошига.

Фарииддин Аттор.

Яхшилик кетидан агар чопарсан,
Истагинг, бахтингни шунда топарсан.

Саъдий Шерозий.

Яхшига яхши бўл, ёмонга ёмон,
Гулларга гул бўлгин, тиконга тикон.

Саъдий Шерозий.

Ёмон ё яхшилик қилғай ҳар киши,
Шу ёмон, яхшини топмоқдир иши.

Абу Али ибн Сино.

Юзсиз кишига юзлансанг, эсиз,
Ўзинг ҳам охир бўласан юзсиз.

Носир Хисрав.

Кимки ёмон ишни билади раво,
Ўз қилмишидан топади жазо.

Хисрав Дехлавий.

Нимани ўзингга кўрмасанг раво,
Бошқага хам асти бўлмайди даво.

Хисрав Дехлавий.

Аёл, бил, лутфу ҳимматга сазовор,
Гўдакдек меҳру шавқатга сазовор.

Носир Хисрав.

Ёрсиз йўл бўлмайди равон,
Сув бўлмаса-сув оқарми, қачон.

Абулмажид Санойй.

Бир қўл икки ишни қилолмас якбор,
Бир дилга сифишимас ҳечам икки ёр.

Абдурахмон Жомий.

Хоҳи подшоҳу хоҳи чоракор,
Ёлғончи бўлса гар-хунук ҳамда хор.

Абулқосим Фирдавсий.

Ёлғончига кўргизмагил каромат,
Ундан узокрок бўл соғу саломат.

Носир Хисрав.

Ҳаддидан ошмасин орзунинг кўпи,
Тоғни кўтаролмас бир сомон чўпи.

Жалолиддин Румий.

Қаноат кишини қудратли қилур.

Саъдий Шерозний.

Меҳру кина бир-бирига ковушмас.

Фаририддин Гургоний.

Биродар, фийбатга берилма сира,
Фийбатчи юzlари қорадир, кора.

Камолиддин Биноий.

Ҳасад барча хислат, нуқсондан ёмон,
Ҳасад аҳли барча ёмондан ёмон.

Камолиддин Биноий.

Ҳасадни заиф деб ўйлама, бекор,
Ханжардек бурро, у ханжардек хунхор.

Абдуқодир Бедил.

Камхўралик ҳамма дардга даводир,
Аслда дардга парҳездан шифодир.

Бадриддин Ҳилолий.

Соғлиқни қилсанг ҳавас,
Оз овқат еб, айла бас.

Камолиддин Биноий.

Очофатлик бошга бало көлтиур,
Нафс тийиш роҳат-даво көлтиур.

Абу Абдулло Рудакий.

Кўп емакни одат айлама якбор,
Охир дилу жонинг бўлади ағфор.

Носир Хисрав.

Зориқма хасислар сұхбат-нонига,
Ишонма нокаснинг аҳд-паймонига.

Абулмажид Саноий.

Оч ичакни тўйғизар битта ноннинг овқати,
Оч кўзни тўйдиролмас бутун олам неъмати.

Саъдий Шерозий.

Бошқалар молига кўнгил қўймагил,
Сўнгра кўнгил узмоқ жуда ҳам мушкул

Саъдий Шерозий.

Ким агар жаҳонда бахил бўлиди,
Халқ наздида хору залил бўлиди.

Камолиддин Бииоий.

Майни меъёрида ичган яхшироқ,
Кўп ичсанг ақлга тушади ямок.

Асадий Тусий.

Майхўр кишига ҳеч бўлма ошна,
Ундейлардан узоқ юрганинг авло.

Фаридиддин Аттор.

Дунё-илон, илонбоздир дунё қидирган,
Илонбоздан қасдин олур илон оқибат.

Абу Абдулло Рудакий.

Дардини табибдан бекитган инсон,
Кўзидан ёш эмас, охир оқар қон.

Абулқосим Фирдавсий.

Агар киши бўлса касал,
Бемазадир унга асал.

Носир Хисрав.

Табиб бўлса агар ақлли, доно,
Тутқалоққо истамас жиннидан даво.

Абулмажид Саноий.

Ўзгалар айбига тетик назар сол,
Ўз айбинг кўргандек, ундан ибрат ол.

Низомий Ганжавий.

Хар неки бебаҳодир,
Күнгил бермак хатодир.

Саъдий Шерозий.

Ахмокка мақтөв ёқади.

Саъдий Шерозий.

Нокасга йўл кўргазмоқ –
Кўрга чироқ тутмоқдир.

Саъдий Шерозий.

Ким сенга бошқалар айбин гапиргай,
Бошқалар олдида сендан лоф ургай.

Саъдий Шерозий.

Йигитликда йиғ илмни маҳзанин,
Қарилик ҷоғида харж қилани.

Кишиким қисса олимларга таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарларга таъзим.

Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Хар не истарсен –ўзингдан истагил.

Ки ҳар ким аён айлар яхши қилик,
Етар яхшилиқдин анга яхшилик.

Кимки, улуғроқ анга хизмат керак,
Кимки, кичикрак анга шафқат керак.

Киши таълимдан топса малолат,
Топар илм аҳли олинда хижолат.

Яхшилик қила олмасанг,
Бори ёмонлик ҳам қилма.

Билаги зўр бирни йиқар
Билими зўр мингни йиқар.

МАДАНИЯТЛИЛИК

Маданиятли бўлиш, ширинсуханлик – инсон ҳуснининг шартла-
ридандир. Булариз инсонда на гўзаллик бору ва на абадийлик.
Дарҳақиқат, ҳар бир одам хулқ-атвори, хатти-харакати, юриш-

туриши, ўзини тутиши, демакки, маданий савияси жиҳатидан эл орасида ё яхши, ё ёмон ном қолдиради. Ҳурмат билан тилга олинишига ҳам, нафрат билан юз ўғирилишига ҳам одамнинг ўзи сабабчи. Одам боласи эса дунёга фазилати, адолати, маданияти билан бошқаларга ибрат бўлиш, уларни яхши йўлдан эргаштириб бориш учун келади.

Яхши фазилат шундай улуғ нарсаки, уни одам ҳаётининг маънавий хазинаси деса бўлади. Бу хазинада инсон ҳуснининг дурдоналари сакланади. Бу дурдоналарни ҳар бир одам ўзи биттабиттадан териб, ҳусн хазинасига келтириб тўкади. «Инсон» деганда биз шу маънавий бойлик хазинасининг ажойиб соҳибкорларини тушунамиз.

«Маданият» бозорда сотилмайди. шунингдек, етуклик шаҳодатномасига ёки дипломига «Бу киши маданиятли», деб ҳам ёзилмайди. Бу юксак ҳуқуқни одамга унинг ҳаётда тутган ўрни, меҳнати, ҳулк-атвори беради.

Ҳаётнинг ичига кирган киши, эл ичидаги бўлиб, эл билан юрган киши халқимизнинг ажойиб маданиятини кўрмай, бу инсоний маданият неча асрлардан бери авлоддан авлодга ўтиб келаётганини пайкамай иложи йўқ. Инсон илми ё ижтимоий мавқеидан, ёши, ё касб-коридан қатъи назар, ҳар кунни, балки ҳар соат одамлар билан муомалада бўлади. Одамлар жамоасидан айри яшаш мумкин бўлмаганидек, хизмат бурчи ё турмуш эҳтиёжи билан ҳам одамларга рўпара келмасликнинг иложи йўқ. Бу эса, одам иши одам билан битади, деган сўз, лекин бу иш ширин битадими ё аччиқ – буниси муомала эгасининг ҳулк-атворига, қўпол ё мулоийим муомаласига боғлиқ. Нимага десангиз, ширин муомала билан битмайдиган иш ҳам битади, қўпол муомала билан эса битдиган иш ҳам битмай қолиши мумкин. Лекин бу гапимиздан: «Факат ишни битириб олиш учунгина хушмуомалада бўлиш керак экан-да», деган холоса чиқмаслиги керак, албатта. Рост-да, инсонни чинакам инсон қиласидан нарса унинг яхши фазилатлари бўлса, хушмуомалалик шу яхши фазилатларнинг энг муҳим шартларидан биридир. Бундек ўйлаб қаранг-а, одамнинг яхши ё ёмонлиги, ахлоқи ё ахлоқсизлиги, маданиятли ё маданиятсизлиги, шафқатли ё шафқатсизлиги, соддалиги ё кибру ҳаволилиги юриш-туришидан ҳам олдин муомаласидан билинади. Шунинг учун ўз қадру-қимматини билган одам энг аввал муомала одобини ғамини ейди.

Инсониятнинг муомала куроли тил бўлиб одамлар бир-бирлари билан бўладиган барча муомала ва мулоқотларини сўзлашиш

ёрдамида амалга оширади. Одамнинг шарафи ва ифтихори унинг маданиятли сўзлашишидир.

Азизларим, тилга эҳтиёт бўлинглар! Киши дилини оғритадиган, кўнглини қолдирадиган, иззат-нафсига тегадиган, ор-номуси, шаънини оёқ ости қиласидиган сўзни хеч сўзламанглар. Ҳамма вакт шириңсўз бўлинглар, тилларингиздан доимо яхши сўз чиксин. Чунки тилдан етган озор найза озоридан ёмондир.

Маълумки, юкорида ишора қилиб ўтганимиздек, одам боласи дунёда якка-ёлғиз яшамайди, яшай олмайди ҳам. Бу одамзод пайдо бўлганидан бери давом этиб, кун сайин кучайиб бораётган бир ҳақиқат. Инсон онадан туғилгандан бошлаб бутун умрини, бутун ҳаёт фаолиятини жамият ичида, одамлар орасида ўтказади. У хоҳ уйида бўлсин, хоҳ иш жойида бўлсин одамларга тўқнашмай иложи йўқ. Шунинг учун у ўзини жамиятга мос тутишга. яъни, теварагидаги одамларни хурмат қилишга. ўзи ҳам улардан хурмат кўришга интилиши керак.

КИЙИНИШ ОДОБИ

Халқимиз азал-азалдан яхши хулқли кишиларни, иболи аёлларни хурмат қилиб, уларни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатган. «Гул ўсса еринг кўрки, қиз ўсса элнинг кўрки», деган ҳикматни мантиқан олиб қарайдиган бўлсан, унда кизларнинг гулга, нафосатга қиёсланиши ва миллатнинг келажаги кўп жиҳатдан уларга боғликлигини тасдиқловчи ҳақиқат яширганлигини кўрамиз. Миллат тақдири, баркамол авлодни тарбиялаш эса аёлларга дахлдор бўлгани боис улар ҳамиша эъзозда. Мухтарам юртбошимиз: «Аёлларимизни қанчалик улуғласак, ҳаётимизнинг чироги, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиласизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз», деб уларга юксак баҳо берганлар.

Демак, Ватан, Она-юрт, жамият, қолаверса, табиатни ўзи аёлнинг нозик елкасига ўта масъулиятли вазифани юклаган экан. Ҳар бир қиз доимо «ана шу муқаддас вазифани адо этишга тайёрманми, деган савонни ўзига бериб, турмуш тарзи, қўяётган ҳар қадами, меҳнати, ўқиши шу вазифани бажаришга мувофиқми ёки йўқлигини хис этиши лозим.

Гўзал ва чиройли бўлиш – ҳар бир аёлнинг орзузи. Ўзбек қизини ҳаё, ибо сингари фазилатларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Абдулла Авлоний ҳаёга шундай таъриф беради: «Ҳаё деб ишда, сўзда адабга риоя қилмакни айтилур, ҳаё дилни равшан қиладурган бир

нурдирки, инсон ҳар вақт шу маънавий нурнинг зиёсига муҳтоҷдир. Иффатнинг пардаси, вижданнинг ниқоби ҳаёдир». Демак, ҳар бир киз ҳаёси, ибоси, андишалиги билан гўзал. Бу хислатлар уйғуналашиб унинг қиёфасига кўркамлик, олижаноблик ва юксаклик бағишлади. Гўзал ҳулк ва яхши одоб эгалари эл-юрт ичидагамиша иззат ва обру топган. Шу боис биз ёшларимиз, хусусан, қизларимизнинг гўзал ҳулк соҳиблари бўлишларини чин дилдан истаймиз.

Бугунги кунда барчани баробар ташвишга солаётган масала – бу ёшларимизнинг кийиниш маданиятидир. Либос одамнинг қай юрт фарзанди эканлигини уни кийган одамнинг ички дунёси аклу-фаросати, диди, диёнати қай даражада эканидан дарак беради. Яхшилаб разм соладиган бўлсак, дунё ҳалқлари энг катта минбарларда, қаддини жаҳон қўрадиган жойларда, ўзининг муборак кунларида миллий тили, миллий кийимлари ва миллий маданий меросларини намойиш этиб ўртага тушади. Бу уларнинг «менинг наслу-насабим бор, зотим, тарихим тайин», деганидир. Ҳар бир ҳалқнинг ўзига хос диди, орзу-истаклари ва қўнималари бор. Мана шу ўзига хосликни биз миллийлик деймиз.

Ҳозирги даврда қизлар, аёллар орасида европача кийинишининг кенг урф бўлиб бораётгани, миллийликдан тобора узоқлашиб бораётган қизларимизнинг мини юбкалар, тўрут томони чок, ниҳоятда тор қўйлаклар, тор шимлар кияётгани хусусида бош қотиришга тўғри келади. Гап бу кийимларнинг кишининг ғашига тегиши ҳакидагина эмас, балки, уларнинг қизлар саломатлигига салбий таъсири ҳакида ҳам бормоқда. Миллий қўйлаклар эса гўёки муборак парда, улар қадду-қоматларни ёмон қўздан асрраб туради. Ўз қадрини билган миллийликка амал киладиган қизларимизнинг энг катта ютуғи ўз малоҳатларини яширин тутишларидадир!

Ҳалқимизда чиройли бир нақл бор: «Либос аро бўлгунча мажлис аро бўл». Баъзи қизларимиз либосига, кийим-бошига оро беради-ю, бироқ юриш-туриш, сўзлашиб, муомала одобига риоя қилишмайди. Бундайлар шириңсўз, хушмуомала, маънан гўзал бўлишга шошилсинлар. Акс ҳолда, ҳалқ ичидаги беобру бўлиб қолишлиари мумкин.

Яхши кийиниш ўзига хос санъат. Киши бу санъатни эгаллашиб учун мода талабларига риоя қилибгина қолмай, ўз эстетик дидини ҳам узлуксиз тарбиялашиб керак. Чунки киши чиройли кийинган бўлиши мумкин, лекин у юриш-туришда ўзини тута олмаса, адл юра олмаса, кийимнинг гўзаллиги ва орасталиги кўзга кўринмайди. Ташқи

киёфага эътибор бериш ички маънавий тўзалликнинг ифодаси хисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, қизларимиз чиройли, ораста кийинса, ибо-хаё, иффат каби фазилатларни юксак билиш баробарида ўзининг мустакил фикрига эга бўлса, ҳар бир қадамини пухта ўйлаб қўйса, ён-атрофида кимлар ва қандай фикрли инсонлар борлигини яхши англаса, ҳеч қачон ўз йўлидан адашмайди. Асримиз ваболари бўлмиш наркомания, ахлоқий бузуклик каби иллатлар ҳеч қачон уларга яқинлашмайди. Ёт ғоялар уларга ҳеч қандай таъсир ўтказа олмайди. Бизнинг асосий мақсадимиз ана шундай покиза, оқила ва зукко, огоҳ ва хушёр талаба-қизларни сафимизда кўриш ва тарбиялашдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1.И.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: «Ўзбекистон», 2011.
- 2.Баркамол авлод орзуси «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. Т., 2000.
- 3.И.Каримов.Инсон манфаати хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳайтимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Т.: – «Ўзбекистон», 2012.
- 4.И.Каримов. Ўзбекистон XX асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.
- 5.И.Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фуқоролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Т.: – «Ўзбекистон», 2002.
- 6.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Тарихий хотира ва инсон омили –буюк келажагимизнинг гаровидир» рисоласини ўрганиш бўйича ўкув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Т., 2012.
- 7.И.Каримов амалга ошираётган ислоҳотларимизнинг янада чукурлаштириш ва фуқоролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Т.: – «Ўзбекистон», 2013.
- 8.И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: – «Маънавият», 2008.
- 9.Бу муқаддас ватанда азиздир инсон. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. Фофур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т.: 2010.
- 10.Буюк сиймолар, алломалар. Академик М.М.Ҳайруллаев нашрга тайёрлаган ва масъул муҳаррир. Т.: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1996.

11. Маърифат-тинчлик асоси. Тошкент ислом университети «Нашриёт-матбаа бирлашмаси», 2007.

12. Бугунги дунёнинг мағкуравий манзараси. Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитаси, республика маънавият ва маърифат кенгаши, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. Т.: «Ижодий дунёси» нашриёти, 2002.

13. Т.Курбонов. Миллий ғурур ва маданий мерос диалектикаси. Т.: «Zar qalam», 2006.

14. Маънавий юксалиш йўлида. Т.: «Манавият», 2008.

15. С.С. Қосимов, Н.А. Мўминов. Глобаллашув. ахборот уруши келиб чиқиш омиллари, мақсадлари, воситалари, шакллари ва унга қарши курашиб чоралари. Т., 2007.

16. Kasb-hunar ta'limi. Илмий-услубий журнал. 2010, 2011, 2012 йиллар. 1,2,3,4,5,6-сонлар.

17. Ўзбекистоннинг мустакил тараққиёти ва мағкуравий жараёнлар. Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитаси, республика маънавият ва маърифат кенгаши, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. Т.: «Ижодий дунёси» нашриёти, 2002.

18. Р.Ишмуҳамедов, А.Абдуқодиров, А.Пардаев. Тарбияда инновацион технологиялар. Т., 2010.

19. Н.А. Мўминов. Маънавият сабоқлари. Т.: «Фан ва технология» нашриёти. 2010.

20. Н.А. Мўминов. Таълим-тарбияда миллий истиқлол ғояси. Т.: «Фан ва технология» нашриёти, 2004.

21. Н.А. Мўминов. Кадрларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш: холати, муаммолар, ечимлар ва истиқболлари. Т., 2007 «Фан ва техника» нашриёти, 2007.

22. Н.А. Мўминов ва бошқалар. Кичик ва ўрта бизнес стратегияси. (1, 2-қисм) Т., 1999.

- 23.Н.А.Мұмінов. Үрта маҳсус, касб-хунар тизимида бошқариш масалалари. Т., «Фан ва технология» нашриёти, 2008.
- 24.Ш.Э.Курбонов, Н.А.Мұмінов. Маъруза ўқиш маҳорати. Т., 2013.
- 25.Ш.Э.Курбонов, Н.А.Мұмінов. Мустақиллик олий неъмат. Т., 2013.
- 26.Н.А.Мұмінов. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. Т, 2013.
- 27.Н.А.Мұмінов. Узбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Узбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини чуқур ўрганишга бағишлиган услубий материаллар. Т., 2009 «Unikom.UZ» нашриёти, 2009.
- 28.Ўсмир қизларнинг балоғат даври. Кўлланма бирлашган миллатлар ташкилотининг болалар жамғармаси ҳомийлигига чоп этилган) 2012.
- 29.Мустафо Қоратош. Бахтли оила саройини қураётганларга тўрт мактуб. «Насаф» нашриёти, 2010.
- 30.Турсуной Содикова. Ўғлим сенга айтаман. Қизларга аталган сўзлар. Т., «Чўлпон» нашриёти, 2002.
- 31.Сафо Сайгили. Қайнона-келин вазифалари, «Насаф» нашриёти, 2010.
- 32.Сабоҳат Бозорова. Аёлнинг эрига муҳаббатини орттирган 52 маслаҳат. «Насаф» нашриёти, 2010.
- 33.Гулбаҳор Абдуллаева, Одинахон Собиталиева. Аёлнинг эри олдидаги вазифалари. «Ноширлик ёғдуси» нашриёти, 2011.
- 34.Сулаймон Доған. Бахтли оила – бахтли фарзанд. Т., 2010.
- 35.Н.А.Мұмінов. Раҳбарлик қобиляти ва бошқарув масалалари. ТЭИС, Тошкент, 2001.

- 36.Р.Рахматуллаева, О.Отамирзаев, М.Ғаниева, У.Қаюмов.
Ўзбекистонликларнинг миллий ўзлиги. Ўзбекистон Республикаси
«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази. Т., 2004.
- 37.Амирсаидхон Усмонхўжаев. Тарих, хотира, сабоқлар. Т.,
2014.
- 38.Ҳожи Аҳмаджон Бобомурод. Ўзликни англаш саодати. Т.,
2013.
- 39.Муҳаммад Қуронов. Болам баҳтли бўлсин, десангиз (ота-
оналар учун). Т.: «Маънавият», 2013.

МУНДАРИЖА

I. Президент И.Каримовнинг «Юксак маънавият –енгилмас куч» асари ҳаммамиз учун дастуруламалдир.....	3
II. Президент И.А. Каримов асарларида маънавий-ахлоқий тарбиянинг талқин этилиши.....	8
III. Мустақиллик, ватанпарварлик мезони–фидойиликдир.....	18
IV. Ўқитувчининг шахсига ва тингловчига қўйилган касбий ҳамда одобий талабларга оид мулоҳазалар.	27
V. Устоз ва шогирд.....	34
VI. Ёшлар – юрт қаноти	39
VII. Маъруза ўқиш маҳорати.....	41
VIII.Она тили ҳақида.....	54
IX. Ахборот глобаллашув ва ёшлар маънавияти.....	58
X. Бугунги кун ёш мутахассисининг кодекси.....	72
XI. Бошқарув ва раҳбар қобилияти.....	76
XII. Амир Темур ва Алишер Навоий сабоклари (қисқача).....	104
XIII. Бозор иқтисодиёти ва одоб.....	109
XIV. Ҳадис илми ва унинг тарбиявий аҳамияти.....	112
XV. Мучал йилини ҳисоблаш усуслари.	120
XVI. Саломлашиш одоби.	124
XVII. Инсоннинг ҳаётдаги вазифалари ҳақида.....	131
XVIII. Буюк инсонлар фикр мулоҳазалари.....	138
XIX. Келин-куёвлар бахтли бўлсинлар.....	146
XX. Умр сабоклари.....	169
XXI. Ибраторумуз лавҳалар.....	299
Фойдаланилган адабиётлар.....	313

ҚАЙДЛАР УЧУН

Н.А. МҮМИНОВ

МАЊНАВИЯТ – МУСТАҚИЛЛИК ПОЙДЕВОРИ

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2014

Мухаррир: Ф.Исмоилова
Тех. мухаррир: М.Холмуҳамедов
Мусаввир: Д.Азизов
Мусаххиха: Н.Ҳасанова
Компьютерда
саҳифаловчи: Н.Раҳматуллаева

E-mail: tipografiyacnt@mail.ru Тел: 245-57-63, 245-61-61.
Нашр.лиц. А1№149, 14.08.09. Босишига руҳсат этилди 21.10.2014.
Бичими 60x84 1/16. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоги 19,75. Нашр босма табоги 20,0.
Тиражи 300. Буюртма № 165.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.
100066, Тошкент шахри, Олмазор кўчаси, 171-уй.